ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

«СОЦИОЛОГИЯ ВА ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ» КАФЕДРАСИ

Ш.А.АҲАДОВ

С О Ц И О Л О Г И Я

(Қайта ишланган ўқув-услубий қўлланма)



С А М А Р Қ А Н Д – 2012 ЙИЛ

Тақризчилар: Фалсафа фанлари номзоди, доценти, С.Х.Суюнов

Социология ва ижтимоий иш кафедраси мудири, доценти Л.Жўраев

Социология ва иқтисодиёт назарияси”кафедраси мудири доцент Б.С. Қаршиев

Маъсул мухаррир:доц. Б.С. Қаршиев

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд Давлат Архитектура-Қурилиш институти Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган

Ушбу қўлланмали маъруза матни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртлари талабалари учун Социология фани бўйича ўқув қўлланма тайёрлашга қилинган ҳаракат бўлиб, унда Социология фани, предмети, функциялари, қонун ва категориялари, вужудга келиши ва ривожланиши тарихий босқичлари, унинг жамият ижтимоий ҳаётидаги ўрни ва роли, унинг назарий, амалий масалалари, махсус соҳалари, услублари, ижтимоий жамиятдаги социал институтлар, уларнинг моҳияти, жамият ва кооперация, бирлик бирдамлик ва жамиятда бегоналашув ва унинг турлари ҳақида республикада ва жаҳондаги социал муаммолар ва бошқа бир қатор соҳалар баён қилинган.

Ушбу қўлланма қайта ишланиб Олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртлари талабалари, аспирантлари, ҳамда социология фани билан қизиқувчилардан иборат кенг китобхонларга мўлжалланган.

Муаллиф: Тарих фанлари доктори,
СамДАҚИ профессори
Ш.А.Аҳадов

КИРИШ

“Социология” фани мустақил Ўзбекистонимиз тараққиётида мустақиллик шарофати муносабати билан вужудга келган янги фан ҳисобланади. Аслида “Социология” фани фан сифатида тарихий тараққиётнинг маълум бир босқичида XIX асрнинг бошларида Ғарбий Европада мустақил фан бўлиб шаклланади. Социал қарашлар эса ғоявий таълимотлар тарзида бир неча минг йиллик тарихига эга бўлиб, дастлаб Антиқ дунёда Ҳитой, Хиндистон, Яқин Шарқ, Миср ва Марказий Осиёда илгари сурилиб ижтимоий-сиёсий ғоялар билан узвий боғлиқликда шаклланиб вужудга келган, ривожланиб тараққий этган, Антиқ дунё, Ғарб ва Шарқнинг буюк алломалари – Демокрит, Сократ, Платон, Аристотель, Конфуций (Кун-Цзы), С.Гуатама, Абу Носир Фаробий, Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб буюк социал таълимот намоёндаларининг бу соҳада хизматлари чексиз бўлган. Айниқса Хитойда “Ўн уч китоб”, Хиндистонда “Веда” ва “Упанишод”лар, Марказий Осиёда “Авесто” ва кўплаб бошқа қадимий тарихий манбаларда социал ғоявий таълимотларнинг шаклланиб ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган қимматли манбалар ҳисобланади. Мустақил фан сифатида шаклланишида эса француз олими Огюст Контнинг хизмати каттадир. Унинг 6 томлик “Позитив фалсафа курси” ва 4 томлик “Позитив сиёсат тизими” асарларида “Социология” термини биринчи бор ишлатилиб, асарлари эса фан сифатида ўқитилиб бошланади ва ҳозирги вахтда жаҳондаги кўплаб ривожланган мамлакатларида Олий ўқув юртлари, лицей ва коллежларда талабалар ўқитилмоқда. Мустақил Ўзбекистонда ҳурматли Президентимиз

И.А.Каримов ташаббуси билан дастлаб ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти қошида 1993 йилда Ўзбекистон социологларининг уюшмаси тузилди. 1994 йил 18 июл 87-01-242 сонли Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг буйруғи билан 1995-1996 ўқув йилидан бошлаб мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртларида “Социология” фан сифатида ўқитила бошланиб, ҳозирги кунда Республикамиз социолог олимлари томонидан янги намунавий дастур ва ишчи дастурлари асосида ўқув, ўқув-услубий қўлланмалар, ахборот технологиялари ўқув-услубий мажмуа ва маъруза матнлари яратилиб, талабалар фойдаланиши учун тавсия этилмоқда, ёшларимиз, талаба ёшларимиз, магистрантларимиз социал билимларга эга бўлмоқдалар. Шу билан бирга қайта ишланган ушбу ўқув-услубий қўлланмада бирқатор мавзулар ҳозирги ахборот таълим технологиясига мувофиқ семинар ва маъруза машғулотларини наъмуна сифатида берилди, бирқатор мавзулар янгича, қўшимча сифатида ушбу қўлланмага киритилди.

Ушбу “Социология” фани бўйича намунавий ва ишчи дастурлар асосида қайта тайёрланиб чоп этишга тавсия этилган ўқув қўлланмали мажмуа - ҳам ана шу мақсадда тайёрланиб, нафақат талаба ёшларга, магистрантларга, балки “Социология” фанига қизиқувчи аспирантлар, тадқиқотчилар ва кенг жамоатчилик фойдаланиш учун мўлжалланган.

I. -Мавзу: СОЦИОЛОГИЯ ФАН СИФАТИДА УНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

СОЦИОЛОГИЯ ФАН СИФАТИДА УНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Р е ж а :

1. Социология жамият ҳақидаги фан сифатида
2. Социологиянинг илмий статуси – социология фанининг предмети
3. Социология фанининг функциялари
4. Социологиянинг қонуниятлари, категориялари

1 савол. «Социология» термини лотинча сўз бўлиб, «социетас» (жамият) ва «логос» (сўзлар ва таълимот) сўзларидан олинган бўлиб, жамият, яъни ижтимоий жамият тўғрисидаги фан ҳисобланади.

Инсоният тарихи тараққиёти жараёнида кишилар жамиятни ўрганишга қизиқиш ва ҳатто ижтимоий жамиятнинг ўзига қизиқиш, унга нисбатан ўз муносабатини билдириш учун ҳаракат қилиб келинди. Ўтмишда бу ҳақда ҳар бир йирик тафаккур номоёндаси жамият ҳақида, ижтимоий ҳаёт ҳақида ўз тушунчаси ва муносабатини билдириб келди. Уларнинг бу тафаккурлари маълум бир фалсафий системада намоён бўлиб, ўз ижтимоий қарашларини аниқлаб келдилар.

Фанда «социология» термини дастлаб Ўрта Осиёда «жамият», «ижтимоий» тушунча сифатида IX-X асрларда Фаробийга, Европада социология сифатида француз философи Огюст Контга (XIX асрнинг 30 йиллари) тўғри келади ва у фанда Конт «позитивизми» деб аталади.

О.Конт фалсафасида ижтимоий жамиятдаги воқеа ва ҳодисаларни ўрганиш уларнинг бир-бирига қонуний

боғлиқлиги борлиги ва уни фан сифатида ўрганишни илгари суради. Аммо, бу фикрлар X асрдаёқ Фаробий томонидан илгари сурилган эди. Конт қарашлари социологияни фан сифатида ўрганилиш ғояси XIX аср охирларигача илмий адабиётларда жамиятшунослик фани сифатида эътибор билан қараб келинди. XIX аср охири XX аср бошларида эса жамиятни илмий ўрганиш жараёнида иқтисод, демографик ва ҳуқуқшунослик фанлари қатори социал соҳага ҳам фанда диққат эътиборни қаратиб келинди.

2 савол. Ижтимоий жамият социология фанининг жамият сифатида унинг манбаи бўлиши мумкин. Аммо жамият бошқа ижтимоий ва гуманитар фанларнинг ҳам манбаи ҳисобланади. Шу сабабли социологиянинг илмий статуси, бошқа фанлардек манбаи борлик ва предметнинг турли хиллиги ва бир-биридан фарқ қилишидан иборатдир.

Социология фанининг ўзига хос билиш назариясининг асосий бўлган борлик ва ундан сифат кўрсаткичларига олиб келадиган ҳодиса ва жараёнлар бу фаннинг предметни ташкил этиб, улар қўйидагилардан иборат, яъни бир гуруҳ социологиялар фикрича:

Яъни, «Группали ўзаро алоқалар», «инсоний ўзаро алоқалар» ва «уларнинг натижалари», «инсоний социал муносабатлар», «социал институтлар», «социал ташкилотлар ва уларнинг инсон характерига мувофиқ муносбаталари», «социал ҳаракатлар системаси», «кишилик жамияти ва инсоний характер», «социал интизом ва интизомсизлик табиати», «социал группалар», «инсоний муносабатлар ва алоқаларнинг форма-шакллари», «инсоний ҳаётнинг зарурлиги ва унинг социал контексти», «қишлоқ жамиятининг асосий структураси», «социал жараёнлар», «ижтимоий

маданий ҳолатлар», «социал ҳаётни илмий ўрганиш» ва ҳоказолар социологиянинг предмети бўла олади, - деб ҳисоблайдилар бир гуруҳ социолог олимлар.

Социология курсининг предмети бошқа фанлар предметига ўхшаш фаннинг асосий вазифаси, мақсади ва функцияси, қонун ва категорияларини белгилаб бериш билан бу фан нимани ўрганади ва нимани ўргатади каби йўналишларини ҳам аниқлаб беради.

Бу фаннинг предметини аниқлашда социал-ижтимоий муносабатларнинг у ёки бу ҳодиса ва жараёнлардаги сифат кўрсатгичларга эътибор берилади, жамиятнинг социал ваижтимоий муносабатларини вужудга келтирадиган ҳолатларни, уни аниқлайдиган шакл ва форма, мазмунларини ўз ичига оладиган жараёнлар асосий роль ўйнайди. Улар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. «Ўзаро инсоний алоқалар», «ўзаро гуруҳ алоқалари ва муносабатлари», «унинг натижалари», «инсоний социал муносабатлар», «социал институтлар», «социал ташкилотлар ва уларнинг инсоний характерга муносабатлари», «социал ҳаракатлар системаси», инсоний жамият ва инсон характери (қиёфаси)», «ижтимоий тартиб ва тартбсизлик табиати», «социал гуруҳлар», «қишлоқ жамияти формалари», «инсоний мавжудот ва унинг контексти», «қишлоқ жамиятининг асосий структураси», «социал жараёнлар», «ижтимоий маданий ҳолатлар», «социал ҳаётни илмий ўрганиш» ва ҳоказолар биринчи гуруҳ социологлар фикрларидир.

2. Иккинчи гуруҳ социологлар фикрларига кўра қуйидагилар киради (яъни иккинчи гуруҳ олимлари фикри):

Халқаро социал-ижтимоий энциклопедик олимлар фикрича бу фан предмети шундан иборатким, яъни бу

фан – «социал ижтимоий-сиёсий агрегатлар, гуруҳлар ва уларнинг институционал (яъни ижтимоий-сиёсий фаолиятлари кўриниши), ташкилотлар, уюшмалар, институтлар ва уларнинг фаолиятлари ва бу институтлар ва ижтимоий-сиёсий ташкилотлар системаси ва фаолиятлари жараёнидаги туб ўзгаришлар»ни ўрганади деб кўрсатилади.

3. Учинчи гуруҳ олимлар фикрича, яъни социал гуруҳлар уларнинг вакиллари асосида ташкил топган бирликда фаолият кўрсатиладиган кишилар ҳаётида юз берадиган бутун воқеалар, ҳодисалар, ташкилотларнинг ривожланиши жараёнларини» ўрганиш, - деб ҳисоблайдилар.

Яна бир қанча фан намояндаларининг ана шундай фикрларни келтириш мумкин.Аммо, ҳали унинг конкрет предмети аниқ эмас. Бу фикрларнинг қанақа бўлишидан қатъий назар бу фан иқтисодий-сиёсий ҳаётда кишилар ижтимоий-сиёсий фаолиятининг ҳамма жабҳаларини – иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ғоявий, маданий ва бошқа томонларини қамраб олади ва уларга таалуқли ижтимоий-сиёсий процессларни алоқа ва муносабатларини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганади.

Шундай қилиб, бу фан – маълум тарихий тараққиёт жараёнида шаклланган, фаоллашган ижтимоий-сиёсий системаларнинг умумий ва специфик характерини, мазмунини, уларнинг социал сиёсий қонун ва қонуниятларининг вужудга келиши, тараққиёти ва фаоллигини ўрганадиган фандир. Бу фан жамиятнинг социал-сиёсий тараққиёти, режали ривожланиши, социал-сиёсати, социал муносабатлари, социал-сиёсий системасининг моҳиятини, унинг иқтисоди, сиёсати, ижтимойияти ва мафкуравий-

маънавий, маданий қиёфаси ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганади. Шу билан бу фан:

1. Жамиятдаги турли гуруҳлар, индивидлар ва уларга хос ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ижтимоий-сиёсий муносабатларини;

2. Шунга мувофиқ ҳозирги даврга мувофиқлашган ижтимоий-сиёсий муносабатларни (иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ғоявий) ва уларга мувофиқ ҳар бир индивиднинг ўзаро ҳолатларини (ўрни, ҳуқуқи, аҳволи, боғлиқлиги, эркин, тенглик, озодлик, адолатлилик, демократик ҳолати ва ҳ.к.);

3. Турли индивид ва гуруҳлар (кўпроқ миллат, синфлар, социал қатлам ва ҳ.к.) бир-бирига жамиятда тутган ўрнига, ижтимоий ҳаётда юз бераётган воқеа ва ҳодисалар асосида бўлган муносабатларни;

4. Ва оқибат натижада турли хил индивидлар, гуруҳларнинг ижтимоий-сиёсий жамиятдаги ўзаро фаолияти ва унинг натижаларини ўрганадиган фандир.

Бу ижтимоий-сиёсий муносабатлар мажмуаси фан сифатида социал-демократик объективлик методи, услуби асосида назарий-илмий ва амалий натиажаларни анализ қилиш орқали ўрганилади.

Шу асосда бу фаннинг ўзига хос специфик хусусиятга эга бўлган функциялари вазифалари вужудга келади.

3 савол. Социология фани фан сифатида ижтимоий ҳаёт жараёнларини ўрганар экан, қўйидаги функцияларга таянади:

Биринчидан – илмий проблемаларни ҳал этиб, ижтимоий ва сиёсий ҳаётнинг ҳамма жараёнларига таалуқли ҳақиқий борликни илмий анализ қилиш,ёзма манбаларни ўрганиш, солиштириш, текшириш оқибатида социал тараққиёти, унинг объектларини, институтларини ўрганади ва бу ўрганишнинг

социологик методологиясини, илмий текшириш методларини аниқлайди. Унда иккита функция – нима ўрганилади (объект), қандай ўрганилади (методи) ва шу асосда гноссеологик вазифа-функцияси келиб чиқади. Натижада социологик-сиёсий назарий фундаментал функцияси шаклланади.

Иккинчидан – бу фан вазифаси ижтимоий-сиёсий ҳақиқатнинг қайта ташкил топиши, вужудга келишига боғлик бўлган муаммоларни ўрганади ва шу асосда режали, мақсадга мувофиқ ривожланадиган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг асосий йўналиши ва воситаларини ўрганиш функцияси пайдо бўлади ва оқибат натижада назарий ва амалийлик социологиясининг объекти ва методини аниқлаш функцияси уни илмий ёки амалий аниқлаш вазифаси – функцияси вужудга келади. Бу эса бевосита «фундаментал» ёки «назарий» (иккаласи бир мазмунда, аммо фундаментал кенгроқ маъно кашф этади) ва амалий функциялари шаклланади. Бу иккала функция бир-бирига боғлиқ бўлиб улар илмий ва амалий вазифаларни бажаради. Назарий-абстракт асосларда, амалий-бу ҳам назарий ва эмпирик кузатишларга асосланиб олган билимнинг объект даражасига амалий ва назарий йўл билан боғланади.

Учинчидан – прогнозтик – келажакка доир мулоҳазалар билдириш функцияси мавжуд. Яна бу фаннинг билиш функцияси ҳам мавжуддир.

Бу функция биринчидан информацион хусусиятга эга бўлиб, умумжамият, жамоа ва индивидлар ҳақида дастлабки маълумотлар – яъни уларнинг эҳтиёжи, манфаатлари, ориентациялари қиймати ҳақида, мотивлар, реал фактлар, характер ва моҳиятга таалуқли фактлар, ижтимоий фикрлар ва бошқа маълумотлар

тўпланиб, ҳақиқий социал-сиёсий фикрлар, хулосалар чиқарилади.

Иккинчидан – социал-сиёсий назарияларни бойитадиган янги ғоявий ва назарий таълимотлар янги қонуниятларни ва тенденцияларни вужудга келтиради.

Тўртинчидан – амалий функциялар бўлиб, бу билиш функцияси билан узвий боғлиқдир. Чунки, бу функция назарий таълимот билан амалиёт бирлиги бу фаннинг энг муҳим белгисидир. Ҳар бир назарий таълимот амалиётсиз – таълимот эмасдир. Бу функция асосан аниқ, конкрет назарий илмий хулосаларга асосланиб, кўпроқ жамият тараққиётининг келажаги ҳақида ва уни режали ривожлантириш иктиқболларини белгилаб беради, социал-сиёсий жамиятнинг келажагини башорат қилади.

Бунинг учун бу функция ўзининг моҳиятига қараб 2 та социал факторга – объективлик, субъективлик характерига эгадир.

1. Объективлик функциясига – инсон ҳаёти ва инсон фаолияти ва унинг ҳамма шарт-шароитларини ўз ичига қамраб олади. Шу билан жамиятнинг структураси, сиёсий тузуми, конкрет меҳнати шароитлари, меҳнат, турмуш муносабатлари киради ва уларнинг келажак тараққиётини белгилаб беради;

2. Субъективлик – бу функцияга асосан субъективлик аспектлари киради, унда турли мотивлар, ўй-фикрлар, кўрсатмалар (қарор, фармойиш, манфаатлар, қимматли таълимотлар, ғоявий тушунчалар, ижтимоий, жамоатчилик тушунчалари ва ҳ.к. ёки кишилар, гуруҳлар ва шунга ўхшаш ўзаро муносабатлар киради.

Бешинчидан – ғоявий, мафкуравий функциялар бўлиб, бу функция фикрлаш, тафаккур, онг ва амалий

функциялар билан узвий боғлиқ бўлиб, бу функциялар асосан:

- биринчидан –табиий-тарихий жараёнларни билиш орқали жамиятни яқин ва узоқ келажакдаги истиқболли тараққиёти тўғрисидаги ғоявий таълимотни ишлаб чиқишдан;

- иккинчидан – бошқа концепциялар, таълимот ва қарашлар билан илмий, ғоявий мунозаралар орқали хулосалар чиқариш;

- учинчидан – аҳоли ўртасида илмий идеологияни-ғояни кенг тарқатишдан;

- тўртинчидан – малакали,лаёқатли мафкуравий илмий ғоялар асосида билимли мутахассислар тайёрлашдан иборатдир. Бу эса бевосита сиёсий мотивлардан мустақил бўлиши шарт.

- олтинчидан – сиёсий баҳо – сиёсий функциясидир.Ҳамма ижтимоий функциялар бевосита жамиятнинг сиёсий муносабатларини ўз ичига олмай, улар билан ўзаро узвий боғлиқ бўлмай жамиятнинг ижтимоий-сиёсий тараққиётига таъсир этиши мумкин эмас ва шу асосда ҳамма ижтимоий тараққиёт сиёсий позицияларисиз тушуниш мумкин эмас. Шу сабабли бу фаннинг бу функцияси бевосита жамиятнинг сиёсий манфаатларини ўз ичига олади, илмий хулосалар, манфаатлар ва ҳамма жараёнлар жамиятнинг ҳар бир гуруҳи, жамоатчилиги, индивидларининг сиёсий манфаатини ўз ичига олади.Унда мафкуравий ва сиёсий манфаатлари бевосита ижтимоий-сиёсий тизим манфаатларига мувофиқлашади ва уни ўз ичига олади.

4 савол. Жамият фаолияти шаклланиши жараёнида узлуксиз ва кўп қиррали социал-сиёсий алоқалар, ҳодиса, жараёнлар вужудга келади. Уларга юзаки шундай қарасангиз кўплари алоҳида вақтинчалик, эпизодик ва тасодифий ҳолатлар деб ҳис

қилишингиз мумкин. Аммо, булар қайси ижтимоий жамиятга таалуқли бўлмасин ижтимоий жамиятнинг у ёки бу қонун ва қонуниятларига, уларнинг категорияларига таалуқлидир.

Қонун деганда умумжамият аҳамиятига эга бўлган ва зарурият ва маълум бир шароитда доимо такрорланиб турадиган ижтимоий жамиятнинг энг муҳим алоқалари ва ижтимоий-сиёсий муносабатлари тушунилади:

а) ижтимоий социал-сиёсий қонуният бу социал-сиёсий ҳодисалар ва жараёнларнинг зарурий алоқалари энг аввало кишиларнинг фаолияти ва ҳаракатларининг муқаррарлиги тушунилади;

б) социал-сиёсий қонунлар – бу турли хил индивидлар, жамоа бирликлари жамоатчилик фаолиятларининг зарурий муносабатларини аниқлаб беради.

Улар асосан:

- халқлар ўртасидаги, миллатлар, синфлар, тоифалар, социал-демографик ва социал-профессионал гуруҳлар ўртасидаги;
- шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги;
- жамият билан социал ташкилотлар, жамият билан меҳнат кишилари ўртасидаги;
- жамият билан оила ўртасидаги;
- жамият билан шахс ўртасидаги, инсон ўртасидаги муносабатларни ўз ичига қамраб олади.

Бу социал-сиёсий қонуниятлари орқали кишилар ўзларига ҳаётий шароит яратади. Турмуш нормаларини вужудга келтиради ва ўзига қонуний специфик хусусиятларни яратади.

Социал-сиёсий қонуниятлар табиат қонунларидек, табиийки воқеалар йўналиши жараёнида шакллана боради. Улар эса социал гуруҳ, жамоаларнинг мақсадга

мувофиқ фаолиятлари ва содир бўлаётган воқеалари натижасида юзага келади.

Демак, социал-сиёсий қонуниятларни илмий жиҳатдан излаш, ўрганиш жамиятдаги турли социал элементларнинг ўзаро алоқаларини илмий таҳлил этиб ўрганишдан иборатдир. Бу эса жамиятдаги у ёки бу ҳодиса ва воқеаларни социал-сиёсий муносабатларнинг генезисини объектив ўрганишдан ва тўғри хулоса чиқаришдан, жамият тараққиётини диалектик тушунтиришдан иборатдир.

Қонунлар ўз ҳаракати вақтига қараб бир-биридан фарқ қилади.

- умумий қонуниятлар ҳамма ижтимоий системаларда ҳаракатда бўлади (М: қиймат қонуни, пул-товар муносабатлари ва ҳ.к.).

Махсус, специфик қонунлар бир ёки бир нечта ижтимоий системаларда ҳаракатда бўлади (М: бир ижтимоий жамиятдан иккинчисига ўтиш қонуни ёки дастлабки капитал жамғариш қонуни) ва ҳ.к.

Социал қонунлар умумийлик ёки бирлик даражасига қараб бир-биридан фарқ қилади. Шундай қонунлар борки, улар фақат социал соҳаларга таалуқлидир, шу билан айрим қонунлар борки, у фақат социал соҳанинг айрим элементлари ривожланишга таалуқлидир. Масалан, синфлар, миллатлар, гуруҳлар ва ҳ.к.

Шундай қонунлар борки, уларнинг ўз услуби ва намоён бўлишга қараб ажратиш мумкин. М: Динамик ривожланиш ёки статистик ривожланишдир. Динамик ривожланиш қонунлар, улар социал-сиёсий ҳолатларнинг асосий йўналиши, факторлари, социал ўзгаришларнинг формалари (М: қайта қуриш, ўтиш даври), воқеаларнинг бир ва бир нечта қайта ва кескин, қаттиқ кўриниш ҳолатлари (тўнтариш) ифодаланади.

(Чунки бундай воқеалар бўлиши тобора муқаррар бўлиб қолади).

Статистик қонунлар динамик қонунлардан фарқи шуки, бу қонунда социал-сиёсий ўзгариши ва йўналишини, тенденцияларини ҳисобга олиб, умуман жамиятда социал стабилликка эътибор берилади (масалан, давлат тўнтариши жараёнида жойлардаги воқеалар тинч ёки нотинч ўтиш қонуниятларидир).

Ёки динамик қонунлар социал-сиёсий ўзгариш жараёнида ҳамма индивидга, нафақат синф, тоифа, табақа, жамият, ҳаммасига жиддий эътибор берилади. Статистик – стохастик қонунлар фақат жамият ва синфнинг кайфияти тенденциясига эътибор беради ва ўша умумий белги ва моҳиятга эътибор берилади. (Тўнтариш жараёнида хунта – фақат халқнинг мамлакатдаги ҳозирги норозилигига қараб хулоса чиқариш ва ҳ.к.)

Динамик қонунлар асосан иккига:

- сабабли динамик;
- функционал қонунларга бўлинади

Сабабли динамик қонунлар асосан социал жараёнларни чуқур ва қатъий детерминлик алоқаларига жиддий эътибор бериб чуқур ўрганилади. Масалан, ижтимоий-иқтисодий формациянинг биридан иккинчисига ўтишда ишлаб чиқариш усулининг роли ва ҳ.к.масалалардир.

Функционал динамик қонунлар эса эмпирик (пайдо бўлишидан) кузатишлар ва қатъий ўзаро социал ҳолатларнинг такрорланишини ўз ичига олади.

Статистик – **стохастик** қонунлар асосан ривожланиш қонунлари (масалан, аҳолининг моддий ва маданий эҳтиёжларини тобора қондириш, социал ўз-ўзини бошқариш қонунлари) ва функционал қонунлар (масалан, меҳнат коллективларининг формал ва

ноформал структуралар, оилада ролларни тақсимлаш функциялари – ота-она, бола ва ҳ.к.) ичига олиб ҳаракатда ўз хилма-хиллигини намоён этади.

Социал-сиёсий қонунларнинг ўзига хос қўйидаги категориялар мавжуддир:

Биринчи – социал қонунларнинг социал-сиёсий ва шунга мувофиқ ҳолатларнинг ўзгармаслгини ифода этилиши категориясидир. Масалан, А ҳолат мавжуд бўлса, албатта Б ҳолат бўлиши зарур, яъни тоталитар, бюрократик бошқариш системасининг унга оппозицияда бўлган демократик бошқариш тарафдорлари ва ҳ.к.лардир.

Иккинчи – бу қонуннинг тараққиёти тенденцияларини ифода этиш категориясидир. Бу жараёнда социал объект структурасини ифода этиш, ўзаро муносабатларнинг биридан иккинчисига ўтишини намоён этади ва бу ҳолат охиргиси тенденцияларини ифода этади. Масалан, ҳар бир ўтиш жараёнида ишчилар синфи ёки сиёсий кучлар асосий куч бўлиб ўз характерини сақлаб қолаверади.

Учинчидан – бу қонунда функционал боғлиқликни ўрнатилишига ва сақланиб қолишлигига асосланиб, социал характерни ўзгартиради. Яъни функционал боғлик категорияси бўлиб, унда аввалги социал система сақланиб қолади ва социал ҳолатлар ўзгаришларида бир қатор функциялар сақланиб қолади ёки социал объектларнинг сифат жиҳатидан биридан иккинчисига ўтиш бу функционал боғлиқлик категорияси бўлиб катта роль ўйнайди. Масалан, бу ўтиш жараёнида, социал-сиёсий жараёнда кишиларнинг сиёсатда, бошқаришда, тарбияда актив иштирок этиш ва синфий-тарбиявий ишларнинг юксак сифатлилиги ва аҳлоқий психологик климатни, яъни

руҳий ҳолатни яхшилашда иштирок этишни кўрсатувчи функционал боғлиқлик категориясидир.

Тўртинчидан – социал ҳолатлараро алоқалар сабабиятини ҳисобга олувчи қонун категорияларидир. Функционал алоқа категорияси сабабият категориясига таъсир этиши ва этмаслиги ҳам мумкин. Янги ижтимоий манфаат билан шахсий манфаатлар боғлиқлигидир.

Бешинчидан – социал-сиёсий ҳолатлар ўртасида эҳтимоллик алоқалари мавжудлиги,ўрнатилиши қонуни категориясидир. Масалан, қишлоқ ёшлари ўртасида шаҳарларга кўплаб кетиш, ҳуқуқий тартиботнинг бузила бориши эҳтимоллари, «яширин иқтисоднинг» юксалиб бориши эҳтимоллиги, аёлларнинг иқтисодий мустақиллигининг ўсиши, ажралишнинг кўпайиши эҳтимоллик категориясидир.

Шундай қилиб, социология қурси умуман социал-сиёсий қонуниятлар, уларнинг нафақат қонунларини умумий формада амалга оширади, балки уни аниқ шаклда – инсониятнинг фаолиятини амалга оширади ва уни ўрганади. Чунки, ҳар бир конкрет инсон жамиятда ўз фаолиятини конкрет шароитларда амалга оширади, ўзининг маълум социал-сиёсий ҳолатини (статусини) аниқлайди; ўз фаолияти жараёнида аниқ белгиланган социал-сиёсий ролни эгаллайди ва маълум функция бажаради; шу билан маълум индивидуал хусусиятга (жинси, ёши, миллати, оилавий ва ҳ.к.) эга бўлади; маълум муносабатга (кўрсатма бериш) ўз фаолиятига эга бўлиб (масалан, специфик информацион манфаатга ва ҳ.к.) ўз статуси, роли ва хусусий характерига эга бўлади, турли ёш ва малака, маъмурий мутахассисликка эга бўлиб, жамият ривожига ҳисса қўшади.

А Д А Б И Ё Т Л А Р :

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.,»Ўзбекистон», 1999
2. И.Каримов. «Баркамол авлод орзуси». – Т., «Шарқ», 1999
3. И.Каримов. «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз». – Т., «Ўзбекистон», 2000
4. И.Каримов. «Миллий истиқлол мафкураси». – Т., «Ўзбекистон», 2000
5. И.Каримов. «Шу азиз Ватан – барчамизники». – Тошкент, 1995
6. «Беш тамойил ҳаётга», Тошкент, «Университет» нашриёти, 1995
7. Г.В.Осипов. «Теория и практика социологических исследований в СССР». М., 1979
8. Ю.Г.Марков. «Социальная экология». Новосибирск, 1976
9. В.Д.Комаров. «Научно-техническая революция и социальная экология». Ленинград, 1977
10. И.Н.Яблоков. «Социология религии». Москва, 1979
11. В.П.Васильев, В.А.Шегорсов, А.И.Яковлев. «Политическая культура трудяшихся: понятие, содержание, структура и функции». Москва.
12. А.Г.Харчев. «Брак и семья». Москва, 1979
13. Социология. Учебник под редакций В.Г.Осипова, Москва 1990

Таянч иборалар:

Социология – ижтимоий жамият, жамият ҳақидаги фан.

“Societas-logas” – жамият маъносини англатади.

«**Жамият» -** таълимот, тушунча.

«Жамият» - инсоният яшаб турган, шаклланиб тараққий этиб борадиган жараён, атроф, табиат билан боғлиқликдаги борлик.

Ижтимоий жамият – инсонлар ҳаёт кечирадиган жамият.

Фан предмети – ушбу фан ўрганадиган, ўргатадиган соҳа.

Фан функцияси – ушбу фан бажарадиган вазифа.

Фан методологияси – ушбу фан қўллайдиган диалектик методология, борлиқ ва уни қандай бўлса шундай ўрганиш услуби.

Категория ва қонун, қонуниятлар – жамиятдаги ҳамма воқеа ва ҳодисаларни жамиятдан ҳамма институтлар, ташкилотларнинг жараёнларга муносабатларининг узлуксиз такрорланиши юзага келиши, функциялашувчи, фаоллашуви, ривожланишининг ҳақиқий борлик асосида узлуксиз такрорланиб туриши.

Социология турлари – махсус социология, иқтисодий социология, меҳнат социологияси, инженерлик социологияси; турмуш тарзи, сиёсий, маданий, фан ва маориф, бошқариш ва ҳ.к.соҳалар социологияси.

II. Мавзу: СОЦИОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА ТАРАҚҚИЙ ЭТИШИ

СОЦИОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Р Е Ж А :

1. Антик ва Марказий Осиё мутафаккирларининг социологик қарашлари.
2. Социологиянинг фан сифатида вужудга келишидаги ижтимоий-тарихий шарт-шароитлар ва илмий-назарий манбалар.
3. Социология фанининг ривожланиш босқичлари: классик, ноклассик ва XX аср, АҚШ социологияси.
4. Собиқ совет даврида ва мустақил Ўзбекистонда социологик фанининг ривожланиши.

1 савол. Социологияни фан сифатида тасаввур этишда унинг вужудга келиши ва тарихий ривожланиш босқичларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Социология-инсониятнинг бир неча минг йиллик тарихий тараққиёти давомида яратилган маънавий маданиятнинг ажралмас таркибий қисмидир. Афсуски, коммунизм мафкурачиларининг вакиллари кибернетика, психология, политология каби фанлар қаторида социология ҳам инкор этилиб, уни социализмга зарарли «ёлғон фан» қаторига қўшиб кўп йиллар давомида жаҳон халқларининг дурдонаси, маънавий ва маданий бойлиги бўлган бу фаннинг ва унинг намоёндаларини таҳқирладилар. Натижада жамиятнинг энг катта бойлигидан-ижтимоий фикрларни ҳар томонлама ва чуқур ўрганишдан, ижтимоий тараққиёт борасида ахборотлар тизимини яратишдан ва охир оқибатда ижтимоий ҳаётни аниқ

маълумотларга, тўғрироғи халқ фикрига таянган ҳолда илмий асосда бошқаришдан маҳрум қилдилар. Мустақиллик туфайли социология фанига президентимиз И.Каримов томонидан кенг йўл очиб берилди. Шахсан И.Каримов раҳбарлигида Ўзбекистонда «Ижтимоий фикр» жамоатчилик марказининг ташкил этилиши эса бу фаннинг президентимиз ҳимоясига олинганлигидан далолатдир. Энди бизнинг олдимизда турган масала бу социология фани қачон вужудга келган деган муаммодир. Энг аввало шуни унутмаслик керакки, социология – бу жамият тўғрисидаги фандир. Ижтимоий муносабатларни, жамиятнинг турли соҳаларидаги ўзига хос жиҳатларни, умумий ва хусусий қонуниятларни, жараёнларни ўрганадиган фан бу социологиядир.

Шу сабабли социология-жамият, социал жамият сифатида ўзининг узоқ тарихига эгадир. Инсоният тарихий тараққиёти табиат ва жамият бағрида намоён бўлишини миллион йиллар ўз ичига қамраб олади. Шундан эса ҳақиқий ижтимоий жамият кишиларнинг онгли фаолияти, тафаккур билимларнинг шаклланиб, маънавий-маданий бойлик манбалари шаклланиб кишилик жамияти сифатида ривожлана боришига бир неча ўн минг йилларни ўзига қамраб олади. Бу йиллар давомида инсоният ўзининг жамиятдаги ўрнини, табиат саҳоватларидан фойдаланишнинг онгли босқичини, бу жараёнда юз бераётган ҳаётий-социал муаммоларнинг вужудга келишини ва бу муаммоларнинг ҳал қилиниш йўлларини аниқлаш, ҳал этиш ҳаракатлари, жамият тараққиётига қизиқиш каби фикр-мулоҳазалари жамият тараққиётининг маълум бир босқичида вужудга келади. Бу муаммолар дастлаб табиат стихияси, кейинчалик жамият қонуниятларига

қизиқиш ва ҳатто ҳозирги даврда кенг кўламда қизғин муҳокамалар воситасига айланган социал тенглик, бирлик, жамиятда адолатли, эркин-озодлик муаммоларини ҳам ўрганишга ҳаракатлар бошланади. Бу муаммолар гўё жамият тараққиётининг дастлабки ибтидоий босқичига ҳам таалуқли социал муаммолар деб нотўғри талқин қилмоқдалар.

Ижтимоий жамиятнинг маҳсули бўлган бу социал ғоялар, муаммолар, яъни социал тенглик, эркинлик, адолатли эркин жамият тўғрисидаги ғоялар, энг муҳим ижтимоий муаммолар сифатида инсоният тарихий тараққиётининг кейинги ривожланган босқичида жамиятда тенгсизлик, бошланган даврда, мулкий табақаланиш кескин тус олган даврда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-аҳлоқий соҳаларда, жамиятда зулм, тенгсизлик бошланган даврларда вужудга кела бошлаган, уни ҳал этишнинг турли ҳаракат йўллари ахтарилган, уни ҳал этишнинг йирик намоёндалари фаолият кўрсатишганлар. Уларнинг ақлли-доно фикрлари ушбу муаммоларни ҳал этишнинг турли хил йўллари билан шуғулланиб, ўзларининг дастлабки социал ғоялари ва таълимотларини яратганлар.

Бу социал ғоялар ва таълимотларда социал муаммоларни ҳал этишнинг турли хил амалий ва назарий таклифларини тавсия этганлар. Бу назарий ва амалий таклифларни ўз ичига олган таълимот ва ғояларда бевосита ўша таълимот намоёндалари бўлган буюк инсонларнинг (шахсларни) яшаган жойи, ижод этган даври тарихий шароити, муҳити, инсонлар ҳарактери-табиий мавқеи, моҳияти бу таълимотларда ўз аксини топган, таъсирига эга бўлган этник, жўғрофий муҳит, регионлар-минтақаларнинг

хусусиятлари ҳам ўз аксини топган, бу ҳолат эса табиийдир.

Жумладан, Марказий Осиё халқларининг энг қадимий, маънавий, ғоявий, маданий меъроси «Овеста» ана шундай муқаддас китоб бўлиб, халқимизнинг қадимий орзу-истаклари, яхшилик учун ёмонликка қарши кураши каби социал муаммоларни ҳал этишнинг ғоявий, айтиш мумкин ҳатто амалий, назарий маълимоти ҳамдир, дейиш мақсадга мувофиқдир. Айтиш мумкинки, жаҳон халқлари тарихида «Овеста» билан тенглашадиган қадимий асар ҳанузгача топилган эмас.

«Овеста» Марказий Осий халқлари тарихида ҳатто жаҳон халқлари тарихида энг қадимий асар бўлиб, уни ижтимоий жамият ҳақида, жамиятнинг социал муаммолари ҳақида, яхшиликнинг ёмонликка (Ахримон ва Ахурамазда) қарши кураши инсонийлик, комил инсонийлик ғоялари ҳақида атрофлича таърифланиб берилган десак ҳато бўлмайди. «Овеста»даги асосий ғоя «ўзинга раво кўрмаганни ўзгага раво кўрма» деган инсонийлик шиори ётади. Бу шиор ўлкамиз халқларининг муқаддас ғоявий шиори бўлиб келди ва унга асрлар оша амал қилинди. «Овеста» ушбу инсонийлик ғояси нафақат ўлкамиз халқлари тарихида, балки Шарқ, Жануб ва яқин Шарқ халқларининг социал ғояларида, таълимотларида такрорланиб, ҳатто ҳаётда қўлланилган назарий ва амалий фаолиятларини акс эттирувчи таълимотларида ўз аксини топдилар, диний ва дунёвий таълимотларига айланиб қолдилар.

Афсус билан шуни таъкидлаш лозимки, «Овеста»даги илғор ғоялар назарий, илмий ва амалий жиҳатдан ўлкамиз халқлари тарихида араблар босқинига қадар бўлган даврда қандай бўлганлиги

ҳақидаги ёзма манбаълар деярли йўқ қилинган. Дастлаб Грек-Македон босқинчиси Искандар Македонский ва кейин араблар томонидан йўқ қилинди.

Аммо юқорида таъкидлаганимиздек, Хитой, Ҳиндистон, Рим ва Греция, Мисрда «Овеста» ғоялари кенг тарқалганлиги ҳақида манбаъларда келтирилади. Бу манбаъларда айнан «Овеста»дан олинган дейилмасада, унинг асосий ижтимоий-сиёсий ғоялари бир қатор тарихий манбаларда, ғоявий назарий таълимотларда ўз аксини топгандир.

Жумладан, эрамиздан олдинги 1-мингинчи йилларда Хитойда жамоатчилик (коллектив) асосда яратилган «Ўн уч китоб» номли классик асарнинг асосий ғояси «Овеста»да келтирилган «Ўзинга раво кўрмаганни ўзгага раво кўрма» ғоявий шиори бўлиб, қадимги Хитой конфуциончилик фалсафий мактабининг маҳсулидир. Бу мақсадга қадимги Хитой йирик файласуфи, конфуционизм диний оқимининг асосчиси э.о. VI асрда яшаб ўтган Кун-Цзы эди. Бу таълимотнинг асосини инсон муаммоси ташкил этиб, табиат инсонни саҳоватли, фазилатли қилиб яратган, ёвузликни эса золимликни жамиятдан олган. Демак, уни –ёвузлик, золимликни, ўзинга раво бўлмаганни раво кўрмай, уни йўқ қилиш мумкин, дейди. Кун-Цзы бу «ўн уч китоб»ида ўша даврда, яъни ўзлари яшаган даврдаги мавжуд жамиятнинг ижтимоий-сиёсий тузумини ўзгартириш, социал тенгликни тиклаб жамиятдаги тенгсизлик ва адолатсизликни йўқ қилиш мумкин, - дейди. Кун-Цзы бу ҳақда «Суҳбат ва мулоҳаза» номли асарида батафсилроқ ва аниқроқ тўхталиб ўтади. У шундай деб ёзади: «Ўзинга нимани ҳоҳламасанг ўзгага ҳам уни истама, кексалардан ўрган, билимли кишиларни, олимларни ҳурмат қил,

бошқаришда талантли кишилардан фойдалан, адолатли инсонпарварлик билан бошқар (жамиятни – А.Ш.) бошқаришда тинчлик ва адолатлилик руҳига риоя қил, табитни бил ва ақлли фойдалан, билгин-инсон ўз тақдирини, ўз ҳаётини яратувчидир…» деб ёзади. Ана шу ғоялар бутун Хитой халқи ўртасида ўша даврда кенг кўламда қўллаб-қувватланади ва асосий ҳукумрон диний оқимга, таълимотга айланиб боради. Конфуциянизм ҳукумрон диний оқимга айланиб давлат ва мулкнинг дахлсизлигини улуғлайди ва уни адолатлиликнинг буюк белгиси-воситаси, деб ҳисоблайди. Шу сабабли давлат Хитойда конфуционизмни қўллаб-қувватлайди.

Ана шундай социл ғоявий таълимотлар қадимий Ҳиндистонда ҳам вужудга келиб ўз аксини ижтимоий ҳаётда топади. Жумладан, эрамиздан олдин 2-мингинчи йилдан VI-аср (э.о.) ўрталаригача даврни ўзида ифода этган “Веда” (текст матнлари) ва “Упанишодлар” (диний-фалсафий трактатлар, яъни дастурлар) вужудга келиб, уларда (бу асарларда) инсонни ва инсон руҳини ёвузлик, ёмонлик ва зулмдан сақлаб, адолатсизликнинг ҳар қандай зулм ва кулфатли кўринишларидан қутилиб, социал тенглик, яхшиликка эришиш йўлларини кўрсатиб социал ғояларни «Овеста»га хос талабларни илгари суради ва ундаги асосий инсонийлик ғоясини такрорлайди.

Бу ғоялардан бир қатор кўзга кўринган Қадимий Ҳинд олимлари ўз вақтида усталик билан фойдаланишга муваффақ бўладилар. Жумладан, қадимги Ҳинд олими-файласуф С.Гаутама бундан усталик билан фойдаланиб Буддо, будизм динига асос солади. Буддо – бу ёруғликка интилиш маъносини англатиб қоронғуликдан чиқиб, ёруғликка интилишни билдиради.

Бу дин э.о. VI-V асрларда қадимий Ҳиндистонда шаклланиб, асосий динга айлана боради ва кастачиликка (брахманизм) аста-секин барҳам берилиб у дин тамоман рад этилади. Натижада янги Буддизм дини ҳам инсонлар социал жамиятда ва табиатда «тенгқўрлар» деб эълон қилади. Бунинг учун социал жамиятдаги ҳамма алоқа ва муносабатларда юз берадиган тенгсизлик ва зулмни, ҳатто зулм, тенгсизлик воситаси – давлат тузимини ҳам бекор этиш керак, чунки у ёвузлик, ёмонлик манбаидир, - деб эълон қилади.

Социал муаммолар ҳақида ижтимоий социал тенглик ғоялари қадимги Рим ва Грецияда э.о. VI-V ва эрамизнинг I-II асрларида кенг тарқалади. Иқтисодий, социал-сиёсий, ғоявий-аҳлоқий жараёнларда инсонийликнинг ҳамма жабҳаларида сиёсий адолатлиликни, жамиятда инсоний эркинликни тиклаш, ўрнатиш ғоявий таълимотлари билан чиққан антик дунё олимлари Демократ, Протегор, Сократ, Платон (Афлотун), Арестотель (Арасту) ва бошқа социал таълимот намоёндалари шулар жумласидандир. Ҳатто христианлик пайдо бўлишининг дастлабки даврларида ҳақиқатда социал тенглик, эркинлик ғояларини асосий шиор қилиб «йўқсиллар», «мўҳтожлар» дини деб бекорга айтилмаган эди. Улар қулчиликка қарши кураш олиб бордилар.

Қадимги Грек-Македон ва Рим маданияти тараққиётида мустақил, эгилмас, букилмас, ақлли жонзот, мустақил, билимдон, ривожланган мавжудот бўлган инсон, инсон шахси ҳақидаги ғоялар асосий ўринни эгаллайди ва улар доимо жамиятда тенг, эркин ва озод, адолатли шахс бўлишлиги ғоясини илгари суради.

Жамиятнинг буюк яратувчиси инсон эканлигини, шу сабабли улар мустақиллиги, озодлиги, комил инсонийлик ғоялари таълимотлари қадимги Миср, яқин Шарқ – Паластинда кенг равишда ўз ривожига эга бўлади. Инсон қадр-қиммати, тақдири масаласига жиддий эътибор берилиб, зулмни жамиятдан тамоман чиқариб йўқ қилиб ташлаш ғоясини илгари суради.

Ана шундай инсонийлик жамиятда инсон ўрни, мавқеи, якка худога ишониш, эътиқод қилиш ғоялари эрамизнинг VII асрида Арабистон ярим оролида вужудга келган ислом динининг асосий таълимотига айланиб, Қуръон ва ҳадисларда у ўз аксини топади. Бу воқеалар Ғарбий Арабистонда уруғ-қабиловий муносабатларнинг емирилиб мулкий табақаланиш муносабатларнинг ўрнатила бориши даври билан характерланади. Ислом дини шу тариқа вужудга келиб, унинг асосчиси Муҳаммад Пайғамбар ғояси ва диний фаолияти билан узвий боғлиқдир. Унинг ғояларида инсонлар ҳаётида, турмуш тарзида кескин ўзгариш ясаш талаби йўқ, аммо исломга эътиқод қилувчи мўмин-мусулмонлар бир-бири билан биродарликда яшаши (ким бўлиши, қандай миллат, халқ ва этник ҳолатидан қатъий назар), эътиқодли, тартибли бўлиши, ўзаро ёрдам, ҳамкор бўлиши, ер шаридаги ҳамма инсонлар этник, маданий ҳолатидан қатъий назар ислом атрофида Оллоҳга сиғиниб, уни якка билиб бирлашишга чақиради, бошқа динлар билан ҳамкорликда бўлишга, диний толерантликка даъват этади.

Демак, қадимги дунё қандай бўлишидан қатъий назар тенглик, адолатсизлик, эркинлик, яхшилик ва ёмонлик, зулм ҳақида ҳам материалистик, ҳам диний тушунчалар каби социал ғоялар маънавий меъросни

яратиб кетганлар. Барибир инсоният тараққиётида тенгсизлик давом этиб келмоқда.

Социологияни фан сифатида тасаввур этишда унинг вужудга келиши ва тарихий ривожланиш босқичларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Социология фан сифатида қачон вужудга келди? Энг аввало шуни унутмаслик керакки, социология-бу жамият, ижтимоий-жамият тўғрисидаги фан. Ижтимоий муносабатларни, жамиятнинг турли соҳаларидаги ўзига хос жиҳатларни, умумий ва хусусий қонуниятларни, жараёнларни ўрганади. Ижтимоий ҳаёт ривожланиши қонуниятларини ўрганишга қаратилган таълимотлар, қарашлар эрамиздан аввалги IV асрдаёқ юнон файласуфлари Афлотун (эр.авв.427-347 й.)нинг «Қонунлар», «Давлат тўғрисида», Арасту (эр.авв.384-322 й.) «Сиёсат тўғрисида», «Метафизика», «Этика», Протагорнинг (эр.авв.490-420 й.) «Ҳақиқат» каби асарларида ёритилган.

Марказий Осиё мутафаккирларининг ижтимоий қарашларига доир. Марказий Осиёнинг буюк мутафаккирлари бўлмиш Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Амир Темур, Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо каби улуғ алломалар ўз даври ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларини илмий асосда тадқиқ қилганлар ва ўзларининг ижтимоий қарашларини ўз асарларида ёзиб қолдирганлар.

Абу Наср Форобий ўзининг «Фозил шаҳар аҳли қарашлари ҳақида китоб», «Сиёсат ал-мадания» каби асарларида олийжаноб жамият, адолатли тузум, одил ҳукумдорлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилган. У ўзи яшаган даврнинг ижтимоий тизимини, унинг зиддиятлари ва бу зиддиятларининг келиб чиқишидаги муаммоларни назарий жиҳатдан таҳлил

қилишга уринганлар. Давлат ва жамият масаласида давлатни ижтимоий тизимни бошқарувчи ташкилот деб, уни муваффақиятли бошқариш эса кўп жиҳатдан давлат бошлиғи, ҳокимнинг характерига, фазилатларига боғлиқ деб билган.

«Фозил шаҳарнинг биринчи бошлиғи,-деб таъкидлайди Форобий, шу шаҳар аҳолисига имомлик қилувчи оқил киши бўлиб, у табиатан ўн иккита хислат – фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши зарур».

Булар жумласига, ҳокимнинг тўрт мучали соғ-соғлом бўлиб, ўзига юкланган вазифаларни осон бажариши лозим; нозик фаросатли, хотираси яхши, зеҳнли, равшан тушунтира оладиган, билим, маърифатга ҳавасли бўлиши, таом ейишида, ичкиликда, аёлларга яқинлик қилишда очофат бўлмаслиги, ўзини тия оладиган бўлиши ва ҳақиқатни севадиган, ёлғон ва ёлғончиларни ёмон кўрадиган, олийҳиммат бўлиши, олий ишларга интилиши зарур; мол-дунё кетидан қувмайдиган, табиатдан адолатпарвар, истибдод ва жабр-зулмни ёмон кўрувчи, саботли, журъатли, жасур бўлиши, қўрқоқлик ва ҳадиксирашларга йўл қўймаслиги каби ҳислатлар киради. «Маданий жамият ва маданий шаҳар (ёки мамлакат) шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-ҳунарли озод, ҳамма баббаробар бўлади, кишилар ўртасида фарқ бўлмайди, ҳар ким ўзи истаган ёки танланган касб-ҳунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар» - каби фикрлари Форобийнинг жамият ҳаётини чуқур таҳлил қилганлигидан далолат беради.

Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Минерология», «Ҳиндистон» асарларида ижтимоий ҳаёт масалаларини

ёритган, «Минерология» асарида шахс бурчи, олийжаноблиги, шунингдек, жамият ҳаёти, моҳияти, бурчи, ижтимоий адолат тўғрисидаги қимматли фикрларни баён этган.

Беруний том маънода ўз даври этносоциологи ҳам эди. «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида турли халқлар, форслар, юнонлар, яҳудийлар, христиан – моликийлар ва христиан-настурийлар, мажусийлар, собитлар, бутпараст араблар, мусулмон араблар, турклар тўғрисида, «Ҳиндистон» китобида эса ҳинд жамиятининг ички тузилиши тўғрисида қимматли маълумотлар ёзиб қолдирганлар. Бу гўзал мамлакат халқлари, уларнинг урф-одатлари, йил, ой ва тарихий саналари, оилавий муносабатлар, маросимлари, никоҳ масалаларини ўрганган. Беруний ҳиндларнинг байрамлари, яхши кунлар ва ёмон кунлар тўғрисидаги ақидаларини ҳам ёзиб қолдирган. Беруний илмий ижодида жамият ҳаётини ўрганишда илмий кузатиш, таққослаш, тасифлаш каби социологиянинг эмпирик асосларидан кенг фойдаланган.

Амир Темурнинг сиёсий-социологик қарашлари ўз даври учун қанчалик муҳим бўлса, бу қарашларда илгари сурилган ғоялар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини сақлаб турибди. Амир Темурнинг қарашларидан ижодий фойдаланган ҳолда ички ва ташқи сиёсат олиб бориш муҳим сиёсий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, Амир Темурнинг ўзи эса бевосита замонасининг ва ўз синфининг вакили сифатида яшади ва курашди. Шу тариқа Амир Темур жаҳон тарихида буюк шахслар қаторидан муносиб ўрин эгаллайди. Амир Темурнинг фаолияти ва сиёсий қарашлари натижасида ва у билан узвий боғлиқликдаги Улуғбек, Навоий, Бобур каби лар майдонга чиқдиларки, инсоният фани ва маданияти тарихини буларсиз

тасаввур этиб бўлмайди. «Амир Темурнинг тарихий хизмати, - деб ёзади И.Каримов, -яна шундан иборатки, унинг ҳаракатлари туфайли Осиё ва Европа давлатлари тарихда биринчи марта ягона жўғрофий-сиёсий маконда эканликларини ҳис этди» (И.Каримов. «Бунёдкорлик йўлидан». Т.1996, т.4, 342 бет).

А.Навоий ўзининг ижтимоий-сиёсий қараршларини «Саъдди Искандарий» достонида чуқур ғоялар орқали беради. Бу достонда илгари сурилган асосий ғоя шундан иборатки, Искандар давлатида барча халқлар, миллатлар ва элатларнинг урф-одатларига, динларига, тилларига қарамасдан тенг озоддир. Барча золим шоҳлар зўрлик билан тугатилган бутун дунёда ягона социал-сиёсат, давлат ўрнатилган. Бу билан А.Навоий ўзининг социал-сиёсий қарашларида одил ҳукмдорга, эл-юртда адолатли тузум ўрнатилишига, қатъий ишонч ва умид қилади. Шунинг учун ҳам Навоий ўзининг социал-сиёсий қарашларини, ўз асарларида тасвирлаган. Ўтмишнинг афсонавий ва тарихий одил ҳукумдорлари образи орқали, ҳукмдорларни адолатли, мурувватли ҳокимият эгаси бўлишига чақиради. А.Навоий сиёсий адолат, социал тенглик ғоясини аҳлоқ ва халқчилик ободончилик учун жон куйдириш фазилатлари билан уйғунлаштирган ҳолда тараннум этади. А.Навоийнинг ижтимоий-сиёсий қараршларида тинчлик, дўстлик ғоялари асосий ўринни олади. У барча давлатларни, халқларни тинч-тотув яшашга чақиради. Унинг фикрича, барча халқлар, катта-кичиклигига қарамасдан, ўзаро тенг бўлиши ва бир-бирлари билан савдо-сотиқни, ижтимоий алоқани ривожлантирган ҳолда яшаш керак.

А.Навоий ўзининг «Тарихи мулки ажам» асарида давлатга раҳбарлик қилган 65 та шоҳга ва уларнинг бошқариш соҳасида олиб борган социал сиёсатига баҳо

беради. Улар орасида мамлакат ва салтанатни бошқариш соҳасида адолатли иш тутган шоҳлар ҳақида, уларнинг мамлакатни бошқариш ва давлат ишларини йўлга қўйиш соҳасидаги ишлари ҳақида муҳим ғояларни илгари суради.

Навоий ўз давридаги жамиятнинг ижтимоий тузилишини яхши билган. Бунга унинг «Маҳбуб-ул-қулуб» асари ёрқин мисол бўла олади. Бу асарида Навоий 39 хил ижтимоий гуруҳнинг аҳволи ва одатлари ҳақида сўзлаган, ёзиб қолдирган.

«Назмул-жавоҳир» асаридаги рубойиларидан бирида эса Навоий ҳуқуқшуносларнинг майда ва ниҳоятда мураккаб, машаққатли меҳнатига юксак баҳо берган. Ҳуқуқни, яъни ҳуқуқшуносликни илмларнинг энг шарафлиси, деб баҳолаган ва одамларни ҳуқуқшунослик фанларини чуқур ўрганишга даъват этган.

Навоий сўзларидан шу нарса англашиладики, у ўз асарларини, хусусан достонларини ёзаётган халқни, битта халқни эмас, бутун инсониятни кўзда тутган. Шунинг учун бу ўринда у менинг асарим халққа, ҳар бир инсон қалбига севимли бўлсин, ҳатто етти иқлим уни яхши кўриб, унга харидор бўлиб, қизиқиб юрсин, дейди.

«Фарҳод ва Ширин» достонини ёзишга киришганида ҳам Навоий ўз олдига ҳаммага шоҳга ҳам, қулга ҳам мақбул бўладиган асар ёзишни мақсад қилиб қўйгани бежиз эмас эди:

Шоҳ олса қилсин тожи торак,
Қул олса ҳам анга бўлсин муборак.

Навоий ижодининг, хусусан унинг лирик ва эпик шеъриятининг барча халқлар учун қимматли томонларидан бири, уларда кишилар ўртасидаги меҳру-оқибат, ўзаро муҳаббат, ҳурмат, вафодорлик

тараннум этилади. «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонларида бу мавзу жаҳон адабиёти юксаклигида ёритилган. Шоир «Ҳайрат-ул-аброр» достонида бу масалага тўхталар экан:

Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки жон бўлмасун. –

деб ёзади. Бунинг маъноси шуки, бутун жамият, бутун борлиқ, хусусан одамлар ўртасидаги барча муносабатлар ўзаро муҳаббатга, ҳурматга асосланиши, шу асосда ривожланиши, яшаши керак. Бир-бирига эмас, инсоний хусусиятларга, шахснинг муқаддас, самимий, пок истак интилишларига қараб белгиланиши лозим. Чинлик йигит Фарҳоднинг арман қизи Ширинга муҳаббат қўйиши, оташин севгисининг Ширин томонидан эъзозланиши, турли халқ, мамлакатларнинг вакиллари-арабистонлик Лайли, Мажнун, эронлик Баҳром, хитойлик Дилором, юнонлик Искандар кабиларнинг ёрқин образлари – булар ҳаммаси Навоий шеъриятининг яхшилик ва олийжанобликка, маънавий соф ва юксак бўлишга қаратилган далолатдир.

Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» достонида унинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий, аҳлоқий-таълимий қарашлари кенг баён қилинган бўлиб, унинг асосий ғоясини адолатли тузумни, инсонни улуғлаш, меҳнаткаш, ижодкор, билимдон халқ ғамини ейиш, унга ғамхўр бўлиш ғояси ётади.Бу достондаги:

Одами эрсанг демагил одами,
Оники йўқ халқ ғамидин ғами.

мисралари Алишер Навоийнинг қанчалик халқпарвар сиёсий тафаккур эгаси эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Шундай қилиб А.Навоий асарлари марказида турган белгиловчи ва йўналтирувчи бош масала –

инсон, халқ, Ватан уларнинг гуллаб яшнаши, истиқболи ҳақидаги муаммолардир.

Шундай қилиб, кўрамизки Марказий Осиёда яшаган кўплаб мутафаккирлар ва давлат арбоблари «Социология» фанининг шаклланиши ва ривожланишига муносиб даражада ҳисса қўшганлар. «Социология» фанининг кўпгина масалалари биринчи марта ана шу даврда яшаган мутафаккирлар ва давлат арбобларининг сиёсий қарашларида ўз ифодасини топган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам «Бобурнома» асарида ўз даври ижтимоий ҳаёти воқелигини, инсон шахси хусусиятларини, яхши ва ёмон томонларини, Андижондан Ҳиндистонга қадар бўлган ўлкан ҳудудда яшаган халқларнинг ижтимоий жиҳатларини шахсий кузатишлари, илмий тадқиқотлари асосида ўрганган ва ёзиб қолдирган.

Юқорида номлари зикр қилинган буюк мутафаккирлар яшаган даврда социология ҳақиқатда мустақил фан сифатида шаклланмаган эди.

Уларнинг ижтимоий ҳаёт жараёнлари тўғрисидаги илмий тадқиқотлари натижалари эса ижтимоий-фалсафий қарашлар тарзида намоён бўлган.

2 савол. Социологиянинг фан сифатида вужудга келиши, унинг вужудга келишидаги ижтимоий-тарихий шарт-шароит ва илмий-назарий манбалар нимадан иборат?

Социология нисбатан мустақил фан сифатида қачон вужудга келди? Тарих шунга гувоҳлик берадики, француз файласуфи Огюст Конт (1798-1857) томонидан 1839 йилда «Позитив фалсафа курси» асарининг учинчи томи чоп этилгандан бошлаб «социология» фанига асос солинди. У ўз асарида биринчи бор жамият ҳаётини ўрганиш вазифасини

бажарадиган «социология» тушунчасини қўллаган. О.Конт ўз таълимотини позитив, яъни илмий асосланган фалсафа деб баҳолади. Дастлаб позитив билим математика, физика, астрономия, химия, кейинчалик биология соҳасида қўлланилди. Кейинчалик социологияда қўлланилиши эса унинг энг юқори даражага эришганлигини билдиради. «Позитив усул» илмий кузатишлар, эксперимент ва таққослаш усуллари ёрдамида тўпланган эмпирик маълумотларни назарий таҳлил қилишни ифодалайди. Аслида жамият ҳаётини ўрганишга қаратиладиган бундай усул Марказий Осиё мутафаккирлари томонидан қарийб минг йиллар аввал қўлланилган ижтимоий ҳаёт жараёнларини ўрганиш усулларидан унчалик кескин фарқ қилмайди. Асосий фарқ фақат шундан иборатки, янги давр Ғарбий Оврупо фани ижтимоий тадқиқот шакли ўрта аср Шарқ ижтимоий ҳаётидан тубдан фарқ қилувчи, янги ижтимоий муносабатлар мазмунига, ўзига хос томонларига эга бўлган жамият тузимини, яъни капитализмни ўрганишга қаратилган эди. Ижтимоий-иқтисодий, маданий юксалишга эришаётган Ғарбий Оврупа ҳаёти ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан таназзулга, ўрта аср турғунлигидан чиқа олмаган шарқ мамлакатларига нисбатан илмий билимлар ривожланишига янги муҳит ва қулай шароит яратиб берди. Бунинг оқибатида жамият ҳаётини тобора системали, мукаммал ўрганишга қаратилган социология фан сифатида шаклланди ва янада ривожлана бошлади.

Социология фан сифатида таркиб топишида яна бир муҳим омил-меҳнат тақсимоти ва кооперация қонунининг очилиши сабаб бўлди. Бу ўз навбатида жамият тарихида муҳим роль ўйнайди. Чунки, бунинг

оқибатида ижтимоий ва касбий гуруҳлар социология тадқиқот объекти сифатида ўрганила бошланди.

О.Конт социологияни икки қисмга ажратади: социал статика ва социал динамика. Социал статикада ижтимоий тизимларнинг шарт-шароити ва функционал қонуниятлари ўрганилишини кўрсатади. Унда ижтимоий институтлар оила, давлат, дин кабилар тадқиқ этилди. Социал динамикада эса О.Конт ижтимоий прогресс ривожланишини назарда тутиб, у жамиятнинг маънавий ва ақлий ривожи инсоният тараққиётининг ҳал қилувчи омили, деб қарайди. Бу тамойил ҳозирги замон социологияси таркибида ҳам ўз мазмунини, илмий қимматини сақлаб қолган.

Социологиянинг фан сифатида таркиб топишдаги ижтимоий-тарихий шарт-шароитлар ва унинг назарий манбаи нимадан иборат эди? XIX асрнинг 40-йиллари Ғарбий Оврупо мамлакатларида ижтимоий-сиёсий аҳвол нотинч эди. Франция, Англия мамлакатлари ижтимоий муносабатларида кескин зиддиятлар вужудга келган эди. Социал инқилоблар Ғарбий Оврупони ларзага сола бошлади. Шундай шароитда О.Конт, Г.Спенсер, Э.Дюркгейм, М.Вебер каби социология фани асосчилари жамият тараққиётини ислоҳотлар асосида олиб бориш зарурлиги тўғрисидаги фикрларни илгари сурдилар. Худди шу даврнинг мутафаккирлари К.Маркс ва Ф.Энгельслар эса ўзларининг жамият ҳаётини инқилобий йўл билан ривожланиб бориши таълимотини илгари сурдилар. Шундан бошлаб то СССР парчаланиб кетгунига қадар икки қарама-қарши ғоявий йўналишда социал ғоя ривожланиб келди. Булар, бизда «Буржуа социологияси» номи билан аталиб келинган. Ғарбий Оврупо ва АҚШда ривожланган социология ва «марксистик социология». Ҳар икки йўналиш учун ҳам

XIX асрнинг 30-50 йилларида яратилган: немис олимлари Шванцс ва Шрейденлар томонидан (1838-1839) йиллар ҳужайранинг кашф қилиниши, инглиз олими Ч.Дарвин томонидан ишлаб чиқилган турларнинг эволюцион назарияси илмий асос бўлиб хизмат қилди. Капитализмнинг жадал ривожланиши жамият ҳаётида бир қатор долзарб муаммолар юзага келди. Йирик саноат тармоқларининг вужудга келиши оқибатида шаҳар аҳолиси сони жадал суръатда орта бошлади. Ижтимоий-сиёсий онгнинг ривожланиши билан кенг омма, айниқса пролетариат синф сифатида шаклланиб, уларнинг уюшқоқлиги орта борди. Шу билан бирга уларнинг қашшоқлашувининг ортиши, буларнинг барчаси социал зиддиятларнинг кучаювига сабаб бўлди. Шунлай қилиб, бир томондан жамиятнинг ижтимоий «хасталиги» ортди, бошқа томондан эса, бу «хасталикни даволовчи ўзларининг «ижтимоий муолажаларини» таклиф қилиб, социологик тадқиқотлар орқали жамият ҳаётини тартибга келтиришга уринган кишилар – социологлар пайдо бўлди.

Англия ва Францияда капитализмнинг жадал ривожланиши билан боғлик ҳолда, шу мамлакатларда жамиятнинг ижтимоий ривожланиш муаммоларига бағишланган илмий ишлар олиб борилди. Жон Сиклернинг 21 жилддан иборат «Шотландиянинг статистик тавсифи», Фридрих Энгельснинг «Англияда ишчилар синфнинг аҳволи», Чарлз Бутнинг «Лондон кишиларининг ҳаёти ва меҳнати», Андре Герринг «Франция аҳлоқий статистикаси очерклари», Фредерик Ле Пленинг 6 жилдлик «Европа ишчилар» асарлари шулар жумласидандир.

XIX аср йирик статистикаларидан Адольф Кетленнинг 1835 йилда чоп этган «Инсон ва қобилият

ривожланиши тўғрисида ёки ижтимоий ҳаёт тажрибаси» асари амалий социологик тадқиқот методологияси ва услубиётини ишлаб чиқишда, умуман социологиянинг фан сифатида вужудга келишида катта аҳамият касб этади.

3 савол. Социологиянинг фан сифатида асосий ривожланиш босқичлари: классик, ноклассик, марксистик ва XX аср Америка социологияси.

Социологиянинг фан сифатида шаклланишига асос солган, унинг классик вакиллари О.Конт, Г.Спенсер, Э.Дюркгеймлардир. Социологиянинг классик методологияси қўйидаги 4 та тамойилдан иборат бўлган:

1. Ижтимоий ҳаёт барча воқеликка умумий хос бўлган қонуниятга бўйсунади. Ҳеч қандай ўзига хос, аҳолида ижтимоий қонунлар бўлиши мумкин эмас.

2. Шунинг учун социология табиатшунослик фанлари каби тузилмоғи керак.

3. Ижтимоий тадқиқот усуллари ҳам аниқ ва қатъий бўлиши зарур. Бутун ижтимоий ҳаёт ҳодисалари ҳудди табиат ҳодисалари каби миқдорий тавсифланмоғи лозим.

4. Ижтимоий ҳаёт тўғрисидаги билимларнинг илмийлиги унинг мазмуни объективлиги мезони билан белгиланади. Социологик билимлар ҳар қандай субъектив таасуротлардан, ақлий-назарий ҳукмлардан ҳоли бўлмоғи зарур.

Социал воқелик бизнинг унга муносабатимиз қандай бўлишидан қатъий назар, қандай бўлса, шундайлигича тавсифланмоғи керак. Бошқача қилиб айтганда, социология ҳар қандай мафкурадан ва қадрият ҳукмларидан ҳоли бўлиши талаб қилинади.

Классик социологиянинг йирик намоёндаларидан бири, француз социологи Э.Дюркгеймдир (1858-1917).

У ўзининг 1895 йилда ёзган «Социологик усул қоидаси» асарида социологияни социал маълумот сифатидаги предметини таърифлаб беради. Э.Дюркгейм фикрига кўра, социология социал маълумотларни билишга асосланмоғи керак. Унингча, социал маълумотларни объектив реал равишда эътироф этмоқ социологик усулнинг асосий талабидир. «Социология – деб ёзади Э.Дюркгейм, қанчалик ихтисослашган бўлса, фалсафий мушоҳада учун шунчалик бой, ўзига хос маълумотлар етказиб беради».

Социологиянинг ноклассик типи немис файласуф – социологи Г.Зиммель (1858-1918) ва М.Вебер (1864-1920) лар томонидан ишлаб чиқилган. Ушбу методология асосида жамият ва табиат қонунларининг бутунлай қарама-қарши эканлиги тушунчаси ётади.

Г.Зиммель ва М.Веберлар социологик билимлар предмети сифатидаги «жамият», «халқ», «инсоният», «жамоатчилик» каби тушунчаларини рад этадилар. Улар социологик тадқиқот предмет фақат индивид бўлмоғи керак, деб ҳисоблайдилар. «Социология» - Г.Зиммелнинг фикрича-хусусий ижтимоий фанларнинг билиш назариясидир». У жамиятнинг умумсоциологик қонунларини рад этиб, шундай фикрларни ёзади: «Ижтимоий ривожланиш қонунлари тўғрисида сўз бўлиши мумкин эмас. Албатта, ҳар қандай ижтимоий унсур ҳаракати табиий қонунларга бўйсунади: аммо умумий жамият қонуни йўқ: бунда барча табиатдагидек қонунлар устида ҳукмронлик қиладиган қонун йўқ. Шунинг учун биз ҳар қандай икки бир хил ижтимоий шароитда мутлақо бошқа-бошқа ҳодисаларни келтириб чиқарадиган кучни била олмаймиз».

М.Вебер эса қадриятли ҳукмлар доим шахсий ва субъектив хусусиятга эга деб билган. Улар аҳлоқий,

сиёсий ёки бошқа қарашлар билан боғлиқ, деб ҳисоблайди. М.Веберда социал билишнинг асосий қуроли «идеал тип» ҳисобланади. Идеал – бу социал тарихий реалликни таққослаш орқали билиш тўғрисидаги тушунча. Унингча барча социал маълумот социал тип билан тушунтирилмоғи лозим. Вебер давлат типлари ва рационаллик типлари каби социал фаол типологиясини илгари суради. «Капитализм», «Бюрократизм», “дин” ва шу каби идеал типларга асосланади.

К.Маркс (1818-1883) ва Ф.Энгельс (1820-1895) нинг жамият тўғрисидаги материалистик таълимоти социологиянинг классик а ноклассик типларининг ўзига хос синтези сифатида вужудга келди. Марксизмда социология предмети жамиятнинг асосий ривожланиш қонуниятларини, унинг ижтимоий бирликлари ва институтларини ўз ичига олади. Жамият тараққиётини материалистик тушунишнинг асосий тамойиллари нималардан иборат?

1. Тарихий материализмнинг асосий тамойилларидан бири ижтимоий ривожланиш қонуниятини эътироф этиш. Ҳақиқатдан ҳам К.Маркс жамият тарихи ривожланишининг умумий қонуниятини кашф этди.

2. К.Маркс ва Ф.Энгельс жамият ҳаётида амал қиладиган хилма-хил кўплаб ижтимоий муносабатларни, бошқаларининг белгиловчисини аниқлаш зарур деб билдилар. Бу ижтимоий муносабатлар – моддий неъматларни ишлаб чиқариш усули бўлиб, бу ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларидан иборат. «Кишилар ўз турмушини ижтимоий ишлаб чиқаришда уларнинг иродаларига боғлиқ бўлмаган, муайян, зарур муносабатларга у ишлаб чиқариш муносабатларига

киришадилар, бу муносабатлар уларнинг моддий ишлаб чиқарувчи кучлари ривожининг муайян босқичига мувофиқ бўлади, - деб ҳисобладилар.

«… Моддий ҳаётни ишлаб чиқариш усули умуман социал, сиёсий ва маънавий ҳаёт жараёнларини белгилайди. Кишиларнинг онги уларнинг борлигини белгиламайди, балки аксинча, уларнинг ижтимоий борлиги уларнинг онгини белгилайди», - деб кўрсатади.

3. Жамият тўғрисидаги материалистик таълимотининг яна бир муҳим тамойили жамият ҳаётининг прогрессив ривожланиб бориши ҳарактерига эга эканлиги. Шу тамойил асосида Маркс ва Энгельс ижтимоий-иқтисодий формация тўғрисидаги қонуниятни очдилар.

4. Табиий-тарихий жараёнлар табиатда рўй берадиган жараёнлар сингари қонуниятли, зарурият орқали содир бўлиб, ўз моҳиятига кўра объектив ҳарактерига эга. Аммо, табиат ҳодисаларидан фарқ қилиб, жамият ҳодисалари стихияли тарзда эмас, балки унда яшовчи кишиларнинг онгли фаолияти натижасидан иборатдир.Жамият ҳаётида ҳеч бир ҳодиса кишилар онгида акс этмай содир бўлмайди.

5. Г.Зиммель ва М.Вебер социологик қарашларидан фарқ қилиб, Маркс ва Энгельс социологик қараршларида эмпирик социологик маълумотлар ва назарий хулосалар «тарихий давр манфаатлари»га пролетариат манфаатларига қаратилган эди. В.И.Ленин бу ёндашувини партиявийлик тамойили сифатида янада ривожлантиради. Бу эса, жамият тараққиёт тўғрисидаги барча «буржуача» социологик таълимотлар ноилмий деб, инкор этилишига олиб

келди. Умуминсоний қадриятлар ўрнини синфий, партиявий қадриятлар эгаллади.

XX аср 20-йилларидан бошлаб жаҳон социологиясининг маркази Ғарбий Оврупадан АҚШга кўчди. АҚШда социологиянинг фан сифатида жадал ривожланишида қўйидаги омил муҳим роль ўйнади. Капитализмнинг юқори босқичига кўтарилиши, Оврупада синфий курашнинг кучаюви натижасида АҚШда мавжуд ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий зиддиятларни ҳал этишга қаратилган эмпирик тадқиқотларнинг катта ҳажмда тўпланганлиги АҚШда социологиянинг фан сифатида жадал ривожланишига сабаб бўлди.

Ғарбий Оврупада социология узоқ вақт социолог олимларнинг шахсий жонбозликлари асосида ривожлантирилган эди. Масалан, О.Конт ва бошқа кўплаб социологлар доимий иш ҳақига эга эмас эдилар. АҚШда социология университетларда ўрганилди. Жаҳонда биринчи марта 1892 йил Чикаго университетида социология кафедраси ва факультети очилди. 1901 йилга келиб 169 университетда фан сифатида ўқитилди. 80-йилларнинг охирига келиб эса 250 коллеж ва университетларда ўқитилди.

АҚШда социология ўзининг илк ўрганилишидан бошлаб эмпирик-амалий фан сифатида шаклланди. Ҳозирги социологик тадқиқотлар ўзининг жуда катта молиявий асосига эга. Социологик тадқиқотлар ўтказиш учун йилига 2 миллиард доллар ажратилади. Бу ҳаражатларнинг ярмини АҚШ ҳукумати, қолган ярмини эса хусусий мулк эгалари ўз зиммасига олган. АҚШда ҳозир 100 минг нафар социология мутахассислари фаолият кўрсатмоқда. Ҳукумат ва мулк эгалари социологияга социал зиддиятларни ҳал этиш қуроли сифатида, ижтимоий барқарорликни

таъминлаш воситаси, ижтимоий назорат ва бошқарув омили, меҳнат унумдорлигини оширувчи кишиларнинг моддий ва маънавий муносабатларини тартибга солиб туришнинг илмий асоси сифатида жиддий эътибор бериб келмоқдалар. Эмпирик тадқиқотларнинг мунтазам равишда олиб борилиши, фундаментал методологик ва назарий асосининг ишлаб чиқилганлиги, унинг математик ва статистик, компьютер технологияси юқори даражадалиги, моделлаштириш ва социал экспериментларнинг юқори савияда олиб борилиши оқибатида ҳозирга келиб АҚШда социология аниқ прогнозлар берувчи фанга айланган.

Эмпирик социологик тадқиқотларга эҳтиёж ижтимоий-тарихий талабдир. Жамият ҳаётини тўғри бошқариш энг аввало илмий социологик тадқиқотларга таянмоғи зарур.

XX асрнинг 20-йиллардан бошлаб АҚШ социологиясида айниқса меҳнат муносабатлари, инсоний муносабатларни ўрганиш янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларга ўтиш жараёнини тезлаштирди. Масалан, 1927-1932 йилларда Э.Мэйо раҳбарлигида меҳнат ва бошқарув муносабатларини ўрганишга қаратилган ва Хоторн экспериментлари номи билан машҳур бўлган социологик тадқиқотлар, шу асосда, 1943 йилда Абрахам Маслоу томонидан ишлаб чиқилган истеъмолнинг иерархик назарияси ишлаб чиқилди ва амалиётда қўлланилди. Кейинчалик шу назария асосида 1950 йили Ф.Херцберг томонидан мотивация нзарияси ва 1957 йили Д.Макгрегор томонидан бошқарув усуллари назарияси яратилди. Ф.Херцберг назариясига кўра, фақат ички омиллар меҳнат мазмунини, меҳнатдан қониқишини оширади, - деган хулосага келган. Меҳнат шароитлари, иш ҳақи,

шахслараро муносабатлар, корхона раҳбариятининг тутган сиёсати, бошқариш усули ва бошқа шу кабиларга у ташқи омиллар сифатида қарайди.

Бу омиллар меҳнатдан қониқмаслик даражасини пасайтириб, кадрларнинг, мутахассисларнинг корхонага боғланишини мустаҳкамлайди. Аммо, бу омиллар меҳнат унумдорлигининг ошишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатмайди. Бу билан Ф.Херцберг қўйидаги ўзаро боғлиқликни асослайди: меҳнатдан қониқиш, ҳосил қилиш меҳнат мазмунининг функциясидир, қониқмаслик эса меҳнат шароитининг функциясидир. Ҳар икки тизим турли томонга йўналган ҳулқий жиҳатдир.

60 йилларда АҚШ назарий социологияси феноминологик йўналишнинг кучайганлиги билан ҳарактерланади. Феноминологик социологиянинг шаклланиши А.Шнетц номи билан боғлиқ. Ўз моҳиятига кўра феноменологик социология антипозитив йўналишда бўлди. АҚШда яна бир антипозитив социологик йўналиш символик интеракционизм бўлиб, унга Г.Блумер асос солган. «Янги социология» номи билан аталмиш учинчи антипозитив социологик йўналиш Ч.Р.Миллс номи билан боғлиқ. Символик интеракционизм феноменологик социологияси, «янги социология», конфликт социологияси, ижтимоий айирбошлаш назарияси, неофункционализм ва бошқа шу каби назариялар – ҳозирги замон АҚШ социологиясининг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Америка социологиясида 60-йилларга қадар марксистик ғоялар таъсири йўқ эди. 60-йиллардан бошлаб АҚШда марксистик социологияга қизиқиш орта бошлади. 70-йилларда Р.Фридрихс каби социологлар «диалектик социология» дастурини ишлаб

чиқиш ғояси билан чиқдилар. Унга кўра, марксистик ва номарксистик социологик назариялар, концепциялар ўртасидаги зиддиятни, ажралишни бартараф қилиш масаласи илгари сурилди. Бундай уринишлар 60 йилларда ҳам давом этди. Шу даврларда АҚШ университетларида К.Маркснинг социологик таълимоти ўқитила бошланди.

АҚШда ўтказилган эмпирик социологик тадқиқотлар ва ишлаб чиқилган турли хусусий-амалий социологик назариялар муайян методологияга асосланган эди. АҚШ социологиясида узоқ вақт бихевиоризм методология сифатида ҳукмрон бўлди. Бихевиоризм инглизча сўздан келиб чиқиб, хулқ маъносини англатади. Бунга кўра, социология инсон ҳулқи тўғрисидаги фандир. Бихевиоризм асосчилари Э.Торндайк, Д.Б.Уотсон, Б.Скиннерлар эди. Уларнинг фикрига кўра инсон ҳулқи кўп жиҳатдан бошқариладиган руҳий жараёндир. Шунинг учун бихевиоризм намоёндалари социология, ижтимоий психология каби фанларнинг асосий вазифаси инсон хулқини бошқаришдан иборат бўлмоғи лозим деб ҳисоблайдилар.

Бихевиоризм социологиясининг эмпирик усулларига катта аҳамият беради. Бу методология асосчилари социологияда, айниқса кузатиш ва эксперимент усуллари муҳим ўрин тутишини таъкидлайдилар. Эмпирик маълумотларни қайта ишлашда эса миқдорий, математик ва статистик усуллар кўпроқ аҳамиятли эканлигини кўрсатдилар.

Социология фани ривожида бихевиоризм катта аҳамият касб этди. Инсон ҳулқининг чуқур ички яширин, ботиний дунёсини ўрганишга сезиларли таъсир кўрсатди.

АҚШ социологиясида бихевиоризм методологиясидан ташқари, яна Парсонс ва Мертонларнинг таркибий-функционал таҳлил мактаби методологияси ҳам муҳим аҳамият касб этди. Ҳозирги замон АҚШ социологиясида этнометодологик ва экзистенционал социология бўйича жиддий изланишлар олиб борилмоқда.

4 савол. АҚШ ва Ғарбий Оврупа социологик тадқиқот назариялари ва методологияси совет марксистик социологиясида етарлича қадрланмади. Улар буржуа назариялари сифатида танқид қилинди ва бутунлай инкор этилди. Коммунистик мафкурага асосланган совет марксистик социология фани тобора ўзининг фан сифатидаги моҳиятини йўқота борди. Бошқа ижтимоий ва гуманитар фанлар қатори ҳукмрон сиёсий мафкурага бўйсундирилди, унинг ожиз хазматкорига айлантирилди. Натижада социология мавжуд ижтимоий реалликни бир томонлама сохта ифодаловчи тоталитар давлат буюртмасини бажарувчи бўлиб қолди.

Совет давлатининг дастлабки йилларидаёқ, яъни 1918-1919 йилларда Петроград ва Ярославль университетларида социология кафедралари очилди. Социология мутахассислиги бўйича илмий даража жорий қилинди. 1919 йилда эса социологик институт ташкил этилди. 1922 йилда эса ВКП (б) МК қарори билан рус зиёлиларининг катта гуруҳи Россиядан чет элга бадарға қилинди. Улар ичида йирик социолог П.А.Сорокин ҳам бор эди. У АҚШда яшади ва ўз илмий фаолиятини давом эттирди.

20-йилларда социология бўйича қатор асарлар нашр этилди. Булар жумласига 1922 йил чоп этилган П.А.Сорокиннинг «Социология асослари» 1928 В.М.Хвостовнинг «Социология асослари», «Ижтимоий

прогресс қонуниятлари тўғрисидаги таълимот». 1922 йилда Н.А.Бухариннинг «Тарихий материализм назарияси. Марксистик социологиянинг оммабоп дасрслиги». 1923 йилда М.С.Солинскийнинг «Кишиларнинг ижтимоий ҳаёти, Марксистик социологияга кириш» ва бошқалар киради. Уларда асосан социологиянинг назарий масалалари ишлаб чиқилган.

50-йилларда социология тўла фалсафий фан сифатида эълон қилинди. Тарихий материализм-марксизм социологияси сифатида қаралиб, эмпирик аниқ социологик тадқиқотлар фалсафий назариянинг предмети бўлмаслиги учун социологиядан суриб чиқарилди. Шу даврдан бошлаб социология собиқ СССРда ўзининг фан сифатидаги мазмунини йўқотди.

50-йиллар охири, 60-йиллар бошларидан социология фани ривожида бирмунча ижобий ўзгаришлар рўй берди. Эмпирик социологик тадқиқотлар ўтказила бошланди. 60-йиллар ўрталарида биринчи социологик муассаса – СССР ФА фалсафа институти қошида социологик тадқиқотлар бўлими ташкил қилинди. Ленинград университетида социологик тадқиқот лабораторияси очилди. 1962 йилда Совет социологик ассоциацияси, 1964 йилда эса МДУ фалсафа факультетида конкрет социологик тадқиқотлар кафедраси ташкил қилинди. 1969 йилга келиб СССР ФА иттифоқдош республикаларда ўз бўлимларига эга бўлган конкрет социологик тадқиқот институти ташкил қилинди. 1974 йилдан бошлаб Москвада, Свердловск, Ленинград, Новосибирск каби йирик илмий марказларда «Социологик тадқиқотлар» ойномаси чиқа бошлади. 1988 йилга келиб Москва, Ленинград, Свердловск, Киев университетларида социологик факультетлари очилди.

Совет тузуми даврида тарихни материалистик тушунишга синфий ва партиявий ёндашишни абсолютлаштириш оқибатида умумсоциологик қонуният моҳиятига путур етказилди. Жамият тараққиётини бир томонлама бўрттириб тушунтириш оқибатида субъективизмга, волюнтаризмга олиб келди. Социология фалсафа ва бошқа ижтимоий фанлар сингари сиёсатга бўйсундирилиб, унинг хизматкорига айлантирилди. Социологиянинг асосий ижтимоий вазифаси муайян андозага солинган, олдиндан қатъий белгиланган сиёсий буюртмани бажаришдан иборат бўлиб қолди. Мавжуд мафкура доирасидан чиқиш қатъий таъқиқланди.

Шундай қилиб, ўша давр ижтимоий фанлари учун методологик асос қилиб олинган тарихни материалистик тушунишдан четлашилди. Ижтимоий онг ижтимоий ҳаётни эмас, балки ижтимоий борлиқ ижтимоий онгни белгилайди, деган материалистик моҳиятга эга бўлган умумсоциологик қонуниятга ҳилоф равишда иш юритилди.

Совет Иттифоқи даврида социологиянинг фан сифатида ривожланиши учун тўла имконият бўлмади. Бунинг асосий сабаби, демократиянинг йўқлиги, ижтимоий муносабатга фақат синфийлик, партиявийлик нуқтаи назаридан қаралганлиги бўлди. Социология эса фақат тўлақонли демократия бўлгандагина фан даражасида амал қилади. Чунки, социология моҳият эътибори билан жамият ҳаётининг ўзаро боғлиқ бўлган сиёсий, ижтимоий маънавий ва ижтимоий турмуш соҳалари ривожланиши ва функционал қонунларини объектив жиҳатдан илмий таҳлил қилади.

Бинобарин, эмпирик тадқиқот даражасида олинган маълумотлар ўрганилаётган объектнинг салбий жиҳатларини ҳам ифодалаш мумкин.

Кишиларнинг давлат сиёсатига, мавжуд сиёсий режимга муносабатини моддий турмуш даражаси, кайфияти, интилишлари ва шу каби муносабатларни социологик тадқиқ қилиш орқали мамлакатдаги мавжуд ижтимоий-сиёсий ҳолат юзага чиқарилади. Фақат тўлақонли демократик тузумдагина мавжуд сиёсий кучларнинг фикрлар хилма-хиллигига йўл қўйилади.

Социологияда тадқиқот натижаси қандай бўлишидан қатъий назар, илмий асосланган ва объектив характерда бўлиши талаб қилинади. Агар давлат демократик асосда бошқарилмаса, ҳокимият тепасидаги сиёсий кучлар манфаатига хизмат қилмайдиган ҳар қандай илмий социологик тадқиқотдан воз кечилади ва у таъқиқланади. Сиёсий идеологияга бўйсундирилган социология эса ўзининг илмийлигини йўқотиб субъектив, сунъий ва сохта хусусиятга эга бўлиб қолади.

Ўзбекистонда дастлаб 1989 йилда Тошкент Давлат Университети фалсафа факультети таркибида социология бўлими ва кафедраси ташкил қилинди. Шу йилдан бошлаб социологлар тайёрлана бошланди ва 1994 йили 40 та мутахассис битириб чиқди. 1995 йилда 30 та, 1996 йили 21 та талаба социолог мутахассислигига эга бўлдилар.

Социология кафедраси 8 мутахассис профессор Н.С.Аликориев раҳбарлигида фаолият кўрсатмоқда. 1996 йили кафедра доцента А.Ж.Холбековнинг «Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг социологик таълимоти» китоби «Университет» нашриёти томонидан 350 нусхада чоп этилди.

Фарғона Давлат Университетида дастлаб 1990 йилда социология кафедраси ташкил этилди. 1992 йилда эса шу кафедра асосида «Умумий социология» ва «Амалий социология» кафедралари ташкил этилди. «Амалий социология» кафедрасининг илмий тадқиқот йўналиши – ёшлар фаолиятида меҳнат омилини фаоллаштириш йўллари бўлиб, бу борада аниқ тадқиқотлар олиб борилмоқда.

1991 йилда социология бўйича мутахассислар тайёрлаш бўлими очилиб, унга қабул қилинган дастлабки талабалардан 17 киши 1996 йилда социология бўйича мутахассис сифатида битириб чиқди.

Ўзбекистон ФА фалсафа ва ҳуқуқ институти қошида 1993 йилда Ўзбекистон социологларининг ассоциацияси тузилди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 18 июл 1994 йил 87-01-242 сонли буйруғи билан олий ўқув юртларида социология фани ўқитилиши жорий қилинди. Аммо, республика ижтимоий ҳаёти муаммоларини барча ўқув юртлари олимлари томонидан ўрганилиши сустлик билан бормоқда. Социологик тадқиқотларнинг жамиятимиз ижтимоий ҳаётини ўрганишдаги салмоғи ҳали жуда паст даражада.

Ўзбекистонда социология фанини ривожлантиришда президентимиз И.А.Каримовнинг роли беқиёсдир. Чунки И.Каримов баён қилган иқтисодий ислоҳотларнинг беш тамойили, шу жумладан унинг биринчиси иқтисодиёт сиёсат устидан устивор бўлган, уни ҳар қандай мафкурадан озод қилиш лозимлиги ўқтирилди. Иқтисодиёт ўз қоидаларига асосланиб ривож топиши керак» - деган қоидага кўра иқтисодиётни асосий ижтимоий тизим сифатида социология фани доирасида ўрганиш

жамиятнинг бошқа жиҳатларини ўрганишга асос бўлади.

И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари», «Маънавий юксалиш йўлида», «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда», «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», «Миллий истиқлол мафкураси», «Баркамол авлод орзуси» “Юксак маънавият – енгилмас куч” ва бошқа асарларида мустақил миллий давлатимиз ижтимоий тизимидаги мавжуд системалар таркибий функционал ҳолатининг социологик тадқиқотлар орқали аниқлаш ва ўрганиш муаммоси ҳозирги куннинг муҳим масаласи эканлиги, уларнинг миллий тузилиш ва турли миллатларнинг ўзаро тотув яшашини таъминловчи омилларни кучайтириш йўлларини аниқлаш; оила, ёшлар тарбияси билан боғлиқ бўлган мавжуд муаммоларни жиддий таҳлил қилиб, реал тадбирлар, ишлаб чиқиш ва ҳатто тадбиқ қилиш: салбий ҳарактердаги турли гуруҳлар, гиёҳвандлар, террорчилар, умуман мамлакат сиёсий вазиятига, иқтисодиётига, маънавиятига, тинчлигига ва кишиларнинг ижтимоий турмуш тарзига етказаётган катта зарарига ва гуруҳлар фаолиятига чек қўйиш каби муаммоларни ўрганиш социологларнинг асосий фазифаси эканлиги алоҳида қайд қилинган. Бу асарларда бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш концепцияси ва жамият ҳаётида бозор муносабатларининг таркиб топиб бориш жараёнини ўрганиш, назарий социологиянинг асосий тадқиқот объекти эканлиги алоҳида ўқтириб ўтилган. И.Каримов томонидан Ўзбекистон социологларининг олдида қўйилган энг долзарб муаммо ва бу муаммони ечиш йўллари 2000 йилда эълон қилинган «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз» деган асарида мукаммал ишлаб чиқилган. Биз, - деб

ёзади И.Каримов, - Бугун мустақил тараққиёт йилларида тўплаган тажрибаларимизга таяниб, ҳаётимизни янгилаш ва ислоҳ қилиш йўлида давлат ва жамият қурилишининг энг асосий мақсад ва вазифаларини, олдимизда турган биринчи галдаги муҳим масалаларни аниқлаб олмоғимиз лозим. Демак, Ўзбекистон социологлари олдида ниҳоятда мураккаб ва шу билан бирга ҳал қилиниши лозим бўлган муаммо турибдики, бу муаммони ҳал қилиш йўлини ҳам президент И.Каримов ўз асарларида аниқ ва равшан қилиб кўрсатиб берган. «Бизнинг, - деган эди И.Каримов ўз асарларида, - бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантиришдан иборат»дир.

А Д А Б И Ё Т Л А Р :

1. Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». Тошкент, 1998.
2. Каримов И.А. «Истиқлол ва маънавият». Тошкент, 1994.
3. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида…». Тошкент, 1997
4. Абу Наср Форобий. «Фозил одамлар шаҳри». Тошкент, 1993
5. Аҳмад Яссавий. «Девони ҳикмат».
6. Абу Райҳон Беруний. «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Маъсудия».
7. Абу Али ибн Сино. «Тадбири манзил».
8. Низом ал-Мулк. «Саёҳатнома».
9. «Социология» дарслик. М.1990
10. К.Юнусов. «Социология» (ўқув қўлланма), Андижон, 1998
11. Ўзбек педагогикаси антологияси. Тошкент, 1995. 3-320 бетлар.
12. М.Бекмурадов. «Социология асослари». Т.»Фан», 1994.
13. Ш. Ахадов “Социология”, ўқув-услубий қўлланма. Самарқанд, 2007 йил.

Таянч иборалар:

- **Ижтимоий қараш, қарашлар** – ижтимоий жамият тараққиёти тўғрисида илмий, амалий фикрлар, таълимот ва назариялар.
- **Ижтимоий таълимот, назария** – ижтимоий жамият тараққиёти тўғрисидаги илмий асосда назарий жиҳатдан асосланган ғоя, қараш ва назария, ҳаёт ривожланиш қонунларига доир соҳа.
- **Ижтимоий тизим** – жамият, ижтимоий жамиятни ташкил этувчи тармоқлар, соҳалар, бирликлар, уюшма ва бошқа алоҳида соҳалар бўлиб, жамият эҳтиёжларини қондирувчи бирликдир.
- **Умумий ва хусусий қонуниятлар** – жамиятда, ижтимоий жамиятда умумий хусусий (алоҳида) қонуниятлар мавжуд бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради.
- **Фозил шаҳар** – адолатли, саховатли, фазилатли инсонпарвар шаҳар.
- **Манбаъ, манбаълар** – илмий-амалий, назарий жиҳатдан қадимдан ёзилиб қолдирилган ва ҳозирги кунгача етиб келган асарлар.
- **Эмпирик социология** – социал тадқиқотларда аниқ маълумот ва ҳужжатлар.
- **Эмпирик маълумот** – жамият тараққиётининг илк ва ундан кейинги даврларини махсус услуб билан анализ, таҳлил қилиш методларидир.
- **Социал эволюция** – жамиятнинг қонуний ривожланиши, тараққиёти ҳақида таълимот бўлиб, қадимдан Аристотель, Лукреций, Вико, Гегель, Конт ва бошқалар томонидан ривожлантирилган таълимот.
- **Бихевиоризм** – у инглизча сўз бўлиб, хулқ маъносини англатади, унга кўра социология инсон хулқи тўғрисидаги фандир.

III. -Мавзу: МАЪНАВИЙ ҲАЁТ ВА МАХСУС СОҲАЛАР СОЦИОЛОГИЯСИ

СОЦИАЛ ИНСТИТУТЛАРДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Режа:

1. **Масофадан ўқитишнинг моддий техник базаси.**
2. **Ўзбекистонда Давлат таълим тизими.**
3. **ДТС лари ва ўзвийлик.**

Масофадан ўқитишнинг моддий-техника базаси яратилганми? Бу йўналишда сизнинг аниқ режангиз борми?

– Масофадан ўқитишнинг моддий-техника базаси босқичма-босқич яратилиши лозим. Университетнинг, олий ўқув юртининг виртуал кутубхонаси ташкил қилинади. Маърузаларнинг электрон версиялари компакт-дискларда тайёрланади. Локал компютер тармоғидан иборат синфлар барпо этилиши керак. Интернет халқаро ахборот тармоғига чиқиб ишлаш йўлга қўйилиши керак. Электрон дарсликлар яратиш борасида амалий ва ташкилий ишлар йўлга қўйилиши ҳамда ушбу йўналишда олий ўқув юртининг истиқболли режаси тасдиқланиши лозим.

Масофадан ўқитишга тайёргарлик ишлари факультетда қандай ҳолатда?

– Ҳар бир факультетнинг компютер тармоғи яратилиши, келажакда олий ўқув юртининг корпоратив компютер тармогига уланиши ва автоматлаштирилган ўқитиш муҳитини шакллантириш лозим. Энг аввало, профессор-ўқитувчилар томонидан чоп этилган дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида электрон дарсликлар яратишни йўлга қўйиш керак.

Сизнингча масофавий таълимнинг афзалликлари нимадан иборат?

10 та афзаллигини айтинг.

– Масофавий ўқитиш янги педагогик технологияларнинг бари тўғри бўлиб, кўпгина афзалликларга эга. Жумладан, ишлаб чиқариш жойидан ажралмасдан таълим олиш; олинаётган билимларнинг тезкорлиги; талабаларнинг билим олиш жараёнида эркинликлари; иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги; ўқув жараёни мобайнида аудио, видео, анимация, графикалар асосида таълим бериш натижасида ўқув материалларининг хотирада узоқ муддатга қолиши; профессор-ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги турлича психологик бареалардан холислик; олинган билимларнинг ҳолисона баҳоланиши, олинаётган назарий билимларнинг амалиёт билан биргаликда таққослашнинг имкони; дунёнинг энг етук профессор, ўқитувчилари Маърузаларидан баҳраманд бўлишликдан иборатдир.

Таълим сифатини оширишда масофавий таълимнинг аҳамияти борми?

– Таълим сифатини оширишда масофадан ўқитишдан кенг фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Унда таълимга бўлган одатий ёндашув ўзгаради, талаба марказий ва хорижий университетларга билим олиш учун бормай, балки илм-фаннинг ўзи талабаларнинг яшаш жойига қараб силжийди. Етакчи университетларнинг ахборот ресурслари ва ўқитиш курсларидан узоқда жойлашган ҳудудларда илм олувчиларга тенг илм олиш имконияти яратилади. Яшаш, овқатланиш ва транспорт билан боғлиқ ҳаражатлар 10-15 марта қисқаради.

Масофадан ўқитиш тизимида Европа олий ўқув юртларида ўкитиладиган фанларни инглиз тилида

талабаларга етказишни ўйлаб кўрдингизми? Бундай ўкитиш кайси жиҳатлари билан афзал?

– Европа олий ўқув юртларининг масофадан ўқитиш тизимини ҳар бир профессор-ўқитувчи яқиндан ўрганиб бориши лозим. Янгиликларни Интернет ахборотлар тармоғи орқали мунтазам олиб туриши. Материаллар инглиз тилида бўлганлиги учун, олинган ўқув абиётларини кўпроқ инглиз тилини биладиган иқтидорли талабалар салоҳиятидан фойдаланиб таржима қилиб уларни йўлга қўйиш керак.

Масофадан ўқитиш қандай жараёнда самарали бўлишини уйлаб кўрдингизми? Аниқ мисоллар асосида унинг 10 та афзал томонини кўрсатинг.

– Масофадан ўқитиш тизимини аввалам бор, географик жиҳатдан узоқда жойлашган вилоятларимиздаги ёшларимиз учун ташкил қилишимиз лозим. Шундагина тизимнинг истиқол самарадорлигига эришишимиз мумкин. Жаҳон тажрибаси масофавий ўқитишнинг анаънавий ўқитишдан анчалик бирламчи харажатлари катта миқдорда бўлишидан қатъи назар икки, икки ярим баробар самарадорлигини кўрсатмокда. Бундай ўқитишнинг афзалликлари олдинги бўлим ва бандларда кўрсатилган.

Масофадан ўқитишда фанлар бўиича сертификатлар ва тўлиқ таълим бериш асосида диплом такдим этиш ҳақида уйлаб кўрдингизми?

– Бу йўналишда Сиз ҳам ўйлаб кўринг ва таклиф киритинг.

Таълимнинг сифати умумий ошкоралик, катта ва кенг аудиторияда муҳокама қилиш имконияти мавжудлиги ҳисобига яхшиланади. Шундай шароит яратилганми? Шу кунгача неча марта масофадан ўқитиш дастури тинговчиларга етказилди?

– Масофадан ўқитиш борасида ҳар бир олий ўқув юртида истиқболли режа ишлаб чиқилган бўлиши ва уни ҳаётга татбиқ қилиш борасида амалий ишлар олиб борилиши лозим. Видео-конференсиялар ўтказиши ва уларда талабалар фаол иштирок этиши катта самара беради. Бунда энг асосийси, талабалар билимини баҳолашга эришилади. Бу эса ҳозирги куннинг энг долзарб масаласидир. Шу боис масофадан ўқитишни ташкил қилиш, жаҳон тажрибасига таяниб унинг муносиб дастурини ишлаб чиқиш лозим. Шунинг билан бирга ҳар бир ўқитиладиган фан хусусиятини инобатга олиб ўқитиш услубига ҳам эътибор бермоқ керак.

Гипербоғланган маълумотлар ва видео-аудио, анимасияли қўшимча материаллар киритиш ҳисобига машғулотлар ўтиш ва ўзлаштириш самарадорлиги ошади. Бу ўз навбатида ўқув материалини тезда эслаб қолишга ёрдам беради. Талабаларда машғулотлар матни билан доимий ишлаш ва зарур бўлганда қайтадан мурожаат қилиш имконияти тўла яратилдими?

– Олий ўқув юртларида энг аввало, барча фан Маърузалар матни яратилган бўлиши, уларнинг электрон версияси Компакт-дискларга ёзилиб факултетларнинг ҳар бир гуруҳига тарқатилиши лозим. Бундан ташқари Маъруза матнлари виртуал кутубхонада ҳам бўлиши шарт. Талаба расмий мурожаатсиз ушбу дискетлардан кўчирма олиши ёки ундан кутубхонанинг ўзида фойдаланиши мумкин.

Масофадан ўқитиш жараёни жорий этилиши билан таълимга нисбатан талаба яшаб турган жойида билим олиш таъминланади. Сиз шундай ҳолат бўлиши учун қандай тадбирлар белгилаш лозим деб ҳисоблайсиз?

– Талабаларнинг олдинги ўқитишларга нисбатан ёндашувлари тубдан ўзгаради. Талаба марказий ва хорижий университетларга билим олиш учун бормайди. Талабанинг яшаш жойига бориши катта самара беради.

Етакчи университетларнинг ахборот ресурслари ва ўқитиш курсларидан узоқда жойлашган ҳудудларда илм олувчиларга тенг илм олиш имкониятлари яратилишини мақсад қилиб қўйдингизми?

– Ҳар бир олий ўқув юрти фаолияти ва масофадан ўқитишнинг ўзи шу мақсадга йўналтирилган. Бу мақсадга эришишда аввало, жойлардаги ўқув-маслаҳат марказларида ўқитишни яхши йўлга қўйиш, улар учун масофадан ўқитишни жорий қилиш бўйича қатор амалий ишлар олиб борилиши лозим.

Республиканинг исталган вилоятида олий ўқув юртларининг профессорларидан илм олишда ҳалақит берадиган ҳудудий чекланишлар бўлмаслиги таъминланади. Ҳудудларда юқори малакали ўқитувчиларнинг танқислиги муаммоси ечилади. Шу боис Сиз бу жараёнга тайёрмисиз?

– Етук профессор-ўқитувчилар тажрибасидан фойдаланиши учун масофадан ўқитиш катта аҳамият касб этади. Бу жараён барча олий ўқув юртлари ўзаро тайёргарлик кўришлари ва ҳамкорлик асосида масофадан ўқитишни ташкил қилишлари лозим.

Яшаш, овқатланиш ва транспорт билан боғлиқ ҳаражатларнинг 10-15 марта қисқариши ҳисобига масофавий уқитиш самарали ҳисобланади. Таҳлил қилиб кўринг, Сизда самара кўрсаткичи қандай бўлади?

– Аввалам бор, талабаларнинг етакчи олийгоҳларда билим олиш имкониятини кенгайтиради. Самара кўрсаткичларига: меҳнат унумдорлигининг

ошиши, транспорт харажатларининг ва адабиётлар сотиб олиш бўйича харажатларнинг камайиши; йўлга кетадиган вақтнинг қисқариши ва бўш вақтнинг пайдо бўлиши; уй шароитида овқатланиш; спорт билан шуғулланишга вақт ажратилиши кабилар киради.

Масофадан ўкитиш дарсликлар, ўкув қўлланмалар яратиш учун сарфланадиган материал ҳаражатларини камайтиради. Сизнинг ҳисобингизча канча маблағни иқгисод қилиш мумкин? Ҳисоблаб кўринг, балки билвосита самараси ҳам бордир?

– Электрон дарсликлар, ўқув қўлланмалари валюта ҳисобига олиб келинадиган қоғоз ва бўёқларни талаб қилмайди. Электрон дарсликларни қўллаш тез, сифатли ва кам харажатлар билан ўқув материалларни янгилаш имкониятини яратади. Маълумки, ушбу хусусият ўқув материали тез-тез янгиланишини талаб этувчи ижтимоий-гуманитар ва иқтисодий йўналишдаги дарсликлар учун ўта муҳимдир.

Тез ўзгарувчан бозор муносабатлари шароитида ижтимоий-иқтисодий фанлар мазмунида кўп ва тез ўзгаришлар бўлиши табиий. Масофадан ўқитиш бу соҳада қандай фойда беради?

– Ушбу фанлар бўйича яратилаётган электрон дарсликларга олаётган ўзгаришларни тезкор ва доимий равишда киритиб бориш мумкин. Бу эса талабаларга бўлаётган ўзгаришларни доимий тарзда етказиб беришни таъминлайди.

Масофадан ўқитиш тингловчиларда фикрлаш қобилиятини оширилишига, Маърузачининг салоҳиятини баҳолашга имкон беради. Бу орада масофадан ўкитишга жалб қилинган профессор-ўкитувчилар ўргатиладиган талабларга тўла жавоб берадими?

- Илмий салоҳияти ва педагогик маҳорати этарли бўлган пофессор-ўқитувчилар масофадан ўқитишга жалб қилиниши керак.

Талабаларга берадиган таълим мустақил тайёргарлик кўришга талабаларнинг қобилиятини юқори бўлишига далда бўлади. Талабалар дарс ўтилишини объектив баҳолаш ва ўқитувчи билан актив алоқа ўрнатиш имкони яратилади.

Масофадан ўқитишнинг қайси усулини қўлламоқдасиз? Шу усул бўйича бironта фан бўйича кимларни ўқитдингиз? Чет элга борганмисиз?

– Масофадан ўқитишнинг дастлабки жараёнида кейс технологияси ва оффлайн усулида таълим бериш услубини қўллаш мақсадга мувофиқ. Бу усуллар таълим олиш, малака ошириш ва қайта тайёрлашда таълим олувчининг ёши; нисбатан чеклашларни назарда тутмайди.

Хабарингиз борми, чет элда масофадан ўқитиб 1-йилда тингловчиларга диплом берилмоқда. Сиз шу йўналиш бўйича нима ишлар қилдингиз? Мерилен университети, тажрибасини қўллашни ўрганмадингизми?

– Ҳақиқатан ҳам масофадан ўқитиш натижасида ўқиш муддати қисқаради. Бу эса инсонларнинг бошқа машгулотлар билан шуғулланишига бўш вақт демакдир. Мерилен университети масофадан ўқитиш бўйича жаҳонда биринчилардан ҳисобланади. Уларнинг бой тажрибаси билан яқиндан танишиш ва амалиётда қўллаш борасида тадбирлар белгиланиши лозим. Бу йўналишда дунёдаги етакчи университетлар тажрибаси ҳам ибратли бўлиши мумкин.

Масофавий таълимнинг портфел, телевизион-спутник ва тармоқ орқали турлари бир-биридан нимаси билан фарқланади?

– Масофадан ўқитишнинг энг арзон турларидан портфел кейс кўринишда ўқитишдир. Унда реал вақт бирлигида ўтилмайди, балки ҳар бир блок, фан бўйича дарслик компютерда ўқитиш дастурлари ишлаб чиқилиб, ҳар талабага етказилиб берилади. Телевизион-спутник масофадан ўқитиш ҳам сифатли даражада олиб борилган лекин у кўп молиявий маблағларни жалб қилишни талаб қилади. Тармокди масофадан ўқитиш асосан онлайн уз асосида, яъни реал вақт бирлигида олиб боришни кўзда тутади. Бизнинг шароитимизда асосан портфел-кейс шаклда-масофадан ўқитишни кенг йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Вазирлар Маҳкамасининг масофавий таълимни ривожлантириш бўйича қарори қачон кучга киради ва унда қандай чора-тадбирларни бажариш кўзда тутилган?

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ахборотлаштиришни ривожлантириш борасидаги қарори 6-июн, 2002 йилда қабул қилинди. Ушбу қарорни ҳаётга татбиқ қилиш борасида амалий ишлар олиб борилмокда. Унда аввалам бор, ўқув жараёнига ахборот-коммуникациялар технологияларини жорий қилиш, электрон дарсликлар яратиш, Интернетдан кенг фойдаланиш, видеоконференциялар ўтказиш, масофадан ўқитиш тизимини жорий этиш масалалари қўйилган. Бундан ташқари ахборот-коммуникасиялар технологияларини давлат бошқарувининг барча погоналарида қўллаш, қоғозсиз технология ва электрон ҳужжат алмашувини жорий этиш масалалари ҳам қўйилган.

Таълим соҳасида бозор муносабатларининг ривожланиши учун қандай шароитлар яратилиши

лозим? Сиз қандай фикрдасиз? Балки бошқа йўналиш таклиф қиларсиз?

– Бу борада аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишни кенг йўлга қўйиш лозим. Чет тилларини ва компютер техникасини ўргатиш, бухгалтерия хисоби каби иқтисодиёт ва аҳоли учун энг долзарб ҳисобланган мугахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари етук профессор-ўкитувчиларни жалб килган ҳолда замонавий Дарслик, ўқув қўлланмалар чоп этиб, уларнинг миллий бозорини барпо килиш лозим. Бунинг ҳисобига ўқитувчилар қўшимча даромадга, талабаларимиз эса замонавий адабиётларга эга бўладилар.

Таълимни ривожлантиришда давлатнинг ўрнини қандай белгилайсиз? Давлат томонидан молиялашнинг қисқариб бориши билан қандай муаммолар пайдо бўлиши мумкин ва Сиз уларнинг ечимини ўйлаб кўрганмисиз? Таълимни молиялашда давлат улуши қанча бўлиши керак деб ўйлайсиз?

– Таълимни ташкил қилиш ва ривожлантиришда давлат асосий ролни ўйнаши лозим. Кадрлар тайёрлаш ҳар бир мамлакатнинг миллий моҳияти ва риюжланиши билан тўғридан-тўғри боғлиқ. Таълим тизимини давлат томонидан молиялаштирилишининг қискариб бориши, аввалам бор, ушбу сохага чет эл грантларини кенгроқ жалб қилишни талаб этади.

Ҳозирги даврда масофадан ўқитиш таълим усулларидан, бири ҳисобланади. Унинг асл моҳияти мақсадли йўналтирилган ўқитишдир. Бозор муносабатлари шароитида бундай усулни қандай ривожлантирмоқчисиз? Фойда келтирадими?

– Масофадан ўқитиш тизими катта молиявий маблағлар жалб этишни тақозо этади. Бироқ, харажатлар 2-3 йил ичида ўзини оқлайди. Шунинг

учун ҳам дунёнинг энг нуфўзли университетлари ушбу таълим тизимини кенг кўламда жорий этишмокда. Жаҳон тажрибаси ушбу таълим тизимининг 60-70% арзон эканлигини кўрсатмоқда.

Масофадан ўқитиш шаклларини (ташкилий тўзилмаларини) биласизми? Ҳозирги кунда уларнинг 5 дан ортиқ шакли бор. Уларнинг ичидан ўзингиз учун кулай ва фойдали шаклини танлай оласизми?

– Масофадан ўқитишнинг энг қулай ва арзон шаклини танланг. Танланган усул бўйича компютерда ўргатиш дастурларини ишлаб чиқинг, талабаларнинг мустақил таълим олишини йўлга қўйишга ҳаракат қилинг.

Олий ўқув юрти қошида масофадан ўқитиш бўлими очганмисиз? Унинг вазифалари белгиланганми? Самараси қандай ҳолатларда намоён бўлади?

– Ҳар бир олий ўқув юртида ахборот технологиялари ва масофадан ўқитиш маркази ташкил қилинган. Марказ масофадан ўқитиш бўйича асосий таянч ҳисобланади. Марказнинг масофадан ўқитиш бўйича аниқ вазифаларини белгилаб қўйинг.

Махсус масофадан ўқитиш ўқув юртлари ҳақида қандай маълумотга эгасиз? Ўзингиз шундай ташкилий тўзилма барпо этишни режалаштирганмисиз?

– Россия Федерациясининг Москва иқтисод, информатика вз статистика давлат университети ва Умумроссия сиртқи молия-иқтисод институтлари билан ҳамкорлик ўрнатинг, улар тажрибасидан фойдаланишга ҳаракат қилинг.

Телеуниверситет деганда нимани тушуниш керак? Телеуниверситет бир неча мустақил университетлар ишларини (фаолиятини) мувофиқлаштирувчи эканлигини биласизми? Ҳозирги пайтда чет элда

бундай университетлар бакалавр ва магистр даражасини беради. Ташкилий-иқтисодий ҳисоб-китобини қилинг, балки фойдалидир.

– Телеуниверситетлар ҳам ҳозирги кунда айрим мамлакатларда фаолият кўрсатмоқда. Улар тажрибасини урганинг ва ҳисоб-китоблар қилиб кўринг, балки бизнинг шароитимизга тўгри келиши мумкин.

Виртуал ўқув юртлари ва синфлари ҳам телевизион таълимнинг бир қисми ҳисобланади. Бундай тўзилмалар мутлақо янги таълим тизимига мансуб ҳисобланади. Ўрганинг ва Интернет орқали маълумот олишни ташкил қилинг?

– Халқаро интернет ахборотлар тармогидан доимий равишда ахборотлар олинг. Ушбу ахборотлар ўзининг доимийлиги, тезкорлиги ва долзарблиги билан ажралиб туради. Эътибор беринг, айрим ҳолларда Интернетдан олинган ахборотларнинг ишончлилик даражаси анча паст ва уларнинг олинган манбаси кўрсатилмайди. Бу эса улардан илмий-тадқиқот ишларида фойдаланишни чеклаб қўяди. Шу боис, Интернетдан олинган манба бўйича сизни қизиқтирган олий уқув юрти манзилини топинг ва жонли мулоқот ўрнатинг.

Виртуал универсутетлар ҳақида ахборот олганмисиз? Бундай университетларнинг таркиби қандай бўлади? Ўқув бинолари, талабалар уйлари, маъмурий хоналари сиз фаол ишлашига ишонасизми?

– Жонли мулоқот асосида ушбу савлларга жавоб топинг.

Виртуал университетлар - бу маъмурий ходимлар, профессор-ўқитувчилар, талабалар, ўқув режа ва дастурлари "Кузатувчиларнинг ҳамкорлигида замонавий масофадан ўқитиш воситаларидан

фойдаланиб дарс беришга ихтисослашган таълим тизимидир. Бундай университетларни ташкил қилиш режангиз борми?

– Юқорида тавсия этилган ҳолатларни ўрганинг, чуқур таҳлил қилинг. Шуни ёдингизда тутинг, Сиз бу қулай таълим тизимини жорий этсангиз албатта, бошқа олий ўқув юртлари ҳам ташкил қилади.

Масофадан ўқитиш жараёнида янги ўқув технологияларидан фойдаланиш қандай бўлади? Янги ўқув технологияси ўқув жараёнида қандай ўзгаришларга олиб келади?

– Масофадан ўқитишда янги педагогик технологиялар катта аҳамият касб этади. Бундай технологияларни электрон дарсликлар ва компютерда ўргатиш дастурларини ишлаб чиқишни эътиборга олиш лозим бўлади. Улар талабага етказиш керак бўлган ўқув материалини қисқа, аниқ ва лўнда қилиб тақдим этиш имконини яратади. Улардан кенг фойдаланиш, аввалам бор, таълимнинг сифат кўрсаткичларини юксалтиради.

Қандай деб ўйлайсиз, янги технологияларни қўллаш билан боғлиқ техник воситалар профессор-ўқитувчиларнинг дарс жараёнидан четлатишга олиб келадими? Балки уларнинг вазифаларини ўзгартириш, ўқитишни мураккаблаштиришга олиб келар!?

– Ёдингизда бўлсин, профессор-ўқитувчиларнинг дарс жараёнларида янги технологияларини кенг кўламда қўллашлари уларни ўқув жараёнидан четлаштирмайди, балки уларга катта маъсулият юклайди. Талабаларнинг мустақил таълим олишларига имконият яратиб беради.

Профессор-ўкитувчилар фаолияти масофадан ўқитиш жорий этилиши билан кескин ўзгаради ёки уларнинг меҳнати мутлақ, янгича

йўлга(диверсификасия) қўйилади. Шундай ўзгаришларнинг асосий 5 та ҳолатини санаб беринг.

– Масофадан ўқитиш йўлга қўйилганда, профессор - ўқитувчиларнинг илмий-тадқиқотлар олиб боришлари учун бўш вақт пайдо бўлади, таълим сифати юксалади, янги адабиётлар билан таъминланади, таълим олиш муддати қисқаради ва замонавий ахборот технологияларини ўрганишга шароит яратилади.

Масофадан ўқитиш ўқув жараёнини кимлар тайёрлайди? Профессор-ўқитувчиларми? Телевизион ва аудио мутахассисларими? Компютер графикаси усталарими? Ёки барчасими?

– Масофадан ўқитишнинг ўқув жараёнини катта тажрибага эга бўлган махсус тайёрланган ташкилотчи ходимлар тайёрлаши лозим. Уларнинг тайёргарлик даврида эгалланган тажрибаси мукаммал ўқув режаларини ишлаб чиқишда катта рол ўйнайди. Масофадан ўқитишнинг электрон дарсликлари ва компютерда ўргатиш дастурларини яратишда юқорида келтирилган барча мутахассислар жалб қилиниши лозим.

Масофадан ўқитиш анъанавий ўқитишдан қайси қулайликлари билан фарқланади? Шу фарқларнинг 5 тасини ажратинг.

– Ўқув жадвалининг ҳаммабоплиги талабаларнинг билим даражасига қараб ўқув материалини ўзлаштиришнинг тезлиги ўқув жараёнининг талабалар иш ўрнига кўчиши, талабалардан компютер технологияларини билишларини талаб этиши ва ўкув жараёнининг сифат кўрсаткичлари юксалиши билан фаркланади. Булар тайёрлашнинг трансмиллий лойиҳаларини тайёрлашга кўмаклашади. Бу лойиҳалар асосан таълимий мақсадларни амалга оширишни кўзда

тутади. Жумладан, улар ўқитувчи ва ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланишига, ўқув гуруҳларидаги педагогик-дидактик муаммоларни ҳал қилишга ижодий ёндошувга, янги билим ва малакаларни эгаллаш жараёнини такомиллаштиришга, таълим жараёнига дистансион ёндошувнинг метод ва усулларини ўргатишга мўлжалланган (масалан, предметлараро билимларни бир тизимга солиб ўргатишда).

Дастурларни ҳаётга татбиқ қилиш тажрибаларини ўрганаётган мутахассисларнинг фикрича, ўзлуксиз таълим олишга интилиш, маърифатли жамият қуриш ғояларини амалга оширишга қаратилган бундай амалий ишлар «умумевропа фуқароларини» шакллантиришга самарали ҳисса қўшаяпти.

Маориф соҳасидаги халқаро ҳамкорликлар бошқа соҳалардаги халқаро ҳамкорликлардан тубдан фарқ қилишини таъкидлаш жоиз. Дарҳақиқат, маориф соҳасидаги ҳамкорликлар халқаро ҳамкорликнинг энг интенсив ва мустаҳкам каналлари орқали амалга оширилмоқда. Бундай ҳамкорлик, одатда, турли ёшдаги ҳамма одамлар, маълумоти турли даражадаги барча касб эгаларининг талаб ва эҳтиёжларига, ҳамкорлик қилувчи давлатлар юритаётган сиёсатга мослаштирилганлиги, манфаатдор давлатлар ҳукуматларининг қисқа вақтда юзага келувчи манфаатларига алоқадор эмаслиги, ташкилий ва воқеаланиши жиҳатидан ҳам вақт талаб қилиши, иқтисодий жиҳатдан юқори самарадорлиги билан ўзига жалб қилади. Шундай қилиб, моҳиятига кўра халқаро таълим стандартларига асосланган ва айни пайтда «хилма хиллик ичида ҳамжи-ҳатлик» формуласига мос келадиган умумжаҳон маориф маскани барпо қилинади.

СОЦИАЛ МУНОСАБАТЛАР СОЦИОЛОГИЯСИ

Режа:

1. **Социал муносабатлар тушунчаси.**
2. **Социал муносабатларда бирдамлик.**
3. **Инсонларнинг социал тараққиёт масалаларни ҳал қилишларидаги ҳамкорлиги.**

1.Таянч атама ва тушунчалар:Социал муносабатлар, тушунчаси, социал муносабатларда бирдамлик, инсонларнинг ижтимоий тараққиёт, масалаларни ҳал қилишларидаги ҳамкорлиги.

2. Дарснинг жиҳози: Маърузалар матни, статистика фанига ҳисса қўшган олим ва мутафаккирларнинг фотосуратлари, тест карточкалари, доска, бўр.

3. Дарснинг мақсади: талабаларга социал муносабатлар тушунчаси ҳали социологияда ўзининг аниқ бир таърифини топмаган. О.Конт ўзининг позитивистик таълимотида социал муносабатлар муаммоларини биологик ходисалар методи билан боғлиқ тушунтиради.

4. Ташкилий қисм: Талабалар билан саломлашиб, навбатчи ёрдамида давоматни аниқлаш, жаҳон янгиликларидан сўраш, дарсни эълон қилиш.

5. Янги мавзу баёни:

Социология фанида социал муносабат муҳим ўрин эгалайди. Чунки у орқали жамият аъзолари бир-бири билан маълум бир муомила ва ижтимоий ҳамкорликка интиладилар. Социал муносабатлар тушунчаси ҳали социологияда ўзининг аниқ бир таърифини топмаган. О.Конт ўзининг позитивистик таълимотида социал муносабатлар муаммоларини биологик ходисалар методи билан боғлиқ тушунтиради. Социал муносабатларда бирдамлик муҳим аҳамият касб этади.

Бирдамлик бу кўпгина маънавий ҳаётда фаолият кўрсатаётган инсонларнинг ижтимоий тараққиёт масалаларни ҳал қилишларидаги ҳамкорлигининг кўринишидир. Социологияга бу тушунчани «Социал жипслашув» маъносида О.Конт киритди. Айниқса Е.Дюркгейм ва Г.Спенсерлар бу муаммони чуқур таҳлил этдилар. Е.Дюркгейм ўз таълимотида бирдамликни 2 га механик ва органик бирдамликка бўлиб ўрганади.

АДАБИЁТЛАР:

1. И.А.Каримов. «Юксак маънавият - енгилмас куч». Т., 2008 й.
2. И.А.Каримов «Ўзбекистон Буюк келажак сари» Тошкент – 1998 й.
3. И.А.Каримов «Маънавий юксалиш йўлида» Тошкент – 1998 й.
4. И.А.Каримов. «Юксак маънавият - енгилмас куч»
5. Хайруллаев М «Ўрта Осиёда илк илк уйгониш даври маданияти» Т. 1999 й
6. Коснев М. «Ибтидоий маданият тарихидан очерклар» Т. 1960 й.
7. Ахадов Ш. “Социология”. Самарқанд – 2007й

Социал мунсабатлар социологияси
Семинар технологик харитаси. 2 соат

Ишлаш босқичлари. Вақти	**Фаолият**	
	Таълим берувчи	**Таълим олувчи**
1 босқич Кириш 5-10 дақиқа	**Мавзу: социал мунсоабатлар социологияси.** **Маъруза машгулотлари:** 1.Социал муносабатлар тушунчаси. 2.Социал муносабатларда бирдамлик. 3.Инсонларнинг ижтимоий тараққиёт масалаларни ҳал қилишларидаги ҳамкорлиги. **Мақсади:** Социал муносабатлар тушунчаси ҳали социологияда ўзининг аниқ бир таърифини топмаган. О.Конт ўзининг позитивистик таълимотида социал муносабатлар муаммоларини биологик ходисалар методи билан боғлиқ тушунтиради. **Асосий қисм:** Социал муносабатлар тушунчаси. Социал муносабатларда бирдамлик. Инсонларнинг ижтимоий тараққиёт масалаларни ҳал	Тинглайдилар ва аниқлаштирадилар. Саволлар берадилар, Жавоб берадилар.

	қилишларидаги ҳамкорлиги. **Адабиётлар рўйхати:** 1.И.А.Каримов. «Юксак маънавият енгилмас куч». Т., 2008 й. 2.И.А.Каримов «Ўзбекистон Буюк келажак сари» Тошкент – 1998 й.	
2 босқич Асосий 55-65 дақиқа	2.1. Семинар режаси ва тўзилишига биноан «Балиқ скелети», «Вербал» услублардан фойдаланса бўлади.. 2.2. Савол – жавоб ва тезкор сўров орқали мавзу бўйича талабаларнинг умумий билими аниқланади.	Бу жадвал ёрдамида талабалар фаолиятини ошириш имкониятини яратади, қўшимча материллар ва маълумот устида ишлашни ўргатади, тушуниш жараёнини бошқариш имконини вужудга келтиради.
3 босқич Якуний 10-15 дақиқа	3.1. Мавзу бўйича якун қилади. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ беради	Савол берадилар, аниқлайдилар.

Социал мунсоабатлар социологияси

СЕМИНАР УЧУН МОДЕЛ

Ўқув вақти 2 соат	**Талабалар сони**
Ўқув машғулотининг шакли ва тури. семинар режаси.	**Оғзаки ахборотли:** 1.Социал муносабатлар тушунчаси. 2.Социал муносабатларда бирдамлик. 3.Инсонларнинг ижтимоий тараққиёт масалаларини ҳал қилишларидаги ҳамкорлиги. **Мақсади:** Социал муносабатлар тушунчаси ҳали социологияда ўзининг аниқ бир таърифини топмаган. О.Конт ўзининг позитивистик таълимотида социал муносабатлар муаммоларини биологик ходисалар методи билан боғлиқ тушунтиради.
Ўқув машғулоти мақсади:	Талабаларга социал муносабатлар тушунчаси ҳали социологияда ўзининг аниқ бир таърифини топмаган. О.Конт ўзининг позитивистик таълимотида социал муносабатлар муаммоларини биологик ходисалар методи билан боғлиқ тушунтиради.
Педагогик вазифалар: Мавзунинг туб моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, Семинар муайян қисмларга бўлиш, ҳар бир қисмни ўзаро мантиқий боғлиқлигини таъминлаш, очиб бериш,	Ўқув фаолиятининг натижалари: Социал муносабатлар тушунчаси. Социал муносабатларда бирдамлик. Инсонларнинг ижтимоий тараққиёт масалаларни ҳал қилишларидаги ҳамкорлиги.

тушунтириш, шакллантириш.	
Таълим усуллари	Семинар, мулоқот, «Балиқ скелети», «Вербал».
Ўқув фаолиятининг ташкил қилиш шакллари.	Жамоа, гуруҳларда ишлаш.
Таълим воситалари.	Маъруза матни дарсликлар, ўқув мажмуа, тестлар ёзилган карточкалар, доска, бўр.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки сўров: Тезкор сўров.

МАЪНАВИЙ ҲАЁТ СОЦИОЛОГИЯСИ

Социология фанида бегоналашув муаммоси

Социология фанида ижтимоий муносабатлар социологиясида ижтимоий бирдамлик, аҳиллик, ҳамкорлик, ҳамдўстлик, жамоавийлик ва кооперация тушунчалари социал бирликни вужудга келтириш ва уни такомиллаштиришда жамият аъзоларининг бир-бирига ишончини мустаҳкамлашда, келажак тараққиётига ривож беришда, жамият куч-қудратини, сиёсий бошқарувини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, маънавий ҳаёт барқарорлигини такомиллаштиришда қудратли омил бўлиб хизмат қилади, кооперация эса жамият аъзоларини- нг ижтимоий-иқтисодий бирлигини мустаҳкамлашгина эмас, бир-бирига ишонч туйғусини кучайтирувчи

восита ҳам ҳисобланади. Ушбу омиллар жамият тараққиётининг илк босқичларида шаклланиб кейинги тараққиёт жараёнида тобора мустаҳкамланиб борди ва жамият аъзоларининг бирлашувига, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ва сиёсий, мафкуравий бирлигига олиб келиб илму-фан тараққиёти, техника-технологиия, индустриал ривожига асос бўлиб хизмат қилди, жаҳон цивилизациясига ривож берди.

Жамиятдаги бу ўзгаришлар инсонлардаги биологик ва социологик хислатларда, маънавий-психологик-руҳий ҳолатларда ҳам жиддий ўзгаришларни вужудга келтириб жамиятда бегоналашув руҳий-психологик инсоний хислатларда социал манфаатдорлик интилишларининг тобора кучайиши кенгайиб, бегоналашиб боришига асос солди.

Инсон ижтимоий мавжудод сифатида жамиятда намоён бўлар экан ундаги икки хил хислат, яъни биологик ва социологик хислатлар инсоннинг ижтимоийлашуви жараёнида тобора социологик хислат кенгроқ намоён бўлиб манфаатдорлик сари оғиш манфаатдорлик шахсий тус олиши, инсонларнинг социологик ҳолати бевосита рухий-психологик онг ва тафаккурига таъсир этиб манфаатдорлик хиссияти инсон қалбига, рухиятига боғланиб, манфаатдорлик рухияти кучая боради ва у нафақат инсоннинг ижтимоийшлашуви-шахслашувидаги “хусус” ва “умум” фалсафий тушунчаларга, балки бутун жамиятга, ижтимоий жамиятга таъсир этиб, жамият тараққиётига салбий таъсир этиб социологик характерга эга бўлади. Натижада бегоналашув ижтимоий характерга эга бўлиб қуйидаги турларга

бўлинади ва жамиятда жиддий социал муаммоларни вужудга келтиради.

Социологияда рухий-психологик бегоналашув, ижтимоий-мсанфаатдорлик бегоналашув жараёни намоён бўлиб, бу соҳа ҳам манфаатдорлик нуқтаи-назаридан бирқатор турларга:

1) ижтимоий бегоналашуви – унда жамият аъзоларининг ижтимоий турмуш , турмуш тарзи даражасининг яхшиланиб ёки салбий ўзгариб бориши, мавқеи, роли ва бошқа муаммолари;
2) иқтисодий манфаатдорликка боғлиқ бегоналашуви-унда мулқий холатлари, моддий ноз-неъматлар ишлаб чиқилиши, унга эгалик қилиш, мехнатга мувофиқ ҳақ тўлаш, тақсимотнинг объектив ҳал қилиниши, «текисчиликка” чек қўйиш, шахсий ва жамият манфаатлари мутаносиблиги каби муаммолар;
3) сиёсий манфаатдорликка боғлиқ жараёнлар, уларда жамиятни демократик бошқариш; яъни мамлакатда ҳарбир Эл-элат, халқ-миллат манффатдорлиги, терротариал-худудий бошқарув ва махаллийчилик каби тенденцияларнинг амалда қўлланиши оқибати юз берадиган бегоналашув жараёнларини кенг, атрофлича тахлил қилиш талаб этилади.

МАҲАЛЛА СОЦИАЛ ИНСТИТУТ СИФАТИДА

Режа:

1.Махалла ва махаллий бошқарув.

2. Махала ўзини-ўзи бошқариш институти сифатида.

3. Ҳозирги замон жамият тизимида маҳалла институтларининг ўрни.

Махалла – («махалла» - жой, урин, макон маъносини англатади) – Ўзбекистоннинг муайян тарихий шароитларида, асрлар давомида шаклланиб, фаолият курсатаётган, ахоли яшайдиган маъмурий-худудий бирлик, уюшма. Махалла ўзини-ўзи бошқарув тизимининг мухим миллий ижтимоий қуйи органи бўлиб, у Ўзбекистондаги ижтимоий хаёт тарзининг махаллий кўринишдаги шакли хамдир.

Махаллалар 1917 йилгача бўлган даврда жуда кенг иш олиб бориб, махаллий ахолини бирлаштирувчи, уюштирувчи ташкилий тўзилма бўлиб келган. Махалла ўзбек халкининг кундалик ижтимоий хаётини ва турмушини ташкил килишда излаб топган ва асрлар давомида такомиллаштириб келган хаётий амалидир. Аммо шунга карамасдан, шуролар даврида хукмрон тўзум ва мафкура махаллаларни расман тан олмади. Бирок ахолининг чукур норозилигига сабаб булмаслик учун махаллаларни такиклаб хам куя олмади, уни жамиятни бошқариш тизимига киритмади. Махалла ўз мохияти, фаолияти мазмуни ва шакллари билан шаркона фикрлаш, иш куриш тарзи каби халкимизнинг ўзига хос фазиалатларини акс еттиради. Махаллалар ахолини ахил-тотув яшашга, сидкидилдан мехнат килишга, касб ўрганиш “ўзаро иззат – ҳурмат

қилиш”га, шулар оркали хаёт кечиришни енгиллаштиришга чакиради.

Махалла ва махаллий бошқарув социологиясида 2 та мухим масалага эътибор бермок лозим. Булар:

1. Махаллий ҳокимият органлари.

2. Фукароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари.

1. Махаллий ҳокимият органларига Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-104-моддаларига мувофик вилоятлар, туманлар ва шахарларда хамкорлик, бошчилик киладиган халк депутатлари кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органларидир. Улар давлат ва фукароларнинг манфаатларини кўзлаб ва ваколатларига тааллукли масалаларни хал этадилар. 1993 йил 2 сентябрда «Махаллий давлат ҳокимияти туғрисида» қонун кабул килинди. Ўзбекистон Республикаси Конститутциясининг 100-моддасига биноан махаллий хокимият органлари ихтиёрига куйидагилар киради:

1) қонунчиликни, хукук-тартиботни ва фукароларнинг хавфсизлигини таъминлаш.

2) Худудларни иктисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш.

3) Махаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, махаллий соликлар, йигимларни белгилаш, бюджетдан ташкари жамгармаларни хосил килиш.

4) Махаллий коммунал хужаликка рахбарлик килиш.

5) Атроф-мухитни мухофаза килиш.

6) Фукаролик холати актларини кайд этиш.

7) Норматив хужжатларни кабул килиш хамда Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

2. Фукароларнинг ўзини-ўзи(махаллий) бошқариш органлари. Ўзбекистон Республикаси

Конституциясининг 105-моддасига биноан «Шахар, кишлок ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги махаллаларда хамда шахарлардаги махаллаларда фукароларнинг йигинлари ўзини-ўзибошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оксоколни) ва унинг маслахатчиларини сайлайди».

Махаллий ўзини-ўзибошқариш органлари таркибини фукаролар йигинлари, хусусан махаллалар ташкил этади. Жамиятда ўзини-ўзи бошқарув тизимининг мухим органи бўлган махалла – бу худудий, касбий, турли ёшга оид ва бошқа шу каби турли хил ижтимоий гурухларнинг қизиқиши ва иродасини ўзида мужассамлаштириб, уларни ижтимоий хаётга жорий килувчи умумий хамда алохида холатларни намоён килади.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилмокда» асарида таъкидланганидек, «Махаллий ҳокимият органлари ва фукароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари бажарадиган вазифалар доирасини кенгайтириш, уларга давлат ваколатларининг бир кисмини боскичма-боскич топшириш лозим. Бунда энг мухими, ахолининг касб ва ижтимоий таркибий манфаатларини янада туларок ифодалаш ва химоя килишда нодавлат, жамоат тўзилмаларининг хукук ва мавкеиларини ошириш даркор. «Кучли давлатдан кучли фукаролик жамияти сари» деган сиёсий курилиш дастурининг мохияти ана шунда яққол намоён бўлади. Айнан шундай ёндошув фукароларнинг ўз-ўзлари хаёти ва бутун жамият хаётини бошқаришда ва тенг ташкил этишда кенг иштирок этиш учун имконият яратади».

Шу боисдан хам махалла ва махаллий бошқарув социологияси айнан ана шу фукароларнинг ўзини ўзи

махаллий бошқариш органлари фаолияти ва унинг ижтимоий жихатини тахлил килади.

Демак, фукароларнинг ўзини ўзи бошқаришидаги махаллий куйи органи бўлган махалланинг аввало ҳуқуқий асослари куйидаги жихатлар билан белгиланади:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (айнан 21 – боб 105 – моддада у ўз ифодасини топган).
2. 1993 йил 2 сентябрда Олий Кенгаш томонидан кабул қилинган «Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари туғрисида» ги қонун.
3. 1999 йил 14 – 15 апрелда Олий Мажлис томонидан «Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ги қонуннинг янги тахрири унинг асосий максад ва вазифаларини, ижтимоий мохиятини ифода қилиб берган.

Мустакиллик йилларида махаллаларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. 1992 йил 12 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика «Махалла» хайрия жамгармасини тўзиш туғрисида» ги Фармони кабул килинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 17 октябрда «Республика «Махалла» хайрия жамгармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» ги 480-сонли қарори кабул килинди. 1992 йили Республикамизда 8 мингга якин, Тошкентда 279 махалла мавжуд эди. 1993-1994 йилларда мамлакатимизда 12 мингдан ортик махалла кумиталари тўзилди. 2000 йилга келиб Ўзбекистонда 13 мингдан ортик, Тошкент шахрида эса 481 дан кўпрок махалла фаолият юрита бошлади. «Оила-махалла-мактаб» концепцияси хамкорлик дастури ишлаб чикилди. Бу бошқа давлатларда учрамайдиган ноёб дастурдир.

1999 йил 14 апрелдаги «Фукароларнинг ўзини-ўзибошқариш органлари тўғрисида»ги янги тахрирдаги қонуннинг 7-моддасига мувофик:

1) бозор иктисодиёти шароитида махаллалар фаолияти эркинлаштирилди;

2) махаллалар ҳокимият тизимидан чикарилди;

3) катор имтиёзлар берилди;

4) бокимандалик кайфиятидан озод этилди;

5) «Кучли давлатдан кучли фукаролик жамият сари» кадам ташланади.

Натижада махаллалар адолатли, демократик жамиятнинг негизига айланиб бормокда.

Демак, махаллалар ўзини-ўзи бошқарув тизимида куйидаги ижтимоий вазифаларни, функцияларни бажариб келмокда:

1. Махалла – она маскан. Оила кўз очиб курган даргох бўлса, махалла Ватан ичидаги Ватандир. Ватан – энг олий кадриятдир.

2. Махалла – аввало соглом ижтимоий мухитдир. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри махалла ахлининг хулк-атвори, ўзаро муносабатларни адолат ва маънавий мезонлар Асосида тартибга солиб туради. Шу маънода махалла - Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда хакикий демократик дарсхонасидир.

3. Махалла – таянч маркази. Кам таъминланган, кўп болали оилалар, ёлгиз кексалар ва х.к. таянчи хисобланиб келмокда.

4. Махалла – маънавий-ахлокий кадриятлар, анъаналар маскани.

5. Махалла ёшларни касб-корга йўналтирувчи, ишсизларни мехнат билан таъминловчи ижтимоий химоя хамдир.

6. Махалла – тарбия маскани. Бир болага етти қўшни ота-она ….

7. Махалла – оила тинч-тотувлигини, жипслигини мустахкамлайдиган жой. Отанг – махалла, онанг – махалла ибораси деб бежиз айтилмаган.

Умуман, махаллалар ўз худудида ишлаб чикаришни ташкил этиши, кичик корхоналар очиши, ўзи ишлаб чикарган махсулотни сотиши, унинг бир кисмини махалладаги эхтиёжмандларга бепул тарқатиши, ўз худудидаги ахолини иш билан таъминлаши, ахолига маданий-маиший хизмат курсатиши мумкин.

Ҳозирги пайтда махалла қўмиталарига, бозор иктисоди қонунлари асосида, ўз ишларини ташкил килишлари учун барча имкониятлар очиб берилди. Улар олди-сотди, тўй-марака маросимлари ўтказиш, хашарлар уюштириш, махалладаги оилавий низоларни бартараф этиш, беморлар холидан хабар олиш ишлари билан шугулланадилар. Кўпчилик махаллаларнинг ўз масжиди бор, турли маъракалар учун керакли ашёлар (дошкозон, палос, идиш-товок, чойнак-пиёла, тобут ва бошқалар) мавжуд. Эндиликда хар бир махалла ўз маданий марказини қуриб, шу ерда чойхона, нонвойхона, сут-катик дукони, турли уйинлар масканига эга бўлмокда. Махалла кумитаси - ташаббускор жамият ташкилотидир. Махаллада хўжалик ва маданий курилиш, унинг худудини ободонлаштириш, уй-жойларни ва худуддаги шахар хужалигини саклаш, озодаликни таъмин этишда, омма куч-гайратини бунёдкорликка йўналитиришда мухим ахамият касб этмокда. Махаллаларнинг иш фаолияти хорижий мамлакатларнинг диккат эътиборига тушмокда.

Махалла субекти ва унинг кўринишлари. Махалла бошқарув тизимида мухим ахамиятга эга бўлган субъект тушунчасига эътибор каратишлик илмий мазмун касб этади. Махалла субъкетинниг ўзига хос хусусиятини ундаги бошқарув функцияси бажаради. Чунки айнан шу функция оркали махалланинг самарали иш фаолияти намоён бўлади.

Ўзбекистон худудида махаллаларни куйидаги 4 та Асосий кисмига ажратиш мумкин:

1) Шахарлардаги анъанавий махалаллар
2) Шахарлардаги квартал махаллалар.
3) Шахарчалардаги махаллалар
4) кишлок махалаллари

Махаллалар ижтимоий хаётида куйидаги вазфаларни бажаради:

1. Оила мухофазаси
2. Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва тозалик
3. Социал химояда фаол иштирок этиш.
4. Маънавият ва ижтимоий хукукни шакклантириш.
5. Сиёсий фаолликни ошириш ва хоказо.

Социолог П.А.Сорокин фикрича, «Инсон ижтимоий организм бўлиб, табиатдаги барча тирик организм сингари яшаш учун мухим бўлган барча шароитларга эхтиёж сезади». Хукуматимиз томонидан махалла масаласига эътибор каратилаётганлигининг сабабларидан бири у ижтимоий алоқадорликни шакллантирувчи ва кишиларни ижтимоий гурух сифатида боғловчи жараёнларнинг мавжудлигидир. Бу жараёнлар:

а) илдизлар,
б) муносабатлар,

в) ташаббускорлик. Бу холатлар кишиларни янада жипслаштиради.

Қадимги юнонлар демократия терминини ишлаб чикканларида табиий-ижтимоий жараёнга эътиборни каратган эдилар. Яъни кишилар ўзлари яшаётган жойга хос бўлган имкониятларни яратадилар. Демак, демократия - бу халк ҳокимияти ёки халк бошқаруви сифатида оммани турли табакалардаги ижтимоий фаоллигини такозо этади. Ўз-ўзидан равшанки, халк иштирок этадиган ва ўз ижтимоий мохиятини мумкин қадар тўла намоён эта оладиган халкчил тизим - бу ўзини ўзи бошқарув тизимидир. Халк бошқарув тизимида фаол иштирок этар экан, у ўзининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириб боради, демак у жамиятнинг маънавий ва ижтимоий хаётига кириб боради. Хамда тобора уни жамият тараккиёти ва равнаки ўйлантириб қўяди.

Шахснинг ижтимоий муносабатларига киришиши йигилиб колган муаммолар хамда хар хил воқеликлар ва тафсилотлар тўғрисида ҳукм юритиш ёки хулоса чиқариш имкониятини беради. Бу холат ўз навбатида фукароларнинг сиёсий фаоллик ролини ортиб бориши учун замин хизматини бажаради. Кузатишлар шуни кўрсатадики, яъни махалла муносабатларида барча катламлардаги кишиларнинг иштирок этиши бир текис холатда кечади. Бу эса жамиятда ўрта қатлам муносабатларига киришиш окибатида махалланинг одамлар хаётига якинлиги, ахоли турмуш тарзи ва кундалик хаёти билан уйгунлиги кўп жихатдан жамиятда демократик жараёнларни чукурлаштириш имкониятларини янада тезлаштради.

Одамларнинг хатти-харакати, вокеликка ва хар кандай янгиликка нисбатан муносабати, энг аввало юксак ахлок-одоб, шаркона вазминлик, ота-

боболаримизга хос мулохаза, кийин ва мураккаб вазиятларда шахсий манфаатлардан умумдавлат ва умумхалк манфаатларини устун қўйиш, жамоа учун яшаш каби инсоний фазилатларга каратилган. Бу ва шунга ўхшаган миллий кадриятлар даражасига кўтарилмокда.

Ўзбекситон Республикаси «Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»(1999) янги тахрирдаги қонуннинг 6-моддасида айтилгандек, «Фукароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принциплари демократизм, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, махаллий ахамиятга молик масалаларни ечишда мустакиллик, жамоатчилик асосида ўзаро ёрдам» деб белгиланган. Айтиш мумкинки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган махалла демократияси, унинг халк хаётига якинлиги, ахоли турмуш тарзи ва кундалик хаёти билан уйгунлиги сабабли кундалик хаёт тарзимизда кайтадан қарор топаётган бошқарув тизими сифатида ўз ифодасини топмокда.

Жамият тараккиётидаги хар кандай ўзгаришлар, янгиликлар, айникса инсоният ривожига катта туртки берадиган жараёнлар, кашфиётлар ўзи-ўзидан юз бермайди. Бунинг учун аввало асрий анъаналар, тегишли шарт-шароитлар, тафаккур мактаби, маданий-маънаивй мухит мавжуд бўлмоғи лозим. Иктисодий тараккиёт суръатлари авж олган сари одамларнинг маърифатга интилиши хам кучайиб бориши зарур.

Ўзбекистон Республикасининг асосий куч-кудратининг манбаи- бу халқимизнинг умуминсоний кадриятларга содиқ қолганлигидир. Ўзбекистондаги ана шундай умуминсоний кадриятлар сарчашмаларидан бири махалла тизимига юқорида тухталиб ўтган эдик. Унинг нуфўзини ошириш,

ижтимоий сиёсий таъсирини кенгайтириш, Президентимиз И.Каримовнинг қуйидаги сўзида ифода этилган «Туркистон» газетаси мухбири берган саволларига – «Махалла, таъбир жоиз бўлса, кишилик жамиятида алохида тарбиявий ахамиятга молик бўлган ўзига хос маскандир дейиш мумкин. Бу ноёб тажриба ахолининг махалла бўлиб яшаш тарзи жахонинг бошқа мамлакатларида кам учрайди. Шунинг учун хам инсонни жамияти билан бирга яшашга ургатадиган, шу рухда тарбиялайдиган бирламчи беқиёс макон – бу махалладир», деб жавоб кайтариши ушбу тизимнинг оммабоп жараёнга айлантириш айни муддао эканлиги туғрисидаги ғоя деб ифодаласа бўлади.

1. Ўзбекистон Республикасининг мустакилликка эришиши ва демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнидаги энг мухим вазифалардан бири давлат ҳокимиятининг вакиллик ва фукароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини янги шароитларга мос келадиган тизимини яратиш эди.

Ўзбекистон республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Янги уйни курмай туриб, эскисини бўзманг" деган кўрсатмаларига амал қилиб, вакиллик органларининг вилоят, туман ва шахар бугинлари сакланиб колинди.

Хозирги даврда жойларда махаллий давлат ҳокимиятининг икки органи ташкил етилди: вакиллик органи ва ижроия органи, яъни жойларда ўз фаолиятини яккабошлик асосида олиб борувчи ҳокимлик институтлари.

Конституцияга мувофик вилоятларда, туманларда, шахарларда махаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари ташкил қилинди.туманларга буйсунадиган шахарларда ва шахар таркибига кирувчи туманларда

давлат ҳокимияти вакиллик органлари ташкил килинмайди.

Республикамизда бозор муносабатлари чукурлашиб, ҳуқуқий демократик институтлари ривожланган сари, махаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти хам такомиллашиб бормокда. Махаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ташкил этишда ҳокимиятининг таксимланиш принципи асос қилиб олинганлиги махаллий ижро ва вакиллик органлари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг Конституциявий холати аникланади. Ҳокимиятнинг вакиллик ва ижроия органлари жойларда уларга берилган ваколат доирасида мустакил фаолият юритади. Улар ўзаро муносабатларда хамкорлик асосида ўз фаолиятларини ташкил этадилар. Махаллий халк депутатлари кенгашларига ҳокимларнинг рахбарлиги унинг кенгаш олдидаги маъсулиятини оширади.

Ҳокимлар халк депутатлари кенгашлари сессиясига тайёргарлик ишларига рахбарлик килади, сессияни чакиради, сессия хакида депутатларини ва ахолини хабардор килади, сессия ишига рахбарлик килади, хамда сессияда кабул қилинган қарорларни имзолайди. ҳокимлик лавозими 1992 йилда қабул қилинган "Махаллий ҳокимият идораларини кайта ташкил этиш тўғрисида"ги қонун Асосида тасис этилди.

Ҳокимлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланган микдорда биринчи ўринбосар ва ўринбосарларга эга бўлади. Шунингдек, ҳоким аппарати котибиятдан, бошқармалар, бўлимлар ва бошқа бўлинмаларадан иборат бўлиб, уларнинг ташкил етилиш тартиби ва фаолият юритиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси

томонидан тасдикланадиган тегишли Низомлар асосида белгиланади.

Халк депуталари кенгашлари ва ҳокимларнинг ваколат муддати, Асосий Қонунимизнинг 101-моддасига асосан беш йил хисобланади. Ҳокимларнинг ўзларининг амалий фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, юқори турувчи идораларнинг қарорлари ва фармойишлари, тегишли халк депутатлари кенгашлари қарорларини амалга ошириш ишини таъминлайдилар.

Худудни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг мухим муаммоларини мухокама килиш учун ҳоким хузурида Маслахат кенгаши тузилади, унинг таркибига ҳокимнинг биринчи уринбосари ва уринбосарлари, котибият бошлиғи киради.

Ҳокимнинг қарорига мувофик Маслахат кенгаши таркибига халк депутатлари ва бошқа ташкилотлардан бўлган вакиллар хам кириши мумкин. Маслахат кенгаши мажлислари зарурат бўлиб колганда ҳоким томонидан чакиртирилади ва унинг рахбарлигида ўтказилади. Мажлис кун тартибини ҳоким тасдиклайди, кенгаш мажлисларида мухокама килинадиган масалаларни кўриб чикиш учун туман ва шахар ҳокимлари, халк депутатлари кенгашининг доимий комиссияларининг раислари, булимлар, бош бошқармалар рахбарлари, жамоатчилик ва хужалик ташкилотларининг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари катнашади. Мажлисларни тайёрлаш ва ўтказиш ҳоким томонидан унинг ваколатини хамма муддатга тасдикланадиган регламентга мувофик амалга оширилади. Мажлиснинг бориши хакида баённома ёзиб борилади.

Мухокама қилинган масалалар бўйича ҳоким томонидан қарор ёки фармойишлар кабул килинади ва имзоланади. Ўзбекистон Республикаси махаллий давлат ҳокимияти органлари тизими 1996 йил 30 августдаги "Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий монополлик обектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини хал этиш тартиби тўғрисида"ги қонунда Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий бўлаклари Қорақалпоғистон Республикаси вилоят, туман, шахар, шахардаги туман, қишлоқ, овул ва шахар қўрғонидан иборатдир,-дейилган.

Ўзбекистон Республикасининг халк депутатлари вилоят, туман, шахар Кенгашлари фаолиятининг ташкил этилиши Ўзбекистон фукаролари томонидан умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов хукуки асосида яширин овоз бериш оркали ошкоралик йўли билан амалга оширилади.

Халк депутатлари Кенгашларига депутатлар сайлови, 1994 йил 5 майда кабул қилинган "Халк депутатлари вилоят, туман (шахар) депутатлари сайлови тўғрисида"ги қонун билан амлга оширилади, халк депутатлари Кенгашларига депутатларни сайлаш хукуки 18 ёш, сайланиш хукуки эса 21 ёшдан деб белгиланган. Сайловлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан уларнинг ваколат муддатидан уларнинг ваколат муддатининг тугашига камида 3 ой колганида тайинланади.

Халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шахар Кенгашларига депутатлар сайлашда 60 тадан кўп бўлмаган, халк депутатлари туман ва шахар Кенгашларига депутатлар сайлашда 30 тадан кўп бўлмаган ҳудудий сайлов округлари тўзилади. Сайлов комиссиялари тўзилади, сайлов кунидан 3 ой олдин

депутатликка номзод кўрсатиш бошланади. Вилоят ва Тошкент шахар Кенгашлари депутатлигига номзодларни сиёсий партиялар халк депутатлари туман ва шахар Кенгашлари хамда фукароларнинг ташаббускор гурухлари кўрсатади.

Халк депутатлари туман ва шахар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар, фукароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва фукароларнинг ташаббускор гурухлари эгадирлар. Сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан қонунда белгиланган тартибда сайлов кунидан камида 6 ой олдин рўйхатдан ўтказган булиши лозим. Сайлов ўтгандан сўнг сайланган халк депутатлари Кенгашларининг биринчи сессияси кечи билан уч хафталик муддат ичида чақиртирилади ва у энг кекса депутатлардан бири томонидан очилади, раис сайлангунча сессияни олиб боради. Сессияда Мандат комиссияси тузилади, сўнг доимий комиссия аъзолари белгилаб олинади. Доимий комиссия ўз фаолиятини "Ўзбекистон Республикасининг Махаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонун ва комиссия фаолияти хакида низом Асосида юритади. Бундан ташкари ҳокимликлар хузурида худуднинг ижтимоий-иктисодий ривожланишига караб комиссиялар тизими турли хил булиши мумкин.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 100-моддасида: махаллий ҳокимият органлари конституциявий вазифалари белгиланган. Улар куйидагилар:

- қонунийликни, ҳуқуқий-тартиботни ва фукароларнинг хавфсизлигини таъминлаш;
- худудларни иктисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш;

- махаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, махаллий соликлар, йигимларни белгилаш, бюджетдан ташкари жамгармаларни хосил килиш;
- махаллий коммунал хўжаликка рахбарлик килиш;
- атроф-мухитни мухофаза килиш;
- фукаролар холати актларини кайд этишни таъминлаш;
- норматив хужжатларни кабул килиш хамда Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Махаллий ҳокимият органлари ўз худудида фукаролик холати актларини кайд этишни таъминлайди, фукаролик холати актларини кайд килувчи органларнинг фаолиятига рахбарлик килади. Агар туман ва кичик шахарларда бу ишларни бевосита махаллий ҳокимият органлари амалга оширсалар, вилоятларда ва Тошкент шахарларида бу вазифа шу жойда адлия органлари оркали йўлга қўйилади.

Махаллий давлат ҳокимияти ўз ваколатларига тааллуқли турли масалаларни тегишли худудда ижро килиниши мажбурий бўлган хужжатлар қабул килиш билан хал киладилар. Уларнинг кабул килаётган қарорларининг самарадорлиги уларнинг синчковлик билан тайёрлашга ва қонунчиликда кўрсатилган маълум талабларнинг бажарилишига кўп жихатдан боглик.

Биринчидан, халк депутатлари Кенгаши ва ҳокимиятнинг ҳар бир қарори аниқ маълумотларга асосланган бўлиши лозим.

Иккинчидан: Кенгаш ёки ҳоким кабул киладиган хар бир қарор кенг маънода тежамкор бўлиши шарт.

Учинчидан, қарор қонуний бўлиши керак, яъни у тегишли орган томонидан ваколати доирасида кабул қилинганлигини билдиради ва у ёки бу масалани қонун

йўл қўйган воситалар билан хал килиниши кўзда тутади.

Қарор ва бошқа хужжатлар ишлаб чикилиши ва тайёрланишида аник максаднинг ифодаланишини таъминлаб беради.

3. Ҳокимларнинг ижро ва вакиллик органлари тизимига бошчилик килиш жойларда давлат ҳокимиятининг амалга оширилишида маъсул шахсни белгилайди.

Конституциянинг 102-моддасига кўра: вилоят ҳокимлари ва Тошкент шахар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва вазифасидан озод этилади, тегишли вилоят ва Тошкент шахар халк депутатлари сессиясида тасдикланади. Бу ҳолат вилоят ҳокимлари ва Тошкент шахар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли худудидаги вакили эканлигини билдиради. Ҳокимларнинг бу тартибда шаклланиши марказий ва махаллий ҳокимият ўртасида ички бир богланишни юзага келтиради ва уларнинг мустахкамлигини таъминлайди.

Вилоят таркибидаги туман ва вилоятга бўйсинувчи шахарлар ҳокимлари вилоят ҳокими томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод килинади, тегишли худуд халк депутатлари Кенгаши сессияси томонидан тасдикланадилар

Шахар таркибига кирувчи туманлар ва туманга бўйсинувчи шахарлар ҳокимлари шахар ҳокими томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод килинади хамда халк депутатлари шахар кенгаши томонидан тасдикланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Махаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунда халк депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг фаолиятида қонунийликнинг

кафолатлари белгиланган. Ушбу қонуннинг 26-моддасига мувофик халк депутатлари вилоят, туман, шахар Кенгашининг қарорлари Конституция ва қонунларга, Республика Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид бўлмаслиги керак. Акс холда улар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан бекор килинади.

Қонунчиликда давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан фукароларнинг ариза ва хатларини кўриб чиқишнинг маълум тартиби белгиланган. Ўзбекистон Республикасида «Фукароларнинг мурожаатлари туғрисида»ги қонунга биноан, ҳокимлар ариза ва хатлар буйича қилинган ишларининг хисобини олиб боради ва ҳокимларнинг зиммасига уларни тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилишини назорат килиш юклатилган.

Ҳокимларнинг ваколат доирасига куйидагилар киради:

* мамлакатимизда ва хорижий мамлакатларда вилоят, туман ва шахарнинг расмий вакили сифатида ишларни амалга ошириш;
* бошқа худудлар билан шартнома ва битимлар тўзиш;
* Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонун ва бошқа ҳуқуқий хужжатларини, Вазирлар Махкамаси ва ўз худудидаги халк депутатлари Кенгаши қарорларининг бажарилишини таъминлаш;
* инвестиция, иктисодий ва ижтимоий ривожланиш дастурларини, валюта жамгармаси лойихаларининг бажарилишини, маданий-тарихий ёдгорликларни асрашни, табиий ва коммунал хўжалиги ресурсларидан кенгроқ фойдаланиши, атроф-мухит химоясини, инсон хукуклари ва шахс эркинлигини,

фукаролар соглигини химоялашни ва ўз худудидаги бошқа вазифаларни хал килишни таъминлаш;

* тегишли худудда амалдаги қонун ва қарорларга зид бўлган барча харакатлар корхона, ташкилот ва жамиятлар, бирлашма, ассосиация, шунингдек, куйи органлар томонидан кабул қилинган хужжатларни бекор килиш;

* тегишли худудда ўз ваколати доирасидан келиб чиқиб, барча юридик ва жисмоний шахслар бажариши шарт бўлган қарорлар кабул килиш;

* маъмурий худудни ижтимоий - иктисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ишлаб чикиш, уларни тегишли халк депутатлари Кенгаши тасдигига такдим этиш;

* махаллий бюджет кирим ва чикимлари кўрсаткичларига аниклик киритиш, шунингдек бюджетнинг бажарилиши хакида хисобот тайёрлаб Кенгаш сессияси тасдиғига такдим этиш;

* ўз муовинларини, тизим бўлимлари рахбарларини тайинлаш ва лавозимидан озод килиш, ўз девони тизимини тўзиб, уларга рахбарлар тайинлаш.

4. Президент И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллигидаги йигилишда «посёлка ва овуллар, махаллалар ўзини-ўзи бошқариш асосида иш юритади»,- деб таъкидлаган эди.

«Фукароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун янги тахрирда 1999 йил 14 апрелда қабул қилинди. Ушбу қонунга кўра ўзини-ўзи бошқариш органларини икки боскичда: олдин янги кишлок, шахар ва овуллар тузиб, ундан кейин шахардаги махаллаларда олдинги махалла кумиталари ўрнида тўзилиши белгиланди.

Ўзини-ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш хамда ваколат доираси, қонун ва ўзини-ўзи бошқариш органлари сайлови тўғрисидаги Олий Мажлис қарори билан белгиланади.

Ўзини-ўзи бошқариш хар кандай демократик тузумнинг асосини ташкил этади. Ўзини-ўзи бошқариш органлари амалий иш олиб бориши учун йиғин раиси (оксокол)ни ва унинг маслахатчиларини сайлайди. Бу сайлов хар 2,5 йилда бўлади.

Фукароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фукароларга жамоат ва давлат бошқарув ишларида катнашиш хукукини йўлга қўйишда ёрдам беради, ўз худудида ижтимоий ва хўжалик масалаларни ечади, оммавий ва маданий тадбирлар уюштиради, давлат ҳокимият органлари ишларида ва Ўзбекистон Республикаси қарорларига амал килишда, Президент Фармонлари Республика хукумати, халк депутатлари Кенгаши ва ҳокимиятлар қарорларини бажаришда фукароларни бирлаштиради ва жалб этади.

Хозирги кунда ахолига махалла оркали ижтимоий ёрдам кўрсатиш механизми мувоффакиятли ишлаб турибди. Бу холат ахолининг махаллага бўлган эътиборини янада оширди. Фукароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятига якиндан кўмаклашувчи «Махалла» хайрия жамгармаси фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси вилоятлар шахар, туманлар микёсида ташкил этиладиган фукароларнинг ўзини-ўзи бошқариш ишлари бўйича оксоколлар Кенгаши мувофиқлаштириш вазифасини бажаради.

1999 йил ноябр ойида Республика Оксоколлар Кенгаши тузилди ва таркиби белгиланди. Ўзбекистон «оксоколлар Кенгаши» ва Республика «Махалла»

жамгармаси фукароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада тўғри йўлга қўйишда моддий ва маърифий жихатдан кўмаклашмоқда.

Ўзини ўзи бошқариш органлари молиявий ресурслари халк депутатлари туман ва шахар Кенгашлари томонидан ажратиладиган бюджет маблагларидан, фукаролар ва мехнат жамоаларининг ихтиёрий хайр-эхсонларидан, хайрия жамгармалари ва махаллий ҳокимият томонидан ажратиб бериладиган маблаглардан ташкил топади.

Ўзини-ўзи бошқариш органларининг молиявий маблаглари банкдаги мустакил хисоб ракамларида сакланади, улар томонидан мустакил тасарруф этилади ва олиб қўйилиши мумкин эмас.

ОИЛА ВА НИКОҲ СОЦИОЛОГИЯСИ

Режа:

1.Оила ва никоҳ муносабатлари.
2.Қадим даврдан бошлаб илмий тадқиқотлар манбаи оила, никоҳ моҳияти ҳақида.
3.Социал тизимни ташкил этувчи социал институтлар.

1.Таянч атама ва тушунчалар: Оила ва никоҳ, муносабатлар, қадимги давр, илмий тадқиқотлар манбаи, социал тизим, социал институтлар.
2. Дарснинг жиҳози: Маърузалар матни, Умумий социология фанига ҳисса қўшган олим ва

мутафаккирларнинг фотосуратлари, тест карточкалари, доска, бўр.

3. **Дарснинг мақсади:** талабаларга оилада ижтимоий муносабатларнинг барча кўринишлари ўз аксини топади. П.Сорокин ҳам ўзининг Социологик тадқиқотларида оилавий келишмовчиликлар уларнинг сабаблари ва оқибатлари ҳақида тўхталган:
4. **Ташкилий қисм:** Талабалар билан саломлашиб, навбатчи ёрдамида давоматни аниқлаш, жаҳон янгиликларидан сўраш, дарсни эълон қилиш.
5. **Янги мавзу баёни:**

Оила ва никоҳ муносабатлари қадим даврдан бошлаб илмий тадқиқотлар манбаининг бир йўналишини акс эттириб, социал тизимни ташкил этувчи социал институтларнинг алоҳида функцияга эга бўлган булоғи ҳисобланади. Бу соҳада анча аниқ ва қизиқарли маълумотларни С.Липчет, Д.Ландберг ва бошқаларнинг «Институтционал мактаб» социологияси манбалардан олишимиз мумкин.

О.Конт фикрича, оилада ижтимоий муносабатларнинг барча кўринишлари ўз аксини топади. П.Сорокин ҳам ўзининг Социологик тадқиқотларида оилавий келишмовчиликлар уларнинг сабаблари ва оқибатлари ҳақида тўхталган.

Ўзбекистонда оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Якин ўтган давр ичида, аниқроги, мустакиллик йилларида шахсан Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов ташаббуслари ва қўллаб-кувватлашлари натижасида оила, хотин-кизлар, кексалар ва болалар ижтимоий мухофазасини таъминлашга қаратилган 60 га якин турли қонун ва норматив хужжатлар, Президент Фармонлари ва

Фармойишлар эълон қилинди ва хаётга жорий этилди. Айниқса, йилларга мақом бериш муносабати билан кабул қилинаётган ҳар йилги давлат дастурлари бу тоифа ахоли манфаатларини амалда ҳимоя килишга каратилган сайъи-ҳаракатлар мамлакатимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг яққол далилидир. Бу ишлардан «2007 йил -Ижтимоий ҳимоя йили» хам мустасно эмас.

2007 йилнинг Президентимиз томонидан ижшмоий ҳимоя йили деб эълон қилинганлигн, оилаларга манзилли, аниқ-дифференциал ёрдам кўрсатиш лозимлиги билан боғлиқ кўрсатмалари «ижтимоий ёрдам»-, "ижтимоий таъминот", "ижтимоий ҳимоя", "мухтож оилаъ атамаларига аниқлик киритишни такозо этади. Ўзбекистон Миллий энциклопедиясининг тўртинчи жилдида келтирилишича, карилиги, соғлиги, ижтимоий аҳволи, тирикчилик учун етарли воситалар билан таъминланмаганлиги туфайли ёрдамга мухтож фукаролар тўгрисида давлат ва жамиятнинг ғамҳўрлигига ижтимоий ёрдам дейилади дейилган. Бундай ёрдам пенсиялар, нафакалар тўлаш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, 16 ёшгача фарзанди бўлган, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига ойлик нафақалар тўлаш, беморлар ва кексаларга хизмат кўрсатиш, болаларга ғамҳўрлик қилиш кўринишида амалга оширилади.

Ижтимоий таъминот - кексайган, меҳнатга лаёкатсиз бўлган фукароларга моддий, тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича давлат томонидан белгиланган ижтимоий - иктисодий тадбирлар тизими бўлиб, ижтимоий ҳимоянинг муҳим тармоғи ҳисобланади. Ижтимоий таъминот тўғридан-тўғри давлат бюджетидан ажаратиладиган маблағлар

ҳисобидан пенсиялар ва ижтимоий нафакалар шаклида амалга оширилади ва аҳолининг ижтимоий ҳимоя тушунчаси билан ўзвий боғликдир. Чунки кенг маънодаги ижтимоий ҳимоя - бу мамлакат аҳолиси ижтимоий ва моддий муҳофаза килинишини таъминлайдиган ва жамиятда қарор топган ҳуқукий, иктисодий, ижтимоий чора-тадбирлар мажмуи бўлса, унинг тор маънодаги талқини-давлат ва жамиятнинг ёши, саломатлиги холати, ижтимоий аҳволи, тирикчилик воситалари билан етарли таъминланмаганлиги туфайли ёрдамга, кўмакка мухтож фуқаролар тўғрисида ғамхўрлик килиши тушунилади. Бу ерда кўп болали ва кам таъминланган оилаларнинг манфаатлари устувор ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида оилаларнинг ижтимоий химояси жараёнининг ҳукуқий асослари тобора такомиллашиб борилмокдаки, улар асосан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг ўндан зиёд Кодекслари, жумладан, Меҳнат Кодекси (1995 йил декабр), "Ногиронларни ижтимоий химоялаш тўғрисида"ги Қонун (1991 йил ноябр), "Фукароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонун (1993 йил, сентябр), Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, жумладан, "Кам таъминланган оилаларни ижтимоий химоялашни ташкил этиш масалалари хақида"ги (1994 йил, август) Ўзбекистон Республикасининг қарори, бошқа меъёрий хужжатлар асосида мувофиклаштирилади. Бу каби ишлардан кўзланган асосий мақсад эса ахоли фаровонлигини тўхтовсиз яхшиланишини таъминлаш, аҳоли қатламларининг таълим, маданият, касб малакаси, даромадлари жиҳатидан кескин тафовутларига барҳам бериш,

жамият томонидан инсонга муносиб ҳаёт даражасини ва инсон тараққиётини таъминлашга ёрдам беришдан иборатдир.

Агар давлатимиз раҳбари И.А. Каримовнинг "Ижтимоий ҳимоя йили"да хар бир ҳимояга мухтож оила ва шахсга нисбатан алохида, манзилли кўмак бериш лозимлиги тўғрисидаги йўриқларидан келиб чикадиган бўлсак, "мухтож оила" ва "мухтож шахс" тушунчаларига ҳам аниқлик киритиш лозим. Расмий маълумотларга кўра[1], кўп болали ва кам таъминланган оилалар юртимизда 2 235 мингтани ташкил этади. Бокувчисини йўқотган ҳамюртларимиз 230 минг нафарни, якка-ёлгизлар салкам 30 минг нафар кишини ташкил этади. Табиий, айнан ушбу тоифани ташкил етувчиларга биринчи навбатда мурувват кўрсатиш ва жамоатчиликнинг эътиборини каратиш зарур.

Шуни алоҳида таъкилдаш жоизки, мухтож оила тушунчаси ҳамиша ҳам "оила даромади" тушунчасидан келиб чикмайди, лекин унга бевосита боғлиқ. Бу ўринда унинг конкрет регион, турар-жой мавзеси ва алохида оила учун ўзига хослигини инобатга олиш керак. Масалан, Тошкент шахридаги турмуш тарзи ва даромад манбалари билан Конимехдаги ёки Тўрткўлдаги шарт-шароитлар турлича. Умуман, шаҳар ва кишлоқнинг ўзига хослигини албатта ўрганиб, ўшангга караб оилаларнинг иктисодий ночор ёки фаровонлиги тўғрисида хулоса чиқариш лозим. Энг муҳими - оиланинг маънавий-маърифий муҳитига эътиборни қарата олиш, кам таъминланган дейилгани билан, ўша оиладаги мехнатга яроқли инсонларнинг даромат топишга кўша оладиган улушини инобатга олиш, ижтимоий фойдали мехнат ва оиланинг

[1] Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ахолиии ижтимоий мухофаза килиш вазнрлиги маьлумоти

иқтисодини кўтаришга имкониятини аниқ белгилаш керак бўлади.

Ўзбекистонда оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Якин ўтган давр ичида, аниқроги, мустакиллик йилларида шахсан Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов ташаббуслари ва қўллаб-кувватлашлари натижасида оила, хотин-кизлар, кексалар ва болалар ижтимоий мухофазасини таъминлашга қаратилган 60 га якин турли қонун ва норматив хужжатлар, Президент Фармонлари ва Фармойишлар эълон қилинди ва хаётга жорий этилди. Айниқса, йилларга мақом бериш муносабаги билан кабул қилинаётган ҳар йилги давлат дастурлари бу тоифа ахоли манфаатларини амалда ҳимоя килишга каратилган сайъи-ҳаракатлар мамлакатимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг яққол далилидир. Бу ишлардан «2007 йил -Ижтимоий ҳимоя йили» хам мустасно эмас.

2007 йилнинг Президентимиз томонидан ижшмоий ҳимоя йили деб эълон қилинганлигн, оилаларга манзилли, аниқ-дифференсиал ёрдам кўрсатиш лозимлиги билан боғлиқ кўрсатмалари «ижтимоий ёрдам»-, "ижтимоий таъминот", "ижтимоий ҳимоя", "мухтож оилаъ атамаларига аниқлик киритишни такозо этади. Ўзбекистон Миллий энциклопедиясининг тўртинчи жилдида келтирилишича, карилиги, соғлиги, ижтимоий аҳволн, тирикчилик учун этарли воситалар билан таъминланмаганлиги туфайли ёрдамга мухтож фукаролар тўгрисида давлат ва жамиятнинг ғарҳўрлигига ижтимоий ёрдам дейилади. Бундай ёрдам пенсиялар, нафакалар тўлаш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, 16 ёшгача

фарзанди бўлган, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига ойлик нафақалар тўлаш, беморлар ва кексаларга хизмат кўрсатиш, болаларга гамҳўрлик қилиш кўринишида амалга оширнлади.

Ижтимоий таъминот - кексайган, меҳнатга лаёқатсиз бўлган фукароларга моддий, тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича давлат томонидан белгиланган ижтимоий - иктисодий тадбирлар тизими бўлиб, ижтимоий ҳимоянинг муҳим тармоги ҳисобланади. Ижтимоий таъминот тўғридан-тўғри давлат бюджетидан ажаратиладиган маблаглар ҳисобидан пенсиялар ва ижтимоий нафакалар шаклида амалга оширилади ва аҳолининг ижтимоий ҳимоя тушунчаси билан ўзвий боғликдир. Чунки кенг маънодаги ижтимоий ҳимоя - бу мамлакат аҳолиси ижтимоий ва моддий муҳофаза килинишини таъминлайдиган ва жамиятда қарор топган ҳуқукий, иктисодий, ижтимоий чора-тадбирлар мажмуи бўлса, унинг тор маънодаги талқини -давлат ва жамиятнинг ёши, саломатлиги холати, ижтимоий аҳволи, тирикчилик воситалари билан этарли таъминланмаганлиги туфайли ёрдамга, кўмакка мухтож фуқаролар тўғрисида ғамҳўрлик килиши тушунилади. Бу ерда кўп болали ва кам таъминланган оилаларнинг манфаатлари устувор ҳисобланади.

Мусгақиллик йилларида оилаларнинг ижтимоий химояси жараёнининг ҳукуқий асослари тобора такомиллашиб борилмокдаки, улар асосан Ўзбекистон Республикасининг Конститусияси, Ўзбекистон Республикасининг ўндан зиёд Кодекслари, жумладан, Меҳнат Кодекси (1995 йил декабр), "Ногиронларни ижтимоий химоялаш тўғрисида"ги Қонун (1991 йил ноябр), "Фукароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонун (1993 йил, сентябр), Ўзбекистон

Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, жумладан, "Кам таъмнлланган оилаларни ижтимоий химоялашни ташкил этиш масалалари хақида"ги (1994 йил, август) Ўзбекистон Республикасининг қарори, бошқа меъёрий хужжатлар асосида мувофиклаштирилади. Бу каби ишлардан кўзланган асосий мақсад эса ахоли фаровонлигини тўхтовсиз яхшиланишинк таъминлаш, аҳоли қатламларининг таълим, маданият, касб малакаси, даромадлари жиҳатидан кескин тафовутларига барҳам бериш, жамият томонкдан инсонга муносиб ҳаёт даражасини ва инсон тараққиётини таъминлашга ёедам беришдан иборатдир.

Агар давлатимиз раҳбари И.А. Каримовнинг "Ижтимоий ҳимоя йили"да хар бир ҳимояга муктож оила ва шахсга нисбатан алохида, манзилли кўмак бериш лозимлиги тўғрисидаги йўриқларидан келиб чикадиган бўлсак, "мухтож оила" ва "мухтож шахс" тушунчаларига ҳам аниқлик киритиш лозим. Расмий маълумотларга кўра[1], кўп болали ва кам таъминланган оилалар юртимизда 2 235 мингтани ташкил этади. Бокувчисичи йўқотган ҳамюртларимиз 230 минг нафарни, якка-ёлгизлар салкам 30 минг нафар кишини ташкил этади. Табиий, айнан ушбу тоифани ташкил этувчиларга биринчи навбатда мурувват кўрсатиш ва жамоатчиликнинг эътиборини каратиш зарур.

Шуни алоҳида таъкилдаш жоизки, мухтож оила тушунчаси ҳамиша ҳам "оила даромади" тушунчасидан келиб чикмайди, лекин унга бевосита боғлиқ. Бу ўринда унинг конкрет регион, турар-жой мавзеси ва алохида оила учун ўзига хослигини инобатга олиш

[1] Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ахолиии ижтимоий мухофаза килиш вазнрлиги маьлумоти

керак. Масалан, Тошкент шахридаги турмуш тарзи ва даромад манбалари билан Конимехдаги ёки Тўрткўлдаги шарт-шароитлар турлича. Умуман, шаҳар ва кишлоқнинг ўзига хослигини албатта ўрганиб, ўшангга караб оилаларнинг иктисодий ночор ёки фаровонлиги тўғрисида хулоса чиқариш лозим. Энг муҳими - оиланинг маънавий-маърифий муҳитига эътиборни қарата олиш, кам таъминланган дейилгани билан, ўша оиладаги мехнатга яроқли инсонларнинг даромат топишга кўша оладиган улушини инобатга олиш, ижтимоий фойдали мехнат ва оиланинг иқтисодини кўтаришга имкониятнни аниқ белгилаш керак бўлади.

Кам таъминланган ва моддий кўмакка мухтож оилаларнинг рўйхати ва мониторинги аслида Мехнат ва ахолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан амалга оширилади. Республика хотин-қизлар қўмитасининг жойларда моддий кўмакка муҳтож оилалар бўйича тўплаган маълумотларига кўра, бугун республикамизда 500 мингдап зиёд кам таъминланган ва ўз бокувчисиии йўкотгаи оилалар мавжуд. Лекин маълумотларда турли худудларда турлича манзара бўлиши мумкин.

Айниқса, кексалик ёшида инсондаги мухтожлик моддий етишмовчиликдан ҳам кўра, маънавий етишмовчиликка кўпрок боғлик бўлиб колади. Кўпгиia. мухтож оилаларга ва мухтож инсонларга оддий инсоний эътибор, мехр-мурувват этишмайди. Буни мамлакатимиздаги 12 та "Саҳоват уйлари"да истикомат қилаётган ёлғиз кексалар мисолида хам кўриш мумкин. Чунки инсон оиладан энг аввало ўзига кўпроқ психологик муҳофазани кутади. Агар шу маскандаги қадриятлар, ўзаро муомала ва эътибор инсонга этарли бўлмаса, у эътиборни ташкаридан,

бегоналардан истайди. Мухтож инсон - айнан меҳр ва мурувватни ташқаридан, бошқа инсонлардан кутадиган шахсдир, масалан, булар юқорида таъкидланган бокувчиси йўқотганлар ва якка-ёлғиз қолган инсонлардир. Мамлакатимизда бундай инсонлар сони жуда кам бўлишига қарамай, хукуматимиз, кўплаб жамоат ташкилотлари айнан шундай инсонларга ҳамиша мурувват ёрдамлари кўрсатиб келмокда. Келажакда оила институтининг жамиятдаги мавкеини ошириш оркали бундай оилалар ва инсонлар сонини кескин камайтириш мумкин.

Оиланинг умумий муаммолари борасида фикр юритадиган бўлсак, шуни таъкидлаш жоизки, конкрет маҳалла, туман ёки шаҳар микёсида оилаларнинг муаммоларини ҳал этиш учун уларни ўрганиб чиқиш лозим. Дейлик, бир махаллада ўртача 2 минг - 2,5 минг ахоли яшаса, уларда мавжуд хонадон ва конкрет оилалар сонини аииклаш, уларнинг таркиби ва тизимини ўрганиш лозим. Агар мамлакатимизда 5 миллиондан зиёд оилалар бўлиб, барча ахолининг 97 фоизи оилаларда яшашини инобатга олсак оила ииститутининг халқ турмуш фаровонлиги ва жамият яхлитлигида тутган ўрни нақадар тасирли эканлигини тасаввур килиш мумкин. Қолган 3 фоиз ахоли - булар ёлгиз колган кексалар, ота-онадан чин етим бўлиб колган ва Мехрибонлик уйларида тарбияланаётганлар, бошқа юртдан келиб вактинчалик Ўзбекистонда истикомат қилаётганлардан иборатдир.

Адабиётлар

1. И.А.Каримов. «Юксак маънавият енгилмас куч». Т., 2008 й.
2. И.А.Каримов «Ўзбекистон Буюк келажак сари» Тошкент – 1998 й.
3. И.А.Каримов «Маънавий юксалиш йўлида» Тошкент – 1998
4. Холбеков А. Идиров У. «Социология луг-ат» Тошкент, 1999
5. Ғафуров Г., Хакимов Н., «Маданият ва жамият» Т.:1993
6. Ионин Л.Г. «Социология культуры» -М.: 1996 г.
7. Ахадов Ш. “Социология”. Самарқанд – 2007й

ОИЛА ВА НИКОҲ СОЦИОЛОГИЯСИ

Семинар технологик харитаси. 2 соат

Ишлаш босқичлари. Вақти	**Фаолият**	
	Таълим берувчи	**Таълим олувчи**
1 босқич Кириш 5-10 дақиқа	**Мавзу: Оила ва никоҳ социологияси.** **Машгулот режаси:** 1.Оила ва никоҳ муносабатлари. 2.Қадим даврдан бошлаб илмий тадқиқотлар манбаи, оила никоҳ моҳияти ҳақида. 3.Социал тизимни ташкил этувчи социал институтлар. **Мақсади:** талабаларга оилада ижтимоий муносабатларнинг барча кўринишлари ўз аксини топади. П.Сорокин ҳам ўзининг Социологик тадқиқотларда оилавий келишмовчиликлар уларнинг сабаблари ва оқибатлари ҳақида тўхталган: **Асосий кисм:** Оила ва никоҳ, муносабатлар, қадимги давр, илмий тадқиқотлар манбаи, социал тизим, социал институтлар. **Адабиётлар рўйхати:** 1. И.А.Каримов. «Юксак маънавият енгилмас куч». Т., 2008 й. 2.И.А.Каримов «Ўзбекистон Буюк келажак сари» Тошкент – 1998 й.	Тинглайдилар ва аниқлаштирадилар Саволлар берадилар, Жавоб берадилар.
2 босқич	2.1. Семинар режаси ва тўзилишига биноан «Балиқ	Бу жадвал ёрдамида

Асосий 55-65 дақиқа	скелети» «Кадаскоп» услублардан фойдаланса бўлади.. 2.2. Савол – жавоб ва тезкор сўров орқали мавзу бўйича талабаларнинг умумий билими аниқланади.	талабалар фаолиятини ошириш имкониятини яратади, қўшимча материллар ва маълумот устида ишлашни ўргатади, тушуниш жараёнини бошқариш имконини вужудга келтиради.
3 босқич Якуний 10-15 дақиқа	3.1. Мавзу бўйича якун қилади. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ беради	Савол берадилар, аниқлайдилар.

ОИЛА ВА НИКОҲ СОЦИОЛОГИЯСИ

Маъруза машғулотлари 2 соат

Ишлаш босқичлари Вақти	**Фаолият**	
	Таълим берувчи	**Таълим олувчи**
1 босқич Кириш 5-10 дақиқа	**Мавзу Оила ва никоҳ социологияси.** **Машгулот режаси:** 1.Оила ва никоҳ муносабатлари. 2.Қадим даврдан бошлаб илмий тадқиқотлар манбаи, оила никоҳ моҳияти ҳақида. 3.Социал тизимни ташкил этувчи	Тинглайдилар аниқлайдилар ва муҳим жойларини ёзиб борадилар.

	социал институтлар. **Мақсади:** талабаларга оилада ижтимоий муносабатларнинг барча кўринишлари ўз аксини топади. П.Сорокин ҳам ўзининг Социологик тадқиқотларда оилавий келишмовчиликлар уларнинг сабаблари ва оқибатлари ҳақида тўхталган: **Асосий кисм:** Оила ва никоҳ, муносабатлар, қадимги давр, илмий тадқиқотлар манбаи, социал тизим, социал институтлар. **Адабиётлар рўйхати:** 1. И.А.Каримов. «Юксак маънавият енгилмас куч». Т., 2008 й. 2.И.А.Каримов «Ўзбекистон Буюк келажак сари» Тошкент – 1998 й.	Саволлар берадилар, Жавоб берадилар.
2 босқич Асосий 55-65 дақиқа	2.1. Семинар режаси ва тузилишига биноан «Балиқ скелети» «Кадаскоп» услублардан фойдаланса бўлади.. 2.2. Савол – жавоб ва тезкор сўров орқали мавзу бўйича талабаларнинг умумий билими аниқланади.	Бу жадвал ёрдамида талабалар фаолиятини ошириш имкониятини яратади, қўшимча материллар ва маълумот устида ишлашни ўргатади, тушуниш жараёнини бошқариш

		имконини вужудга келтиради.
3 босқич Якуний 10-15 дақиқа	3.1. Мавзу бўйича якун қилади. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ беради	Савол берадилар, аниқлайдилар.

ОИЛА ВА НИКОҲ СОЦИОЛОГИЯСИ.

МАРУЗА УЧУН МОДЕЛ

Ўқув вақти 2 соат	**Талабалар сони**
Ўқув машғулотининг шакли ва тури. Маъруза режаси.	Маъруза ахборотли. 1.Оила ва никоҳ муносабатлари. 2.Қадим даврдан бошлаб илмий тадқиқотлар манбаи, оила никоҳ моҳияти ҳақида. 3.Социал тизимни ташкил этувчи социал институтлар.
Ўқув машғулоти мақсади:	Талабаларга тушунтиришда оилада ижтимоий муносабатларнинг барча кўринишлари ўз аксини топади. П.Сорокин ҳам ўзининг Социологик тадқиқотларда оилавий келишмовчиликлар уларнинг сабаблари ва оқибатлари ҳақида тўхталган:
Педагогик вазифалар: Мавзунинг туб моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, Маърузани муайян қисмларга бўлиш, ҳар	Ўқув фаолиятининг натижалари: Оила ва никоҳ, муносабатлар, қадимги давр, илмий тадқиқотлар манбаи, социал тизим, социал институтлар ва уларнинг мазмун-мохияти.

бир қисмни ўзаро мантиқий боғлиқликни таъминлаш, очиб бериш, тушунтириш, шакллантириш.	
Таълим усуллари	Маъруза, мулоқот, «Балиқ скелети» «Кадаскоп»
Ўқув фаолиятининг ташкил қилиш шакллари.	Жамоа, гуруҳларда ишлаш.
Таълим воситалари.	Маъруза матни, дарсликлар, ўқув мажмуа, тестлар ёзилган карточкалар, доска, бўр.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки сўров: Тезкор сўров.

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ СОЦИОЛОГИЯСИ

Режа:

1. Ғарбда таълим социологиясига асос солган олимлар.
2. Таълим тизимининг ижтимоий функциялари.
3. Иқтисодий, сиёсий жараёнлар билан алоқаси.

1.Таянч атама ва тушунчалар: Тарбия ва таълим социологияси, жамиятнинг таълим тизими, махсус Социологик назария, мустақил ижтимоий институт, жамият ҳаёти, функционал ва ривожланиш,

қонуниятлари, даражаси, ижтимоий ташкилотлар муносабатлар алоқадорлиги, давлат сиёсати.

2. **Дарснинг мақсади:** талабалар тарбия ва таълим социологияси жамиятнинг таълим тизими тўғрисидаги махсус Социологик назария бўлиб, уни нисбатан мустақил ижтимоий институт сифатида жамият ҳаётидаги ўзига хос функционал ва ривожланиш қонуниятлари, даражасини унинг бошқа ижтимоий ташкилотлар ва муносабатлар билан ўзаро алоқадорлигини ва шу соҳадаги давлат сиёсатини ўрганади.
3. **Ташкилий қисм:** Талабалар билан саломлашиб, навбатчи ёрдамида давоматни аниқлаш, жаҳон янгиликларидан сўраш, дарсни эълон қилиш.
4. **Янги мавзу баёни:**

Тарбия ва таълим социологияси жамиятнинг таълим тизими тўғрисидаги махсус Социологик назария бўлиб, уни нисбатан мустақил ижтимоий институт сифатида жамият ҳаётидаги ўзига хос функционал ва ривожланиш қонуниятлари, даражасини унинг бошқа ижтимоий ташкилотлар ва муносабатлар билан ўзаро алоқадорлигини ва шу соҳадаги давлат сиёсатини ўрганади. Ғарбда таълим социологиясига Е.Дюркгейм ва М.Веберлар асос солган. Улар таълим тизимининг ижтимоий функцияларини иқтисодий, сиёсий жараёнлар билан алоқасини тадқиқ қилганлар. Т.Парсонс ўзининг «Социологиянинг умумназарий муаммолари» асарида шундай ёзади. «АҚШ олий таълим тизимларининг асосий хусусиятларидан бири – илмий тадқиқотларни ўз ичига олувчи илмий иш олиб бориш мутахассислигини беришидадир».

Социологияни жамият ҳақидаги фан деб ҳисоблаш мумкин. Жамиятни ўрганувчи ҳар бир фан унинг табиатига ва асосий қизиқишига яқин бўлган, ўзининг тадқиқот предметига эгадир. Жамият ҳақидаги ушбу фанлар тизимида социологияни ажратиб турган нарса шуки, биринчи навбатда жамият ижтимоий тизимининг турли босқичларида шахс, оила, маҳалла, мактаб, институт, корхона, ташкилот, туман, шаҳар, вилоят бутун мамлакат, хамда ялпи жамиятда шаклланадиган ижтимоий ўзаро муносабатлар ва инсоний муносабатларни ўрганади. «Шунинг учун социология жамиятни эмас, балки, жамиятни ташкил этувчи унинг асосида ишлаб турувчи ва ривожланувчи ижтимоий материални ўрганади» (О. Конт).

Жамият ҳақидаги фанлар умумий тизимида социология фани хусусиятини юқорида зикр этилгандек тушунтириш, ҳозирги замон социологиясининг предметини шундай таърифлашнинг имконини беради:

Социология жамиятни мураккаб ижтимоий организм сифатида ўрганади. Социология жамиятни мавжуд таркибий тўзилмалари моҳияти, уларнинг ҳаракат тенденциялари ва тараққиёт қонуниятларини социал ташкил этилган тизимда тадқиқ этади. Шунингдек, социология асосий эътиборни жамиятни хар хил ижтимоий ва ҳудудий тузум босқичларида вужудга келадиган кенг маънодаги инсонлараро муносабатлари ва жамоатчилик фикрини ўрганишга қаратувчи фандир.

Социология фани жамиятнинг турли соҳалари иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий-ахлоқий ва бошқа тармоқларида тадқиқотлар ўтказади.

Ўзбекистон шароитига мослаб, замонавий социологияда биз қуйидаги ўрганиш обектларини ажратамиз:

1. Ижтимоий босқич:

1. Жамият; 2. Ижтимоий қатлам; 3. Ижтимоий гуруҳ; 4. Маҳалла; 5. Оила; 6. Шахс;

2. Миллий босқич:

1. Миллат; 2. Элат; 3. Этник гуруҳ; 4. Авлод; 5. Миллий оила; 6. Индивид;

3. Тармоқлар босқичи:

1. Иқтисодиёт; 2. Сиёсат; 3. Маданият; 4. Фан; 5. Таълим; 6. Маънавият ва маърифат; 7. Экология ва бошқалар

4. Ҳудудий босқич:

1. Минтақа; 2. Мамлакат; 3. Вилоят; 4. Шаҳар; 5. Туман; 6. Қишлоқ; 7. Маҳалла.

Мамлакатимизда социологиянинг роли ортиб бормоқда, бу фанга умумий қизиқиш кучаймоқда. Буни тушуниш мумкин, чунки Ўзбекистонда ҳозир янги ижтимоий-сиёсий ва маънавий иқлим шаклланди. Ижтимоий ҳаётнинг барча жабхаларида ўзгаришлар кўзатилмоқда, социал таркибда ўзгаришлар қайд қилинмоқда, янги ижтимоий институтлар ва муносабатлар пайдо бўлмоқда. Ватанимизда социология хеч қандай тўсиқсиз ривожланиш ва мустақил ижтимоий фан сифатида ўзини англаш имконияти туғилди. Жамиятимизда кўзатилаётган ижтимоий ўзгаришлар ва жараёнлар социология фанининг диққат марказида турибди.

Социологик фикрлашнинг энг муҳим жиҳати жамият ҳаётида инсон шахсини тушунишдан иборатдир. Шахсга бўлган Социологик нуқтаи назарнинг ўзига ҳослиги шундан иборатки, бу фан унга ижтимоий воқеиликни ўзгартирувчи фаол мавжудот сифатида қарайди. Ижтимоий институтлар кўп жихатдан инсон аҳлоқини ифодалайди, аммо айни шу вақтнинг ўзида

улар инсон фаолиятининг ифодаси ва индивидларнинг ўзаро ижтимоий таъсири хосиласидир.

Жамият тўғрисидаги хозирги билимларнинг ўзига ҳос ҳусусияти шундан иборатки, улар Социологик фикрлашнинг кучли таъсири остидадир. Жамиятимизда кўзатилаётган мураккаб жараёнларни Социологик таҳлилсиз тўғри тушуниш мумкин эмас.

Мамлакатимизда социологиянинг кейинги ривожланиши ва такомиллаштирилиши жамиятни чуқур ўрганиш ва англаш, жамият олдида турган ўтиш даврининг мураккаб муаммоларини анча самаралироқ ечишга имкон беради.

Инсонни барча даврларда нафақат уни ўраб турган табиатнинг жумбоқлари ва ходисалари, балки одамлар ҳаёти билан боғланган муаммолар ҳам қизиқтириб келган. Нима учун одамлар якка яшашни истамайдилар? Улар орасида чегара ўтказилишини нималар мажбур қилади? Нима учун баъзилар кўп неъматлардан фойдаланади, баъзиларда эса бундай имкониятлар йўқ?

Шунга ва шунга ўхшаш кўплаб саволларга жавоб қидириш ўтмишдаги донишмандлар ва олимларни улар яшаб турган жамиятни ўрганишга ундаган ва ҳаётнинг ўзи қўйган саволларга жавоб излашга ундаган. Социологияга оид энг биринчи билимларни олимлар ва донолар фикрларида топиш мумкин. Лекин ўша даврдаги тадқиқотлар тўла ва ўзлуксиз бўлмаган. Жамиятни таҳлил қилиш, гуруҳдаги инсон хулқини ўрганиш тўла-тўкис олиб борилмас эди. Инсонлар орасидаги муносабатларнинг мушкулланиши, мураккаб ташкилотларнинг пайдо бўлиши жамият олдида турган муаммоларни амалий ҳал қилиш эҳтиёжини кучайтирди.

«Социология» атамаси француз тилидан «жамиятни ва ижтимоий муносабатларни илмий ўрганиш» маъносини англатади.[1] Бу тариф ушбу фан нимани ўрганиши тўғрисида фақат умумий тасаввур беради. Ўзининг салкам ярим асрлик ривожланиши давомида социология ўзининг мазмуни ва услублари, қўллайдиган атамалари бўйича турли илмий мактаб ва йўналишлар тарафдорлари орасида кучли тўқнашувлардан иборат қийин йўлни босиб ўтди. Лекин бу турлича ёндошувларнинг мақсади битта - инсонни, уни ўраб турган ижтимоий борлиқни, унинг ижтимоий фикрлаш маданиятини чуқурроқ тушунишдан иборат. Шунинг учун машҳур рус-америкалик социологи П. Сорокин таъбири бўйича бу фанни «ўзига мос мухитда яшовчи одамларнинг хулқини ўрганувчи» фан дея таърифлаш мумкин.

Социологиянинг объекти ва предмети нимадан иборат? Даставвал социология нафақат ижтимоий, балки табиийий фанлар билимларини мужассам қилувчи умумий фан деб тушунилар эди. Бу ёндошув XIX асрнинг Ғарбий Европа социологларининг ишларида етакчи эди. Бу социологларнинг фикрлари бўйича социология учун бошланғич фан ижтимоий ҳаёт асосларини аниқлаб берувчи ва инсон табиати ўзгармас ҳоссалари тўғрисида билим берувчи ижтимоият-жамият тўғрисидаги фандир. Ўша давр олимларининг нуқтаи назари бўйича, ижтимоий ҳаётнинг ранг-баранглиги - бу жисмоний, ақлий, маънавий ва сиёсий ҳаракатлари бўлган асосий томонларнинг турларидир.

Кейинчалик француз социологи Е. Дюркгейм таъкидлаган эдики, ижтимоий соҳалар ўзига ҳос ҳусусиятлари билан ажралиб турган фактлардан иборат - бу «фикрлаш, фаолият ва сезиш усули, индивид

[1] Смелзер Нейл. Социология. М.Феникс, 1994, 659 б.

ташқарисида жойлашган ва ўзига бўйсиндирувчи кучга эга бўлган, бунинг натижасида улар бунга боғланиб қолган»[1].

Машҳур немис олими Макс Вебер онгни ижтимоий ҳаракат омили деб таърифлаган эди. У маданият ҳақидаги фанларни (уларга социологияни ҳам киритган эди) ва табиат ҳақидаги фанларни ажратган. М. Вебернинг фикрича, инсон онгли мавжудотлигини на тарихчи, на социолог, на иқтисодчи инкор эта олади. Айнан шу ерда ижтимоий фанлар объектининг табиат ходисаларидан фарқи мавжуд. М. Вебер фикрича[2], субектив маънога эга бўлган индивид ёки индивидлар хулқидан таркиб топган ҳаракат, социологиянинг предметидир. «Социология... шундай фанки, деб ёзган эди М. Вебер, ижтимоий ҳаракатни... тушунишни хоҳлайди ва бунинг асосида унинг сабабларини тушунтириб беради...».[3]

Социология объекти ва предметини замонавий тушуниш иккита йўриқдан иборат. Биринчиси - жамият бу табиий биологик асосга тенглаштирилмайдиган алохида турдаги ижтимоий-маданий борлиқдир. Инсон - бу шундай мавжудотки, унинг умр кўриши яшаш ижтимоий шароитлари, етакчи ахлоқ ва маданият билан чамбарчас боғлангандир.

Иккинчиси - табиий дунёни ўрганишда ўзининг самарадорлигини исботлаган билиш йўллари ва усулларидан фойдаланиш зарурлигидан иборат. Бу ерда табиий фанларда қўлланиладиган усуллардан онгсиз фойдаланиш эмас, балки олинган натижаларни албатта тажриба асосида текшириш, аниқлик ва жиддийликка интилиш, табиий фанлардаги умумий мантиқни қабул қилиш назарда тутилмоқда.

---

[1] Дюркгейм Э. Социология методи. М.:Канон, 1995. 31бет.
[2] Вебер.М. Исследования по методологии науки. М., 1980. 43 бет.
[3] Американская социология. Перспективы, проблемы, методы. Под ред. Т. Парсона. М.: 1972. С.364.

Шуларни назарда тутиб, социологиянинг ўрганувчи объекти сифатида гуруҳлар, ижтимоий институтлар, жамиятни ташкил қилувчи ижтимоий муносабатлар ва ҳаракатлари дунёси, деб таърифлаш мумкин.

Бошқа фанлар сингари, социология инсонни ўраб турган бутун дунёсини ўрганмайди, балки жамиятнинг, у ёки бу тизимнинг бир таркибий қисми сифатида кўзатилаётган жараёнларини, уларнинг энг муҳим ва ўзига хос бўлган хоссаларини ўрганади. Бошқача қилиб айтганда, хусусий ижтимоий жараёнларни бутунликка, жамиятга тааллуқли деб ҳисобланилади. Машҳур америкалик социолог Т. Парсонс таъкидлаган эдики, социология бошқа ижтимоий фанлардан фарқли ўлароқ, «бутун жамиятга, ижтимоий тизимларнинг бирлашувига тааллуқли бўлган тизим ва жараёнларни ўрганади»[1]. Зеро, социологни иқтисодиётда фойда маромлари қизиқтирмайди, балки уни бутун жамиятда пул қандай рол ўйнайди, ёки ижтимоий жараёнларни бошқаришда пулнинг ўрни қанчалик аҳамиятга эга эканлиги қизиқтиради. Социология шахсни жамиятда бажараётган фаолияти, ўзлаштирилган мақомларини ижтимоий тизим жараёнлари билан чамбарчас боғлиқликда ўрганади.

Социологиянинг ўрганиш предмети инсон ҳаёти тарзининг конкрет ва ҳайратомўз воқеалари, одамларнинг жамиятдаги такрорий хулқ намуналари ҳисобланади.[2] Ваҳолангки, оилада, кўчада, транспортда, дўконда, ишхонада, ўқув аудиториясида - хуллас барча вазиятларда инсон ҳулқининг такрорланувчан кўринишларини кўзатишимиз мумкин. Масалан, одам дўконга кирганда, сотувчидан қандай муомала кутишини билади. Худди шундай аудиторияга кирган ўқитувчи ҳам талабалардан қандай муомала

[1] Американская социология. Перспективы, проблемы, методы. Под ред. Т. Парсона. М.: 1972. С.364.
[2] Американская социология. Перспективы, проблемы, методы. Под. ред. Т. Парсона-М.: 1972. С. 364.

кутишини олдиндан билади. Айнан шу ҳолатда талабалар ҳам ўқитувчидан касб маҳоратини ишга солган ҳолда Маъруза ўқиш, амалий машғулотлар ўтказиш ва талабаларнинг билимини объектив баҳолашини кутади. Айтиш мумкинки, ўқитувчи билан талабалар орасида ўзаро боғлиқлик бор ва бу боғликликлар улар таҳсил олаётган ўқув даргоҳининг ижтимоий мавқеи ҳамда жамият олдидаги вазифаларидан келиб чиқади. **Ижтимоий мавқе** шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ифодалайди. Одамларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва бажарадиган вазифаларининг мазмунини уларнинг мазкур ташкилотларда эгаллаб турган ижтимоий мавқеларини аниқлаб беради. Ўз навбатида, одамларнинг конкрет ҳаракатлари жамланмаси социологияда «ижтимоий рол» атамаси билан ифодаланади. **Ижтимоий рол** ижтимоий мавқе (статус) нинг амал қилишини ифодалайди. Зеро, жамиятдаги инсон ҳулқи, ижтимоий ташкилотлар қабул қилган **ижтимоий нормалар** орқали бошқарилади. Булар нафақат жамиятда қабул қилинган қонунлар, анъаналар, балки, махсус норматив топшириқлар, айтайлик, у ёки бу жамоада қайд қилинган низомларда, буйруқларда ифодаланган бўлиши мумкин.

Кўрсатилган уччала атама - мавқе, рол ва норма социологиянинг асосий тушунчаларидан ҳисобланади, улар ёрдамида ҳар қандай шахс ёки ижтимоий ташкилотларнинг хусусиятларига чизги бериш мумкин.

Жамиятдаги ижтимоий ташкилотлар ва инсонларнинг ҳулқ-атворлари механизмларини тушунтириш учун ўша жамиятнинг ижтимоий тизимини таҳлил қилиш лозим. Аммо, замонавий социология жамиятдаги ижтимоий тизимни тадқиқ этиш билан чегараланиб қолмайди, унинг тараққиёти ва ўзгаришларини ҳам башорат

қилади. Ўтказилган Социологик тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, **биринчидан**, жамият ҳаётининг муҳим бўлган соҳалари - иқтисодиёт (меҳнат шароитлари), экология ва демографияга оид ҳолатлар жиддий эътибор билан ўрганилмоқда. **Иккинчидан**, Социологик тадқиқотлар жамиятда демократияни ривожлантириш, ҳокимият масалалари, аҳолини бошқарув ишларда иштироки билан боғлиқ бўлган сиёсий жараёнлар ва ҳаракатларнинг мазмун ва моҳиятини очиб беришга имкон яратади.

Учинчидан, социология жамият маънавий ҳаётини фаол ўрганади. Бунда унинг тадқиқот предмети бўлиб маърифий, маданий, илмий, адабий, ижодий, диний ва бошқа соҳаларнинг муаммолари хизмат қилади.

Демак, социология ижтимоий ҳаётнинг бир соҳаси билан чегараланиб қолмай, у инсон мансуб бўлган барча гуруҳлар, қатламлар, жамоалар, муассасалар, ҳамда одамларнинг кундалик-маиший ҳаётлари масалалари билан ҳам қизиқади. Бошқача қилиб айтганда, социологиянинг **бош мақсади** - бу инсон ва унга алоқадор ижтимоий ташкилотларнинг хатти-ҳаракатларини оқилона тарзда тушунтиришдир. Бунинг натижасида эса жамиятда мавжуд бўлаётган муаммолар ўзига хос ечимини топади.

Социология жамиятни умумий мавҳумлик эмас, балки конкрет воқелик деб таъриф этади. Бунда у ўзига хос атама ва тушунчалардан фойдаланади. Масалан, агарда файласуф объектив воқелик ҳақида мавҳумроқ гапирса, социолог бу воқеликни тўлдириб, ЭМПИРИК натижаларга таянган холда изоҳлайди. Агар маданият тушунчаси файласуф учун инсон руҳининг маҳсули бўлса, социолог учун - у ҳулқ-атворнинг реал натижаси, харакатларнинг мувофиқлаштирувчи тизимидир.

Социолог конкрет инсонга яқин туришга ҳаракат қилади ва уни кўпроқ илмий асосда кундалик ҳаётни конкрет ўрганиш қизиқтиради. Социолог бирор бир ходисани ўрганаётганида унга таъсир кўрсатаётган аниқ механизмга асосий эътиборни қаратади. Масалан, меҳнат фаолияти мотивациясини кўриб чиқаётган социолог меҳнат жараёнида моддий рағбатлар қандай аҳамият касб этишини амалий жиҳатдан очиб беради. Шу нуқтаи назардан социолог нафақат миқдорий, статистик маълумотларга, балки уларнинг сифатий таснифига ҳам таянади.

Мавзу бўйича таянч атамалар: ижтимоий норма, рол, мавқе, социологиянинг бош мақсади.

Адабиётлар

1. И.А.Каримов «Баркамол авлод орзуси» Тошкент – 1999
2. И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилмокда» Тошкент – 1999 й.
3. И.А.Каримов «Ўзбекистон: Миллий истиқлол, сиёсат, мафкура» Тошкент – 1996 й.
4. Парсонс Т. «Человек в современном мире». -М.: 1985 г.
5. М.Бекмурадов М. Социология асослари. -Т.: 1994 г.
6. Учебной социологический словар. -М.: 1997 г.
7. Ахадов Ш. “Социология” Самарқанд-2007

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ СОЦИОЛОГИЯСИ

Семинар технологик харитаси. 2 соат

Ишлаш босқичлари. Вақти	**Фаолият**	
	Таълим берувчи	**Таълим олувчи**
1 босқич Кириш 5-10 дақиқа	**Мавзу Таълим ва тарбия социологияси.** **Машгулот режаси:** 1.Ғарбда таълим социологиясига асос солган олимлар. 2.Таълим тизимининг ижтимоий функциялари. 3.Иқтисодий, сиёсий жараёнлар билан алоқаси. **Мақсади:** талабаларга тарбия ва таълим социологияси жамиятнинг таълим тизими тўғрисидаги махсус Социологик назария бўлиб, уни нисбатан мустақил ижтимоий институт сифатида жамият ҳаётидаги ўзига хос функционал ва ривожланиш қонуниятлари, даражасини унинг бошқа ижтимоий ташкилотлар ва муносабатлар билан ўзаро алоқадорлигини ва шу соҳадаги давлат сиёсатини ўргатади. **Асосий кисм:** Тарбия ва таълим социологияси,	Тинглайдилар ва аниқлаштира-дилар. Саволлар берадилар, Жавоб берадилар.

	жамиятнинг таълим тизими, махсус Социологик назария, мустақил ижтимоий институт, жамият ҳаёти, функционал ва ривожланиш, қонуниятлари, даражаси, ижтимоий ташкилотлар, муносабатлар, алоқадорлиги, давлат сиёсати. **Адабиётлар рўйхати:** 1. Ахадов Ш. “Социология” Самарқанд-2007 2.Нормуродов Б.Н. «Социология» Самарканд, 2002. 3.Социологический словар. - М.: 2002.	
2 босқич Асосий 55-65 дақиқа	2.1. Семинар режаси ва тўзилишига биноан «Балиқ скелети» «Кадаскоп» «Вербал» услублардан фойдаланса бўлади.. 2.2. Савол – жавоб ва тезкор сўров орқали мавзу бўйича талабаларнинг умумий билими аниқланади.	Бу жадвал ёрдамида талабалар фаолиятини ошириш имкониятини яратади, қўшимча материаллар ва маълумот устида ишлашни ўргатади, тушуниш жараёнини бошқариш имконини вужудга

		келтиради.
3 босқич Якуний 10-15 дақиқа	3.1. Мавзу бўйича якун қилади. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ беради	Савол берадилар, аниқлайдилар.

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ СОЦИОЛОГИЯСИ.

Амалий машғулот 2 соат

Ишлаш босқичлари Вақти	**Фаолият**	
	Таълим берувчи	**Таълим олувчи**
1 босқич Кириш 5-10 дақиқа	**Мавзу Таълим ва тарбия социологияси.** **Машгулот режаси:** 1.Ғарбда таълим социологиясига асос солган олимлар. 2.Таълим тизимининг ижтимоий функциялари. 3.Иқтисодий, сиёсий жараёнлар билан алоқаси. **Мақсади:** талабаларга тарбия ва таълим социологияси жамиятнинг таълим тизими тўғрисидаги махсус Социологик назария бўлиб, уни нисбатан мустақил ижтимоий институт сифатида жамият ҳаётидаги ўзига хос функционал ва ривожланиш	Тинглайдилар аниқлайдилар ва муҳим жойларини ёзиб борадилар. Саволлар берадилар, Жавоб берадилар.

	қонуниятлари, даражасини унинг бошқа ижтимоий ташкилотлар ва муносабатлар билан ўзаро алоқадорлигини ва шу соҳадаги давлат сиёсатини ўрганади. **Асосий кисм:** Тарбия ва таълим социологияси, жамиятнинг таълим тизими, махсус Социологик назария, мустақил ижтимоий институт, жамият ҳаёти, функционал ва ривожланиш, қонуниятлари, даражаси, ижтимоий ташкилотлар, муносабатлар, алоқадорлиги, давлат сиёсати. **Адабиётлар рўйхати:** 1.Ахадов Ш. “Социология” 2007 2.Нормуродов Б.Н. «Социология» Самарканд, 2002. 3.Социологический словар. - М.: 2002.	
2 босқич Асосий 55-65 дақиқа	2.1. Семинар режаси ва тўзилишига биноан «Балиқ скелети» «Кадаскоп» «Вербал» услублардан фойдаланса бўлади.. 2.2. Савол – жавоб ва тезкор сўров орқали мавзу бўйича талабаларнинг умумий билими аниқланади.	Бу жадвал ёрдамида талабалар фаолиятини ошириш имкониятини яратади, қўшимча материллар ва маълумот устида

		ишлашни ўргатади, тушуниш жараёнини бошқариш имконини вужудга келтиради.
3 босқич Якуний 10-15 дақиқа	3.1. Мавзу бўйича якун қилади. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ беради	Савол берадилар, аниқлайдилар.

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ СОЦИОЛОГИЯСИ.

Ўқув вақти 2 соат	**Талабалар сони**
Ўқув машғулотининг шакли ва тури. Маъруза режаси.	Маъруза ахборотли. 1.Ғарбда таълим социологиясига асос солган олимлар. 2.Таълим тизимининг ижтимоий функциялари. 3.Иқтисодий, сиёсий жараёнлар билан алоқаси.
Ўқув машғулоти мақсади:	**Мақсади:** талабаларга тарбия ва таълим социологияси жамиятнинг таълим тизими тўғрисидаги махсус Социологик назария бўлиб, уни нисбатан мустақил ижтимоий институт сифатида жамият ҳаётидаги ўзига хос функционал ва ривожланиш қонуниятлари, даражасини унинг

	бошқа ижтимоий ташкилотлар ва муносабатлар билан ўзаро алоқадорлигини ва шу соҳадаги давлат сиёсатини ўрганади.
Педагогик вазифалар: Мавзунинг туб моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, Маърузани муайян қисмларга бўлиш, ҳар бир қисмни ўзаро мантиқий боғлиқликни таъминлаш, очиб бериш, тушунтириш, шакллантириш.	Ўқув фаолиятининг натижалари: тарбия ва таълим социологияси, жамиятнинг таълим тизими, махсус Социологик назария, мустақил ижтимоий институт, жамият ҳаёти, функционал ва ривожланиш, қонуниятлари, даражаси, ижтимоий ташкилотлар, муносабатлар, алоқадорлиги, давлат сиёсати.
Таълим усуллари	Маъруза, мулоқот, «Балиқ скелети» «Кадаскоп» «Вербал»
Ўқув фаолиятининг ташкил қилиш шакллари.	Жамоа, гуруҳларда ишлаш.
Таълим воситалари.	Маъруза матни дарсликлар, ўқув мажмуа, тестлар ёзилган карточкалар, доска, бўр.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки сўров: Тезкор сўров.

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ СОЦИОЛОГИЯСИ

Режа:

1. Жамоатчилик фикри халқ истайдиган нарсани билишнинг ноорганик услубидир.
2. Демократия - фуқаро ўз фикрини эркин баён эта олиши имконияти ҳақида.
3. Ижтимоий гуруҳларнинг мавжуд ижтимоий воқеликка нисбатан баҳоловчи муносабатининг шаклланиши.

1.Таянч атама ва тушунчалар: Жамоатчилик фикри, социология, ижтимоий гуруҳлар, ижтимоий воқелик, муносабат, шаклланиш, қонуниятлар, фан матбуот эркинлиги, эътиқод эркинлиги.

2. Дарснинг мақсади: талабаларга Жамоатчилик фикри социологияси – ижтимоий гуруҳларнинг мавжуд ижтимоий воқеликка нисбатан баҳоловчи муносабатининг шаклланиши ва амал қилиши қонуниятларини ўрганувчи Фан эканлигини тушунтириш

3. Ташкилий қисм: Талабалар билан саломлашиб, навбатчи ёрдамида давоматни аниқлаш, жаҳон янгиликларидан сўраш, дарсни эълон қилиш.

4. Янги мавзу баёни:

Жамоатчилик фикри социологияси – ижтимоий гуруҳларнинг мавжуд ижтимоий воқеликка нисбатан баҳоловчи муносабатининг шаклланиши ва амал қилиши қонуниятларини ўрганувчи фандир. «Жамоатчилик фикри» атамаси инглизча “публис” “опинион” сўз бирикмаларидан олинган бўлиб, у XVII асрда дастлаб Англияда қўлланилган, кейинчалик бошқа мамлакатларга ўтиб, XVIII аср охиридан бошлаб кенг тарқалган. Жамоатчилик фикри халқ

истайдиган нарсани билишнинг ноорганик услубидир. Демократия деганда, энг аввало ҳар бир фуқаро ўз фикрини эркин баён эта олиши, матбуот эркинлиги, эътиқод эркинлиги ва шу кабилар тушунилади.

Мовароуннаҳр жамоатчилик фикри тарихини ўрганишда Абу Мансур ал-Мотуридийнинг ўрни беқиёсдир. Суннийлик Асосидаги исломдаги катта йўналишни ташкил этувчи Мотуридия мактабининг асосчиси **Абу Мансур ал-Мотуридий** асарларига нафақат диншунослик, балки жамият, жамоа, ижтимоий жараёнлар ва хусусан шахс ҳақидаги таълимот сифатида ёндошиш, уларни Мовароуннаҳр халқлари ҳаёт тарзи, менталитетига мувофиқ келувчи, уларни ғоявий, эътиқодий якдилликка ундовчи яхлит илмий Социологик концепция сифатида баҳолаш ва ҳар томонлама ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Улрих Рудолф шахснинг ислом эътиқоди доирасидаги фаолияти, эркин фикрлаш ҳуқуқи ва имкониятларини атрофлича асослаган Ал-Мотуридий қарашларини оқилона меъёр, инсон шаъни, мавқеига энг мувофиқ келувчи назария деб баҳолаганда, буюк ҳамюртимизнинг характерли қирраларини очиб берди. Дарҳақиқат, инсон шахси ва мавқеи масаласи, уни турли ижтимоий-сиёсий, керак бўлса, диний тазйиқлардан ҳимоя қилувчи Ал-Мотуридийнинг *муросавий мувозанат концепциясини*, исломни англаш жараёнларидаги ижобий жиҳатлар йиғиндисигина эмас, балки Мовароуннаҳрдаги реал ижтимоий-сиёсий муҳит, халқ турмуш тарзи, менталитети, бой маданий-тарихий тажрибаси билан бойитилган инсоний ёндашувлар синтези, деб баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Ал-Мотуридий жамоа ва жамиятнинг воқелик моҳиятини рамзларда талқин этишга диққатни қаратади. Инсоннинг интеллектуал камолоти,

шартлилик, рамзларга кўчиш даражасига, ўзликни нечоғли мавҳумлаштиришга боғлиқлигини, бу эса ўз навбатида моҳиятни шунчалар тўғри англаш имкониятини беришини асослаб беради.

Ал-Мотуридий *жабарийлар*нинг, инсонни ҳамма амаллари олдиндан унинг тақдирида ёзиб қўйилган, шу боисдан у ўзи қилаётган ишларга масъул эмас, деган нуқтаи назарини ҳам, қадарийла*р*нинг, Оллоҳ инсон фаолиятлари ва амалларининг ҳимоячи эмас, деган нуқтаи назарини ҳам асосли танқид қилиб, инсон яхши ва ёмон амалларини ўз эркига кўра танлаши ва бу йўлда Оллоҳнинг мададини олиши назариясини илгари суради. Шу асосларда Ал-Мотуридий Мовароуннаҳр жамоатчилик фикрининг маънавий асослари кучли инсоний мазмун билан бойитилишига катта ҳисса қўшади.

Ал-Мотуридий инсондаги ихтиёр, танлаш имконияти жамоага қарши йўналтирилмаслиги, шахс давлат олдида масъул бўлгани каби, давлат ҳам шахс олдида масъул бўлишини назарий асослайди. Шунингдек, Ал-Мотуридий шахснинг танлаш ва ирода эркинлиги жамоавий ирода олдида устувор куч эмаслиги, жамоавий ирода шахсдан юқори туришини асослайди. Эътиқод қилувчи ўз ихтиёри билан жамоага қарши турмаслиги лозим. Чунки, умумийликда хусусийликка кўра ҳақлик ҳиссаси кўпроқдир. Мазкур даъват Мотуридий қарашларининг Мовароуннаҳр халқлари менталитетига ислом эътиқодини мувофиқлаштириш, исломни янада инсон манфаатларига яқинлаштириш рағбатидан юзага келган, деб ҳисоблаш мумкин.

Хулоса сифатида Ал-Мотуридий Мовароуннаҳр ижтимоий фикрига кўрсатган таъсирини қуйидаги йўналишларда қайд этиш мумкин:

а) Ал-Мотуридий Мовароуннаҳрда жамоатчилик фикри шаклланишининг ўзига хослигини инобатга олиб, умумий фикрга кишиларни онгли тарзда, ихтиёрий равишда бирлашишга даъват этган. Бундай фикр бирлиги исломий эътиқодда ҳам, ҳаётий-аҳлоқий соҳаларда ҳам, мафкуравий сиёсатда ҳам инсонларнинг якдилликка эришишларида намоён бўлади;

б) Ал-Мотуридий Мовароуннаҳр учун хос бўлган моҳиятни аксарият рамзларда талқин этиш хусусиятига, бу борада, чуқур илдиз отган ижтимоий майлга диққатни жалб этади. Инсоннинг интеллектуал камолоти шартлиликлар, рамзларга кўчиш даражасига, ўзликни нечоғли мажозийлашувига боғлиқлигига, бу эса ўз навбатида моҳиятни шунчалар теран англаш имконини беришини асослаб беради;

в) Ал-Мотуридий Мовароуннаҳрдаги ижтимоий муҳит барқарорлиги жамиятдаги маънавий тўлақонлилигини таъминлаш, мавжуд турмуш тарзи, анъаналар, халқ маросим ва урф-одатлари, миллий менталитет, этник, руҳий-интеллектуал ўзига хосликларга таянган ҳолда амалга ошувига ишонади. Зеро, Абу Ханафия мазҳабининг моҳияти ҳам ислом таълимотининг реал воқелик базасида амал этиши, шу базис негизида янги эътиқод, ижтимоий онг йўналишининг шаклланиши ва такомил топишини асослайди.

г) Абу Мансур ал-Мотуридий амалга ошадиган барча саъй-ҳаракатлар, қолаверса, ана шу саъй-ҳаракатларнинг маънавий-руҳий ифодаси сифатида намоён бўлувчи, ҳамда қайта фаолиятлар юзага келишига асос бўлувчи жамиятнинг умумий ижтимоий фикри икки томонлама тарзда руй беришини асослаб беради. Яъни, бир томондан, ҳар бир алоҳида шахс тақдирининг азалий ҳукм асосида рўёбга чиқиши

ҳамда амал этиши эътироф этилган ҳолда ҳар қандай ҳолатда ҳам шахснинг эркин танлаш имконияти сақланиб қолишини атрофлича асослайди. Бу нуқтаи назар, яъни ижтимоий воқеликка эркин ёдашув ва ихтиёрийлик назариясини жамият доирасида зўрлик, зўравонлик ҳодисалари билан ўзаро мувофиқлаша олмаслик ғоясини Абу Райҳон Беруний давом эттирган эди. Унинг «одамларнинг кучсизлиги ҳам ўзидан заиф бўлган бировларга эгалик ва раислик қилишдан ҳоли эмас» (Беруний А.Р. Танланган асарлар, 1. том, 51-53 бетлар) деган нуқтаи назари Абу Мансур ал-Мотуридийнинг инсон озодлиги, Оллоҳ олдида ўз тақдирини яратишда эркинлиги ғоясининг ўзвий ва мантиқий давомидир;

д) Абу Мансур ал-Мотуридий Қуръони Каримдаги дин исбот талаб далилларга эмас, балки эътиқод ва ишончга асосланиши лозимлигини ҳар томонлама тавсифлаб, жамиятдаги ижтимоий фикр барқарорлиги ҳам тазйиқ ва куч воситасида эмас, балки ўзаро ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик негизида амал қилиши ғоясини илгари суради. Улуғ мутафаккир ўзи яшаган даврдаги мураккаб ижтимоий-сиёсий вазиятлар, диний зиддиятлар, эътиқодий қарама-қаршиликлар муҳитида оқилона ўрта меъёр. муросавий мувозанат концепциясини ишлаб чиққанлиги ва ана шу тўлақонли назарий таълимот воситасида Абу Ҳанифа томонидан асосланган суннийлик мазҳабининг Мовароуннаҳрда кенг ёйилишига ҳисса қўшди.

Мовароуннаҳрда табиат ва жамиятни Социологик англаш ва ўрганиш улуғ мутафаккир **Ал-Форобий** томонидан жиддий кенгайтирилди. У Абу Мансур ал-Мотуридий томонидан илмий-теологик жиҳатдан асосланган инсон эрки назариясини янада ривожлантирди. У ўзининг «Фозил одамлар шаҳри»

асарида инсондаги инсонлик моҳияти ўзликни англашдан бошланиши, фозил шахс воқеа ва ходисаларнинг моҳиятини идрок эта билишини, моҳиятга интилиш ҳақни таниш эканлигини, инсонга берилган руҳ ақлни ривожлантиришга, унга қувват бағишлашга масъул илоҳий куч эканлигини, ақл эса инсон томонидан нарсаларни моҳиятан танлаб фарқлашга кўмак беришини асослаб беради.

Форобий оламни англашда *ворисийлик* омилини жуда катта кучга эга эканлигини алоҳида қайд этади. Унинг фикрига кўра, инсон барча ҳақиқатларни ўзининг қисқа умри давомида англашга, табиат ва жамиятнинг барча сиру-асрорларини тушуниб, идрок эта олишга қодир эмас. Шу боисдан у ўзидан олдинги аждодлари томонидан билдирилган фикр-хулосаларни борича шубҳаланмай ўзлаштириши зарурлиги, илм-маърифат бобида етук донишмандлар фикрларига эргашиши лозимлигини алоҳида таъкидлайди. Форобий жамиятнинг бообрў шахслари, олимлари, оқил кишилари ижтимоий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучларидир, деб ҳисоблайди. Форобий ўша пайтдаёқ ижтимоий фикрнинг аҳамияти катта эканлигини чуқур англаб, замонавий социологияда кўп қўлланувчи экспертлар, яъни ўз даврининг етук донишмандлари фикрларига таяниб иш тутиш зарурлигига урғу беради. «Донишмандларга ишониб, уларга эргашувчи одамлар ўша нарсаларни донишмандлар билгандай билиб оладилар. Зеро, донишмандларнинг билимлари, энг яхши билимлардур»[1].

Биринчи минг йилликнинг сўнгида (973 йил, 4 сентябр) таваллуд топган улуғ бобокалонимиз **Абу Райҳон Беруний** ҳам социология назариясини

[1] Абу Наср Фаробий, Фозил одамлар шаҳри., Т. 1993 йил, 167-бет.

ривожлантириш ишига ўлкан ҳисса қўшди. Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» деб номланган қомусий китобини тўла маънода инсоният тарихининг ўтган 5 минг йиллиги воқеалари таҳлили ва синтезига бағишланган мумтоз этно социологик асар, деб баҳолаш мумкин. Мазкур китобда улуғ мутафаккир асар ёзилиши жараёнида олиб борган Социологик тадқиқотлари, қўллаган усуллари хусусида сўз юритиб шундай ёзган:

«Мазкур асарни ёзиш асносида ўзимга ишонч ҳосил қилдим-ки, ақлий нарсалардан далил келтириш, кўзатилган нарсаларга қиёс қилиш йўли билан ҳақиқий маълумотларга эга бўлиш мумкин эмас. Бунга фақат «китоб аҳллари» ва турли дин арбобларига, шу (эътиқодларга) амал қилувчи ҳар хил маслак ва ишонч эгаларига эргашиш, уларнинг тушунчаларини ҳамиша асос қилиб тутиш билан белгиланади. Сўнгра уларнинг исбот учун келтирган сўз ва эътиқодларини бир-бирига солиштириш билан билинади»[1].

Абу Райҳон Беруний дунёнинг Социологик манзараси эволюсион жараён натижасида таркиб топганлигини алоҳида қайд этади. «Тузилиш ва бузилиш натижасида унсур бўлаклари бир-бирига қўшилиб, дунё обод бўлган ва олам тартибга тушган»[2].

Айни чоғда Беруний оламни ижтимоий тараққиётга олиб келувчи куч зиддият ва қарама-қаршиликлар эмас, балки турли ижтимоий даражалардаги муроса ва консенсус эканлигини уқтиради. «Қарама-қаршилиги равшан аён бўлган нарсага қандай ишониб бўлади»[3], деб улуғ мутафаккир қарама-қаршиликлардан холи бўлган жараёнларида ўзгариш эҳтиёжи кучайишига ишора қилади.

[1] Абу Раҳон Беруний. Танланган асарлар, 1-том. Т. 1968, 406-бет.
[2] Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар, 1-том, 51-бет.
[3] Шу ерда, 44-бет.

Беруний социологиядаги муҳим соҳа ижтимоий табақалашув ҳақида ҳам фикр юритиб, шундай дейди: «Тилларнинг турлича бўлишига сабаб одамларнинг гуруҳларга ажралиб кетиши, бир-биридан узоқ туриши, уларнинг ҳар бирида турли ҳохишларни ифодалаш учун (зарур) бўлган сўзларга эҳтиёж туғилишидир. Узоқ замонлар ўтиши билаш ҳалиги иборалар кўпайиб, ёдда сақланиши ва такрорланиши натижасида таркиб топиб, тартибга тушган».[1]

Улуғ мутафаккир **Абу Али Ибн Синонинг** Социологик қарашлари ўзининг илмий теранлиги, воқеликка хушёр баҳо бериш хусусияти билан ажралиб туради. Ибн Сино оламнинг барқарор амал қилиши жамият ва табиатнинг синергетик, яъни ўз-ўзини идора қилиш, мустақил бошқариш хусусиятининг ишга тушиши ва ҳаракатланиши билан изоҳланади, деб изоҳлайди. Консерватив теология назариясида мавжуд бўлган ҳамма нарсаларнинг юз беришида тақдири азалнинг роли, илоҳий ҳукмнинг мутлоқлашуви ғоясига қарши чиқиб, Ибн Сино дунё камолоти учун жамият аъзоларининг эркин фаолиятига ҳам катта еҳтиёж борлигини асослаб беради.

Ибн Сино Оллоҳнинг ақлдан ташқари фаолиятларга ҳам қобиллиги ғоясига қарши чиқиб, Оллоҳ фаолияти ақлдан ташқари бўлиши мумкин эмаслиги, яратилган нарсаларнинг барчаси инсоний ақл томонидан идрок эта олиниши кераклигини ҳам асослаб беради.

Ибн Сино дунёнинг абадийлиги ҳар бир юз берувчи нарсанинг албатта бир кун келиб яратилиши мумкинлиги билан изоҳланишини, дунёда ғайри табиий нарсаларнинг йўқлигини таъкидлайди. Бу фикр бўлажак социологларни жамият ходисаларини ўрганишда фақат исбот этилиши мумкин бўлган

[1] Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар, 1-том, 231-бет.

ижтимоий жараёнлар ва ижитимоий гуруҳлар муаммоларини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқлиги ғояси билан ҳам қуроллантиради.

XI асрда яратилган туркий халқлар учун муқаддас обида хисобланувчи китоб **Юсуф Хос Хожиб**нинг «Қутадғу Билиг» - «Саодатга йўлловчи билим» деб аталган асари ҳам социологик қарашларга бойдир. Бу китоб ахлоқ-одоб, таълим ва тарбия ҳамда маънавий камолотнинг йўл йўриқларини, усулларини, чора-тадбирларини мужассамлаштириб, ўзида жам қилган буюк қомусий асардир.

Юсуф Хос Хожиб жамият ва табиат борасидаги барча баҳсларни таълим атрофида олиб борар экан, ўз даври, мавжуд ижтимоий-сиёсий тузум, маънавий-моддий ҳаёт жараёнлари хусусида муфассал маълумотлар беради. У ўша даврнинг турли ижтимоий табақалари, тоифалари ва гуруҳлари, уларнинг турмуш тарзи, расм-русумлари, қонун-қоидалари, ҳунар ва касбу-корлари, жамиятда тутган мавқелари, давлат тузумини қандай асосларда қурилганлиги, ҳар бир табақанинг дунёқараши хусусида атрофлича Социологик асосланган маълумотларни ўртага ташлайди.

Юсуф Хос Хожиб жамиятнинг том маънодаги камолоти фақат таълим воситасида амалга ошади, деб ҳисоблайди. Дунёдаги барча бойликлар муваққатдир, ўткинчидир, сарфланса тугаб битади, фақат билим бойлигигина қанча сарф этилса, шунча кўпаяверади, деб ўргатади улуғ мутафаккир.

Социологиянинг донишмандлик талаби юқори бўлган фан эканлиги учун ҳам улуғ аждодларимизнинг жамиятни бевосита ўрганишга доир вазмин умумлашмаларга, хулосавий мушоҳадаларга бой асарлари уларни маънавий-ақлий камолотга эришган йилларида, сермазмун умрларнинг сўнгги даврларида

яратилгандир. Масалан Амир Темурнинг «Тўзуклари» Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи», Алишер Навоийнинг «Мажолис ун нафоис», «Маҳбуб ул-Қулуб» асарлари шулар жумласидандир.

Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул - қулуб» асарида бевосита ўз давридаги деярли барча ижтимоий гуруҳ ва табақаларга тавсиф берилади ва уларнинг қайси бири яхши ёки ёмон, қайси бири инсонийликка, халққа, мамлакатга фойдали ёки зарарли эканлиги баён этилади.

Алишер Навоий жамиятнинг миқдор ва сифат жиҳатидан ижтимоий бўлинганлиги умуман олганда ижобий ходиса эканлиги, бу таснифланиш доирасининг қанчалик кенглиги мамлакат фаровонлик даражасининг ифодаси эканлиги хусусида эътиборга сазовор социологик қарашни асослаб беради. Улуғ мутафаккир жамиятдаги юздан ортиқроқ ижтимоий табақа хусусиятларини аниқлаб, уларнинг мамлакат ижтимоий тизимидаги ўрни ва фаолият имкониятларини равшан ифодалаб беради. Мазкур социологик таснифлашдан мақсад, уларни ижтимоий фойдалилик даражаларини ошириш эканлиги асарнинг мазмунини ташкил этади. Зеро, жамиятдаги таснифнинг қандай эканлигини билиш уларнинг мазмунини яхшилашга йўл очади. «Шу жиҳатдан, - деб ёзади Алишер Навоий, - ҳамсухбатларни ва дўст-ёронларни бу ҳоллардан огоҳ ва хабардор қилмоқ вожиб кўриндики, токи уларда ҳар тоифани хислати ҳақида билимлар ва ҳар табақанинг аҳволи ҳақида тушунчалари бўлғай»[1].

[1] Алишер Навоий. Маҳбуб ул Кулубё Тошкент, ўафур ўулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1983, 3-бет.

Мавзу бўйича таянч атамалар: мотуридия, жабарийлар, қадарийлар, муросавий мувозанат, жамоавийлик, митроизм.

Адабиётлар

1. И.А.Каримов. «Юксак маънавият - енгилмас куч». Т., 2008 й.
2. И.А.Каримов «Ўзбекистон Буюк келажак сари» Тошкент – 1998 й.
3. И.А.Каримов «Маънавий юксалиш йўлида» Тошкент – 1998 й.
4. Холбеков А. Идиров У. «Социология луг-ат» Тошкент, 1999
5. Ғафуров Г., Хакимов Н., «Маданият ва жамият» Т.:1993 и.
6. Ионин Л.Г. «Социология культуры» -М.: 1996 г.

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ СОЦИОЛОГИЯСИ

Семинар технологик харитаси. 2 соат

Ишлаш босқичлари. Вақти	**Фаолият**	
	Таълим берувчи	**Таълим олувчи**
1 босқич Кириш 5-10 дақиқа	**Мавзу: жамоатчилик фикри социологияси.** Машгулот режаси: 1.Жамоатчилик фикри халқ истайдиган нарсани билишнинг ноорганик услубидир. 2.Демократия фуқаро ўз фикрини эркин баён эта олиши. 3.Ижтимоий гуруҳларнинг мавжуд ижтимоий воқеликка нисбатан баҳоловчи муносабатининг шаклланиши. **Мақсади:** талабаларга жамоатчилик фикри социологияси – ижтимоий гуруҳларнинг мавжуд ижтимоий воқеликка нисбатан баҳоловчи муносабатининг шаклланиши ва амал қилиши қонуниятларини ўрганувчи фандир. Асосий кисм: Жамоатчилик фикри, социология, ижтимоий гуруҳлар, ижтимоий воқелик, муносабат, шаклланиш, қонуниятлар, фан матбуот эркинлиги, эътиқод эркинлиги. **Адабиётлар рўйхати:**	Тинглайдилар ва аниқлаштира-дилар. Саволлар берадилар, Жавоб берадилар.

	1.И.А.Каримов. «Юксак маънавият енгилмас куч». Т., 2008 й. 2.И.А.Каримов «Ўзбекистон Буюк келажак сари» Тошкент – 1998 й.	
2 босқич Асосий 55-65 дақиқа	2.1. Семинар режаси ва тўзилишига биноан «Балиқ скелети» «Кадаскоп» услублардан фойдаланса бўлади.. 2.2. Савол – жавоб ва тезкор сўров орқали мавзу бўйича талабаларнинг умумий билими аниқланади.	Бу жадвал ёрдамида талабалар фаолиятини ошириш имкониятини яратади, қўшимча материллар ва маълумот устида ишлашни ўргатади, тушуниш жараёнини бошқариш имконини вужудга келтиради.
3 босқич Якуний 10-15 дақиқа	3.1. Мавзу бўйича якун қилади. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ беради	Савол берадилар, аниқлайдилар.

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ СОЦИОЛОГИЯСИ

Маъруза технологик харитаси 2 соат

Ишлаш босқичлари Вақти	**Фаолият**	
	Таълим берувчи	**Таълим олувчи**
1 босқич Кириш 5-10 дақиқа	**Мавзу: жамоатчилик фикри социологияси.** Машгулот режаси: 1.Жамоатчилик фикри халқ истайдиган нарсани билишнинг ноорганик услубидир. 2.Демократия фуқаро ўз фикрини эркин баён эта олиши. 3.Ижтимоий гуруҳларнинг мавжуд ижтимоий воқеликка нисбатан баҳоловчи муносабатининг шаклланиши. **Мақсади:** талабаларга жамоатчилик фикри социологияси – ижтимоий гуруҳларнинг мавжуд ижтимоий воқеликка нисбатан баҳоловчи муносабатининг шаклланиши ва амал қилиши қонуниятларини ўрганувчи фандир. Асосий кисм: Жамоатчилик фикри, социология, ижтимоий гуруҳлар, ижтимоий воқелик, муносабат, шаклланиш, қонуниятлар, фан матбуот эркинлиги, еътиқод эркинлиги. **Адабиётлар рўйхати:**	Тинглайдилар аниқлайдилар ва муҳим жойларини ёзиб борадилар. Саволлар берадилар, Жавоб берадилар.

	1.И.А.Каримов. «Юксак маънавият енгилмас куч». Т., 2008 й. 2.И.А.Каримов «Ўзбекистон Буюк келажак сари» Тошкент – 1998 й.	
2 босқич Асосий 55-65 дақиқа	2.1. Маъруза режаси ва тўзилишига биноан «Балиқ скелети» «Кадаскоп» «Вербал» услублардан фойдаланса бўлади.. 2.2. Савол – жавоб ва тезкор сўров орқали мавзу бўйича талабаларнинг умумий билими аниқланади.	Бу жадвал ёрдамида талабалар фаолиятини ошириш имкониятини яратади, қўшимча материллар ва маълумот устида ишлашни ўргатади, тушуниш жараёнини бошқариш имконини вужудга келтиради.
3 босқич Якуний 10-15 дақиқа	3.1. Мавзу бўйича якун қилади. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ беради	Савол берадилар, аниқлайдилар.

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ СОЦИОЛОГИЯСИ

Ўқув вақти 2 соат	**Талабалар сони**
Ўқув машғулотининг шакли ва тури. Маъруза режаси.	Маъруза ахборотли. 1.Жамоатчилик фикри халқ истайдиган нарсани билишнинг ноорганик услубидир. 2.Демократия фуқаро ўз фикрини эркин баён эта олиши. 3.Ижтимоий гуруҳларнинг мавжуд ижтимоий воқеликка нисбатан баҳоловчи муносабатининг шаклланиши.
Ўқув машғулоти мақсади:	Талабаларга жамоатчилик фикри социологияси – ижтимоий гуруҳларнинг мавжуд ижтимоий воқеликка нисбатан баҳоловчи муносабатининг шаклланиши ва амал қилиши қонуниятларини ўрганувчи фандир.
Педагогик вазифалар: Мавзунинг туб моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, Маърузани муайян қисмларга бўлиш, ҳар бир қисмни ўзаро мантиқий боғлиқликни таъминлаш, очиб бериш, тушунтириш, шакллантириш.	Ўқув фаолиятининг натижалари:Жамоатчилик фикри, социология, ижтимоий гуруҳлар, ижтимоий воқелик, муносабат, шаклланиш, қонуниятлар, фан матбуот эркинлиги, эътиқод эркинлиги.
Таълим усуллари	Маъруза, мулоқот, «Балиқ скелети» «Кадаскоп» «Вербал»

Ўқув фаолиятининг ташкил қилиш шакллари.	Жамоа, гуруҳларда ишлаш.
Таълим воситалари.	Маъруза матни дарсликлар, ўқув мажмуа, тестлар ёзилган карточкалар, доска, бўр.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки сўров: Тезкор сўров.

МАДАНИЯТ ВА ЖАМИЯТ СОЦИОЛОГИЯСИ

Режа:

1.Маданият тушунчаси ва мохияти.

2.Маданият ривожининг тарихий босқичлари.

3.Цивилизасия тушунчаси.

1.Таянч атама ва тушунчалар: Маданият тушунчаси, социология алоҳида йўналиш, ёввойилик, варварлик, цивилизация, давр илмий асос, цивилизация тушунчаси.

2. Дарснинг жиҳози: Маърузалар матни, Умумий социология фанига ҳисса қўшган олим ва мутафаккирларнинг фотосуратлари, тест карточкалари, доска, бўр.

3. Дарснинг мақсади: талабаларга цивилизация тушунчасини биринчи марта шотландиялик тарихчи ва файласуф А.Фюргиссон 1767 йил «цивилизация тарихи ҳақида рисола» деб номланган асарида ёввойилик ва ваҳшийликдан келадиган ижтимоий тизим сифатида фанга киритганлигини ва маданият социологиясини тушунтириш.

4. Ташкилий қисм: Талабалар билан саломлашиб, навбатчи ёрдамида давоматни аниқлаш, жаҳон янгиликларидан сўраш, дарсни эълон қилиш.

5. Янги мавзу баёни:

Маданият арабча сўздан олинган бўлиб, «мадиналик», шаҳар кўрганлик, «таълим-тарбия кўрганлик» маъносини англатади. Маданият жамиятнинг ажралмас таркибий қисмидир. Маданият тушунчаси XX аср бошларидан социология алоҳида йўналиш сифатида ўрганилиб келмоқда. Инсоният жамияти жуда мураккаб ижтимоий организм бўлиб, мураккаб тарихий босқичларни босиб ўтди. Л.Г.Морган биринчилардан бўлиб инсоният тарихини даврлаштирди. Ёввойилик, варварлик, цивилизация ва ҳар бир давр бир неча босқичлардан иборат эканлигини илмий асослади. Хусусан, цивилизация тушунчасини биринчи марта шотландиялик тарихчи ва файласуф А.Фюргиссон 1767 йил «цивилизация тарихи ҳақида рисола» деб номланган асарида ёввойилик ва ваҳшийликдан келадиган ижтимоий тизим сифатида фанга киритди.

Фуқаролик жамиятида давлат ва ҳукуматнинг алоҳида ўз вазифалари, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг эса алоҳида ўз вазифалари бўладики, улар бир-бирини тўлдириб, юксак ривожланган демократик жамиятнинг яшовчанлигини таъминлайди. Давлатнинг ҳам, нодавлат ташкилотларнинг ҳам ўз ҳаракат доирасини ўзлари учун белгилаган фаолияти у ёки бу томонга озгина ўзгарганда ҳам бундай ижтимоий-сиёсий мувозанатлар бўзилиб, демократик меъёрдан чекиниш ёхуд четга чиқиб кетиш рўй бериши мумкинлигини асримизнинг сўнгги даврдаги ривожланиш амалиёти кўрсатди.

Фуқаролик жамияти инсонлардаги ўз-ўзини англаш, уларнинг объектив равишдаги масъулият ҳиссини сезиш қобилиятининг юксалишига ҳамоҳанг равишда шаклланиб боради. Бу жамиятда шаклланган мамлакатлар фуқаролари сиёсий, ахлоқий ва ҳуқуқий маданиятлари даражасининг юқорилиги билан ажралиб туради.[1]

Маълумки, фуқаролик жамиятининг асосий - жамоат ташкилотлари. Ва шу билан бир қаторда, фуқаролик жамиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири - бу нодавлат тизимидаги барча жамоат ташкилотларига аъзоликнинг ихтиёрий шаклда бўлишидир. Бу қоида, биринчидан, шу жамиятдаги демократиянинг юқори даражасини намоён қилса, иккинчидан, жамият аъзоларининг ижтимоий онги ва фаолликлари юксаклигини билдиради. Қолаверса, ҳар бир фуқаро ўзи кирмоқчи бўлган ташкилот фаолиятида ўзининг манфаатлари ва эҳтиёжларига мос мақсадларга эришишига ишонч ҳосил қилганидан сўнггина шу ташкилотга ихтиёрий равишда аъзо бўла олади.

Қадимги даврдан бошлаб то ўрта асрларгача бўлган замонда давлат кенг талқин қилинган, лекин у ўзи ташкил қиладиган ва ифодалайдиган жамиятдан алоҳида эмас эди. Биринчилардан бўлиб Никколо Макиавелли «давлат» терминининг кенг ва тор маънодаги аҳамиятларини талқин этган эди. Бу пайтгача бўлган даврда давлат турли ва анча аниқ тушунчаларни англатган. Н. Макиавелли адабиётларга **«Стато»** деган махсус терминни киргизиб, у давлатни унинг қандайдир аниқ шаклидан қатъий назар жамиятнинг алоҳида сиёсий ташкилоти сифатида талқин этди.

Давлат, жамият ва индивидларнинг бир-биридан чегаралашни либерализм ўзининг давлатнинг

[1] ҚирҚизбоев М. Фуҳаролик жамияти. «Ёшлик» журнали, 1996, №6, 3-4 бетлар.

шартномавий назарияларида (Гоббс, Локк, Руссо ва бошқалар) амалга оширдилар. Бу назарияга биноан, учта тушунча (индивид, давлат, жамият) тарихан бир-биридан бўлингандирлар. Даставвал эркин ва ярим ёввойи яшаган индивидлар иқтисодий ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳаракатларда бўлиш оқибатида жамиятни ташкил этдилар ва кейинчалик, ўзларининг хавфсизликларини ва табиий ҳуқуқларини шартномалар тузиш йўли билан ҳимоя қилиш мақсадларида махсус орган - давлатни туздилар.

«Давлат» тушунчаси одатда маълум бир ҳудудда олий ҳокимиятга эга ташкилотни англатади. Давлатнинг моҳиятини янада чуқурроқ ва ҳар томонлама англаш учун унинг муҳим белгиларини билиш лозим.

Минглаб йиллар жамиятнинг ривожланиши билан бирга давлат ҳам унинг бир қисми сифатида ривожланиб келди. Давлат билан шахснинг ўзаро муносабати хусусиятлари, давлат тузимида рационаллик, эркинлик ва инсон эркинлиги принципларининг татбиқ этилишига қараб давлатни ривожланишини иккита глобал этапга бўлиш мумкин: анъанавий ва конституцион. Шунингдек, анъанавий ва конституцион давлатнинг белгилари намоён бўлишига қараб оралиқ босқичларга ҳам бўлинади. Масалан, тоталитар давлатчилик. Анъанавий давлатлар тарихий мерос бўлган урф-одат, меъёрлар асосида стихияли равишда ривожланди. Бу давлатларда халқ устидан институтлашган ва чекланмаган ҳокимиятга эга бўлиб, улар кишиларнинг тенг ҳуқуқли эканлигини инкор этиб, эркин инсонни давлат ҳокимиятининг манбаи эканлигини тан олмаганлар. Бундай давлатларга типик мисол сифатида монархияни кўрсатиш мумкин.[1]

[1] Четвернин В.А. Концепция советского правового государства. // Право и власть. - Москва, 1990, с. 129-131.

Конституцион ва ноконституцион давлатлар ўртасидаги чегаралар эркинликка нисбатан муносабат, шунингдек, инсон ҳуқуқларини сақлаш амалиёти, шахс, жамият ва давлат ўзаро муносабатларидаги устивор йўналишлар асосида белгиланади. Давлат ривожланишининг конституцион босқичи давлатнинг жамиятга ва фуқароларга бўйсуниши, давлатнинг аралашув ваколати ва йўналишларининг конституцион йўл билан белгилаб қўйилиши, давлат фаолияти ва инсон ҳуқуқларининг кафолатларини ҳуқуқий регламентация қилиниши билан боғликдир. Конституцион давлатлар анъанавий давлатлардан шаклланиши, ички тузилиши ва функциялари билан кескин фарқланади.

Ҳуқуқий давлат - конституцион давлатчиликнинг реал амалга ошишидир. Унинг асосида инсонни давлат террори, унинг эътиқоди устидан куч ишлатиши, ҳокимият органлари томонидан майда ҳомийлик қилишидан ҳимоя қилишга интилиш ётади. Ҳуқуқий давлат - суверен халқ иродасига бўйсунувчи, инсоннинг эркинлиги ва бошқа ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, ўз фаолиятини қонунлар доирасида амалга оширувчи давлатдир. Бундай давлатда шахс билан ҳокимият ўртасидаги муносабатлар Конституцияда белгилаб қўйилади, шунингдек, бу халқ билан ҳокимият ўртасидаги муносабатлар «ижтимоий битимлар» асосида рўй беради. Давлат билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларда устиворлик инсон ҳуқуқларига қаратилади, қонунлар давлат ва унинг ҳатти - ҳаракати билан бўзилмайди.

Ҳозирги даврда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат ўртасида қатъий чегара ўтказиш қийин масала. Турли ҳуқуқий давлатларнинг пайдо бўлиши ва

ривожланиши тажрибасини эътиборга олиб, ҳуқуқий давлатнинг қуйидаги белгиларини келтириш мумкин:

- ривожланган фуқаролик жамиятининг мавжудлиги;
- шахснинг эркинлиги, ҳуқуқи ва жамоатчилик тинчлигини ҳимоя қилиш, хўжалик фаолияти учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб берган ҳолда давлат фаолияти соҳасини чеклаш;
- ҳар кимнинг ўз шахсий фаровонлиги учун масъуллигини ошириш;
- барча фуқароларнинг ҳуқуқий тенглиги;
- ҳуқуқнинг умумийлиги, унинг барча фуқаролар, ташкилотлар, муассасалар, жумладан, давлат ҳокимияти учун ҳам тенг тааллуқли бўлиши;
- халқ ва давлат суверенитетининг конституцион - ҳуқуқий жиҳатлардан мувофиқлашганлиги;
- қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларининг бўлиниши, улар фаолиятининг ҳамкорликдаги бирлиги;
- давлатнинг фуқаролик муносабатларини мувофиқлаштиришда таъқиқлаш методининг чегарадан чиқиш методига нисбатан устиворлиги. Бунинг маъноси шуки, ҳуқуқий давлатда «қонун билан таъқиқланмаган барча нарсаларга руҳсат этилади» тамойилига амал қилинади. Бунда чегарадан чиқиш методи фақат давлатга нисбатан қўлланилиб, давлат фақат расмий қабул қилинган ваколатлар доирасидан четга чиқмаслиги лозим;
- индивид эркинлигини чеклаш фақат барча кишилар эркинлиги ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ҳуқуқий давлат шахснинг мутлоқ эркинлигини билдирмайди. Ҳар бир шахснинг эркинлиги бошқа кишининг эркинлигига зид кела бошласа, худди шу ерда унинг эркинлиги тугайди.[1]

[1] Қаранг: Основы политической науки. - Москва: МГУ им. М.В.Ломоносова, 1996, с. 217-220.

Ҳуқуқий давлат шароитидаги эркин рақобат натижасида мулкдорлар қатлами вужудга келиши учун қулай шарт-шароитлар яратилади. Давлатлар ривожланиш тажрибаси кўрсатдики, фақат шахсларнинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш билан умумий фаровонликка эришиб бўлмайди. Чунки, жамиятдаги ҳар бир шахсда мулкдор бўлиш, ташаббускорлик кўрсатиш қобилияти бўлавермайди. Барибир ижтимоий тенгсизлик давом этаверади. Шунинг учун ҳам ҳаётда ижтимоий давлат назарияси ва амалиёти (умумий фаровонлик давлати) пайдо бўлди.

Ижтимоий давлат - ҳар бир фуқаро учун муносиб ҳаёт тарзи, ижтимоий ҳимоя, ишлаб чиқаришни бошқаришда иштирок этиши, шахсни ўз-ўзини реализация қилиши, ҳамма учун тенг ҳаётий имкониятлар яратиш учун интиладиган давлатдир.

Бундай давлатнинг фаолияти умумий фаровонлик, жамиятда ижтимоий адолат ўрнатишга қаратилган бўлади. Давлат мулкий ва бошқа ижтимоий тенгсизликларни текислашга ҳаракат қилади, кучсиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга ёрдам беради, ҳар бир фуқарони иш ёки бошқа ҳаёт кечириш манбаси билан таъминлашга ҳаракат қилади, жамиятда тинчликни сақлайди, инсон учун қулай ҳаёт муҳитини шакллантиради.

Ўзбекистон Республикасида миллий истиқлол шарофати билан бозор муносабатларига ўтиш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бормоқда. Давлат ва ҳукумат миллий мустақилликнинг дастлабки давридан бошлаб кучли ижтимоий сиёсат юритиб келмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади ҳам ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришдир. Ҳозирги даврда бундай давлат ва жамият барпо этишнинг конституцион ва қонуний асослари яратилди. Демократик типдаги миллий давлатчилик шаклланди. Фуқаролик жамиятининг белгиси сифатида кўп партиявийлик ва ўз-ўзини бошқариш органлари - жамоат бирлашмалари тизими шаклланди.

Мавзу бўйича таянч атамалар: шахс, давлат, фуқаролик жамияти, жамоат ташкилотлари, Конституцион давлат, ҳуқуқий давлат.

Адабиётлар

1. И.А.Каримов. «Юксак маънавият - енгилмас куч». Т., 2008 й.
2. И.А.Каримов «Ўзбекистон Буюк келажак сари» Тошкент – 1998
3. И.А.Каримов «Маънавий юксалиш йўлида» Тошкент – 1998 й
4. Нормуродов Б.Н. Социология тарихи XIX-XX аср. Самарканд, 2003.
5. Гидденс Е. «Социология». -Т.: 2002.
6. Ш.Ахадов «Социология» Самарканд, 2007.

МАДАНИЯТ ВА ЖАМИЯТ СОЦИОЛОГИЯСИ

Семинар технологик харитаси. 2 соат

Ишлаш босқичлари. Вақти	**Фаолият**	
	Таълим берувчи	**Таълим олувчи**
1 босқич Кириш 5-10 дақиқа	**Мавзу: Маданият ва жамият социологияси.** **Машгулот режаси:** 1.Маданият тушунчаси ва моҳияти. 2.Маданият ривожланиши тарихий босқичлари. 3.Цивилизация тушунчаси ва моҳияти **Мақсади:** талабаларга маданият ва цивилизация тушунчасини изохлаб бериш **Асосий кисм:** Маданият тушунчаси ва цивилизация тушунчаси. **Адабиётлар рўйхати:** 1.И.А.Каримов. «Юксак маънавият енгилмас куч». Т., 2008 й. 2.И.А.Каримов. «Юксак маънавият енгилмас куч». Т., 2008 й.	Тинглайдилар ва аниқлаштира-дилар. Саволлар берадилар, Жавоб берадилар.
2 босқич Асосий 55-65 дақиқа	2.1. Семинар режаси ва тўзилишига биноан «Вербал» услублардан фойдаланса бўлади.. 2.2. Савол – жавоб ва тезкор сўров орқали мавзу бўйича	Бу жадвал ёрдамида талабалар фаолиятини ошириш имкониятини

	талабаларнинг умумий билими аниқланади.	яратади, қўшимча материллар ва маълумот устида ишлашни ўргатади, тушуниш жараёнини бошқариш имконини вужудга келтиради.
3 босқич Якуний 10-15 дақиқа	3.1. Мавзу бўйича якун қилади. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ беради	Савол берадилар, аниқлайдилар.

МАДАНИЯТ ВА ЖАМИЯТ СОЦИОЛОГИЯСИ

Семинар режаси 2 соат

Ишлаш босқичлари Вақти	**Фаолият**	
	Таълим берувчи	**Таълим олувчи**
1 босқич Кириш 5-10 дақиқа	**Мавзу: маданият ва жамият социологияси.** **Машгулот режаси:** 1.Маданият тушунчаси ва мохияти. 2.Маданиятнинг ривожланиш босқичлари.	Тинглайдилар аниқлайдилар ва муҳим жойларини ёзиб борадилар.

	3.Цивилизация тушунчаси **Мақсади:** Талабаларга цивилизация ва маданият тушунчасини изохлаш. **Асосий кисм:** Маданият тушунчаси, ва цивилизация тушунчаси. **Адабиётлар рўйхати:** 1.И.А.Каримов. «Юксак маънавият - енгилмас куч». Т., 2008 й. 2.И.А.Каримов. «Ўзбекистон XXI-асрга интилмоқда». Т., 1999 й.	Саволлар берадилар, Жавоб берадилар.
2 босқич Асосий 55-65 дақиқа	2.1. Семинар режаси ва тўзилишига биноан «Балиқ скелети» «Кадаскоп» услублардан фойдаланса бўлади.. 2.2. Савол – жавоб ва тезкор сўров орқали мавзу бўйича талабаларнинг умумий билими аниқланади.	Бу жадвал ёрдамида талабалар фаолиятини ошириш имкониятини яратади, қўшимча материллар ва маълумот устида ишлашни ўргатади, тушуниш жараёнини бошқариш имконини вужудга келтиради.
3	3.1. Мавзу бўйича якун қилади.	Савол

босқич Якуний 10-15 дақиқа	3.2. Мустақил иш учун топшириқ беради	берадилар, аниқлайдилар.

МАДАНИЯТ ВА ЖАМИЯТ СОЦИОЛОГИЯСИ

Ўқув вақти 2 соат	**Талабалар сони**
Ўқув машғулотининг шакли ва тури. Маъруза режаси.	Маъруза ахборотли. 1.Маданият тушунчаси ва мохияти. 2.Маданият ва цивилизация ривожланиш босқичлари. 3.Цивилизация тушунчасини мазмун мохияти.
Ўқув машғулоти мақсади:	Талабаларга маданият, цивилизация тушунчасини тахлил қилиш.
Педагогик вазифалар: Мавзунинг туб моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, Маърузани муайян қисмларга бўлиш, ҳар бир қисмни ўзаро мантиқий боғлиқликни таъминлаш, очиб бериш, тушунтириш, шакллантириш.	Ўқув фаолиятининг натижалари: Манавият тушунчаси, социологияда асосий йўналишлиги, цивилизациянинг, давр илмий асос, цивилизация тушунчаси в.х тушунтириш.
Таълим усуллари	Маъруза, мулоқот, «Балиқ скелети» «Кадаскоп»
Ўқув фаолиятининг ташкил қилиш шакллари.	Жамоа, гуруҳларда ишлаш.
Таълим воситалари.	Маъруза матни дарсликлар, ўқув мажмуа, тестлар ёзилган карточкалар, доска, бўр.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки сўров: Тезкор сўров.

ДИН СОЦИОЛОГИЯСИ

Режа:

1. Дин ижтимоий институт сифатида.
2. Ўзбекистонда дин ижтимоий институтларнинг муҳим тури сифатида.
3. Дин фуқаролик жамиятига хос ижтимоий ҳодиса эканлиги.

1. Таянч атама ва иборалар: Социология, фан, объект, жамият, содир бўлаётган хилма-хил воқеа, ходиса, жараёнларни ўрганиш, тушунтириш, субъекти, фаолият, шуғулланиш.

2. Дарснинг мақсади: Талабаларга Диннинг умуман давлатдан мустақил юритиши Конституцияда кафолатланган.Дин социологиясининг бош вазифаси – диннинг жамиятдаги бошқа институтларни ўрганиш билан бирга диний жараёнларни ҳам ўрганиб таҳлил қилишдан иборатдир.

3. Дарснинг жиҳози: Маъруза матни, ўқув адабиётлар, маълумотнома.

4.Дарснинг бориши: Ташкилий қисм, талабалар билан саломлашиб, давоматни аниқлаш, жаҳон янгиликларидан сўраш, дарсни эълон қилиш.

5. Янги мавзу баёни:

Динга ишониш, эътиқод қилиш диний маросимлар қадимдан ҳам мавжуд бўлган, лекин уни ҳақиқий илмий ўрганиш асосан, XVI,XVII,XVIII асрларда бошланиб XIX-XX асрларда эса кенг тадқиқ қилина бошланди. Бу айниқса социология вужудга келиши ривожланиши билан бу масалага эътибор янада кучайди. Дин барча мамлакатларда мустақил ижтимоий институт сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўзбекистонда ҳам дин ижтимоий институтларнинг муҳим тури сифатида мустақил

фаолият кўрсатишга ҳаракат қилмоқда. Дин фуқаролик жамиятига хос ижтимоий ҳодисадир. Диннинг умуман давлатдан мустақил юритиши Конституцияда кафолатланган.

Дин социологиясининг бош вазифаси – диннинг жамиятдаги бошқа институтларни ўрганиш билан бирга диний жараёнларни ҳам ўрганиб таҳлил қилишдан иборатдир. Дин социологиясида динлар тарихининг ажралмас қисми бўлган ўзаро муносабатлар тарихи ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Ижтимоий ҳаётнинг муҳим жабҳаси бўлган дин ва диний эътиқод масаласи социология фанининг муҳим объектларидан бири ҳисобланади. Социология жамият ҳаётини ўрганар экан, шу ҳаётнинг муҳим таркибий қисми бўлган ва айни пайтда унга кучли таъсир ўтказувчи омил - дин доимо унинг диққат марказида бўлган. Социология фанининг асосчиси ҳисобланувчи О. Конт жамият тараққиётини даврларга бўлар экан, асосий мезонлардан бири сифатида динга мурожаат қилади. Унинг таснифида инсоният ўз ривожида уч босқични босиб ўтади. Булар қуйидагилар: *теологик, метафизик ва илмий* босқичлар. Конт фикрича, ҳар уччала босқичда ҳам дин муайян рол ўйнайди.

Диннинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва ролини таҳлил қилиш учун, аввало, дин ўзи нима?- деган саволга жавоб топиш керак. Бу савол жўнгина туюлса ҳам, унга жавоб бериш анча мураккаб. Бу саволга диншунослик, социология ва фалсафадаги турли оқимлар турлича жавоб берадилар. Бу жавобларнинг аксарияти эса бир-бирига зид ва бир-бирини инкор қилади.

Шўролар даврида чиқарилган фалсафа ва атеизмга оид адабиётларда дин воқеликнинг кишилар онгидаги фантастик инъикоси, деб таърифланган ва у халқ учун афъюн, деб эълон қилинганди. Бу адабиётларда

диннинг асосий белгиларидан бири илоҳий кучга, яъни худога ишониш, деб белгиланарди. Ҳолбуки, дунёда шундай динлар борки, уларда худо тушунчаси умуман йўқ. Социология ва диншуносликка оид мавжуд адабиётларни таҳлил қилиш уларда динга кўплаб таърифлар берилганини кўрсатади. Биз бу таърифлар қаторига яна биттасини қўшиш ўрнига диннинг ўзига хос белгиларини санаб ўтмоқчимиз. Улар қуйидагилар:

I. Муайян эътиқод ва таълимотнинг мавжудлиги. Ҳар бир дин дунёни ўз нуқтаи назарича изоҳлайди ва ишонувчиларда муайян эътиқод шакллантиради.

II. Маросим ва расм-русмлар. Ҳар бир дин ўзига хос маросим ва расм-русумларга эга.

III. Диний маросим ва расм-русумларнинг муайян қисми фақат белгиланган жойларда жамоа бўлиб бажарилиши. Масалан яҳудий ва христиан динида ибодатнинг асосий қисми фақат синагога ва черковда бажарилади. Ислом динида эркаклар томонидан ўқиладиган намоз асосан жоме масжидларида ўқилади. Динлар сеҳргарликдан аввало мана шу белги билан, яъни муайян маросимларни муайян жойларда бажариш билан фарқланадилар. Сеҳргар ва шаманлар ғайри табиий ҳаракатларни индивидуал ҳолатда бажарсалар, диндорлар диний маросим ва ибодатларнинг асосий қисмини жамоа бўлиб бажарадилар.

Санаб ўтилган белгиларнинг уччаласи ҳам дунёвий динларнинг барчасида мавжуд. Бу динлар қуйидагилар: *иудаизм, христианлик ва ислом.*

Иудаизм (яҳудий дини) улар ичида энг қадимийси бўлиб, милоддан тахминан минг йил олдин шаклланган. Бу дин ўша даврда мавжуд бўлган бошқа динлардан фарқли ўлароқ, якка худони тан оларди.

Милодий эранинг дастлабки асрларида яҳудийлар дунёнинг кўп мамлакатларига тарқаб кетдилар, лекин

бирор мамлакатда иудаизм расмий дин сифатида тан олинмади. Кўп мамлакатларда бу дин вакиллари таъқиб остига олинди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида миллионлаб яҳудийлар нацистларнинг концлагерларида ўлдириб юборилди. Уруш тугагач, Исроил давлати ташкил топди ва унда иудаизм расмий дин сифатида эътироф этилди.

Христианлик даставвал секта сифатида иудаизм таркибида вужудга келди ва Кичик Осиё, Юнонистон ва Римда тарқала бошлади. Император Константин даврида бу дин Рим империясининг расмий дини деб эълон қилинди. Милодий эра давомида христианлик ғарб мамлакатларида асосий дин бўлиб келмоқда. Христианликнинг православие, католизм, протестантлик каби бир неча тармоқ ва оқимлари мавжуд.

Ислом дини ерамизнинг VII асрида шаклланди. Бу диннинг Асосийни беш рукн ташкил қилади: 1. Иймон; 2. Намоз; 3. Рўза; 4. Закот; 5. Ҳаж.

Исломда суннийлик ва шиа йўналишлари бўлиб, улар ҳам ўз навбатида бир қатор мазҳабларга бўлинади. Мусулмон дини дунёнинг беш қитъасида ва деярли барча мамлакатларда мавжуд. Саудия Арабистони, Ливия, Бирлашган Араб Амирликлари, Иордания, Жазоир, Покистон, Эрон каби қатор мамлакатларда ислом расмий дин деб эълон қилинган. Ислом динида ҳам мўътадил ва ақидапараст оқимлар мавжуд.

Уч оламий диндан ташқари, буддавийлик, индуизм, конфуциячилик, каби динлар ҳам кўп миллионлик тарафдорларига эга.

Индуизм ерамиздан олдинги тўртинчи минг йилликда шаклланган. Бу дин тарафдорлари асосан Ҳиндистонда истиқомат қилади.

Бу дин таълимотига кўра, ерда туғилиш, ўлиш ва қайта туғилиш жараёни абадий кечади. Янги туғилганлар танасига аввал ўлганларнинг руҳи жойлашади. Бу руҳнинг аввалги ҳаётдаги мавқеига мос равишда инсонлар ижтимоий ҳаётда ўз мавқеларига эга бўладилар. Шундай қилиб, бу дин одамларнинг касталарга бўлинишини илоҳий сабаблар билан изоҳлайди.

Буддавийлик, конфуцийчилик ва даосизм динлари учун умумий хусусият шундаки, уларнинг тарафдорлари худони эътироф этмайдилар.

Буддавийлик милоддан аввалги VI асрда Непо-лда яшаган Судхарт Гаутама таълимотидан бошланади. Унга кўра, инсонлар туғилиш ва қайта туғилиш доирасидан ўз хоҳиш ва эҳтиросларидан воз кечиш орқали чиқишлари мумкин. Буддавийликнинг Асосийни нирвана тўғрисидаги таълимот ташкил қилади. Бу дин Таиланд, Бирма, Непол, Шри-Ланка, Хитой, Япония, Корея сингари мамлакатларда тарқалган.

Конфуцийчилик милоддан олдинги VI асрда яшаган Кун-Фу-Чи таълимотига асосланади. У Будда билан бир вақтда яшаган бўлиб инсоннинг табиат билан уйғунлашиш йўлларини ахтарган.

Ғарбда социологиянинг фанга айланиши О. Конт номи билан боғланса-да, ундан кўп асрлар аввал ҳам Ғарб ва Шарқ олимлари дин ва жамият муаммоси устида кўп бош қотирганлар. Бу масалада Марказий Осиёда этишиб чиққан улкан алломалар Юсуф Хос Хожиб, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари ўнлаб ва юзлаб олиму-фўзалолар чуқур фикрлар билдирганлар. Кичик бир бобда диннинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни тўғрисида Марказий Осиёлик

олимлар билдирган фикрларнинг барчасини қамраб олиш имкони йўқ. Шунинг учун Марказий Осиёдан этишиб чиққан олимлар ижодида диннинг жамиятда тутган ўрнига катта эътибор берилганини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бу олимлар диннинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини таҳлил қилар эканлар, бир динни мадҳ этиб бошқасини танқид қилиш йўлидан бормадилар. Улар турли динларнинг жамият тараққиётига ўтказаётган таъсирини таҳлил қилишда кўзатиш, қиёслаш ва тарихийлик усулларидан кенг фойдаландилар. Хусусан Абу Райҳон Беруний ўзининг қатор асарларида, айниқса «Ҳиндистон» китобида турли қабилалар, элатлар ва халқлар ҳаётида динлар қандай рол ўйнаганини чуқур таҳлил қилиб берди.

Ғарб ва Шарқ олимлари дин ва диний оқимларнинг одамлар ва жамият ҳаётига ўтказадиган таъсири тўғрисида қанчалик чуқур фикр билдирмасинлар, дин социологияси махсус илмий йўналиш сифатида XIX аср охири ва XX аср бошларида шаклланди.

Дин социологиясининг шаклланиши М. Вебер номи ва илмий фаолияти билан боғлиқ. Социология фанининг асосчиларидан бири ҳисобланадиган немис олими М. Вебер ижодида динни социологик таҳлил қилиш марказий ўринни эгаллайди. Барча динларни инкор қилиб, уларни халқ учун афъюн, деб эълон қилган К.Маркс таълимотидан фарқли ўлароқ, М.Вебер дин ва жамият муносабатини таҳлил қилар экан умуман дин тўғрисида эмас, муайян даврдаги муайян дин ёки диний оқим тўғрисида фикр юритди.

М.Вебернинг фандаги энг катта хизматларидан бири, унинг христиан динидаги протестантлик мазҳабининг иқтисодий тараққиётга ўтказган таъсирини кашф этишида бўлди. Унинг назариясига кўра, бойликни, бойлик орттиришга интилишни унча хушламайдиган

христиан дини мазҳаблари иқтисодий тараққиётга муайян даражада тўсиқлик қилганлар. Бойликни худонинг неъмати, унга интилишни эса бандаларнинг бурчи деб талқин қиладиган протестантлик эса иқтисодий тараққиёт ва капиталистик муносабатларнинг ривожланишига кучли туртки берди. Вебер талқинида, протестантлик капитализм вужудга келишидаги Асосий сабаблардан бири эди.

М.Вебер издошлари унинг фандаги хизматларини кўкларга кўтариб мақташди. Унинг хизматларини эътироф этиш билан бирга, шуни ҳам таъкидлаш лозимки, у иқтисодий тараққиётга фақат бир диний мазҳаб-протестантликнинг ўтказган таъсирини кенг тадқиқ қилди.

Динларини таҳлил қилар экан, М. Вебер улар саноат капитализми ривожланишига ғов бўлмоқда, деган хулосага келди. Молиявий муносабатларга чекловлар қўйиш, ижтимоий ҳаётга пассив муносабатни тарғиб қилиш орқали бу динлар, Вебер фикрича, ижтимоий тараққиётга тўсқинлик қилади. Унинг талқинида христиан дини, айниқса протестантлик мазҳаби ҳаётдаги адолатизликни пассив кўзатиб ўтирмай, уни бартараф қилиш учун фаол курашга чақириш орқали ижтимоий тараққиётга катта туртки беради.

Ислом динидаги оқимлар, мазҳаблар, йўналишлар турлича бўлиб, уларнинг барчаси ҳам фақатгина ўзлари мансуб бўлган мазҳаб ёки йўналиш ҳақиқий ислом дини экани, бошқалар эса йўлдан адашганлар, деб даъво қилишади. Бошқа динларда бўлгани каби исломда ҳам ақидапараст (фундаменталистик) ва мўтадил оқимлар ўртасида кураш борган. Ақидапараст оқимларнинг вакиллари динни илк пайдо бўлиш давридаги ҳолатга қайтармоқчи бўладилар. Аслида эса бу ғоялар мавжуд тўзумдан норозилик аломати бўлиб,

ижтимоий тараққиёт йўналишини орқага буриш учун уриниш ифодасидир.

Адабиётлар

1. И.А.Каримов. «Юксак маънавият - енгилмас куч». Т., 2008 й.
2. И.А.Каримов «Ўзбекистон Буюк келажак сари» Тошкент – 1998 й
3. И.А.Каримов «Маънавият юксалиш йўлида» Тошкент – 1998 й
4. Ахадов Ш “Социология”. Сам. -2007
5. Нормуродов Б.Н. Социология тарихи XIX-XX аср. Самарканд, 2003.
6. Гидденс Е. «Социология». -Т.: 2002.
7. Социологический словар. -М.: 2002.

ДИН СОЦИОЛОГИЯСИ

Семинар технологик харитаси. 2 соат

Ишлаш босқичлари. Вақти	**Фаолият**	
	Таълим берувчи	**Таълим олувчи**
1 босқич Кириш 5-10 дақиқа	**Мавзу: Дин социологияси.** **Машгулот режаси:** 1.Дин мустақил ижтимоий институт сифатида. 2.Ўзбекистонда динга муносабат ва институт сифатида. 3.Дин фуқаролик жамиятига хос ижтимоий ҳодиса. **Мақсади:**Талабаларга Диннинг умуман давлатдан мустақил юритиши Конституцияда кафолатланган. Дин социологиясининг бош вазифаси – диннинг жамиятдаги бошқа институтларни ўрганиш билан бирга диний жараёнларни ҳам ўрганиб таҳлил қилишдан иборатдир. **Асосий кисм:**Социология, фан, обект, жамият, содир бўлаётган хилма-хил воқеа, ходиса, жараёнларни ўрганиш, тушунтириш, субекти, фаолият, шуғулланиш. **Адабиётлар рўйхати:** 1.И.А.Каримов. «Юксак маънавия - енгилмас куч». Т., 2008 й.	Тинглайдилар ва аниқлаштиради-лар Саволлар берадилар, Жавоб берадилар.

	2.И.А.Каримов «Ўзбекистон Буюк келажак сари» Тошкент – 1998 й.	
2 босқич Асосий 55-65 дақиқа	2.1. Семинар режаси ва тузилишига биноан «Балиқ скелети» «Кадаскоп» «Вербал» услублардан фойдаланса бўлади.. 2.2. Савол – жавоб ва тезкор сўров орқали мавзу бўйича талабаларнинг умумий билими аниқланади.	Бу жадвал ёрдамида талабалар фаолиятини ошириш имкониятини яратади, қўшимча материллар ва маълумот устида ишлашни ўргатади, тушуниш жараёнини бошқариш имконини вужудга келтиради.
3 босқич Якуний 10-15 дақиқа	3.1. Мавзу бўйича якун қилади. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ беради	Савол берадилар, аниқлайдилар.

ДИН СОЦИОЛОГИЯСИ МАЪРУЗАНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ.

Ишлаш босқичлари Вақти	**Фаолият**	
	Таълим берувчи	**Таълим олувчи**
1 босқич Кириш 5-10 дақиқа	**Мавзу: Дин социологияси.** **Машгулот режаси:** 1.Дин ижтимоий институт сифатида. 2.Ўзбекистонда динга муносабат ва дин ижтимоий институт сифатида. 3.Дин фуқаролик жамиятига хос ижтимоий ҳодиса. **Мақсади:**Талабаларга Диннинг умуман давлатдан мустақил иш юритиши Конституцияда кафолатланган. Дин социологиясининг бош вазифаси – диннинг жамиятдаги бошқа институтларни ўрганиш билан бирга диний жараёнларни ҳам ўрганиб таҳлил қилишдан иборатдир. **Асосий кисм:**Социология, фан, объект, жамият, содир бўлаётган хилма-хил воқеа, ходиса, жараёнларни ўрганиш, тушунтириш, субекти, фаолият, шуғулланиш. **Адабиётлар рўйхати:** 1.И.А.Каримов. «Юксак маънавият - енгилмас куч». Т., 2008 й. 2.И.А.Каримов «Ўзбекистон Буюк	Тинглайдилар аниқлайдилар ва муҳим жойларини ёзиб борадилар. Саволлар берадилар, Жавоб берадилар.

	келажак сари» Тошкент – 1998 й.	
2 босқич Асосий 55-65 дақиқа	2.1. Маъруза режаси ва тўзилишига биноан «Балиқ скелети» «Кадаскоп» «Вербал» услублардан фойдаланса бўлади.. 2.2. Савол – жавоб ва тезкор сўров орқали мавзу бўйича талабаларнинг умумий билими аниқланади.	Бу жадвал ёрдамида талабалар фаолиятини ошириш имкониятини яратади, қўшимча материллар ва маълумот устида ишлашни ўргатади, тушуниш жараёнини бошқариш имконини вужудга келтиради.
3 босқич Якуний 10-15 дақиқа	3.1. Мавзу бўйича якун қилади. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ беради	Савол берадилар, аниқлайдилар.

ДИН СОЦИОЛОГИЯСИ.

Ўқув вақти 2 соат	**Талабалар сони**
Ўқув машғулотининг шакли ва тури. Маъруза режаси.	**Маъруза машгулотли:** 1.Дин ижтимоий институт сифатида. 2.Ўзбекистонда динга муносабат ва дин ижтимоий институт сифатида.

	3.Дин фуқаролик жамиятига хос ижтимоий ҳодиса.
Ўқув машғулоти мақсади:	Талабаларга Диннинг умуман давлатдан мустақил иш юритиши Конституцияда кафолатланган. Дин социологиясининг бош вазифаси – диннинг жамиятдаги бошқа институтларни ўрганиш билан бирга диний жараёнларни ҳам ўрганиб таҳлил қилишдан иборатдир.
Педагогик вазифалар: Мавзунинг туб моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, Маърузани муайян қисмларга бўлиш, ҳар бир қисмни ўзаро мантиқий боғлиқликни таъминлаш, очиб бериш, тушунтириш, шакллантириш.	Ўқув фаолиятининг натижалари: Социология, фан, обект, жамият, содир бўлаётган хилма-хил воқеа, ходиса, жараёнларни ўрганиш, тушунтириш, субекти, фаолият, шуғулланиш.
Таълим усуллари	Маъруза, мулоқот, «Балиқ скелети» «Кадаскоп» «Вербал»
Ўқув фаолиятининг ташкил қилиш шакллари.	Жамоа, гуруҳларда ишлаш.
Таълим воситалари.	Маъруза матни дарсликлар, ўқув мажмуа, тестлар ёзилган карточкалар, доска, бўр.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки сўров: Тезкор сўров.

ЖАМИЯТДА МАХСУС СОҲАЛАР СОЦИОЛОГИЯСИ

Режа:

1. Махсус соҳалар социологияси ва унинг аҳамияти.
2. Иқтисодиёт ва меҳнат социологияси.
3. Этно социалогия ва унинг жамиятдаги роли.
4. Таълим ва илму-фан социологияси ва унинг кадрлар тайёрлаш ва жамият ривожланишидаги ўрни.
5. Жамиятнинг социал институтлари- шаҳар, қишлоқ, сиёсий маънавият ва дин социологияси ва унинг социал-сиёсий муаммоларни ҳал этишдаги ўрни.

1 савол. Жамият бир бутун ижтимоий организмдир. Унинг ҳар бир алоҳида олинган тизими бошқа ижтимоий тизимлар билан узвий алоқадорликда, функционал муносабатда бўлади. Уларнинг ривожланиш жараёнлари ўзаро таъсир асосида боради. Жамият ҳаётининг иқтисодиёт, меҳнат, сиёсат, бошқарув, ҳуқуқ, маданият, шахс, турмуш тарзи, оила, ёшлар таълими, илм-фан, дин, шаҳар ва қишлоқ, соғлиқни сақлаш, ҳарбий соҳа каби ижтимоий фаолиятли тизимлари махсус социологик назариётлар, концепциялар томонидан ўрганилади. Ҳозирда уларнинг 40 дан ортиқ турлари мавжуд.

Махсус соҳалар социологияси жамият ҳаётини илмий бошқариш мақсадида, ижтимоий зарурият таққозоси билан вужудга келди. Унда жамиятнинг айрим соҳаларини нисбатан алоҳида социологик тадқиқот усуллари, экспериментлар ёрдамида олинган илмий маълумотлар натижаларига хулосаларига асосланган ҳолда ўрганилади. Махсус социологик

назариялар, концепциялар алоҳида олинган ижтимоий соҳаларнинг ривожланиш қонуниятларини, тенденцияларини, ўзига хос хусусиятлари, ички ва ташқи таркибий-функционал муносабатларини ўрганади. Бундай социологик тадқиқотлардан асосий мақсад, мавжуд ижтимоий муаммони таҳлил қилиш ва уларни ҳал этиш йўлларини излаб топишдан иборатдир.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, махсус социологик назариялар эмпирик тадқиқотларга таянади. Чунки, ижтимоий ишончли ахборот манбалари, илмий маълумотлар эмпирик ҳаёт соҳалари, жараёнлари тўғрисидаги энг тўғри тадқиқот усуллари ёрдамидагина олиниши мумкин.

Ижтимоий ҳаёт соҳалари тўғрисидаги энг янги эмпирик социологик маълумотлар махсус социологик назарияларни қотиб қолишидан сақлайди, уларни янада бойитиб, замонавийлигини таъминлайди.

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда.

Шунинг учун ҳам, жамиятимиз ижтимоий ҳаётнинг махсус соҳаларини ҳозирги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда социология фани доирасида ўрганиш долзарб ижтимоий вазифа ҳисобланади. Чунки, социологик илмий тадқиқотлар ижтимоий ривожланишда жамият ҳаётини таназзулга олиб борувчи, уни яксон қилувчи социал портлашлардан, пуртаналардан асраб қолишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бехаловат XX аср воқеалигида Ғарбий Оврупо ва АҚШ давлатлари тараққиётида рўй берган нафақат иқтисодий юксалиш, балким, ижтимоий сиёсий ва бошқа соҳалардаги

барқарорликни, ривожланишни таъминлашда муҳим аҳамият касб этганлиги фикримизга далил бўлади.

Республикамизда ҳозирда ҳўжалик ҳисобида фаолият кўрсатаётган социологик ва социал-психологик марказлар иш бошлаган. Улар махсус социология соҳаларини меҳнат, оила, ёшлар, таълим, маданият, турмуш каби турлари бўйича илмий социологик тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Ўзбекистонда социал фалсафа ва миллий маданиятни тиклаш, марказда ва унинг вилоятларида фаолият кўрсатаётган бўлимлари шулар жумласидандир.

Хозирги давр учун зарур бўлган илмий асарлар, қўлланмалар чоп этилиб, жамиятимиз амалиётида қўлланилмоқда.

2 савол. Иқтисодиёт социологияси – жамият ижтимоий таркибининг иқтисодиётга нисбатан таъсир усуллари ва йўллари иқтисодиётнинг эса ижтимоий муносабатларга кўрсатадиган таъсирини ўрганадиган махсус социологик назариядир. Иқтисодиёт социологияси ишлаб чиқариш ва меҳнат жараёнини, тақсимот муносабатлари, моддий таъминот, аҳолининг иқтисодий аҳволи ва шу каби жамиятнинг иқтисодий ривожланиш жараёнларини, ҳодисаларини ва улар билан боғлиқ бўлган функционал қонуниятларни ўрганади.

Жамиятнинг ижтимоий ривожланиши энг аввало унинг иқтисодий асослари билан боғлиқ бўлади, ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг ижтимоий ҳаётдаги бошқа соҳаларининг ривожланиш даражаси ҳам шунга мос равишда тараққий қилиб боради. Масалан, АҚШ, Япония, Жанбий Корея ва бир қатор Оврупо мамлакатларининг иқтисодий ривожланганлиги шу мамлакатлар аҳолисининг турмуш даражаси,

маданияти, хизмат кўрсатиш соҳаларининг тараққиётини белгилаб беради. Махсус социологик назария сифатида иқтисодиёт социологияси XX асрнинг 50-йилларида АҚШда вужудга келди. Унинг вужудга келишига асосий сабаблар ишлаб чиқаришнинг интенсив ривожланиши билан боғлиқ ҳолда юзага келган меҳнат ҳулқини бошқариш муаммолари: ишлаб чикаришнинг ривожланиши билан иқтисодиётнинг мураккаблашуви: бир томондан юқори технологик тараққиёт, иккинчи томондан, уларнинг оқибатида вужудга келган ижтимоий муаммоларни ҳал этиш зарурияти бўлди. Фан, техниканинг ривожланиши ҳам иқтисодий социологиянинг шаклланишига муҳим туртки бўлди. Иқтисодий фанлардаги илмий қарашлар, ғоялар ва концепцияларнинг кенг миқёсда ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиниши, ҳамда аниқ социологик тадқиқотларни иқтисодиёт соҳасида кенг кўламда олиб борилганлиги ҳам иқтисодий социологияни махсус социологик назария сифатида ривожланишига муҳим таъсир кўрсатди. Ўз навбатида, иқтисодиёт социологияси АҚШ иқтисодий тараққётининг юксалишида, бозор муносабатига асосланган юқори технологик қурилмага эга бўлган мураккаб ишлаб чиқариш усулини мустаҳкамланишида муҳим роль ўйнади.

Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон давлати иқтисодий асосларини, меҳнат муносабатларини, уларнинг таркибий- функционал ҳолатини ва ривожланиш тенденцияларини иқтисодиёт социологияси даражасида тадқиқ қилиш ва ўрганишдир.

Ҳозир таркиб топаётган янги мазмундаги иктисодий, ишлаб чикариш муносабатлари мамлакатимиз иқтисодий ҳаётини яхшилашга олиб

бориши керак. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб кўрсатганидек, “Бозорга ўтиш дастури муаммоси хозирги куннинг энг муҳим масалаларидан биридир. Уни рўёбга чиқаришдаги ижтимоий таянчлардан бири, биринчи навбатда, жамиятнинг ижтимоий фаол қатламларидир. Уларнинг ғайрат шижоати, ташаббускорлиги, ўзгаришларга тайёрлиги янги иқтисодий муносабатларни қарор топтиришга, ишлаб чиқаришнинг пасайишини жадал бартараф этишга иқтисодиётни соғломлаштириш ва юксалтиришга энг кўп даражада кўмаклашиши мумкин”[1].

Иқтисодиёт социологияси ҳозирги, янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг таркиб топиши жараёни билан ўз моҳиятига мувофиқ янги, сифатий шаклланаётган социологик назарияга асосланади. Ўз навбатида, мамлакат иқтисодий ҳаётини бошқариш соҳасида иқтисодий қонуниятларни тадқиқ қилиш жараёнида, мукаммал илмий назарияларни ишлаб чиқаришда иқтисодиёт социологиясининг аҳамияти каттадир. Аммо ҳозирга қадар Ўзбекистонда махсус социология назария сифатида иқтисодиёт ва меҳнат социологияси жуда тор доирада ўрганилган. У билан фақат Ўзбекистон ФА институти бўлими ва иқтисодиёт институтларининг айрим кафедралари шуғулланиб келди. Бу соҳада ҳанузгача кўзга кўринган, жиддий фундаментал илмий тадқиқотлар олиб борилмаётир.

Президентимиз Ислом Каримов ўзининг “Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари” китобида республика иқтисодий дастурининг моҳиятини ташкил этувчи энг асосий йўналишлар сифатида, биринчидан, бозор

[1] И.А.Каримов. “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида”, Т. “Ўзбекистон”. 1995, 155-бет.

муносабатларига ўтиш; иккинчидан, давлат тасарруфидан чикариш ва хусусийлаштириш йўли орқали кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантириш; учинчидан, нарх наволарни босқичма-босқич эркинлаштириш, монополияга қарши қаттиқ сиёсат ўтказиш, давлат корхоналарининг фаолиятини тижоратлаштириш ҳисобига рақобат муҳитини вужудга келтириш ва тўртинчидан, бозор инфраструктурасини вужудга келтириш, бозор шароитида ишлай оладиган малакали кадрлар тайёрлаш зарурлигини кўрсатиб ўтди[1].

Юқорида келтирилган мамлакат иқтисодий ҳаётидаги устувор йўналишлар ҳозирги давр иқтисодиёт социологияси назариясининг маҳим назарий асосини ташкил қилади.

Шундай қилиб иқтисодиёт социологияси жамият иқтисодий ҳаётини, меҳнат жараёнини, ишлаб чиқаришни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан социологик тадқиқ қилиш натижасида иқтисодиёт ва меҳнат социологияси фан сифатида шаклланади ва ҳозирда иқтисодиёт билан боғлиқ бўлган кўплаб муаммоларни ҳал этиб боришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирда ижтимоий фанлар қаторида социология олдида шаклланиб келаётган янги ижтимоий иқтисодий муносабатлар хусусиятлари бозор муносабатларига ўтиш жараёни ва унинг келгусидаги ижтимоий оқибатларини, меҳнат муносабатларининг янги шароитидаги ўзига хос жиҳатларини ўрганиш масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Социология ва унинг махсус соҳалар назарияси- меҳнат социологияси доирасида бу муаммоларнинг ҳам назарий, ҳам амалий томонлари ўзаро диалектик боғлиқ ҳолда олиб

[1] Қаранг. И.А.Каримов “Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари”. Т. 1993. 6-бет.

қаралиши шарт. Меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган жамият ҳаётининг барча жиҳатлари конкрет социологик тадқиқот асосида ўрганилади.

Ўзбекистон давлати иқтисодий асосларини меҳнат муносабатларини уларнинг таркибий функционал ҳолатини меҳнат социологияси доирасида ўрганиш муаммоси ҳозирги куннинг муҳим масалаларидан биридир. Чунки ҳозирда меҳнатнинг мазмуни, ҳарактери ва унга бўлган мунооабат ўзгармоқда. Бошланаётган янги ижтимоий-иқтисодий давр талабларидан бири – «ишлаб чиқарувчиларнинг ҳам, истеъмолчиларнинг ҳам руҳиятини ўзгартириш лозим»[1].

Меҳнат социологиясининг предмети меҳнат билан боғлиқ бўлган кишиларнинг ижтимоий ҳаётий қонуниятларини, меҳнатнинг ижтимоий муаммолари, меҳнат фаолияти жараёнларини ўрганишдан иборатдир. Социологиянинг бу махсус соҳалари назарияси меҳнат соҳасидаги тадқиқотларнинг хусусий принциплар, категориялари ва усулларидан фойдаланади.

Меҳнат социологиясининг таркиб топиши ва ривожланиши ғарб социологияси билан марксистик социологияда деярли бир даврда XX асрнинг 20-йилларидан бошланади. АҚШ да меҳнат социологияси Ф.Тейлор, Э.Мэйо, К.Левен, ДЖ.Морено, Д.Макгрегор, Ф.Херцбергларнинг социологик концепциялари асосида шаклланиб ўзининг юксак илмий даражасига эришади.

Россияда эса шу даврдан бошлаб академик С.Г.Струмилин, академик В.М.Бехтерев, А.К.Гастев, П.М.Керженцев, О.А.Ерманский, Е.А.Витке,

[1] И.А.Каримов. “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида”, Т. “Ўзбекистон”. 1995, 220-бет.

В.В.Добринин, Э.К.Дрезин каби йирик олимларнинг илмий тадқиқот ишлари билан марксистик асосдаги меҳнат социологияси ривожланди.

АҚШда ва Ғарбий Овропада меҳнат социологиясига зътиборнинг ўсишига асосан, Россия ва бир қатор Овропа мамлакатларида рўй берган социал инқилобларнинг содир бўлиши меҳнаткашларнинг мавжуд сиёсий-иқтисодий тузимга қарши бош кўтариб чиқиши ва синфий курашларнинг ортиши сабаб бўлди. XX асрнинг 20-йилларида бир қатор капиталистик мамлакатларда бир неча бор такрорланган иқтисодий инқирозлар эса сиёсий вазиятни кескинлаштириб қўйган эди.

Қандай бўлмасин сиёсий вазиятни юмшатиш ва иқтисодий тангликдан чиқиш муаммоси мавжуд капиталистик ижтимоий иқтисодий тузимнинг ҳаёт мамот масаласига айланиб қолди.

Буларнинг барчаси эски ишлаб чиқариш муносабатларини ислоҳ қилиш йўли билан, тадрижий суратда янгилаб бориш, яъни замонавий меҳнат муносабатларини таркиб топишига олиб келди. Меҳнат социологияси худди шу тарихий миссияни бажаришга хизмат қилди. АҚШда меҳнат социологияси асосан бошқарув социологияси доирасида ўрганилиб келинди. Ғарбий Овропа мамлакатларида эса алоҳида фан сифатида ўрганилиб келинмоқда.

XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб ғарб меҳнат социологияси доирасида меҳнатни гуманизациялаш тенденцияси ўрганила бошланди. Меҳнат шароитини яхшилашга кўпроқ эътибор берилди. Ғарб социологларининг фикрича, меҳнат инсонга азоб-ўқубат эмас, балки ҳузур бағишлаш керак. Бу тамойил айниқса бизда, келажаги буюк давлат қуриш йўлида янада муҳим аҳамият касб этмоғи лозим. Ҳозирги

ўтиш даврининг асосий вавифаларидан бири … «сермаҳсул меҳнат қилиш учун яхшироқ рақобат ва имкониятлар яратишдан, иқтисодий йўл танлаш ва фаолият кўрсатиш эркинлигига бўлган кафолатли ҳуқуқни қарор топтиришдан, аҳолининг меҳнат ва ижгимоий фаоллигини оширишдан ҳам иборатдир»[1]. Бу йўлда, меҳнат социологиясининг муҳим вазифалардан бири, меҳнат унумдорлигини оширувчи социологик омилларни ва заҳираларни таҳлил қилиб ўрганишдан иборатдир. Унинг асосий ижтимоий вазифаларидан бири жамият ҳаётида, халқ хўжалигидаги иқтисодий муносабатларни меҳнат соҳаси билан боғлиқ бўлган барча ижтимоий муносабатларни ўрганишни ўз ичига олади. Меҳнат социологияси қуйидаги асосий муносабатлар жараёнини ўрганади: ишлаб чиқариш воситаларига ва мулкга бўлган муносабатлар; меҳнат кооперацияси ва тақсимоти, бажарилаётган меҳнатнинг шароити ва мазмуни; меҳнат турларининг ўзгариши; меҳнатга қараб тақсимлаш; жамият аъзоларининг ижтимоий фойдали меҳнатга бўлган эҳтиёжларининг ўсиб бориши, ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат шароити ва турмуш тарзига қараб уларнинг таъсирига эса меҳнат ҳуқуқининг ўзгариб бориши; илмий техника прогресси натижасида меҳнат мазмунини ўзгариб бориши; турли ижтимоий шарт-шароити ва омиллар таъсирида меҳнат ҳуқуқининг ўзгариши; меҳнат хулқининг мотивлари ва типлари; шахсий даромадларнинг миқдори ва олиш йўллари; меҳнат қоидалари ва бошқалардир.

Меҳнат соҳасида ижтимоий бирликнинг кўриниши меҳнат жамоаси ҳисобланади. Меҳнат жамоаларидаги меҳнаткашларининг ўзаро муносабатлари, меҳнат

[1] И.А.Каримов. “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида”, Т. “Ўзбекистон”. 1995, 154-255 бетлар.

жараёнидаги ижтимоий жараёнлар ва меҳнат муносабатлари шулар жумласидандир. Меҳнат муносабатлари меҳнат жараёнидаги иштирокчилар ўртасида юзага келиб, истеъмол қийматини яратиш ва меҳнат кооперацияси, ҳамда меҳнат тақсимоти асосида содир булади.

Меҳнат социологиясида ўзаро алоқадорлик тушунчаси қўлланилиб, у икки асосий муносабатни ўз ичига олади. Булар, ўзаро ҳамкорлик ва рақобатдир. Ўзаро ҳамкорликда турлича ижтимоий қизиқишлар, манфаатлар ўзаро мос тушади. Рақобатда эса, аксинча ўзаро манфаатлар зид келади. Бу тенденцияларни ўрганиш айниқса, ҳозирда республикамизда хусусий мулкчилик шаклланаётган, янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни таркиб топиши жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

1996 йил 1 апрелдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси бозор муносабатларига асосланган янги ижтимоий-иқтисодий тузумни таркиб топишида муҳим ўрин тутади. Кодексда меҳнат муносабатларини янги шароитда тартибга солишга қаратилган қонун қоидалар 204 моддани ташкил қилади. Бу қонун қоидалар меҳнат бозорининг самарали амал қилишига, кишиларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши, иш сифати яхшиланишига шу асосда барча аҳолининг моддий ва турмуш даражаси юксалишига эришиш - меҳнат кодексининг асосий вазифалари ҳисобланади[1].

Ҳозирда Ўзбекистонда таркиб топаётган ҳуқуқий муносабатлар асосида ўзига хос шарқона анъаналарга мос равишда қонунчиликни қайтадан барпо қилишда, хусусан, меҳнат тўғрисидаги давлат кодекси ва

[1] Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Т. 1996, 2-модда. 4-бет.

қонунларининг ҳаётий заруриятга айланишига меҳнат социологиясининг ўрни катта. Республикамиз меҳнат ресурслари билан таъминланиш даражаси юқори бўлган минтақа ҳисобланади. Марказий Осиёдаги меҳнат ресурсларининг деярли 40 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келади. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг ёшини таҳлил этиш, XXI аср арафасидаги ахоли асосан юқори меҳнат фаоллиги билан ажралиб турадиган 20-49 ёшдаги кишилардан иборат эканлигини кўрсатмоқда. Бошқа томондан эса, бу ўлкан меҳнат ресурсини тўла равишда ижтимоий фойдали меҳнат билан таъминлаш масаласи республика ҳукумати, вилоятлар ҳокимликлари олдида турган энг долзарб ва ҳал қилиниши оғир кечаётган муаммо бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда иш билан таъминлаб бориш жараёнининг яна бир муҳим, ўзига хос хусусияти шундан иборатки, республика ахолисининг 60 фоизидан кўпроғи қишлоқ жойларида яшайди ва асосан деҳқончалик билан шуғулланади. “Аждодларининг анъанавий яшаш жойларига боғланганлиги (ўтроқлиги) аксарият республика аҳолисига хос бўлиб, бу ҳол меҳнат бозорини шакллантириш муаммоларига ўз таъсирини ўтказади”[1]. Айниқса, Фарғона водийсида бу муаммони ҳал этиб бориш оғир кечмоқда. Аммо, бу муаммони ҳозирда олиб борилаётган маъмурий йўл билангина ҳал этиб бўлмайди. “Меҳнат қилиш ҳуқуқи, тадбиркорлик билан шуғулланиш имконияти, ҳамда ўз меҳнатидан даромад олиш ҳуқуқи меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан бандлиги муаммосини ҳал этиш билан чамбарчас боғлиқ”[2].

[1] И.А.Каримов “Биздан озод ва обод Ватан қолсин”. Т. 1994. 20-бет.
[2] И.А.Каримов. “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида”, Т. “Ўзбекистон”. 1995, 265-бет.

Мавжуд муаммони ҳал этиб боришда меҳнат социологиясининг роли каттадир. Афсуски, ҳозирда республикамизда ушбу фан билан шуғулланувчи олимлар саноқлидир. Бу соҳада илмий тадқиқотлар деярли олиб борилмаётир. Айрим олийгоҳлардаги меҳнат социологияси курсини ўқитиш билан чегараланиб келинмоқда. Инсоннинг меҳнат фаолиятини, имкониятларини, шарт-шароитлари билан боғлиқ бўлган меҳнат фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини эргономика (юнонча сўз бўлиб, ergoh - иш, меҳнат ва homo - қонун маъноларини англатади) фанига эса етарлича эътибор берилган эмас.

Юқорида келтирилган фикрлардан хулоса қилиб айтганда, меҳнат социологияси жамият иқтисодий ҳаётини ривожланишида муҳим аҳамиятга эгадир. Шу жиҳатдан меҳнат социологияси иқтисодиёт социологияси билан чамбарчас боғлиқ. Меҳнат социологиясининг кўплаб масалалари иқтисодиёт социологияси таркибига киради. Шунингдек, ўз навбатида, иқтисодий муносабатлар таркибини ўрганишда меҳнат социологиясининг аҳамияти беқиёсдир. «Иқтисодиёт ўз қонунларига биноан ривожланиш керак" - деган қоидага кўра иқтисодиётни асосий тизим сифатида иқтисодиёт ва меҳнат социологияси доирасида ўрганиш ўз навбатида жамиятнинг бошқа жиҳатларини ўрганишга хизмат қилади.

3 савол. Жамиятнинг ижтимоий - этник таркибини тадқиқ қилиш социологиянинг махсус соҳаси бўлиб, этносоциология деб аталади. Социологиянинг бу соҳаси жамиятнинг ижтимоий таркибий тузилишидаги этник миллатлар, халқлар, эллатлар, гуруҳларнинг ижтимоий ривожланиши масалаларини ўрганади. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий,

маънавий-мафкуравий, маданий, таълимий, диний ва бошқа ўзига хос қадриятларини тадқиқ қилади.

Этнос тушунчаси (халқ маъносини англатади) - муайян ҳудудда тарихан таркиб топган, бошқалардан фарқловчи ўз маданиятига, руҳий уйгунлик ва бошқа умумий хусусиятларга эга бўлган кишиларнинг нисбатан барқарор бирлигини англатади. Демак, этносоциологиянинг тадқиқот объекти энг аввало халқлар, миллатлар этник гуруҳларнинг ижтимоий тизими таълимини, бошқа этник бирликлардан фарқ қилувчи ўзига хос маданияти, турмуши, урф-одатлари, тили ва бошқа шу каби хусусиятларини ўрганади.

Миллат, миллатлараро муносабатлар масаласи социологиядан бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар, фалсафа, иқтисодиёт назарияси, сиёсатшунослик, аҳлоқ ва нафосатшунослик, тарих, этнография кабиларни ҳам ўрганиш объекти ҳисобланади.

Этносоциологияда эса миллат ва миллий муносабатлар уларнинг актив сиёсий, маданий ва маънавий мафкуравий муносабатларидаги ўзаро алоқадорлиги назарда тутилган ҳолда, конкрет этник муҳит доирасида, ижтимоий жамоалардаги, оиладаги, ҳудудий тартибдаги мносабатларни этник хусусиятлари доирасида олиб қараб ўрганилади. Шунингдек, миллатлараро муносабатларнинг жамият ижтимоий ҳаётига таъсири ва уларнинг ижтимоий оқибатлари тадқиқ қилинади. Шу жиҳатдан этнос социологиясининг ҳалқ ҳаётини ўрганишдаги аҳамияти каттадир.

Собиқ Совет Иттифоқида этносоциология тўлақонли ўз ривожини топмади. Турли миллатлар, элатлар, халқлар ва этник гуруҳларнинг ижтимоий тараққиётига бир томонлама ёндашилди.

Келажакда улар ўзаро қўшилиб яхлит бир Совет халқи этник бирлиги вужудга келади, - деган ҳаёлий, сохта ва нотўғри мафкуравий сиёсат юргизилиши оқибатида ҳар бир этник бирликнинг ўзига хос, бой, гўзал ва такрорланмас қадриятлари ривожига сиёсий тазйиқ билан йўл қўйилмади. Бундай сиёсий зўравонлик оқибатида этносоциология социологик сифатида етарлича қадрланмади.

Собиқ Совет даврида муайян иқтисодий-сиёсий ва мафкуравий режим асосан ушлаб турилган, бошқарилган миллий муносабатлар ҳозирда қайтадан, янги ижтимоий муносабатлар асосида тикланмоқда. Шу жумладан, Ўзбекистоннинг кўп миллатли давлат эканлигини эътиборда тутган ҳолда унинг ҳудудида истиқомат қилаётган миллатлар ва халқларнинг ижгимоий турмуши, узаро алокаси ва шу каби муносабатларни социологик тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, республика миллий таркибининг ўзига хослигининг фарқлантирувчи хусусиятидир. Этник таркиби туб аҳолиси устун мавқени эгаллайди. Республикада яшаб турган аҳолининг 70 фоиздан кўпроғини ўзбеклар ташкил қилади. Айни вақтда Ўзбекистон ҳудудида ўз маданияти ва анъаналарига эга бўлган 100дан зиёд миллат, эллат вакиллари яшайди. Ўзгандаги воқеалар яна қайта такрорланмаслиги учун, Ўзбекистонда бундан кейин ҳам миллатлараро ҳамдўстликни ривожлантириш, ўзаро аҳил, бир оила бўлиб яшаш талаб этилади. Президентимиз И.А.Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон ҳукуматининг асосий мақсади ҳам Марказий Осиё ҳудудида миллий низоларнинг олдини олиш ва миллатлар муносабатларни янада ривожлантиришдан иборат.

Айниқса, ҳозирда ижтимоий-этник муносабатлар социологик таҳлилга муҳтождир. Таркиб топаётган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар асосида этник гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар ҳам қайтадан таркиб топмоқда. Шундан келиб чиқиб, кўрсатиб ўтиш жоизки, этносоциологияда ички ва ташқи тадқиқот йўналиши мавжуд. Ички тадқиқот йўналиши-бу этник гуруҳ таркибидаги социологик тадқиқотлардан иборат бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари ривожланиш тенденциялари ўрганилади. Ташқи тадқиқот йўналиши эса этник гуруҳлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни бир этник гуруҳга таъсир кўрсатадиган ташқи омилларни ва уларнинг ижтимоий оқибатлари тадқиқ қилинади. Айниқса, бир мамлакат ҳудудида яшовчи этник гуруҳларнинг ўзаро муносабатларини социологик тадқиқ қилиш жуда муҳимдир.

Мамлакатнинг туб аҳолисини ташкил этмайдиган, кам сонли этник гуруҳларни ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эга. Уларнинг маданияти, маънавий қадриятлари, ахлоқий-эстетик нормалари ижтимоий-руҳий хусусиятларини ўрганиш билан муҳим билимга эга бўламиз. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Жаҳонда катта ва кичик миллатлар ва элатлар йўқ, Уларнинг ҳар бири асрий барқарор ва тенги йўқ анъаналари билан, тарихий меъросининг бойлиги билан, миллий руҳининг умумийлиги билан, маданиятининг ўзига хослиги билан аҳамиятлидир».

У ёки бу этник гуруҳнинг табиий таркиб топишининг асосий шарт-шароити – бу ҳудудий ва тил бирлиги ҳисобланади. Муайян этник бирлигининг миллатнинг ҳар жиҳатдан ривожланишида унинг ўз мустақил сиёсий давлат тузумига эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ўзбекистонда мустақиллик қўлга кирилгандан бошлаб ўтган дастлабки 20 йиллик муддат юз йиллар мазмунига тенг бўлди. Ўзбек халқи миллат сифатида ўз динини, ор-номусини, миллий ифтихорини, қадр-қимматини, бой ўтмиши маданий меъросини, тилини ва шу каби кўплаб бошқа қадриятларини қайтадан тиклади. Ўтмиши ва келажаги буюк миллат сифатида жаҳонга яна юз тутди.

Тарихдан маълумки, ўзбек этносининг шаклланишида марказлашган Амир Темур давлатининг ташкил топиши катта аҳамият касб этган. Миллат сифатида туркий этник катта бирлиги таркибида шаклланиб борди. Шу даврдан бошлаб ўзбек этник гуруҳи бошқа туркий гуруҳлардан фарқланувчи ўзига хос жиҳатларни кўпроқ намоён қила бошлаган. Буларга асосан, ягона давлат фуқаролиги, ягона тил, маданий ва маънавий қадриятлар бирлиги ҳудудий бирлик ва уюшганлик, ҳамда ягона диний (ислом) эътиқод бирлиги шулар жумласидандир.

Нисбатан ўтроқ, асосан суғорма деҳқончилик ва шаҳар ҳунармандчилиги билан шуғулланиши, Марказий Осиёнинг қоқ ўртасида жойлашуви ва ҳудуд уюшганлиги каби омиллар ўзбек миллатининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек халқининг этник жиҳатдан таркиб топиши тарихан мураккаб, жуда катта ички ва ижтимоий зарбалар остида борди. Амир Темур вафотидан сўнг темурийзодаларнинг ўзаро кураши, Шайбонийхон томонидан темурийзодаларга қарши олиб борган кураши, кейинчалик Мовароуннаҳрни Хива хонлиги, Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлигига бўлиниб кетиши, сўнгра Руссия империяси томонидан истило қилиниши миллатнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди.

Россия томонидан босиб олиниши оқибатида Туркистон қайта ягона ҳудудга бирлаштирилган бўлсада, буюк рус шовинизми зўравонлиги таъсирида ўзбек халқи бошқа туркий халқлар билан бирга мазлум халқ сифатида таҳқирланди, камситилди ва қадди букилди. Узоқ давр маънавий аҳлоқий, сиёсий-ҳуҳукий тушкунликни бошидан кечирди. Совет тузуми даврида ҳам бундай сиёсат ўта нозик, байналминаллик ниқоби остида ўзига хос усуллар билан давом эттирилди.

Миллий мустақилликни қўлга киритилиши муносабати билан, эндиликда миллий кўтарилиш, ривожланиш жадал бормоқдаки,мавжуд сиёсий-иқтисод ҳуқуқи ва маънавий шарт-шароит ўзбек халқини яқин келажакда жаҳоннинг илғор, юксак маънавиятига эга бўлган миллат даражасига эришиши муқаррардир.

4 савол. Таълим социологияси - жамиятнинг таълим тизими тўғрисидаги махсус социологик назария бўлиб, уни нисбатан мустақил ижтимоий институт сифатида жамият ҳаётидаги ўзига хос функционал ва ривожланиш қонуниятларини, даражасини, унинг бошқа ижтимоий ташкилотлар ва муносабатлар билан ўзаро алоқадорлигини ва шу соҳадаги давлат сиёсатини ўрганади. Таълим тизимининг жамият ривожига таъсири беқиёсдир. У ҳар қандай давлатнинг жамият маънавий ҳаётини, ижтимоий ва касбий таркибини бошқаришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Таълим социологияси - мактаб, ўқув юртлари ва муассасалари фаолияти, улардаги педагогик мутахассисларнинг сифати, ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш вазифалари каби масалаларни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирда таълим тизими ижтимоий сиёсат тарзида ривожланмоқда. Таълим

социологияси эса бу сиёсатнинг ўзига хос жиҳатларини, унинг амалий натижаларини ўрганишга хизмат қилади.

Таълим социологиясининг асосий вазифаси - таълим тизимининг барча функцияларини жамият ҳаётида кенг имкониятлар даражасида амал қилишини таъминлаш ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги самарали таъсирини ўрганишдан иборат. Таълим тизими ўзининг иқтисодий ижтимоий-сиёсий, маънавий функцияларга эга бўлиб, жамият тараққиётига жиддий таъсир кўрсатади. Мамлакатнинг илмий-техникавий ривожида, маданий-маънавий қадриятлар юксалишида ва шахс шаклланишида муҳим омилдир.

Аммо, ҳамма вақт ҳам бунга бирдай эътибор берилавермаган, аҳоли саводҳонлигини оширишга қаратилган давлат сиёсати, энг аввало, таълим тизимини яхшилашга эътибор беришдан бошланади. Совет тузуми даврида бу соҳада бир қатор жиддий ҳатоликларга йўл қўйилганлигига қарамай аҳоли саводхонлигини ошириш йўлида жуда катта ишлар қилинди.

Ғарбда таълим социологиясига Э.Дюркгейм ва М.Веберлар асос солган. Улар таълим тизимининг ижтимоий функцияларини, иқтисодий, сиёсий жараёнлари билан алоқаси, олий таълим соҳасининг ўзига хос хусусиятлари каби масалаларини тадқиқ қилганлар. Э.Фромм, Т.Парсонс, С.Н.Паркинсон, Т.В.Адорно, Г.Кюлевинд, В.Франкл, Ж.Эллюлн, Э.Глиссан таълим социологияси ривожига ўз ҳиссаларини қўшганлар. АҚШ Олий таълим тизимининг асосий хусусиятларидан бири таълим социологиясини ўрганиш деб кўрсатади.

Ҳозирда таълим тизимининг социологик тадқиқот йўналишлари қўйидагиларни ўз ичига олади: бозор муносабатларига ўтиш шароитида таълим тизимининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти; ижтимоий ривожланишдаги таъсири, самарадорлик даражаси ва сифати; ўқитувчиларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи; таълим муассасаларида таълим беришнинг сифат даражаси ва мавжуд ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларнинг улар фаолиятига таъсири кабилар. Ўзбекистонда таълим соҳасидаги давлат ислоҳотининг амалий натижаларини, бозор муносабатларига ўтиш давридаги иқтисодий қийинчиликларнинг таълим соҳасидаги таъсирини ўрганиш муҳим социологик муаммолардан бири ҳисобланади.

Ҳозирда давлат томонидан таълим соҳасига қанчалик жиддий эътибор берилаётганлигига қарамай, аҳвол анча мураккаб. Янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг таркиб топа бориши жараёни таълим тизимида таркибан ва мазмунан чуқур ўзгаришлар қилинишини тақозо қилмоқда.

Ҳозирда республика бўйича 8769 умумтаълим мактабларида 4,7 миллион ўғил ва қиз билим олмоқда.

Таълимнинг ижтимоий самарадорлигини таълим муассасаларининг сони, уларда таълим олаётган ўқувчиларнинг миқдори, жамият аъзоларининг билим даражаси ва сифати билангина белгиланмайди, балки унинг ижтимоий фаолиятида, амалиётида, ҳамда меҳнат фаолиятида қандай даражада тадбиқи билан ҳам белгиланади. Шу жиҳатдан, янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг шаклланиб бориши ва бозор иқтисодиёти сиёсатининг амалга оширилиб бориши шароитида, республикада кўплаб мутахассис кадрларнинг ўз мутахассислиги бўйича ишлашидан манфаатдор бўлмай ёки имкониятига эга эмасликлари

сабабли, яхшироқ тирикчилик ўтказиш мақсадида ўз мутахасисликларидан бошқа соҳаларга ўтиб кетиш тенденцияси кучаймоқда.

Социология «тили» билан айтганда, жамият аъзоларининг социал мукобиллиги ҳам вертикал, горизонтал тартибдаги ўзгариши кескин ортиб бормоқда. Ачинарлиси шуки, бу жараён айниқса, таълим тизимининг ўзида бошқа соҳаларга нисбатан кўпроқ содир бўлмоқда. Агарда бунинг олди олиниб, жиддий чоралар кўрилмаса, келгусида янада кучайиши ва 5-10 йилдан сўнг эса унинг салбий оқибатлари жамият ижтимоий ҳаётида ўнлаб йиллар давомида бартараф қилиш қийин бўлган ижтимоий- маънавий инқирозга олиб келиши мумкин.

Президентимиз таъкидлаганидек, «миллий тикланиш йўли юқори саводхонлик, юксак маданият орқали ўтади. Шунинг учун ҳам маълумот даражаси, профессионал тайёргарлик савияси XXI аср арафасида бизнинг ижтимоий ривожланишимизнинг ўлчови бўлиб қолмоғи керак». Шунинг учун, «халқ таълимининг бутун тизимини янада қатъият билан ва тезроқ қайта қуриш зарур».

Таълим социологиясининг ҳозирги шароитдаги асосий вазифаларидан бири, у ҳам бўлса юқорида кўрсатилган муаммоларни эмпирик жиҳатдан тадқиқ қилиб, илмий-амалий ва назарий хулосалар чиқаришдан иборат. Кўриниб турибдики, ўзининг моҳият эътибори билан ушбу масала Фавқулодда давлат аҳамиятига эга бўлган ҳам социал, ҳам сиёсий масаладир.

Илм-фан социологияси. «Илм-маърифатга қизиқиши суст блган миллатнинг келажаги ҳам бўлмайди», -деган эди И. А. Каримов. Давом этиб:

«Олимларимиз ҳар қандай тазйиқдан озод бўлишлари керак».

Фан социологияси - социологиянинг махсус соҳаси бўлиб, ҳозирги замон фанининг ўзига хос ижгимоий институт сифатида жамият ҳаётидаги функционал ва ривожланиш қонунларини ижтимоий муносабатлардаги ўрни, аҳамияти ва бу муносабатлар билан ўзаро таъсирини ўрганади.

Марксистик социологиянинг бу соҳаси К.Маркс, Ф.Энгельслар томонидан назарий жиҳатдан асосланган. В.Ж.Келле, С.А.Кугел, П.Тамаша, К.Мюллер, В.А.Энгельгард каби социологлар фаннинг ишлаб чиқариш ва жамиятнинг бошқа соҳалари билан алоқасини янада такомиллаштириш, фан аҳлоқи каби йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борганлар.

Нормарксистик социология ривожланишида эса Америка социологларидан Т.Парсонс, П.Сорокин, Ф.Знанецкий, А.Чайлд, Ч.Р.Миллс, В.Страк, Т.Лукманлар; ғарб социологларидан С.Латкр, Т.Кун, С.Чапин, П.Форман, М.Малкей, Э.Шлиз, М.Шелер, К.Макхеймларнинг роли катта бўлди.

Фан ўз моҳиятига кўра ижтимоий ҳодисадир. Жамият ҳаётида фаннинг ривожланиши, илмий фаолиятнинг эмпирик социологик тадқиқот даражасининг ривожланиши илм-фан социологиясини шаклланишига объектив асос бўлиб, махсус социологик назария сифатида вужудга келишига сабаб бўлади.

Бу эса, ўз навбатидаги ижтимоий омилларнинг фан соҳасидаги фаолиятига таъсирини янада кучайтиради. Бунинг натижаси фанни ижтимоий онг шакли ва билимлар тизими сифатида ўрганишдан, уни ижтимоий фаолияти кўриниши тарзида тадқиқ

қилишга ўтилди. Фан социологияси доирасида илм-фан тадқиқ қилишнинг янги йўналишлари пайдо бўлди. Олимларнинг илмий жавобгарлиги ва масъулияти, ижтимоий омилларнинг илмий фаолияти ривожига таъсири, илмий фаолиятининг қадриятли йўналиши илм-фаннинг иқтисодий ишлаб чиқариш жараёнида фаннинг роли, фан заҳматкашларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи кабилар шулар жумласидандир. Айниқса, ҳозирда бозор муносабатларига ўтиш даврида илм-фан ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, омилларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи,уларни ижтимоий ҳимоя қилиш каби долзарб масалаларни ўрганиш фан социологиясининг асосий вазифаларидан бири бўлиб келмоқда.

Мамлакатимизда илм-фан тараққиётини янада юксалтириш вазифаси билан боғлиқ айрим муаммолар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилиб, президентимиз И.А.Каримов шундай деган эди: «Бугун биз мустақил давлат қураяпмиз. Истиқболимиз тараққиётимиз кўп жиҳатдан фан даргоҳларида ишлаётган олимларнинг изланишларига, уларнинг жасоратига, фидоий эканига юксак илмий салоҳиятлари ва оқилона тасвирларига боғликдир».

Жамият ҳаётига, илм-фаннинг ривожланиш таълим тизими билан узвий боғлиқ. Шу жиҳатдан фан социологияси таълим социологияси билан алоқадорликда бўлади. XXI аср бўсағасида ижтимоий муносабатларнинг янада мураккаблашуви уларни мутаносибликда бошқариш соҳасини илмий асосда амалга ошириб боришни тақоза қилади. Бу жиҳатдан эса фан социологияси билан ўзаро уйғундир. Бозор муносабатларини ҳозирги замон илғор фан- техника ютуқларига, тажрибасига таянмасдан бошқариб

бўлмайди. Фан социологияси доирасида олинган илмий тадқиқот натижалари аса жамиятни илмий бошқаришга илмга асосланган сиёсат юритишга хизмат қилади.

Ҳозирда Ўзбекистоннинг илмий потенциали қай даражада? Республика ҳудудида фанлар академияси, қишлоқ ҳўжалик.академияси 120дан зиёд илмий тадқиқотлар институтлари ўз фаолиятларини амалга оширмоқда. Бугунги кунда Республиканинг 62 та олий 16 та университет ва 246 та ўрта махсус билим юртлари 519175 нафар йигит-қиз таълим олмоқда. 9575 мингдан зиёд умумтаълим мактаблари ва лицейлар ишлаб турибди.

Илмий ҳодимлар сони 100 минг кишидан ортиқ бўлиб, улар орасида 159 академик ва мухбир аъзо 2200 га яқин фан докторлари ва профессорлар 14600 дан зиёд фан номзодлари ва доцентлар бор.

Аммо ҳозирда фан кишиларнинг иқтисодий аҳволини яхши деб бўлмайди. Жамиятнинг ақлий потенциалини таъминловчи илм аҳлини иқтисодий жиҳатдан давлат қўллаб-қувватлаши шу давлатнинг қудратига боғлиқ. Ўз навбатида давлатнинг қудрати, тараққиёт даражаси эса маънавий ақлий потенциалнинг юқори ёки пастлигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Бу ўзига хос тарихий амалиётда кўп синовлардан ўтган, исботланган ижтимоий ҳақиқатдир. Япония, Олмония, АҚШ, Жанубий Корея ва бошқа қатор ривожланган давлатлар тараққиёти бунга ёркин мисол бўла олади. Демак, олимлар, фан ходимлари ҳаёти яхшиланиши жамият иқтисодий ҳаётнинг ривожланиш билан тўғри пропорционалдир. Ушбу муаммонинг яна бир жиҳати потенциалнинг нечоғлиқ ва қай даражада амалиётга тадбиқ этилганлигидир. Уларнинг

иқтисодий натижасидадир. Бу борада республикада аҳвол қандай?

Ҳозирда олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўқув юртлари ҳузурида республика бўйича 68 та кичик корхона 34 та ҳар хил илмий марказлар, 2 та қўшма корхона ташкил этилган. Албатта булар етарли эмас. Келажакда ҳар бир олий ва ўрта махсус билим юртлари, мактаблар қошида уларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб тура оладиган кичик корхоналарни ташкил қилмоқ мақсадга мувофиқдир.

Илм-фан, таълим социологияси мавзуини ўқитишда ёшлар онгида илм-фанга, таълим тарбияга нисбатан чуқур ҳурмат, қизиқиш ва уни эъзозлаш руҳини яратишга интилиш асосий мақсад бўлмоғи лозим. Чунки "илм-фан маърифатга қизиқиш суст миллатнинг келажаги ҳам бўлмайди. Зеро илмга интилиш йўқолса, фан тараққий этмайди, илму фан ривожланмаса-жамиятнинг келажагини тасаввур этиб бўлмайди"-деган эди юртбошимиз.

5 савол. Шаҳар ва қишлоқ социологияси. Социология фанини ўқитишда шаҳар ва қишлоқ социологияси махсус соҳа сифатида муҳим ўрин тутиб, унда шаҳар ва қишлоқ ҳаёти, уларнинг мавжуд ижтимоий муаммолари ва бу муаммоларни ҳал этиб бориш йўллари ўрганилади, Масалага бундай ёндошиш, ҳозирги давр ёшларида ўзлари яшаб турган жойларга нисбатан меҳр-муҳаббат, эъзоз, унинг мавжуд муаммолари билан қизиқиш ҳосил қилади. Ўз юрти, яшаш жой билан ғурурланиш, фикрлаш ҳиссини шакллантиради. Бунга мисол сифатида Президент Ислом Каримовнинг «Туркистон» саройи очилиши маросимида сўзлаган нутқидан қўйидагиларни келтириш мумкин: "Бундай обидалар каттаю кичикда

Ватанда фахрланиш туйғусини шакллантиради, бундай холатлар Ватан шаъни ва шуҳрати учун курашувчи истиқлолни ҳамма нарсадан муқаддас эканлигидан далолат беради".

Сиёсий соҳа социологияси – сиёсий ташкилотлар, сиёсий муносабатларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги таъсирини, ролини ва аҳамиятини, аъзоларининг сиёсий фаоллик даражасини ўрганувчи махсус социологик соҳа ҳисобланади. Сиёсат социологияси сиёсий муносабатлар ва жараёнларнинг моҳиятини, мазмунини ва ҳарактерини ўрганишнинг назарий ва методологик асосини ташкил қилади. Бу жиҳатдан, сиёсий соҳа социологияси сиёсатшунослик фани билан узвий боғликдир. Айниқса, давлат сиёсатининг жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қай даражада таъсир кўрсатаётганлигини эмпирик социологик тадқиқотлар ўтказиш орқали таҳлил қилиш ва назарий, ҳамда амалий хулосалар чиқариш билан жамият ҳаётида муҳим илмий амалий аҳамиятга эга.

Сиёсий соҳа социологиясининг тадқиқот объектини энг аввало, жамият сиёсий ҳаёти, ундаги мавжуд сиёсий жараёнлар, муносабатлар, сиёсий ташкилотлар ва уларнинг фаолиятини ташкил қилади.

Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ўзига хос ижтимоий-сиёсий муносабатларини ижтимоий-сиёсий муассасаларни, уларнинг фаолиятини, омманинг сиёсий онги ва маданияти билан боғлиқ бўлган фаолликни ўз ичига олади. Ҳар қандай давлат ўзининг сиёсий тизимига эга бўлади. Сиёсат эса давлат ҳокимияти ҳарактери ва мазмунини ифодалайди ва жамиятда социал муаммоларни ҳал қилишда ўз ролини ифода этади.

Маънавият ижтимоий тизим сифатида жамият ҳаётининг муҳим томонларидан бири маънавият бўлиб, ўзига хос ижтимоий тизим сифатида таркибий тузилишга эгадир. Ижтимоий ҳаётнинг маънавият соҳаси мазмуни, энг аввало, мафкура, аҳлоқ, санъат, дин ва ижтимоий бошқа номоддий жиҳатларида намоён бўлади. Бу соҳа ўзининг хусусиятлари билан жамиятнинг ижтимоий сиёсий тизимидан ҳам фарқ қилади. Ўзбек халқи ўзининг миллий мустақиллигига эришганлиги муносабати билан жамиятимиз маънавият тизимида туб ўзгаришлар рўй бермоқда.

Ишлаб чиқариш муносабатларининг янги иқтисодий ва ижтимоий моҳияти маънавий мазмун билан тўлдирилмоқда.

Дунёқараш шахс маънавиятининг асосий мазмунини ташкил қилади. Жамиятнинг маънавият тизими ўз таркибига сиёсий ҳуқуқий, ижтимоий онги, ахлоқ, фан, фалсафа, санъат, диний онг ва бошқа қарашларни ўз ичига қамраб олади. Уларнинг ҳар бири ижтимоий тарихий фаолиятини муайян томонини ташкил қилиб маънавий озиқ воситаси сифатида амал қилади. Маънавият тизими юқорида кўрсатилганлар билан чекланмайди. У янада бой мазмунга эга. Кундалик онг ижтимоий психология, мафкура ва бошқа муносабатлар ҳам бу таркибга киради. Ижтимоий онг шакллари маънавиятда асосий ўрин эгаллаб, муайян ижтимоий-иқтисодий муносабатлар асосида ривож топади. Маънавий муносабатлар таркибига киради.

Шунинг учун ҳам инсоннинг маънавий дунёсининг мазмуни ҳам жуда мураккаб бўлади. Шахс маънавияти жамият маънавий ҳаёти, тизимининг ўзаги, юраги ҳисобланади. Маънавият социологик жиҳатдан ўрганишда ижтимоий фаолиятида айниқса миллий

ўзгаришнинг ҳозирги илк ривожланиш босқичида шахснинг ҳиссий эхтирос даражасига эътибор бериш муҳим аҳамиятига эга. Чунки унда шахснинг миллий Ватан туйғуси халқ иши Ватан учун фидоийлиги, ижодкорлиги, шижоати, келажакка ишонч каби қарашлари юзага келтириш зарур бўлган руҳий кучлар ётади. Мустақил Ўзбекистон миллий мафкурасининг шаклланиши маънавият соҳасида жиддий ўзгаришлар ясаши аниқ. Миллий истиқлол мафкураси жамият маънавиятининг таркибий қисми бўлган маданий меросга бўлган муносабатда ҳам катта ўрин тутади.

Маданий, маънавий мерос ҳар қандай миллат халқнинг ўлкан ҳазинасидир. Бу ҳазина инсонга ҳаётда баркамоллик бағишлайди, унинг қарашлари шунчаки бойлик орттириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди, фожиалар вақтида омон сақлаб қолади. Инсон ҳаётида юз берадиган маънавий ва моддий қийинчилик кунларида иродани мустаҳкамлайди.

Қадрият тушунчаси ҳам қадрият фалсафада ва социологияда кенг қўлланилиб, ижтимоий воқийликни инсоний ижтимоий ва маданий аҳамияти тушунилади. Ўз мазмунига кўра ижтимоий қадриятлар инсон фаолиятини барча хилма хил предметли фаолиятни акс эттиради. Улар ижтимоий ригулирациянинг юқори даражасини англатади. Ижтимоий қадриятлар тизими жамиятнинг тарихий ривожланиш давомида шаклланиб янада ривожланиб бойиб боради. Ўзбекистон миллий мустақилликка эришиши туфайли миллий қадриятлар қайта тиклана бошлади. Бу жараён жамиятнинг маънавий юксалишида муҳим ўрин тутади. Кишиларни жамиятга ўз Она Ватанига содиқ, ватанпарвар ва Она юртига жонкуяр қилиб тарбиялайди.

Дин социологияси. Дин-бу кишиларнинг илоҳий кучга унинг ҳамма «мўъжиза» ва ҳодисалари илоҳий кучнинг куч-қудратига тўғридан-тўғри ишониш, инсонларнинг бутун тақдирини «азалдан» белгилаб қўйган кучга ишониш, руҳларга таяниш, жамият ва табиат ривожланиш қонунларини Оллоҳ ҳоҳишига боғлаб унга эътиқод қилиш, ҳукмронлик қилиш, жамиятдаги ҳамма жонли, жонсиз табиат унинг иродасига боғлаб ўрганишдан афсонавий кучга эга бўлган воситадир.

Дин кишиларнинг ташқи кучларга ишонишни вужудга келтирадиган ўзига хос системадир. Шунинг учун ҳам дин ижтимоий ҳаётни, борлик, воқеликни, унинг ҳодисаларини ўзига хос тарзда инъикос эттирувчи, инсонларнинг психик фаолиятини ифода этгувчи ижтимоий онг шаклларидан-ижтимоий тафаккуридан биридир, у ижтимоий ҳодисадир.

Дин социологиясига диққатни қаратишдан олдин диннинг бажарадиган функциясини ўрганиш зарур бўлиб, ижтимоий институтларнинг энг мураккаби эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Дин асосан 5 та функцияни бажаради:

1) тўлдирувчи; 2) овитувчи (компенсаторлик) – яъни кишиларни келажакка маълум ишонч билан овитади; 3) бирлаштирувчанлик (интегратив), яъни инсонларни маълум мақсад ва унга ишонч руҳида бирлаштиради; 4) тартибга солувчанлик; 5) назорат қилувчи (регулятив), алоқа боғловчи (коммуникатив) тарбияловчиликдан иборатдир.

Охирги функция янги бўлиб, жамиятда ҳозирги кунда кишиларнинг социал тилакларини қондиришда ҳозирги ислом намоёндаларига қўл келади. Ҳозирги кун исломни зўр бериб тарғибот қилишда алоқа, боғловчилик ва тарбиявий соҳаларига Қуръон ва

ҳадисларга мурожаат қилиб, уни асос қилиб, айниқса ёшларни диний ақидаларга жалб этишда қўл келмоқда. Унинг социологик томони кўпроқ кишиларнинг ҳар хил ибодат, урф-одат, маросим ва ёзувларда ўз аксини топмоқда. Шунинг учун ҳам ана шу сифатлари учун дин социологияси- динга ижтимоий ҳодиса сифатида ёндашиб унинг ижтимоий юқорида келтирилган бешта функциясини ўрганишни тавсия этади. Инсонларнинг жамиятда умуминсоний ахлоқ, ўгит, панд-насиҳат, даъват, чеклаш, қоралаш, маъқуллаш, таъқиқлаш, ҳалол-ҳаром, рағбатлантириш, диний ибодат каби шахс фаолиятининг социал томонларига жиддий эътибор бериш, ўрганиш, эътиқод қилишга даъват этади. Жамиятда бирдамлик, ҳамкорлик, барқарорлик, осойишталик ва сабр-тоқатликка чақиради. Шу билан дин ўз ташкилотлари орқали аҳолини аҳилликка ҳайрия ишларини, зиёрат қилиш, тинч-тотув яшаш, ватанни ҳимоя қилиш каби социал-сиёсий функцияларни бажаради, турли хил реакцион диний оқимларни фош этади. Баркамол инсонни тарбиялашда маълум даражада ўз ҳиссасини қўшади.

Дин социологияси шу сабабли социологиянинг энг муҳим йўналишдаридан бири бўлиб, унинг энг муҳим вазифаси ҳам юқорида кўрсатилганидаёқ динни ва унинг моҳиятини, ижтимоий мақсадларини ўрганишдан иборатдир.

Дин социологиясини социология фанига биринчилар қаторида олиб кирган ғарбий Европалик социологик олимлардан Дюркгейм ва Веберлардир. Дюркгейм фикрича динни «Жамоатчилик тасаввур ва тушунчалари» одатий функционал ўрганишни ва дин эса жамиятни бирлаштириш, индивид билан ижтимоий соҳани (умум жамиятни) бирлаштириш, улар ўртасида яқин алоқалар ўрнатиш ричаги деб ҳисоблайди.

Вебер фикрича дин жамиятда социал ҳаракатларни вужудга келтирувчи жамиятда маълум ўзгаришларга олиб келувчи куч деб билади.

Ғарб социолог олимларида дин социологиясида қарашларида иккита асосий ўрганиш даражасини ўртага ташламоқда, яъни назарий ва амалий йўналишлари бўлиб, назарий жиҳатдан динни социал тизимнинг социэтал тузилиши бўлиб, эмпирик асосда социал ва демографик гуруҳ ва алоҳида олинган шахсларнинг диний қарашларини ўрганишлик ғоясини илгари суради.

Улар ҳам XX асрнинг 70-чи йилларигача бир қанча оқимларга бўлиниб кетганлар. Улардан кўзга кўрингани функционал (амалий) мактаб намоёндаларидир. Уларнинг ғоявий йўлбошчилари Парсонс ва Миртонлар (АҚШ) бўлиб, шу асосда ўрганишни Т.О.Дил, Л.Шнайдер ва Йингерлар кўтариб чиқмоқда.

Улар фикрича жамиятни мустаҳкамлаш кишилар бирлиги такомиллаштиришда дин социал структуралар доирасида катта роль ўйнайди демоқдалар. Бу амалий-функционалистик ғоянинг асосчиси Дюркгейм бўлиб, унинг бу ғоясини ҳозирги жамият бирлигини сақлашнинг муҳим факторлари демоқдалар.

Шу билан бир қаторда дин назарияси асосида функционалистлар диннинг ҳақиқий борликдаги (ҳақиқий) ўрнини ёки сохталигини асослашга ҳаракат қилиб, унинг иккинчи йўналишини-феноменаллик йўналишини асослашга ҳаракат қилмоқдалар. Бу оқимга америкалик социолог Бергер ва ғарбий Германиялик олим Лукманлардир. Улар социолог Э.Гуссерли социал ғоясидан ҳам ўтиб кетиб, жамият ва социал институтлар дин билан бирга кишиларнинг интер субъектив тафаккури маҳсулидир демоқдалар,

унинг асосида эса турмушда, жамиятда мавжуд реал ҳаёт, реал воқеликдир деган ғояни илгари сурмоқдалар. Агар ҳақиқатда улар фикрига асосланса жамиятда дин ҳаётнинг маънавий базаси, макони ҳисобланиб, бутун борлик кишиларнинг диний, асосга боғлиқ интер субъектив тафаккури, онгни боғлаб қўйишдир.

Умуман олганда дин социологияси социология фанида ўрганишлиги муҳим аҳамиятга эга бўлган соҳадир.

Назорат учун саволлар:

1. Ижтимоий жамиятнинг махсус соҳа социологиясига нималар киради?
2. Иқтисодиёт ва меҳнат социологиясини тушунтириб беринг.
3. Таълим, илму-фан социологиясиничи?
4. Этно-социология нима?
5. Шаҳар, қишлоқ социологиясида қандай мутаносиблик бор?
6. Сиёсий ва маънавий социологиячи?
7. Дин социологиясининг фукнцияларига нималар киради?

Таянч иборалар:

- **Махсус соҳа** – ижтимоий жамиятнинг ўзига хос йўналишли тармоқларидир.
- **Махсус соҳа социологияси** – социология фанида турли тармоқлар, ижтимоий жамият моҳиятига мос йўналишлар ва улар мажмуи, моҳиятини билдириб, у асосан-мисол учун меҳнат социологияси, таълим социологияси, маданият, дин, илму-фан ва бошқа соҳалар социологиясидир.
- **Технологик тараққиёт** – жамиятнинг ривожланиб тараққий этиши, илму-фан, техника, технология натижаларига, ҳозирги давр ривожига хос ҳолатга асосланиб ривожланишидир.
- **Таълим социологияси** – ёш авлодни тарбиялаш ижтимоий ҳаёт талаби нуқтаи назаридан билимли, ахлоқ-одобли қилиб жамият жонкуяри қилиб тарбиялашга асосланади.
- **Миллий масала ва сиёсат** – у жамиятда ҳамма мавжуд миллатлар, миллий гуруҳлар ва уларнинг қачон вужудга келиши жамиятдаги ўрни, мавқеи, истак-талаби, мақсади, роли ва аҳамиятини ифодалайди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Т., 1992, I-II бўлимлар, 16-17, 21-22 бетлар.
2. Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли». Т., 1992
3. Каримов И.А. «Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар». Т., 1992
4. Каримов И.А. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин». Т., 1994
5. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида…». Т., 1997
6. Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». Т., 1998
7. Каримов И.А. «Баркамол авлод орзуси». Т., 1998
8. Каримов И.А. «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз», Т., 2000 .
9. «Социология» (дарслик русча), М., 1990
10. «Социология» (ўқув қўлланма) Андижон, 1998
11. Бекмуродов М, "Социология асослари», Т., 1994 "Фан".
12. Юнусов К. «Социология» (ўқув қўлланма), 1997.
13. Ахадов Ш. “Социология”. Сам. 2007 йил

IV. Мавзу : “ИЖТИМОИЙ ТУЗИЛМАЛАР СОЦИОЛОГИЯСИ” (“СОЦИАЛ СТРАТИФИКАЦИЯ НАЗАРИЯСИ”)

РЕЖА:

1. Ижтимоий стратификация назарияси ва социологияси моҳияти

а) ижтимоий страталар ва уларни ўрганиш тарихи

б) ижтимоий страталар хиллари, типлари, принциплари

2. Ёшлар социологияси тушунчаси

а) ёшлар социологияси тушунчаси ва моҳияти тўғрисида

б) жамиятда, Ўзбекистонда ёшлар потенциаллари ҳақида

3. Девиант хулқ-атвор социологияси

а) девиант хулқ-атвор моҳияти ва тушунчаси

б) девиант хулқ-атвор турлари, унинг моҳияти ва ўрганилиши

Ушбу мавзу социология фанида ўзига хос муҳим аҳамиятга эга бўлган, жамиятнинг ижтимоий тараққиёти тўғрисидаги назариянинг жамият макро ва микро даражаси ҳақида ижтимоий ҳаётдаги ижтимоий тенгсизлик характери, моҳияти, сабаблари системаси ҳақида тушунчалар берадиган соҳа ҳисобланади.

Ижтимоий стратификация назарияси ва унинг социологиясига тушунча берилиб, моҳиятига таъриф берилар экан, дастлаб стратификация ўзи нима эканлигига аниқлик киритмоқ керак.

Ижтимоий жамият бир хилда, бир текисда силлиқ ривожланмаган, ривожланмайди ҳам, шу сабабли жамият аъзолари ҳам ривожланиши, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий ҳолати, турмуш

тарзи ҳам бир хил бўлмайди, бир хилда ривожланмайди, тараққий этмайди, жамият аъзолари бир хилда, ҳаммаси бой, ёки ҳаммаси камбағал эмас, бойи ҳам, камбағали ҳам, ўрта ҳоли, қашшоқи ҳам, ўғриси-тўғриси, пок покизаси, бузғунчи муттаҳами ҳам ва ҳ.к. мавжуд бўлиб,жамиятдаги ушбу хилма-хилликни бевосита жамият стратификация назарияси ўрганади, социал хулоса чиқаради. Жамиятнинг умумий қатламларини аҳоли тоифалари, социал қатлам ва синфларни ижтимоий гуруҳларни, демократик, ирқий, синфий ҳолатларини ўрганади, таҳлил, таъриф, назарий хулоса беради. Жамиятда аҳолининг турли категория қатламларининг ўзаро алоқа ва муносабатларининг илмий, назарий асосларини, йўлларини, тартибга солинишликни ўрганади.

Социал стратификация – бу лотинча сўз бўлиб, Stratum – қатлам, **lacere-** бўлмоқ, бўлинмоқ маъноларини бериб ижтимоий жамиятни табиий қатламларга бўлинганлигини эътироф этувчи тушунча бўлиб, марксистларнинг жамият аҳолисини синфларга, синфий қарама-қаршиликларга бўлинишига қарши, жамиятнинг синфларга бўлиб ажратиш назариясига қарши синфларга, синфий кураш назариясига зид Ғарбий Европа социологлари Вебер, Дюркгейм Парсонсларнинг ижтимоий жамият аслида ўзига хос жамиятнинг синфларга бўлинишининг асосий сабабчиси мулк, хусусий мулк муносабатлар эканлигини рад этиб, улар жамиятнинг бир-бирига қарама-қарши синфларга бўлиниши ўрнига – “ишлаб чиқариш” ишлаб чиқарувчи “иккинчи”, “иккинчи тоифа” ва “характери”, “характерли хусусияти”га қараб жамият аҳли қатлам, табақа ва тоифаларга бўлинади, - деган ғояни илгари сурадилар. Шу сабабли улар фикрича “аҳоли аралаш қатлами” бир-биридан

умуман фарқ қилмайди – деган ғояни қувватлайдилар. Ана шундай “Ижтимоий стратификация” ғояси социологияда пайдо бўлган.

Социал стратификация тушунчасида асосан қуйидаги учта белги – йўналиш муҳим роль ўйнаб, алоҳида ажралиб туради:

Биринчи – жамиятни қатламларга, табақаларга ажралишининг биринчи критерияси у ҳам бўлса социал мавқи, яъни социал авторитет, социал таъсирга эга бўлган социал ҳолатдир. Бу эса жамият аҳлининг “юқори, олий ва қуйи, паст” гуруҳ ва индивидларга, яъни бой, камбағал, ҳукмдор, итоаткор, аслзода – қора меҳнат аҳли – халққа ажралиш белгили йўналишидир.

Иккинчи – йўналиши эса ва унинг муҳими кишиларнинг ўзи-ўзига социал мавқеига қараб баҳо бериш белгисидир. Яъни бой ҳамма вахт бой, камбағал, подшоҳ-подшоҳ, эшон-эшон, аслзода-аслзода, қора халқ-қорахалқ ва ҳ.к.

Учунчи йўналиш эса социал қатламни аниқлаш энг муҳим критерия – у ҳам бўлса – профессия – малакавий касб-ҳунар, даромад, маълумот илмий-билимлилик критерияларидир. Демак, синфларга, синфий қарама-қаршиликларга бўлиниш рад этилади. Стратификация кишилар ўртасидаги бир-биридан ажратиб турадиган фарқ иерархик босқичма-босқич зигзак образли – **характерли** ҳолатга эга деган фикр тушунилади. Бу нимани англатади? Кишилар жамиятда албатта бир-биридан фарқ қилади, лекин бу фарқларнинг ҳаммаси ҳам жамиятда кишиларни **тенгсизликка** олиб келмайди.

Бу тенгсизлик умуман олганда шуни англатадики, жамиятда кишилар ҳаммаси ҳам бир хил шароитда, бир хил имкониятда яшамайди, шу сабабли кишилар жамиятдаги чегараланган моддий ва маънавий

эҳтиёжларга тенг ва баб-баровар фойдаланишга ҳам эга бўлавермайди ва қўйилабермайди. Бу энг муҳим тенгсизликнинг социал характери хисобланади.

Бу соҳада кишиларнинг жамиятда эгаллаган мавқеи, позициясига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ социал соҳалари ҳам мавжуддир, чунки алоҳида олинган кишилар бегона одамлар орасида қолиши ёки аксинчалик ҳолатлар ҳам мавжуд бўлиб, жамиятда кишилар кўплаб имконият ва позицияларга эга бўлиб жамиятда инсонларнинг “тенглик” имкониятига турлича социал характердаги ҳолатларни юзага келтиради ёки ҳамма вахт ҳам социал жило беравермайди. Жумладан, талабалардан ҳоҳлаганча мисол олиш мумкин. Масалан, талаба, ёш эркак, ёш жувон, ўғил ёки қиз, эр, хотин, спортсмен, мутахассис в.б. Уларнинг ҳаммаси ҳам кишига ўз позициясида оз ёки кўп аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Масалан, спортсмен яхши, ўзига хос социал муҳитда бошқалардек, талаба, эркак ёки аёл, аммо у яхши спортсмен сифатида атроф-муҳити ичида алоҳида характерли хусусиятга эгадир. Алоҳида спортни мукаммал ёки юзаки эгаллаган инсон-шахсидир.

Шу сабабли жамиятнинг ана шундай қатламлараро ҳолатини – стратификация социологик назариясини – жамият социал структурасининг кўп қатламлилик (многомерный) тизими мавжудлик ғоясини (М.Вебер) берган бўлса;

шу билан, яъни жамият кўп қатламли структурали тизимдан иборат бўлиб, синфлар мавжудлигини – хусусий мулк тизими статуси мавжудлик назариясини – социал статус назариясини, статус ва ҳокимиятнинг боғлиқлик ғоясини – стратификация социология статусини ёки функционал ғоясини – Парсонс, Шилз, Б.Барбер, К.Дэвис, У.Муррлар яратиб, социал

стратификация назариясига асос солдилар. Социал стратификацияни назария ва амалий жиҳатдан ўрганишда фикран ҳар бир инсоннинг бошқа кишилар ўртасидаги ўрни, мавқеи роли масаласини ўрганишдан бошламоқ социал стратификацияда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидламоқ керак. Чунки жамиятда реал ҳаётда инсон кўплаб имконият ва ҳолатли шарт-шароитларга ва позицияларга эгадир. Ушбу имконият ва эгаллаган позицияси кўп жиҳатдан инсоннинг ўзига кўп ва оз ҳатто йўқ ҳолатда боғлиқ ва боғлиқ бўлмаслиги мумкин. Бу муҳим ўринга ёки ролга, аҳамиятга эгадир. Алоҳида олинган инсон у балки жамиятда давлат арбоби, ёки студент, ўғри ёки бандит, ўғил ёки куёв, ота ёки бола ва ҳ.к. асосида намоён бўлиб, уларнинг жамиятдаги ўрни, мавқеи, роли бир хил эмас. Ана шунинг ўзи социал стратификация ҳолатини ташкил этади. Жамиятда ҳар бир индивид маълум мавқеига ва позицияга эга экан, маълум даражада ўзининг бурч ва маъсулиятини, ҳуқуқ ва мажбуриятини белгилаб берадиган статусга эгадир ва бу статус инсоннинг жамиятдаги бош статуси – социал ҳолатини белгилаб беради. Улардан айримлари инсоннинг туғилганлигидан (жинси, биологик ва социологик ҳолати, этник келиб чиқиши) бошқа статуслари эса инсоннинг бутун ҳаёти давомида шаклланиб, такомиллашиб боради. Унинг биринчиси “туғма, ёзилган статуси”, иккинчиси эса “социал ҳаётда орттирилган, тўпланган, такомиллашган статуси” да намоён бўлиб, бу эса “социал статус” “статив” деб аталиб, жамиятда инсоннинг социал стратификациялашиш даражасини ташкил этади.

Жамиятда ана шу инсоннинг ёки гуруҳнинг социал статуси иерархик ташкилий структурасини вужудга келтиради. Ушбу инсоннинг социал статуси

кишининг чексиз социал имкониятга, мавқеига эга эканлигини, инсоннинг ана шу имконияти эса жамиятда турли хил мавқеларга эга бўлиши, кучи, имконияти, социал шарт-шароити мавжудлигини ҳокимиятга, моддий бойликка эга бўлишлик каби чексиз социал ҳолатларни инсоннинг ана шу социал статуси орқали билиб олинади, ҳатто бу имкониятлардан ўз вақтида ўринли фойдалана олмаган индивуд, гуруҳ социал мавқеидан маҳрум бўлиб қолишлигини ҳам аниқланишига асос бўлаолади.

Жамиятда мавжуд бўлган, юқорида таъкидлаган инсоннинг шахс даражасига (ижобий ёки салбий) кўтарилишида муҳим аҳамиятга эга бўлган социал ҳолат ва бу жараёнларда жамиятдаги социал гуруҳларнинг, инсоннинг, инсон (шахс) онг ва тафаккурининг ижтимоийлашувини аниқлашда эмпирик социал тадқиқотлар муҳим ҳам назарий, ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга эгадир. Чунки социал жамиятда ижтимоийлашув жараёни ва уни аниқлаш, социал статус даражасига кўтариб, аниқ илмий фикр билдириш ниҳоятда мураққаб жараён ҳисобланади ва уни аниқлашда моддий жиҳатдангина эмас, маънавий жиҳат ва ундаги инсон (шахс) онг ва тафаккури ҳам ҳал қилувчи рол ўйнайди. Шунинг учун ҳам социал стратификация назариясини аниқлаш ва уни мукаммал ўрганишда эмпирик социал тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у сиз бирорта социал жамиятдаги социал страталарни ўрганиш мумкин эмас. Шу сабабли социологияда эмпирик социал тадқиқотларни мукаммал ўрганиш талаб этилади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, социал стратификация эмпирик социал тадқиқотларда уч хил ёндошув-услуб муҳим аҳамиятга эга бўлиб, шу услублар асосида ўрганилади. Яъни

1. ўз-ўзига-ўзича баҳолаш таъриф бериш ёки “синфий идентификация” (ёндашув) асосида таърифлаш бўлиб, унда социолог-респондентга (сўралувчи) ўз мавқеи ва қатламини сўраганда аҳолининг қайси синфдаги табақасига-даражасига мансуб эканлигини кўрсатилишига мувофиқ жавоб беришлик услубига айтилади, яъни инсоннинг жамиятда кимлиги ўзидан сўралиб аниқланади.

2. “Репутацияли баҳолаш услуби бўлиб, бунда сўровчи-тадқиқотчи социолог-сўролувчидан воситачи (эксперт ролини бажариши, яъни синфий табақа ёки мавқеини аниқланаётган шахс-кишига) холисона бир-бирига қайси социал гуруҳга мансублигини билдириш услуби; яна ўзгалар фикрига асосланиш услуби;

3. “объектив ёндошиш” услуби бўлиб, унда тадқиқотчи бир қатор объектив борлик критериялар асосида синфий-социал критерияли (даражали зинапоя ёки босқичма-босқичлик) асосида уч хил дифференцияацияли социал ҳолат асосида социал стратификация аниқланади, яъни ҳар бир индивуд, гуруҳ 1) ихтисослик мавқеи – яъни бу профессиянинг ноёблиги ва унинг орқасида социал турмуш ҳолатининг тобора яхшиланиб бориши; 2) маълумотлилик даражаси; 3) даромад даражасига қараб инсонларнинг социал стратификацияси – яъни аҳолининг социал мавқеи табақа ва қатлами аниқланади.

Ана шу услуб, яъни “объектив подход” усули Ғарб социологларнинг синфларга бўлиниши ва кишиларнинг социал-иқтисодий статусини аниқлашда муҳим роль ўйнаган ва бу услубдан кенг фойдаланган.

Кўплаб социологлар жамиятда кишиларнинг социал мавқеини, табақа ва қатламларини аниқлашда стратификациялашнинг социал 7-хил вертикал

табақаланиш ҳолатидан фойдаланиб ўрганишга ҳаракат қилинган. Улар қуйидагилардан иборат:

1) профессионал, маъмурий-юқори синф қатлами (юқори табақа вакиллари);

2) ўрта даражадаги техник мутахассислар;

3) коммерсиявий синф табақалари (савдо карчалонлари);

4) майда буржуазия синфи (ўрта мулкдорлар табақаси);

5) раҳбарлик функцияларини бажарувчи техниклар, ишчилар (рабочийлар) – яъни воситачи раҳбарлар – ўрта тоифадаги раҳбар ходимлар;

6) малакали ишчилар, яъни ҳақиқий моддий бойлик яратувчи малакали мутахассис меҳнаткашлар;

7) малакасиз, мутахассис ёки мутахассис бўлмаган ишчилар,меҳнаткашлардир.

Юқорида келтирилган аниқ даражада аҳолининг социал стратификация тури – қатламини аниқланишига имкон беради. Аммо ушбу юқорида номлари келтирилган аҳоли қатлами ҳам аниқ чегарага эга бўлмасдан, улар ҳам ўзларининг жамиятдаги социал мавқеи, иқтисодий, сиёсий ўрни ва ролини аниқлашда қийинчиликларни юзага келтиради, яъни уларнинг – профессияси малакалилиги; моддий даромати; маълумотлилиги, турар жой-яшаши, турмуш тарзи билан фарқ қилганлиги сабабли мавқеи, ўрни, роли ўзгариб туради ва шакли, гуруҳи аниқлашда ноаниқликни вужудга келтиради.

Стратификация тизими (система) типлари (турлари)ни қуйидагича изоҳлаш мумкин. (Бу услубдан Ғарбда, асосан Россияда кенг фойдаланади).

Т.р.	Тизим типлари (турлари)	Дифференциялаш асослари	Детерминацияли услубий фарқлари
1.	Физика-генетик тури	Жинси, ёши, физик маълумотлилиги, жисмоний ҳолати	Физик-жисмоний мажбурий одатлари, ҳолати
2.	Қулдорчилик	Фуқаролик, мулкдорлик ҳуқуқи, сиёсий мавқеи	Ҳарбий мажбурлаш, вахшийлик ҳуқуқи – зўрлик, хўрлик
3.	Кастова-кастачилик – табақа, тоифа	Диний ва этник асосида меҳнат тақсимоти	Диний ритуаллар этник қабиққа уланиш (этническая замкнутость)
4.	Сословная – табақа-ижтимоийлашув	Давлат олдидаги мажбурияти	Ҳуқуқий жиҳатдан расмийлашиш
5.	Этнократичность (ўтроқлашув – туп аҳолилик жараёни)	Хукмдорлик, иерархик даражаси (ранги ва властной иерархии) ирқи	Ҳарбий-сиёсий хукмронлик даражаси, бўйсинишлик
6.	Социал-профессиональник-социал-мутахассис малакалилиги	Машғулот тури ва малакавий маҳоратлилик - мутахассислик	Маълумотлилик – сертификатлар (маълумотлилиги)
7.	Синфийлик	Даромад миқдори ва мулкдорлилиги жамиятдаги ўрни	Бозор муносабатлар (бозор олмашуви)
8.	Маданий-маънавий ҳолати (культурно-символик)	Билим, илм даражаси	Диний, дунёвий ва мафкуравий
9.	Маданий-норматив	Ахлоқ-хулқ нормалари,	Аҳлоқий жиловлаш ва

		турмуш тарзларир	яхшиларга ўхшашга интилиш (моральное регулирование, подражание)

Ушбу стратификация тизим типлари алоҳида бир-биридан ажралган ҳолда эмас, балки бир-бирини тўлдириш ва ўзаро боғланиб, мутаносиблашиб кетиши билан турмушда, социал-жамиятда намоён бўладаи. Ушбу услуб бевосита Ғарбда ва Россияда қўлланилади ва социал стратификацион тизимни аниқлашда кенг фойдаланишга ҳаракат қиладилар ва ҳаракат қилмоқдалар.

Социал стратификация тизимини аниқлашда унинг назарий, илмий ва амалий жиҳатларини ўрганиб, тахлил қилишда, қадимдан амал қилиши жараёнлари қадимий Шарқда ва Турони заминда ҳам Шарқона услубда ва оригинал формада фойдаланиб келганлар, ҳозирги кунда ҳам ижтимоий жамият страталари – элементларини аниқ тахлил қилиб келинган ва келинмоқда.

Азалдан жамиятда жамият аъзоларини, инсонларни турли тоифали табақаларга ажратилиб, бўлинган ҳолда тахлил қилиниб келинган. Жумладан, яқин Шарқда, Миср ва Вовилонияда зодагон ва қулларга Афина ва Римда фуқаро ва плебей, патрицейларга, Ҳиндистонда эса брахман ва хизматкорларга (4-та табақага) ажратилиб келинган ва амалда қўлланилиб ўрганилган, амал қилинганлиги фанда маълум.

Турони заминда эса аҳолини тоифа, табақаларга бўлиниши қадимдан маълум бўлиб, улар қуйидагича амал қилинган.

1) эл-элат, уруғ-қабилавий этник келиб чиқишидан;

2) касбий мансублиги, ҳунар-ҳунармандчилик ҳолатига мувофиқлиги;

3) диний-эътиқодий қарашлари ва қайси динга мансублигига мувофиқлилигига;

4) шажаравий – авлод – аждодларига мансублик каби сулолавий келиб чиқишига қараб, эътиборга олиниб гуруҳ, тоифа ва табақаларга бўлиниб келинганлигига, мулкий мавқеига қараб – бой, камбағал, батрак ва тўпор, мардикор каби ҳолатларга эътибор берилган.

Маънавий мавқеига қараб аҳоли ўртасида – саид, эшон, хўжа, имом, мулла, мақсим ва домла каби гуруҳларга ажратилган ҳолда муносабатда бўлинган.

Турони заминда аҳоли қатламини ижтимоий турмушнинг табиий-объектив картинасини жамиятдаги ҳолатга мувофиқ социал гуруҳларга ажратилиб келинган ва бошқарилган.

Жамият тараққиётининг бу хилда шарқона бошқарилишини тарих тажрибаси, унинг объектив ҳолатда мавжудлигини кўрсатмоқдаки, инсонларни (шахсларни) бу тартибда гуруҳлаш, ижтимоий қатлам-табақа ва тоифа сифатида социал гуруҳ-гуруҳларга – страталарга ажратиб ижтимоий-сиёсий мавқеи, ўрнини тўғри қилиб белгилаш, шу асосда бу социал гуруҳ страталарга муносабатда бўлиш ҳолати жамиятни социал-сиёсий жиҳатдан самарали бошқариш имконини берган ва асрлар оша ана шу социал тартиб Турони заминда мавжуд бўлиб келган, умумдавлат миқёсида улар билан ана шу тизимда социал-сиёсий мурасовий концепциясини такомиллаштирилиб, социал зиддиётларнинг олди олиниб, кескин социал-сиёсий муаммолар ҳал қилиниб келинган.

Жамиятда мавжуд бу социал тизим вақт ўтиши билан асрлар оша тобора такомиллаша боради, жамиятдаги жиддий, маънавий, моддий ўзгаришлар, жамиятнинг цивилизациялашуви жараёни бу социал гуруҳлар-страталар ҳаётига ҳам жиддий таъсир этиб, анъанавий (аввалги) тизим тартиботларига ижтимоий гуруҳлар, синфларнинг абадий турғунлик тушунчаларига кескин зарба берилади, аҳолининг ўзгармас қатламлари ҳақидаги тушунчаларга аста-секин барҳам берилиб борилади.

Табақа, қатлам, синфларнинг жамиятдаги анъанавий фарқлари узоқ йиллар ўтиши оқибатида, тобора емирила боради, социал гуруҳлар – страталарнинг ижтимоий гуруҳланиш тенденцияси юзага келаберади ва шакллана боради, янгича қатлам, синфлар тобора вужудга келиб, синфлар уюшқонлиги пайдо бўлиб, ўз навбатида жамиятни бошқариш тизимларини шакллантириш зарурияти вужудга келабошлайди ва бу эҳтиёж кўп ҳолатларда сиёсий ва жамиятни социал бошқаришдан тез ривожлана бориши ҳолатлари юз бера бошлаб янгича шаклланган аҳоли қатлами – синфлар талабига жамиятни сиёсий бошқариш тизими кўп ҳолатларда жавоб бера олмай қолиш ҳолатлари юз берган жойлар – худуд, мамлакат-давлатларда жамиятни янгича бошқаришга мослашаолмай турли хил социал портлашларга олиб келади ва олиб келган. Бунга жаҳонда кўплаб мисоллар келтириш, социал ўзгаришлар ижтимоий-сиёсий бошқариш тизимлари ўзгарганлиги ҳақидаги воқеаларни, ҳатто ҳозирги кунда ҳам (жумладан, Қирғизистон, Украина ва бошқалар) мавжудлигига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Жамиятда юз бераётган бундай социал-синфий ўзгаришлар қадимда ҳам ва ҳозирги замонда юз бериб

социал-сиёсий бошқаришни демократлаштириш эҳтиёжи заруриятини вужудга келтирган ва ҳозирги замонда ҳам бу масала объектив долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Чунки жамиятда шаклланиб, катта ижтимоий-сиёсий кучга айланаборадиган социал гуруҳ-страталар талаби доимо бошқаришга нисбатан илгарилаб кетади ва жамиятни янгича социал-сиёсий бошқариш эҳтиёжини вужудга келтириб бошқаришни янгилаш заруриятини объектив муаммо қилиб қўяди. Аммо шуни ҳам таъкидлаш зарурки, жамиятни синфларга бўлиб, улар ўртасидаги қарама-қаршиликлар асосида синфий курашлар мавжудлиги сабабли бу синфий курашларнинг олдини олиш, синфий муаммоларни ҳал қилиш жамиятни сиёсий бошқаришнинг асосий вазифаси, - деб қараганлар. Бу муносабат эса умумий тарзда синфлар мақсад ва манфаатлари ҳисобга олиниб, ана шу синфлар таркибидаги ижтимоий-социал гуруҳларнинг-страталарнинг мақсад-манфаатларига эътибор берилмаган. Жамиятдаги умумий ёндашилиб бир синф вакиллари билан иккинчи синф вакиллари қарашларидаги тафовут-фарқларни умумий тарзда аниқлаш масаласи ижтимоий фанларнинг, шу жумладан социология фанининг ҳам вазифаси бўлиб, ижтимоий муаммоларга бир томонлама ёндашиб келинган. Жумладан, жамиятда аҳолининг ижтимоий тузилишини умумий тарзда Ғарбда ва собиқ Совет тузуми даврида учта: ишчилар, деҳқонлар ва зиёлилар, (Ғарбда капитализм шароитида буржуазия, майда буржуазия) каби синфларга бўлиб, уларни ажратиб социал муаммоларини умумий синфий муаммолар тарзида ўрганилиб, умумий тарзда бу социал муаммоларини ҳал қилинишга ҳаракат қилиниб келинган. Ваҳоланки, ишчилар синфи таркибида

манфаатлари, турмуши, касби, ҳунари, мавқеи, машғулот тури бир-бирига тўғри келмаган қанчадан-қанча социал гуруҳлар мавжуд бўлиб, уларнинг ўзаро манфаатлари ҳам турличадир, иш, меҳнат шароитлари, меҳнат тақсимотлари ҳам турличадир. Ана шундай ижтимоий ҳолатнинг турли хиллиги деҳқонлар синфига ҳам, зиёлиларга ҳатто буржуазия деб аталгувчи синфларга ҳам таалуқлидир. Бу синфлардаги турли хил майда-майда бир-биридан фарқ қилинадиган социал гуруҳлар борки, уларнинг ҳам ўзига яраша социал муаммолари мавжуддир, бу социал гуруҳлар эса жамият аҳоли таркибининг асосий қисмини ташкил этиб, уларни социаология фанида социал-страталар – социал гуруҳлар деб аталади. Уларнинг жамиятдаги мавқеини, ролини, ўрнини ва истак, мақсад ва манфаатларини юз берган, берадиган социал муаммоларини социал стратификация йўналиши ўрганади. Социал стратификация деб ўрганиладиган жамиятнинг стратификацион социал йўналишларини социология фанида – иккита катта социал йўналиш асосида ўрганилади.

Биринчиси – моддий йўналиш, бунда жамиятда моддий ноз-неъматлар, озиқ-овқат, кийим-кечак махсулотлари, умуман инсон учун, инсон яшаши учун зарур бўлган эҳтиёжларини қондирадиган иқтисодий талаблар амалга оширилиб, ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш воситалари, ишлаб чиқариш кучлари, ишлаб чиқариш муносабатлари асосий рол ўйнаб, унда меҳнат, меҳнат тақсимотлари жараёнлари асосини ташкил этиб социал муаммовий йўналишларни ташкил этади.

Иккинчидан эса – жамиятнинг социал маънавий йўналишини ташкил этади. Унда жамият аҳлининг ақл заковати, онг, тафаккури, маънавий маданияти

шаклланади, маънавий меҳнат ва унинг натижалари, инсон билими, илми, тарбияланганлиги, таълими, моддий турмуши асосий аҳамиятга эга бўлади.

Моддий социал йўналишининг объекти бу ишлаб чиқариш корхоналар, муассасалар, қишлоқ хўжалиги унинг турли хил соҳалари, саноат ишлаб чиқариши унинг турли хил тармоқлари асосий объект ҳисобланиб, бу йўналишда ҳам инсонлар (шахслар) мавқеи, ўрни, роли, табақа, тоифа каби, яъни бой, бадавлат, мансабдор, камбағал, йўқсил, қашшоқ ва ўғри, порахўр, зўровон, таланчи, фирибгар ва ҳ.к. каби социал гуруҳлар – страталари мавжуддир. Маънавий-маданий социал йўналишда ҳам унинг объекти-таълим-тарбия тизими, илму-фан, маданий масканлари ҳисобланиб, бу йўналишда ҳам турли хил аҳоли қатламлари-табақа, тоифалари – бой, камбағал, мансабдор, мансабга интилиш, маънавий бой зиёли, маънавиятсиз зиёли, салоҳиятли интеллигент, саводли, саводсиз, маънавий қашшоқ, манхурт шахс каби социал гуруҳлар – страталар мавжудлиги табиийдир.

Жамиятнинг ана шундай мураккаб тарзда ижтимоий тузилишини мукаммал ўрганиш, муаммолар сабаблари, ҳал қилиш йўлларини аниқ билиш, аниқлаш, ҳар бир социал гуруҳнинг истак-мақсадлари, манфаатлари, эҳтиёжлари, талабларини, уларнинг жамиятдаги ўрни, мавқеи, ролини аҳамиятини аниқлаб, тўғри муносабатларни белгилаш бевосита жамиятда юз берадиган социал қарама-қарашликларни, зиддиётарни, бартараф этишда катта аҳамиятга эгадир, бу эса жамиятни сиёсий бошқаришни осонлаштиради. Ушбу соҳани ўрганиш фақат социология фани ва унинг энг муҳим йўналишларидан бири – социал стратификация йўналиши ҳисобланади.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, яъни ижтимоий жамият тараққиёти жараёнида юз берадиган тоталитар тизим ҳукмронлик қилган шароитда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт фақат умумий тарзда синфлараро кураш асосий ва бош сабаби, - деб қаралган ва хулоса чиқарилиб жамиятдаги бошқа юқорида таъкидланган социал гурухлар эътиборга олинмаган, гурухдаги муаммоларга ҳам социал гурухлар-страталар манфаатлари асосида эмас синфлараро манфаатлари нуқтаи-назаридан қараб ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга нотўғри ҳаракат қилиниб келинган, социология фанида социал стратификация тамойиллари бузилиб келинган. Шу сабабли жамият тараққиётини синфлараро қарама-қарши ва зиддиётлар асосида эмас, социал гурухлараро, улар манфаатларига мувофиқ ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу биринчидан. Иккинчидан эса жамият тараққиётида, ижтимоий тараққиётни идрок этишда индуктив ёндашувларни мутлоқлаштиришдан иборат бўлиб, бу индуктив метод эса у ҳам, хусуснинг (яккалик, яъни страталар) умумга (умумийликка мансублиги) мувофиқлаштирилиб, ижтимоий тараққиётнинг асосида бош сабабчи ҳам умум (умумийлик)нинг тўла намоён бўлиши асосида хулоса қилиш ғоясига амал қилиш жамиятда ижтимоий-иқтисодий муҳитнинг мавжуд объективлиги қандай бўлишидан қатъий назар умумга (умумийликка) амал қилиш муқаррар деган нотўғри ғоявий тамойилларга амал қилинган. Натижада ижтимоий жамият тараққиётида табиий социал муҳитни тан олинмаслик ҳаракатлар ўтмишда жамиятга катта зарар келтирилган. Бу индуктив метод ҳам нафақат социал гурухлар-страталарнинг, балки жамиятда аҳолининг этник хусусиятлари ҳам, табиий, ижтимоий муҳитнинг ҳам устуворлиги тан олинмасдан

умумийликка риоя қилишликдан иборат бўлиб, объектив борлиқнинг социал тамойиллари қўпол равишда бузилиб, жамиятда миллионлаб кишиларнинг манфаатларига зарар келтирган, хатто миллинлаб кишилар ёстиғини қуритган. Ҳозирги замонда ҳам қисман бўлсада ушбу ҳолат такрорланиб турмоқда.

Ҳозирги даврда ушбу индуктив методнинг, яъни хусуснинг (яккалик, индивид, социал гуруҳлар....) умумга (умумийлик) амал қилиш ҳолатлари ижтимоий жамиятда ҳозирги кунда ҳам экологик муҳитнинг бузилишининг глобаллашуви ичимлик сувларнинг, атмосферанинг, ҳаво таркибининг бузилишлик ҳолатлари, заҳарланишнинг тобора ўсиши, кўпайиши жараёнлари, инсон умрининг ўртача нормалари камая бориши, Оролнинг қуриб бориши, Сибирь ўрмонларининг сув остида қолиши (электр станция қурилганлиги сабабли), пахта якка хокимлиги, хатто регионал сиёсий жанжаллар, зўравонлик диний экстремистик ҳаракатлар ва бошқалар салбий оқибатли ҳолатларнинг такрорланиб туришига сабаб бўлмоқда.

Индуктив методга амал қилишнинг уни мутлоқлаштиришнинг нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки маънавий зарарлари ҳам чексиз эканлигини нафақат ҳозирги даврнинг амалий натижалари, балки қадимги Шарқ, Ғарб, Марказий Осиё мутафаккирлари ҳам ўз эътиборларини қаратиб, асосан инсон онги, тафаккури ва ўз-ўзини англашдаги келтириладиган катта зарарлари ҳақида “Авесто”да, Зардушт, Хитойлик Лао Цзин, Конфуций (“Ўн уч китоб”, Ислом дунёсининг буюк алломаси Имом ал-Бухорий, Марказий Осиёлик Имом Мотрудий, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Қадимги Рим-Юнонистон мутафаккирлари (Платон (Афлотун), Арасту (Аристотель), Цицерон ва бошқалар ўз

асарларида хусусни эътиборсиз қолдириб, умумни мутлоқлаштириш зарарли оқибатларига олиб келишини исботлаб берганлар. Ҳатто ўтмишда умумнинг мутлоқлаштирилишига қарши унинг зарарли оқибатлари ҳақида очиқ чиқишлар бўлган. Жумладан, умумнинг чегарасиз устунлигини таъминлаб, уни мутлоқлаштиришга қарама-қарши, табиий-ижтимоий қарашлар, яъни хусуснинг умумга мувофиқлиги, хусусни тан олиб унга амал қилиш ғоясини кўтариб чиққанлардан, йирик ислом дунёсига машҳур олим – Мансур Халлож (“...мен ... худоман – минал-ҳақ шиори), йирик давлат арбоби олим Умар Хайём, Мирзо Улуғбек (“Динлар тумандек тарқаб кетади, подшоликлар емирилади, аммо олимлар иши абадий қолади” – фикри). Ғарбда Жардана Бруно, Галилея Галилей, Коперник, Шарқда Конфуций ва ҳ.к.ларнинг тарихий жасоратлари жаҳонда маълумдир. Улар жамият тараққиётида умумни мутлақлаштиришга қарши ижтимоий-табиий муҳитга асосланиши, жамиятдаги хусусларни, индивудларни алоҳида-алоҳида ўрганишни, улар орқали умумга мувофиқ муносабатда бўлишликни, миллийлик ва умуммиллийлик тамойилига риоя қилишни, социология асосида хулоса қилинадиган бўлса, соцал гуруҳларга-страталарга, улар манфаатларига мувофиқ муаммоларни ҳал қилишни таъкидлашдан иборатдир.

Умуман ижтимоий-табиий социал муҳитга асосланиб социал стратификацион тамойили талаблари асосида ўрганиш социологияда муҳим аҳамиятга эгадир, яъни хусус билан умумнинг мутаносиблаштириб, бараварлаштириш асосида (яъни яккадан (хусусдан) умум келиб чиқиш ғоясига амал қилиш), ўрганиш ғояси, ижтимоий воқеликда қатор объектив ижтимоий-назарий йўналишларнинг юзага

келишига сабаб бўлади ва бўлмоқда. Жумладан, “Ҳақнинг ҳамма жойда (жаҳонда) зоҳирлиги, “ҳақ” нинг ҳар бир “хусус”да – шахсда, инсонда мавжудлиги, мужассамлиги, “ҳақ” билан “хусус”нинг узвий мутаносиб уйғунлиги, боқийлик ва ҳ.к. ғоясининг мавжудлигида мавҳумлиги, унинг устуворлигига асос бўладиган турли хил илмий-назарий қарашлар шулар жумласидандир. Ёки халқ, миллат, эл-элат тушунчаларининг асосида хусус, индивуд, инсон, шахс бўлиб, умум элатни, халқни, миллатни ташкил этади ва ҳ.к.

Шунинг учун ижтимоий ҳаётда “хусус”, “яккалик”, “алоҳидалик”нинг умумга айланганлиги ундан фалсафий жиҳатдан фақат ҳажм ва шаклда кичиклиги (“хусус”-бирлик, “умум” эса кўпликни билдиради) ва яширинлиги (ботинийлиги) нуқтаи-назаридан қаралганда жамиятда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳаётда кутилмаган ижтимоий, маънавий, ҳатто сиёсий оқибатларни юзага келтирилиши мумкин, бундай ҳолатлар жамиятда мавжуд бўлмоқда ва бундай воқеалар юзага келмоқда.

Шу сабабли ҳамма вахт умумда, хусус, якка-алоҳидаликни – страталарнинг хусусиятларини, моҳияти ва аҳамияти, роли ва ўрнини ҳисобга олиш хусус эса умумга мувофиқликка риоя қилиш зарурлигини таққоза этади. Ана шундагина ҳар қандай инқирозли вазият юмшоқ ҳал бўлади.

Жамиятни социал жиҳатдан объектив англашда тажриба тарзида ўрганилган бундай ёндошувлар ўртасидаги фарқ ва тафовутларни, ҳар бир “хусус” га хос бетакрорлик ва уникаллик жиҳатларини истисно этилишига олиб келадиган бўлса, иккинчи томондан, “умум” олдида “хусус”нинг арзимаслигини,

беқарорлигини юзага келтиргандай бўлади. Унга йўл қўймаслик керак.

Тоталитар тузум ҳукумронлиги даврида табиатнинг ноёб истеъдодлари “умум” ҳукмронлигига айлантирилиб “хусус”лар – талантли, қобилиятли шахслар оёқ ости қилинганлиги, ҳаммани “тенг”, “бараварлаштирилиб”, “текисчилик” шиорини асосий шиор сифатида амал қилиниб, инсонларни “жамиятнинг винтиклари”га айлантирилиб, уларни истаган пайтида иккинчи “винтик” ка алмаштириш мумкинлиги сиёсатини кенг кўламда қўлланилиб келинди.

Одатда ижтимоий адолатлиликни қарор топтириш тарихи инсоният томонидан ўз-ўзини англаш, билиш жараёнлари шакллана бориши билан боғлиқ бўлиб, тобора у такомиллашиб боришини кўплаб қадимий манбаълар, китобларда учратиш мумкин. Бу ҳақда “Овесто”да аҳолининг барча қатламлари, қавмлари ва гуруҳлари учун умумий турмуш тарзи қоидалари, нормалари, одатий тартиблари тасниф этилади. Бу ҳолатлар ҳамма учун “умумий” бўлиб, уни “хусус”лар ташкил этади. Ундан ташқари бундай “умумий” лик Антик дунё қонуншунослари томонидан, жумладан, Салон томонидан яратилган илк қонун-қоидалари мажмуида ҳам бу ҳақда фикр юритилиб, турли хил ижтимоий гуруҳлар ўртасида “хусус”ни инобатга олиб “умум” тартиб қоидалар асосида тотувлик ва муроса-мадора меёрларидан ўринли фойдаланиш қатъий қилиб қўйилган.

Жамиятда инсонларнинг ўз-ўзини англаш жараёнларининг муҳимлигини ва унда “хусус” билан “умум”нинг мутаносиблиги заруриятини ўрта асрлик бир қатор мутафаккирлар, шу жамладан Рене Декарт катта эътибор берган. У моҳиятга ҳар бир индивуд ўз

мақсадига мувофиқ алоҳида-алоҳида интилади ва ҳар ким ҳар хил шароитда унга эришишга ҳаракат қилади ва эришади ҳам деб ҳисоблайди. Ҳақиқат гарчи “умумий” бўлсада, унга янги интилишлар орқали кутилган натижани олиш ва уни ялпи англаш имкони йўқлигини таъкидлайди.

Ҳар ким, ҳар хил гуруҳ (страта) ҳақиқат моҳиятига турлича даражада яқинлашади. Декартнинг алоҳида ўқтиришига кўра “ҳақиқатни бутун халқдан кўра алоҳида инсонлар тезроқ эришади ва ўзлаштиради” ва бу англанган ҳақиқатни бошқаларга етказадилар, шахсларнинг жамоадан фарқлари ҳам ана шунда намоён бўлишини таъкидлайди.

Жамиятни стратификацион тасниф этишга мухоллиф (қарши) кучлардан бири сифатида маълум бўлган Покистон, Бангладеш, Ҳиндистонда амал қилаётган А.А. Мавлудий асос солган “Жамияти Исломия” уюшмаси аҳолининг ирқий, миллий ва тиллари борасидаги тенглигини эътироф этган ҳолда, улар таркибида синфлар, ижтимоий қатламлар, ижтимоий гуруҳлар мавжудлигини инкор этади.

А.А.Мавлудий тарафдорлари ҳар қандай демографик, ижтимоий интеллектуал ва ҳиссий бўлинишлар сунъий моҳиятга эга бўлиб, исломий якдилликка эришиш йўлида уларни эътиборга олмаслик лозимлигини ўқтирадилар.

Ижтимоий таснифлар, гуруҳ қатлам, табақа ва тоифалар – страталарни тан олмаслик бир қатор бошқа диний оқимлар ва ҳаракатлар фаолиятида, жумладан “Хезбу тахрири Исломия”, Ваҳобийя”, “Нур”, “Акромия”, “Товба” ва бошқа бир қатор диний оқим тарафдорлари фаолиятида яққол намоён бўлмоқдалар. Уларнинг назарида динга садоқат, исломий эътиқод даражалари мусулмонларни ўзаро фарқлантириб

тургувчи омил ҳисобланиб, фақат эътиқодий жиҳатдан страталарга ажратиш муҳим ва асосий ҳисобланиб маънавий мезон вазифасини бажарадилар, - деб ҳисоблайдилар.

Умуман олганда стратификацион таснифларни ўрганганда оламни яхлит бир бутунлик тарзида тассавур этиш, яъни – “оламий уйғунлик” (“Оламий мутаносиблик”) назариясига монандлик бир-бирига боғлиқлик жиҳатларини ҳам эътиборга олиб ўрганилса, бу объектив ҳақиқат бўлиб мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

“Оламий уйғунлик” (“Оламий мутаносиблик”) назарияси тарафдорлари бўлган ўтмишдаги бир қатор алломалар ўзларининг аниқ ва яққол фикр-мулоҳазаларини билдириб кетганлар. Жумладан, антик олимлардан Гераклит бу ҳақда қуйидаги фикрни билдириб кетган. Унинг фикрича “Оламий уйғунлик”нинг асосини (яъни оламнинг асосини) сонлар эмас, балки – моддий буюмлар ва уларнинг ягона субстанциясидан пайдо бўладиган, қарама-қаршиликлар курашида ўзаро бир-бирига ўтадиган сифатларнинг боғлиқлигини ташкил этади, - деб объектив борлиқни таққоза этади.

Платон (Афлотун) эса – “оламий уйғунлик”, “оламий жон” оламни руҳлантириб, ўзи (“Олам”) жоннинг сонли нисбатларга гармоник тартибга бўйсинади, - деб ҳисоблаб, бу ғояни янада аниқроқлаштириб, стратификацион тасниф (яъни жамият таркибини – А.Ш.) жамиятда уч ёқлама таркибда бир-бирига боғлиқликда амал қилади ва ўзгармайди, - деган ғояни илгари суриб, уни қуйидагича асослайди.

Яъни, **биринчидан** – бу ғоя нарсаларни моддийлашган ҳолда намоён бўлиши; **иккинчидан** –

эса нарсаларнинг ўзи ҳам муайян ғояни доимий тарзда таққоза этиб туради (яъни, яратиб, вужудга келтириб туради, - дейди);

Учунчидан – ниҳоят ғоянинг ўзи мустақил равишда амал қилади, - деган “оламий уйғунлик” назариясига ўз фикрини беради.

Платон ана шу ғояси асосида жамият таркибидан амалий жиҳатдан йирик учта гуруҳга: 1) файласуфлар, элита вакиллари (давлат ва жамият бошқарувида хизмат қилувчи ва асосий ўринини эгалловчилар);

2) харбийлар (жамиятда қудратли кучлар);

3) қуллар (яъни, жамиятда ҳеч қандай ҳуқуқга эга бўлмаганлар).

Платон илгари сурган ушбу ғоявий нуқтаи-назарига мувофиқ стратификацион тасниф азалдан муқаррар нарса (“борлиқ”) бўлиб, унинг чигал (қийин) тамойиллари жамиятда юз берадиган ижтимоий вазиятларга кўра ўзгариб боради, - деган ғояни илгари суради.

Аристотель (Арасту) “Оламий уйғунлик” назариясига нисбатан ўзининг Платонга нисбатан фарқ қиладиган фикрларини илгари суради. Унинг фикрича жамиятдаги тартибсизликлардан вужудга келган “Оламий уйғунлик” у “жон”даги манба (яъни Оллоҳнинг инсонга ато этган – жони” эмас, балки, фақат нарсалар (моддийлик – А.Ш.) табиатидаги манбаълар, - деб ўзига хос ғоясини илгари суради.

Алоҳида шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Антик дунё ва ўрта асрлар жараёнида фаолият кўрсатиб кетган алломалар нуқтаи-назаридан келиб чиққан, юқорида таъкидланиб ўтилган ғоявий фикрларидан хулоса қилиб, шуни таъкидлаш лозимки, яъни жамиятдаги кишилараро боғлиқлик ва ўзаро алоқадорликни ифодаловчи стратификацион таснифлар

– бир томондан илоҳий мукаммалликнинг (“Оллоҳнинг”) инъикоси сифатида намоён бўлса (“Оллоҳ иродасига боғланса – А.Ш.) иккинчи томондан эса ўзида объектив борлиқнинг (табиат ва жамиятнинг – А.Ш.) хосларини ифодалайди, намоён этади. Бу хослар бевосита объектив, реал борлиқни бевосита илоҳият (оллоҳ иродаси – А.Ш.) қонунлари ўртасида (илоҳият табиат жамият қонунлари - А.Ш.) боғлиқлигидан иборат бўлиб, ундаги зиддиятлар, симметрик, ритм жараёнлари, тадрижийлик, яхлитлик, бирлик тузим ва тизилмалари каби тушунчалар фаолиятида ўз аксини топади ва жамиятда намоён бўлади.

Стратификацион ҳодисаларга объектив идеализм (борлиққа илоҳий тус бериш – А.Ш.) нуқтаи назаридан ёндошган йирик файласуф олим Гегель – табиат ва жамиятда рўй берадиган барча ҳодиса ва воқеалар, жараёнлар умуман ҳаракатнинг ҳар қандай кўриниши “умум”дан “хусус”га томон, мавҳумликдан аниқликка қараб йўналишини қайд этади. Унинг мазмуни эса ижтимоий табақаланиш жараёнларининг дастлабки нуқтаси, ибтидоси абсолют ғояга (абсалит рухга – оллоҳга), яратганнинг иродасига боғлиқлигини ифода этиб жамиятдаги страталарни ва уларнинг “хусусий”ликдан “умумийлик”ка ва улар моҳияти “умумийлик” билан боғлиқликда намоён бўлишини рад этишдир.

Ғарбий Европалик яна бир социолог олим Макс Вебер “умумийлик” ва хусус” борасида ўзига хос идеяни илгари суради. Унинг фикрича жамиятдаги барча эмпирик амалий нарсаларни тартибга солишнинг қулай усули бўлган идеал типлар, яъни ҳамма, ҳамма нарсаларни муайян гавдалантираоладиган воситалар копцепциясини илгари сўради. Унинг нуҳтаи-

назаридан олиб қаралса феодализм, капитализм ёки қулдорлик жамият тузилмалари жамиятда тарихан шаклланган формациялар сифатида эмас, балки аҳоли турли табақалари ўртасидаги муносабатларнинг идеал мувофиқлашуви, қатъийлашган уйғунлашуви тарзида талқин этилиб жамиятдаги мавжуд барча табақа ва гуруҳлардан иборат ранг-баранг страталар таснифи ҳам ана шу идеал мувофиқлашув ва қатъийлашганлик моҳиятидан келиб чиққан ва амалга оширилган, - деб илмий тахлил натижаларига асосланади.

Макс Вебер стратификацион жараёнлар моҳиятини очишда рационалистик асосида ёндашади ва рационалистик омилнинг муҳимлигига алоҳида аҳамият беради.

Макс Вебер фикрича рационализм Европа ҳалқлари табиатига хос бўлиб, бу омилни ижтимоий воқеликнинг барча соҳаларига жорий этиш зарур, деб ҳисоблайди. Уни амалда қўллаш учун қуйидаги принципни жорий этишни таклиф этади. Иқтисодиётда – дейди у, - икки ёқлама ҳисоб-китобни амалга ошириш тизимига ўтиш, ахлоқ борасида эса – тўғри ва тенг муносабатларга амал қилишга, эришишни, сиёсатда – парламентаризмга амал қилиб, расмий ҳуқуқ ва маъмурий бошқарув институтларини жорий этиш зарурлигини, мусиқа соҳасида эса – Европага хос ноталар тизимини ва унга мос техник (чолғу асбоблари) воситаларини уйғунлашув меъёрларига ўтиш ғоясни тарғиб этади. У ҳамма соҳага умумпланетар ахлоқ ва турмуш тарзи фақат Европа халқларигагина хос деб ҳисоблаб, бу соҳада у миллийликда алоҳидаликни (яъни европачалик тизимни) иқтисодиёт, сиёсат ва ҳуқуқ ва бошқарувида, ахлоқда умумийликни улуғлаб дуализм – икки томонламалик позициясига амал қилади. Шу сабабли

Макс Вебер ҳамма нарсаларнинг жамиятда яккаликдан умумийнинг (“хусус”дан “Умумнинг”) келиб чиқишидек умумий қонуниятни унутади.

Социал стратификациянинг яна бир энг муҳим ва асосий тушунчалари сифатида намоён бўладиган соҳаси, у ҳам бўлса жамият социал – яъни ижтимоий таркиби, унинг ижтимоий гуруҳлари ва уларнинг табақаланиш белгилари (бой, камбағал, қашшоқ, лимфан – пролетар, батрак, мардикор, тўпар, капиталист, буржуй ва касби-ҳунари, билими, мавқеи, ихтисоси ва ҳ.к.) тизими ҳисобланади. Бу соҳага юқорида таъкидланиб ўтилганимиздек, икки хил ёндошув ҳозирги замон социологлари қарашида мавжуд, яъни социал стратификацион назарияга мувофиқ жамиятдаги ижтимоий гуруҳларнинг (ҳамма турдаги меҳнаткашлар) ишлаб чиқаришдаги иштироки, жамиятнинг мулкка бўлган муносабатлари асосида табақалашуви жараёни хусусида марксистик ва номарксистик (яъни марксистик ва унга қарши қарашлар) ёндашувлари мавжуддир. Марксистик қарашлар жамиятнинг мулкий табақалашувини синфий нуқтаи назардан тахлил этса, ҳозирги замондаги кўплаб социологлар уларнинг-марксистларнинг синфий қарашларини рад этиб, жамият табақаланишини жамиятнинг ижтимоий гуруҳлар табақаланишини маълумоти, руҳияти, маиший шарт-шароитлари (мулкий ҳолати), бандлик даражаси, даромад кўламлари ва бошқа белгиларга кўра табақаланишини асосий деб ҳисобламоқда. Шу билан бир қаторда бу ёндашув тарафдорлари илмий жиҳатдан ёндашув деб ҳисоблаб, жамиятда ижтимоий турмуш тарзи, маълумоти, касби ва бошқа ранг-баранг фарқланмаларга, мулкий мавқеларига кўра аниқ ажралувчи-табақаланувчи гуруҳлардан ташқари

жамият аҳлини яна юқори табақа, ўрта табақа ва қуйи табақаларга бўлинишига ҳам амал қиладилар (бу принцип бевосита синфлашиш жараёнига мувофиқ келишини унутадилар) ва амал қилинаётганлигини таъкидлайдилар.

Албатта бундай ёндашув тор доирада бўлсада, юқорида таъкидланган ижтимоий фарқларнинг ўзига хос якуний натижаси, хосиласи, синтези сифатида намоён бўлаётганлиги объектив ҳолатдир.

Айниқса бундай ҳолат XX-асрда кенг кўламда ривожланган, Ғарбда, асосан АҚШда жамиятнинг ижтимоий табақаланиши жараёнида ўрта табақа концепциясига асосий эътиборини қаратиб, бу ўрта табақа концепциясини ўрта синфий қараш концепцияси билан уйғунлаштирилиб ўрта синфий табақа тенденциясига алоҳида ўзига хос миллий, ирқий, интеллектуал ва молиявий тенглик ва барқарорлик меъёри сифатида ўзига хос ижтимоий барометрлик ролига мувофиқ вазифани бажармоқда, деб ҳисоблашмоқда, катта эътибор бериб, муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидламоқдалар. Бу ҳолат бевосита синфий табақаланишни эътироф этиш тенденцияси ҳисобланиб ҳақиқатга яқинлашмоқда. Шу боисдан ҳам ўрта синф-табақа ҳиссасининг ортиб бориши жамиятдаги ижтимоий барқарорлик шарти сифатида талқин этилмоқда. Чунки ўрта синф вакиллари миқдори (яъни камбағалнинг ўрта ҳоллашуви, ўрта ҳолнинг бойиб бориши ва ҳ.к. – А.Ш.) ошиб бориш тенденцияси ва улардаги мулкнинг ўзгариши – кўчмас мулк ҳажми, банкдаги маблағлари (фоиз асосида кўпайиши ва ҳ.к.) ва банкдаги ва бошқа турли манбаълардан олган даромадлари, фойдалари (ишлаб чиқариш, фермерлик, тижорат, савдо-сотиқ, судхўрлик, ҳатто мансабдорлик ва ҳ.к. – А.Ш.) ва

шунга ўхшаш бошқа даромадларидан давлатга тўланадиган солиқлари салмоғига кўра ва бу табақа йил сайин аниқланиб борилади ва текшириш, тахлил этиш натижаларига кўра бу табақанинг синфий салмоғи ошиб бормоқда.

Аммо Ғарб ва АҚШ мамлакатлари аҳолиси турмуш тарзининг ўзига хос барометр вазифасини ўтаётган ўрта синф феномени, гарчи ривожланган Европа мамлакатлари учун ижтимоий-иқтисодий қадрият даражасига кўтарилиб баҳолансада, бу қадрият ўрта синф вакилларини (гўё капитализм – халқ капитализмига айланиб бормоқда – деган ғоя – А.Ш.), юқори ва қуйи синф вакиллар билан маънавий яқинлаштирилиш имконини бермади, бермайди ҳам. Чунки бу жараёнда ижтимоий тараққиёт объектив қонунлари – инсонга бўлмаган (яъни тўғридан-тўғри) объектив вазият, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тизимга мос – субъектив вазиятлар эътиборга олинишини таққоза этади.

Маълумки, ҳар қандай ижтимоий тараққиёт табиий равишда бир томондан шахснинг индивидуаллашув жараёнларини ўзликка уйғунлашув ҳолатларини кучайтириб шахсларнинг якка тарзда алоҳида фаолият билан машғуллик даражаларини оширса, иккинчи жиҳатдан жамият аъзоларининг мулк, касб, ирқ, миллат, жинс, худуд, майл, мақсадлар, дидлар асосида табақаланишув жараёнларига кучли туртки бериши билан характерланади, Шу боисдан ҳам страталар кўплиги жамиятнинг ўз-ўзини ички бошқаруви махсули ва цивилизацион жараёнларнинг табиий ифодаси сифатида намоён бўлади.

Инсоният тарихи тараққиётининг қарийиб беш минг йиллик (инсонларда табақаланиш, синфларга ажралиш) даври ва ўтмиши қанчадан қанча хавф-

хатарларни бошидан кечирган ва инсонлар ана шу хавф хатарларда якка-якка эмас, умумий жамоа-жамоа бўлиб, умумий тарзда бирлашиб, бу хавф-хатарлардан умумий тарзда бирлашиб қутилганлар, шу сабабли бу давр умум бирлашиб ҳаракат қилиб, умум мақсад йўлида курашиб ҳаракат қилган даврлар тарихи ҳисобланади.

Шу сабабли кенг халқ оммасига қанчалик умумий хавфлар кўпайса, шунчалик бирлашув ижтимоий тус олиб хавфга қарши кучая-кенгая борган.

Қанчалик умумий хавф пасая борган бўлса, кенг халқ оммаси бирлашуви тобора сусая борган, алоҳидалик кучая борган.

Ундан ташқари ижтимоий страталар халқ оммасининг маданий такомиллашганлик белгилари сифатида хам ушбу бирлашиш ва алоҳидалик тенденцияси умумий, хусусий тарзда баҳоланиб келинган. Жумладан, аҳолининг касб-ҳунар, касабачилик ҳаракати бунга мисол бўлаолади. Яъни, заргарлик, мисгарлик, чилангарлик, дўппидўзлар, гиламдўзлар, темирчилардир. Улар ҳар қайси алоҳида-алоҳида касб-ҳунар, ҳунармандчилик, ёки касаначилик ҳолатида якка-якка ҳолида намоён бўлган бўлса, улар жамоаси кўпчилик ҳолатда умумий бир хил ихтисослик касаначилигига бирлашуви оқибатида дўппидўз – дўппидўзлар, этикчи – этикдўзларга, махси тикувчи – махси дўзларга ва ҳ.к.ларга айланиб, умумийликни, ижтимоий касб-ҳунар страталарни ташкил этганлар, ёки боғбонлар, хаттотлар, меъморлар, қурувчилар ва ҳ.к.лар ҳам шулар жумласидан иборат бўлиб, меҳнат фаолияти орқали меҳнат тақсимотини шакллантириб, нафақат ўзига (якка) хос иқтисодий-ижтимоий ҳаёт йўлини амалга оширганлар, ихтисослашиш жараёнини вужудга келтирганлар, ўз

аждоди, қавми ва авлоди сиру-асрорларини, ҳунари, устачилик касбини, ўзгалар мулкига айланиб кетмаслигига эришганлар, ҳатто комил инсонлик ҳислатлари, улуғлик ҳолатлари, аслзодалик, “юқори” табақаликни сақлаб қолиш, уни авлоддан-авлодга, аждоддан-аждодга ўтказиб, сақлаб қолишга ҳаракат қилиш ҳам ана шу тарзда ижтимоий жамиятда намоён бўлганлар. Бунга аниқ мисол кенг халқ оммаси ўртасида асрлар оша сақланиб келаётган “Сайид”, “Эшон”, “Хўжа” каби аҳоли қатлами, ёки “лўли”, “мўлтани”, “қора”, “сариқ”, “оқ-қора” ва ҳ.к. каби атамалар (ижтимоий белгилар) жамиятда ўзига хос страталар гуруҳини ташкил этганлар ва ҳозирги даврда ҳам ана шундай муносабат ва қарашлар мавжуддир.

Шунинг учун ижтимоий страталарни ўрганиш ҳалқимиз таркибидаги ранг-баранглиқни ўрганиш ва аниқлашни осонлаштиради ва жамиятни ижтимоий бошқаришни енгиллаштиради, ижтимоий зиддиёт ва инқирозлар олдини олишга табиий имконият яратади. Аждодларимизнинг ижтимоий таркибини аниқлашга ёрдам беради, аждодлар тарихини ёзишни адат тусига киритишга олиб келади. Бу ҳолат ҳатто ўтмишда ҳам мавжуд бўлган. Масалан, сайидлар, эшон-хўжалар, подшоҳлар авлодлари бевосита шажараларини ёзиб қолдиришга одатланганлар, аммо аҳолининг кенг қатламида эса бу ҳолат одат тусига кирмаган. Бу жараён ижтимоий аҳлоқ нормаларини ҳам авлод-авлодлардан ўтишга, яхши инсоний ҳислатларни келажак авлодларига намуна бўлишига, таълим-тарбиясини яхшилашга сабаб бўлиб, халқ урф-одатлари, анъана ва қадриятлари, маънавий-маданий меросларининг яхши намунавий хислатларини авлоддан-авлодга сақлаб келганлар, яхши хислатларга кенг йўл берилиб, ёмон хислатларга барҳам

берилишига олиб келганлар. Шу сабабли ҳурматли Президентимиз ибораси билан айтилса ота-боболар ўгити, ота намунаси, она сути билан инсонга, инсонларга сингдирилиб келинган. Ана шундай тараққиётни Турони-Замин, шу жумладан ўзбек халқи ўз бошидан кечириб ижтимоий тараққиёт тарихини яратганлар, ана шундай тараққиёт тенденцияси қисман бўлсада ҳозир ҳам давом этмоқда эҳтимол келажакда ҳам давом этса ажаб эмас. Шу сабабли бўлса ажаб эмас ўзбек халқи яхлит бутунлигини ташкил этадиган (ҳамма халқ ва миллатлардагидек) аёл ва эркакка бўлинган страталари – ўзаро алоқа ва муносабатларда одоб-ахлоқ нормаларига қатъий риоя қилиши, аёлларда ибо, шарм, ҳаё, нозиклик хислатларининг устунлиги, эркак-аёлда ўзаро иззат-ҳурмат, фаросат, садоқатлилик, аҳлоқ-одорб нормалари, эстетик қарашлар мавжудлиги юқоридаги фикрлар натижаси бўлса ажаб эмас. Шунинг учун ҳам жамият таркибида социал страталар (ижтимоий гуруҳлар)нинг нақадар хилма-хиллиги ва кўплиги бир томондан жамиятни ижтимоий бошқаришни қийинлаштирса, иккинчи томондан эса социал страталар моҳияти, ўзига хос хусусиятлари чуқур илмий тахлил қилиниб ўрганилса ижтимоий ва сиёсий, асосан ички бошқаришни осонлаштиради. Бу ҳолатларни чуқур атрофлича стратификацион ўрганишда ижтимоий ўзгарувчанлик жараёнларига ва уларнинг социал турларига алоҳида эътибор бериш ва унга амал қилишни таққоза этади. Улар асосан қуйидагилардан иборат:

1. Репродуктив – ижтимоий жараёнларни турли хил услубда ўрганиш.

2. Статусли – хизмат пиллапояларидан юксалиб бориш, турмуш ҳаёти жараёнларининг фаровонлашуви.

3. Худудий – қишлоқдан шаҳарга, давлатдан давлатга кўчиш ҳолати.

4. Маънавий қадриятлар, фикрлар, тушунчалар, ғоялар, ҳис-туйғуларнинг ўзгариши.

5. Жамиятнинг сиёсий-ижтимоий идора этишлиги, бошқарилишига кўра ўзгаришлар.

6. Илмий-техникавий ўзгаришлар, Устувор тараққиёт мезони сифатида юксак технологиялар информацион бошқарув соҳаларининг тобора мустаҳкамроқ ўрин эгаллай бошлаши.

Ўзбекистонимиз жамияти ижтимоий жараёнларнинг таркиби ва ижтимоий тизим моҳиятини характерловчи омиллардан ҳозирги кун социологлари, ўн иккита стратификацион тизимлар типини алоҳида ажратиб кўрсатиб, ўрганмоқдалар. Улар қуйидаги стратификацион типлардан иборат:

1. Ижтимоий-касбий таснифга кўра типлар;
2. Қавм-сулолавий асосларга мувофиқ типлар;
3. Маданий-эстетик даражаларга кўра типлар;
4. Ёшига кўра – ёш даврларига кўра типлар;
5. Жинсий таснифларига кўра типлар;
6. Этник-худудий ҳолатларига кўра типлар;
7. Диний эътиқод, диний консессияларига кўра типлар;
8. Партиявий эътиқодларига кўра типлар;
9. Уруғ-қабилавий-этник аждодига кўра типлар;
10. Муайян манфаатлар доирасида уюшган корпаратив типлар;
11. Ҳуқуқ бузарлик, жиноятчиликка мойиликка кўра типлар;
12. Маданий-рамзий интилишларга қизиқишларига кўра типлар кабилардан иборат стратификацион типлардир.

Шу билан бирга жамиятда ижтимоий табақаланиш жараёнини ва табақаланишни ўрганишда риоя қилинадиган тамойиллар ҳам бўлиб, улар асосан қуйидагилардан иборатдир.

1. Эмпирик тадқиқотлар давомида ижтимоий страталарга эҳтиёжкорона муносабатда бўлиш, уларнинг ижтимоий-таркибий тузилишига, ижтимоий тузумдаги ўрни ва мавқеига нисбатан ҳурмат қилиш.

2. Ижтимоий страталарнинг ижтимоий статикаси ва динамикаси жараёнларини илмий баҳолашда тизимий ва яхлит ёндошиш талаб этилади.

3. Ўзбекистондаги ижтимоий страталарнинг миллий менталитети, регионал худудий хусусиятларини алоҳида эътиборга олиш, урф-одатларига ҳам яхши муносабатда бўлиш.

4. Ижтимоий страталар таркиб топишига сезиларли равишда таъсир этувчи сиёсий-иқтисодий, ижтимоий маънавий-маданий ва диний конфессионал, мафкуравий ва ғоявий омилларини атрофлича ўрганиш, объектив хулоса чиқариш.

5. Жамиятдаги ижтимоий страталар таснифини тузишда объектив ҳолда ёндашиб қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланиш талаб этилади.

Энг муҳими жамиятда ижтимоий страталар моҳияти ўрни, мавқеини объектив ўрганилиб, ижтимоий стратификацион таҳлил қилиб, эмпирик тадқиқотлар асосида тўғри тахлил қилиб, назарий хулосалар чиқарилар экан, даставвал страталарнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маърифий-маданий даражасига сиёсий бошқарув моҳиятига ҳар бир стратанинг (асосан социал гуруҳ, табақа, қавм, эл-элат ва ҳ.к.) ўтрақлигига, миллийлиги, диний эътиқодларига, демографик-худудий яхлитлигига, маънавий-маданий менталитетига, илму-фан ютуғига,

ўтмиш тараққиётига, жаҳон цивилизациясидаги ўрнига ва ҳозирги замон тараққиёти каби соҳаларга жиддий эътибор бериб, объектив стратификацион назарий хулоса чиқаришни тақҳоза этади.

2. ЁШЛАР СОЦИОЛОГИЯСИ

а) ёшлар социологияси тушунча ва моҳияти ҳақида

б) жамиятда, Ўзбекистонда ёшлар потенциали ҳақида

Жамиятнинг таркибий тузилиши ҳақида фикр юритилар экан, асосан аҳолининг таркиби, яъни ўсмирликкача бўлган ва ўсмир ёшлар (25 ёшгача), ўрта ёшдагилар (50-60 ёшгача) ва кекса ёшдагилар (асосан 62 ёшдан кейинги авлодлар) ҳисобланиб, ёшларнинг умумий аҳоли сонига нисбатан ҳажми, ўрни ва мавқеи аниқланади ва жаҳондаги турли мамлакатларда турли хил даражани кўрсатади ва бу социал ҳолат бир хил эмас, хилма-хиллик демографик хусусиятларига эгадир.

Бизнинг мамлакатимизда эса – Ўзбекистонда бошқа мамлакатлардан демографик хусусиятларига мувофиқ тубдан фарқ қилади. Айниқса ёшлар (25 ёшгача) бизда жамиятимиз аҳолисининг катта қисмини, яъни 3/2 қисмини ташкил этади. Бу ҳолат Ўзбекистон мустақиликка эришгандан кейинги 20 йил мобайнида янада социал-демократик жиҳатдан жиддий ўзгаришларга олиб келди ва бу ўзгаришлар давом этмоқда. Шу сабабли бўлса керак ҳозирги даврда Ўзбекистонни ёшлар мамлакати деб бежиз ҳисобламоқдалар. Республикамизда аҳоли ўсиши жиддий тус олмоқда. Ҳозирги кунда аҳоли мамлакатимизда 29 млн. кишини ташкил этаётган

бўлсада, бу ўсиш янада давом этиб, мутахассисларнинг прогноз қилиб, ҳисоблашича 2015 йилга бориб Ўзбекистонда аҳолининг сони – 36 млн.330 минг кишига етиб, аксарият кўпчилигини ёшлар ташкил этишини башорат қилинмоқда.

Шу сабабли аҳолининг ўсиши бевосита ушбу давр мобайнида аҳолининг меҳнатга яроқли аҳоли сони ҳам қарийиб 2 баробар ошиши ва 2015 йилга бориб 20 млн. нафар кишини ташкил этиш кутилмоқда. Бу башорат қилинаётган рақамлар юртимиз аҳолисининг сон жиҳатдан ўсишинигина кўрсатиб қолмасдан, у ёш навқирон ўсаётган, ривожланаётган миллат ва унинг ителлектуал салоҳиятининг ҳам сифат жиҳатидан ҳам катта имкониятларга эга эканлигини ҳам башорат қилинишидир. Унда бевосита ёшлар асосий ўринни эгаллайди.

Шу сабабли социология фанида ёшлар социологияси мавзуини ўрганишни асосий мақсад ва вазифа қилиб қўйилган. Чунки ёшларда ўзига хос ёшлик ғурури, жасорати ва салоҳиятли ителлектуал моҳияти бор. Бу жараённи ўрганишни ҳозирги давр талаби тақҳоза этади.

Ёшларнинг интеллектуал-руҳий камолоти, уларнинг маънавий ўз-ўзини англаши жараёнлари билан бевосита боғликдир. Айникса мамлакатимизнинг ҳозирги тараққиёт босқичида бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ўзига хос вужудга келган шароитда ёшлар характерида ижтимоий идеалларнинг (кўпроқ ғурурнинг) сусайиб кетишига, тушкунликка боришига йўл қўймаслик муҳим вазифадир.

Ёшларнинг миллий ўзлигини англаш шароитида, уларнинг ижтимоий (социал) матфаатларини (ёшликда моддий ҳолатга интилиш маънавий ҳолатга интилишга

нисбатан кучлироқ бўлади Ш.А.) ўрганиш ҳамда назарий жиҳатдан тадқиқ этиш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу вазифаларни амалда бажариш учун қуйидагиларга жиддий эътибор беришни тақҳоза этади:

1. Фикрлар хилма-хиллигини эътиборга олиш нуқтаи назаридан мустақиллик шароитида ижтимоий манфаатлар бевосита мавжуд концепциялар орқали тахлил этишга ва замонавий давримиз шароитларига хос бўлган қарашлар тарзида ифодалаб бериш;

2. Ижтимоий манфаатларнинг жамият тараққиётидаги ўрни, имконияти ва аҳамияти, ҳамда замонавий, мавжуд сиёсий жараёнларда сиёсий ва иқтисодий манфаатларни ўзаро мутаносиблаштириб уйғунлаштирган ҳолда ўрганиш ва тавсиялар бериш;

3. Ижтимоий манфаатлар моҳияти ва мазмуни ҳамда жамият ривожидаги ўрни масалаларини социологик жиҳатдан ёшларга нисбатан тахлил этиш;

4. Ёшларнинг жамиятдаги этно-сиёсий жараёнларини таҳлил этиб, уларнинг (ёшларнинг) миллатлараро муносабатларга таъсирини (жумладан, ҳозирги кунда Россияда ёшлар ўртасида бошқа, асосан Жанубий, Марказий Осиё регионидаги миллатларга нисбатан душманлик ҳаракатлари кучаябораётганлиги – Ш.А.) ҳамда миллий манфаатлардаги ўрнини кўрсатиш;

5. Этник манфаатларнинг ижтимоий тараққиёт ва жамият ривожидаги воқеа-ҳодисаларга ўзаро алоқадорлик диалектикасини ўрганиб, ушбу жараёнларнинг жамият тараққиёти билан боғлиқ хусусиятларини таҳлил этиш;

6. Ёшларнинг жамиятда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий омилларнинг, улар

ижтимоий манфаатларига таъсирини ўтказиш соҳаларини ўрганиш;

7. Ҳозирги ижтимоий тараққиёт даврида ижтимоий тараққиётга хос жараёнлар ривожида этник манфаатларнинг ўсиб миллий ва умуминсоний мазмун, моҳият касб этиши хусусиятларини назарий тадқиқ қилиш каби ёшларнинг социологик хусусиятларига жиддий эътибор бериш, тахлил қилиш ва унинг натижаларига асосан ёшларга муносабатда бўлиш давр талаби ҳисобланади. Акс ҳолда ёшларда социологик жиҳатдан салбий хусусиятлар кучайиб кетишини унутмасликни ҳам давр талаби тақҳоза этади.

Шу сабабли социология фани ёшларни жамиятдаги ижтимоий, маънавий ва руҳий жиҳатдан ўзига хос хусусиятга эга бўлган, ўз характерида тез-тез ўзгариб туришликка мойил бўлган йирик ижтимоий гуруҳ деб билади ва шу асосда ўрганади.

Ёшларга нисбатан бундай холисона ёндашув натижасида, уларнинг нафақат ёшидаги тафовутлар, балки иқтисодий фарқли жиҳатлари, феъл-атвор типлари, шунингдек ижтимоий-сиёсий мавқеи, маънавий қиёфаси, онг, тафаккури даражаларини ҳам ўрганишни тақҳоза этади. Бевосита бу жараённи социология фани ўрганади.

Бироқ ёшларнинг ижтимоий жиҳатдан бир-биридан фарқланишини айрим социологик мутахассислар ёшларнинг мутахассислигига мувофиқ “қуйи” ва “юқори” чегараларини эътиборга олишни, шу билан турли гуруҳларнинг ижтимоий-иқтисодий ва касбий сифатларини шаклланишининг давомийлигига қараб аниқлашга ундамоқда. Жумладан, бир ёш ишчининг ўзига мувофиқ касб эгаси, мутахассис бўлишидан қатъий назар, у бу касбга 25 ёшларгача эга бўлиб мутахассис бўлса, ёш олим бўлиш эса энг

камида 30-35 ёшларда шаклланади. Касб бўйича ёшлик чегаралари у ёки бу мамлакатларда бевосита мавжуд ижтимоий-сиёсий вазиятга, тарихий шароитга боғликдир. Албатта бу соҳада ижтимоий тузум катта рол ўйнайди, жамиятнинг ижтимоий тараққиётига кучли таъсир этади. Шунинг учун жамиятнинг ана шу ижтимоий соҳасини илмий ўрганиш ҳозирги даврнинг долзарб муаммолари ҳисобланади.

Кўпгина жаҳондаги мамлакатларда, кўпроқ Ғарб мамлакатларда ёшликнинг "қуйи" чегарасини ёшига мувофиқ, юридик ҳуқуқий норматив-меъёрий хужжатларда белгилаб қўйганлар.

Жумладан, ёшларнинг ёшлик даври – 14 ёшгача; ўсмирлик даврини – 14-16; 16-18 ёш миқдорида; фуқаролик ёшини эса 16-18 ёшдан кейинги даври сифатида ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб қўйганлар.

Ёшларнинг мустақил касб-ҳунар фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи ва имкониятларини ҳисобга олиши, ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқи, ўз ҳатти-ҳаракатлари учун жамият аъзоси, фуқароси сифатида жавоб беришга тайёрлиги, унинг қобилияти, никоҳга киришиб, уйланиш имконият ҳуқуқи, меҳнатга нисбатан тайёрлиги соҳалари бевосита ёшларга нисбатан белгиланган "қуйи" чегарани ташкил этишини таққоза этилишини таъкидламоқдалар, бу эса жаҳон тажрибасида ўртача 14-16 ёшни ташкил этиш зарур деб ҳисобламоқдалар. Ана шу ёшдаги ёшларни турли хил ғоявий, маънавий, аҳлоқий, моддий ҳатто сиёсий таъсирларга олиш, тарбиянинг хохлаган соҳасига ўз таъсирини ўтказиб, тайёр жонли куч, қуролга айлантириб олиш мумкинлигини, психологлар ҳам, педагоглар ҳам исботламоқдалар, бу ёшдаги ёшларни салбий, ижобий томонларга буриб юбориш реакционер, қотил,

бузғунчи-бандит, экстремист, террорист қилиб юбориш, ёки ансинча уни бу ёшда яхши тарбия бериб, келажакда жамиятнинг комил инсонли мутахассиси, ноёб ахлоқ, одоб эгаси, ватанпарвар, инсонпарвар кадрлар қилиб юбориш мумкинлигини исботламоқдалар. Жумладан, Руслан Чагаев ана шу ёшда спорт билан, бокс билан берилиб шуғулланган, унга тарбия берилган, натижада у ўта оғир вазнда Жаҳон Чемпиони бўлиб, Ўзбекистоннинг ор-номусини сақлаб, унинг байроғини Жаҳонда баланд кўтарди.

Шу сабабли юқорида кўрсатилган 14-16 ёшдаги ёшларда беқарорлик, ўзгарувчанлик ҳолати устун бўлиб 16-18 ёшларда эса стабиллашиш мослашув жараёни юксакроқ бўлиб, 18-ёшдан бошлаб ёшларда барқарорлик ҳолати юзага чиқаборади ва салоҳиятлилик даври бошланиб, жамият аъзоси, мамлакат фуқароси номига лойиқ бўлаборади. Шунинг учун ҳам фуқаролик 18 ёшдан бошланишини ҳуқуқий жиҳатдан қатъий қилиб белгилаганлар, фуқаро сифатида муносабат қилмоқдалар.

Шунинг учун ҳам таъкидлаш лозимки, ҳозирги ранг-барангли даврда хориждаги айрим сиёсий-ғаразли кучлар жамиятнинг истиқболдаги, истиқболли ёшларни ўз таъсирига (аксарият 14-16 ёшдаги ўсмирларни) олишга уринмоқдалар, қисман эса ўз мақсадига эришишга ҳам (жумладан. “Хисб-у тахлил”, “Акрамийлар”, “Толибонлар” ва бошқа экстремистик, террористик гуруҳлар) вахтинчалик муваффақ ҳам бўлмоқдалар. Шу сабабли, ҳозирги давр талаби ёшларнинг келажакда ана шундай салбий таъсирга, реакцион кучлар тузоғига илиниб қолмаслиги учун, айни замонда таълим-тарбия тизимини, кўпроқ социология фани, умуман ижтимоий фанлар назарини ёшларга қаратилиши (шуни ҳам эслатиб ўтмоқ

лозимки, 18 ёшда ўсмирлар фуқаролик даражасига етганда ҳам, то 20-24 ёшларгача ҳам ўсмиринлик даври таъсири юз бериб туради, айниқса моддий ва кўпроқ биологик ва социологик таъсир – Ш.А.), улардаги мавжуд муаммоларини, уй-ташвишларини, онг-тафаккуридаги кескин ўзгаришларини билиб олишга, ана шу соҳаларга, асосан ёшларга нисбатан сиёсатни, ёшларга бўлган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий муносабатларни ўрнатиш, олиб боришда албатта илмий асосга, илмий-назарий хулосаларга социологик-эмпирик тадқиқот натижаларига, ҳар бир гуруҳ, социал страталар характерига мувофиқ сиёсат олиб бориш жамиятда ёшларда, улар тарбиясида ижобий натижаларни қўлга киритиши, уларни реакцион кучлар таъсиридан сақлаб қолиниши табиийдир.

Шу сабабли ҳозирги кунда мустақил Ўзбекистон ўзининг келажак тараққиёти истиқболида ёшларни келажакка ишонч билан тарбиялар экан, жамиятга мустақил фикрлайдиган, ўзига фикран эркин шахсни, баркамол инсонни тарбиялаб, вояга етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўяр экан, ўз қадр-қимматини англайдиган иродали, жисмонан бақувват, иймони бутун, эътиқодли, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган ёшларни тарбиялаб, фаол шахслар даражасига кўтаришдан иборатдир.

Шундагина ҳар бир ёш онгли турмуш кечиришнинг жамиятдаги ҳаётий, турмуш-тарзининг бош мезонига айлантириши мумкин. Ҳурматли Президентимизнинг ёшларга қарата бу ҳақда айтган сўзи алоҳида аҳамиятга эгадир. Яъни, “...шунда одам оломон бўлиб, ҳар лаҳзада орқага эҳтиёж сезиб эмас, аксинча – ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз маъсулияти билан онгли тарзда озод ва ҳур фикрли

инсон бўлиб яшайди. Бундай одамлар уюшган жамиятни, улар барпо этган маънавий-руҳий муҳитни сохта ақидалар, бақирик-чақириқлар, ҳавойи шиорлар билан асло бузиб бўлмайди. Уларнинг ўзлари ақл-идрок ва қалб амри билан танлаб олган ҳаётий мақсадлардан чалғитиб ҳам бўлмайди" – деб таълим-тарбия ролига катта баҳо берган эди. Ана шундагина ёшларга нисбатан сиёсатда тўғри йўлга қўйсагина социология фанидан таълим-тарбияда тарбиявий-услубий социологик услубият орқали олиб борилса нафақат социл билим, балки ижобий стратификацион назарияга хос тарбия берилади, келажакда ёшлар тўғри йўлни танлайди.

II. ДЕВИАНТ – ХУЛҚ-АТВОР СОЦИОЛОГИЯСИ.

1. Девиант – хулқ-атвор моҳияти ва тушунчаси.

Ижтимоий жамият ўзига хос умумий қоуниятларга, инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган меъёрий тартиботларга, ҳаётий қонунларга, турмуш тамойилларига мувоффиқ ривожланади, тараққий этади, жамиятда ўрнатилган ижтимоий меъёрларга қатъий риоя қилади, амал қилади. Аммо бу ижтимоий меъёрлардан ҳам четга чиқиш, қонунларга бўйсинмаслик, ҳуқуқларни бузиш ҳоллари ҳам жамиятда учраб туради. Ана шу ҳолатлар бевосита ижтимоий жамият қонунларига, сиёсий бошқаришга, жамият умумий қоида-қонунларини ўзида мужассамлаштирадиган умумхалқ иродасига мувофиқ ҳаракатда бўладиган асосий қонунлар мажмуаси (уни "Конституция" деб атаймиз Ш.А.) хукмрон бўлиб ундан четга чиқишлар жиноят ҳисобланиб қораланади. Шу сабабли жамиятнинг ҳуқуқий, қонуний тартиботлари бевосита халқ урф-одатлари, ўз истак

мақсадларига мувофиқлашган амалий удумлари билан уйғунлашиб кетади ва у турмушда ижтимоий ҳаётда амал қилади ва бу тартиботларга риоя қилиш ижтимоий меъёрлар деб аталади.

Ана шу расмий қонунлардан ва ижтимоий меъёрлардан четга чиқишлик, яъни бу ижтимоий меъёрларни қонунларни бузиш, риоя қилмаслик жиноятга қўл уриб, шу йўлдан боришлик ҳолатларини социология фанида Девиант – деб аталади.

Девиант – (ахлоқ-одоб) хулқ-атвор социологияси Ғарбда, айниқса АҚШда кенг кўламда “Социология” фанининг асосий йўналишларидан бири сифатида илмий-амалий жиҳатдан чуқур ўрганилмоқда. Бизда эса, миллий мустақиллик туфайли илмий ва назарий жиҳатдан ўрганилиши учун имконият яратилиб, ўрганила бошланди. Аммо жамиятда девиантга, хулқ-атворга манба бўлаоладиган ҳолатлар жаҳондаги бошқа халқларга нисбатан Марказий Осиё ҳалқларида узоқ ўтмишда қадимдан олдин пайдо бўлган бўлиб ижтимоий меъёрдан четга чиқишлик, ахлоқ-одобдан чекиниш ҳолатларига қатъиян чек қўйилган, бузилишига йўл қўйилмаган, ҳаракатдаги қонундан ҳам таъсирчан кучга ҳам дунёвий, ҳам диний йўл билан, инсонлар руҳиятига таъсир этгувчи кучга айланган ва ҳозир ҳам халқимиз ана шу ижтимоий меъёрлар доирасида яшамоқда. Истиқбол туфайли янада таъсирчан кучга айланиши тобора такомиллашиб бормоқда.

Чунки ижтимоий ҳаётда жамиятда инсонлар фаолиятини, ҳатти-ҳаракатларини, хулқ-атворларини диний, дунёвий аҳамиятга эга бўлган ижтимоий меъёрлар бошқаради.

Ижтимоий меъёр жамият бошқарувининг ажралмас маънавий, руҳий ва моддий қисмларидан

бири бўлиб, инсон, шахс ёки ижтимоий гуруҳ, қавм, элат хулқ-атворини муайян социал муҳитга мослаштирувчи, мувозанатини сақлаб, тобора мустаҳкамлаб борувчи тамойил, қоидалар мажмуасидан иборатдир. Ижтимоий меъёрнинг жамиятда бир неча турлари, хиллари мавжуд бўлиб, уларга асосан ҳуқуқий, ахлоқий, диний, дунёвий, ҳамда урф-одатларга оид меъёрлари шулар жумласидандир.

Ижтимоий меъёрларнинг афзалликлари шундаки, ҳар бир нихол ёшлигиданоқ мавжуд авлодларидан мерос бўлиб келаётган муайян меёърларга мослаштирилиб борилган ва шахслар даражасига кўтарилиб келинган. Ана шундай шахслар умум авлод томонидан қабул қилиниб, келажакка мерос сифатида қолдирилган тамойилларга мувофиқ тарбия берилган ва бу тамойиллар доирасидан четга чиқарилмаган ва бошқалардан ҳам, ўзидан кейинги авлодлардан шуни талаб қилинган. Марказий Осиё халқлари ана шу меъёрларга қатъий риоя қилган, халқимиз ўтмиш ота-болаларига, улар меросига иззат-ҳурматда, садоқатда бўлган. Шу сабабли бўлса керак Президентимиз маънавият, маънавий мерос, ота-боболар ўғити, ота намунаси, она сути билан киради, - дейишлигида табиий, ижтимоий ҳақиқат бўлиб, ижтимоий меъёрларнинг асл манбаини кўрсатиб берган.

Жамият тараққий этиб борган сари мавжуд жамиятда амал қилиниб келинаётган меъёрлар ҳам замонасига мувофиқ ўзгариб, янгиланиб, даврга мослашиб, омма онгига сингиб, амалда қўлланилаборади, эскилари таркибига янгиларини тобора киритилиб, амал қилинаборади, ижобий ижтимоий меъёрлар таркибини кенгайтираборади. Албатта бу ўзгаришлар бевосита жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, ҳатто иқтисодий тизимларининг

сиёсий бошқариш у амал қиладиган қонунларга ҳам боғлиқдир.

Жамият аъзоларининг мазкур ижтимоий меъёрларга амал қилиб яшашларини доимо ижтимоий тизимларнинг ўзгариши ёки ўзгармаслигига боғлиқ бўлмаган ҳолда назорат қилиб борувчи институтлар ҳам бўлиб, бу институтларни назорат қилувчи (давлат ёки нодавлат йўли билан эмас, бевосита ижтимоий йўл билан) **ижтимоий назорат институтлар -** деб аталади. Бу ижтимоий назорат институтларига – никоҳли оила, мактаб, боғча, маҳалла, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, диний шахслар, улар уюшмалари, мактаб мадрасалари, тасаввуфчи алломалар, тарбиячи-мураббийлар (албатта давлат ёки диний ташкилотлардан ташқари фаолиятлари жараёнида) ва ҳоказолар ташкил қилади.

Инсон тарбиясида, ижтимоий меъёрлари талабида тарбиялашда энг муҳим, энг биринчи ижтимоий назорат институти бу оила, фақат никоҳли оиладир. Чунки фарзанд тарбияси бешикдан бошланиб, баркамол комил инсон бўлиб шаклланишида никоҳли соғлом оила муҳитининг ўрни бениҳоя каттадир ва салоҳияти эса чексиздир. Ҳар бир фарзанд инсон бўлиб, шахсга айланишининг дастлабки манбаи ота-онага, оилага, бевосита боғлиқдир. Чунки инсондаги хулқ-атвор, ахлоқ-одобнинг дастлабки нормалари оилада шаклланиб, мактаб, маҳаллада, жамоатчилик ўртасида таълим-тарбия тизими фаолияти жараёнида такомиллашади, атроф-муҳит қиёфага солади, инсоний фазилатлари шаклланиб такомиллашаборса комил инсонийлик даражасигача кўтарилиб боради, агар акси намоён бўлаборса бузғунчи, мурдотликка тушиб қолади. Бу жараённи “Социология” фанида “Девиант” – деб аталади.

Девиант хулқ-атвор – бу жамиятда ўрнатилган ижтимоий ахлоқ меъёрларидан четга чиққан, бу меъёрларга мос келмайдиган инсонлар фаолияти, хадди-ҳаракати ва бошқа ижтимоий ҳодисаларидаги турлича қилиқлари, муносабатлари, фикр-мулоҳазалари ҳисобланиб, буларни жамиятда хулқи-атвори ҳаракати-фаолиятига мувофиқ аталиб, уларни ёлғончи, дангаса, ўғри, безори, “ёзувчи”, ҳасадчи, бахил, гиёҳванд, тавламачи, фирибгар, иймонсиз, эътиқодсиз, беҳаё, фоҳиша, орсиз, қасд қилиш ва ҳоказо сўзлар билан номланиб, кўплаб шу каби ижтимоий меъёрлар талабига зид келгучи хулқ-атвор хусусиятлари ҳисобланади. Бу хулқ-атворлар “Социология” фанида девиант хулқ-атвор кўринишида қуйидаги аниқ номлар билан таърифланади ва кенг моҳиятини аниқ билдиради. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Жиноятчилик – бу муайян давлатда ўрнатилган бутун жамоатчилик истак-мақсадларига мувофиқ бўлган қонун ва ҳуқуқий, ижтимоий меъёрларга нисбатан айрим жамият аъзолари, шахсларнинг зид ҳаракатлари, салбий муносабатлари, жиноий фаолияти, хадди-ҳаракатлари бўлиб, жиноий ишга қўл урган шахс эса жиноятчи ҳисобланади. Унинг хили кўп.

2. Ичкиликбозлик – бу ҳам жамиятда жирканч иллатлардан ҳисобланиб, у бир неча хилга бўлинади:

а) алкоголни ҳар-ҳар замонда истеъмол қилувчи шахс;

б) алкоголни кўп истеъмол қилиш, спиртли ичимликларни мунтазам, яъни ҳафтада бир мартадан – бир неча мартагача ёки бор баракайига ўртада танаффус билан кўп миқдорда истеъмол қиладиган шахс. Бу эса охир оқибат алкоголизмга олиб келади;

в) алкоголизм – спиртли ичимликларга потологик ўрганиб қолган, тузатиши қийин бўлган зарарли хавфли касаллик;

г) гиёҳвандлик – (нашаванд) зарарли, инсон хаётига хавф солгувчи ўсимликлардан тайёрланадиган ва гиёхвандликка тенглаштириладиган воситаларга (наша, героин, қора, қизил.....) мунтазам ружу қўйиб ва тиббий кўрсатмаларсиз истеъмол қилишга;

3. Фоҳишабозлик – бу ҳам бир неча хилларга бўлинади. “Социология” фани тахлили бўйича расмий никоҳсиз жинсий алоқа (Марказий Осиё халқлари, шу жумладан ўзбек халқи уни ҳаром дейди), фохишабозлик деб атайди ва уни иккита турга бўлиб ўрганади.

а) конкубинат – никоҳсиз бирга яшаш, бу Ғарбда кенг тарқалган, Шарқда Марказий Осиёда XX асрдан кенг тарқалмоқда, аввал, яъни XX асрга қадар албатта никоҳ қилиб, яшаган ва маълум вақтдан кейин “уч талоқ” (яъни “ҳаром”) деб ажралган;

б) фохишабозлик – бу пул учун маълум вақт ичида ёки узлуксиз ўз танасини сотиш ҳисобланиб, бу ҳам Ғарбда кенг тарқалган, Шарқда ҳам, Жанубда ҳам мавжуд.

Умуман олганда Ғарб мамлакатларида юқорида кўрсатилган девиант хулқ-атворнинг иккинчиси “Фоҳишабозлик” кейинги вақтларда қораланмоқда, Шарқда эса иккаласини ҳам ижтимоий меъёрлар талаби бўйича бузғунчилик – деб қараланади (яъни “ҳаром” деб тахлил қилинади).

4. Ҳасад – ижтимоий меъёрларда ҳасад қораланиб, инсонийликка зид ҳаракат сифатида қадимдан, ҳатто “Авесто”да ҳам салбий ҳолат деб тахлил қилинади, ижтимоий меъёрларда Шарқда, асосан Марказий Осиё халқларида қадимдан жиддий эътибор берилиб “ҳасад”

ўрнига “ҳавас” билан инсонлар яшашига даъват қилиниб келинади. Шу сабабли бўлса керак ҳурматли Президентимиз И.А.Каримов Республика Вазирлар Махкамаси йиғилишида, 2007 йил 12 февралда “... ҳасад билан эмас, ҳавас билан қараш жамиятимизда тобора чуқур қарор топишини хохлардим” [1], - деб яна давом этиб, “... энг муҳими, юртимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш олдимизда турган барча вазифаларни амалга оширишда энг катта пойдевор бўлишини унутмаслигимиз зарур” [2]- эканлигини таъкидлаб “ҳасад” билан эмас, ҳавас билан яшашни ҳаваснинг қадимий, ҳозирги ва келажакдаги ижобий салоҳиятга эгалиги, “ҳасад”нинг эса ижтимоий тараққиётга қадимда, ҳозирда ва келажакда зарарли таъсир этиб хунук, салбий оқибатларга олиб келиши, ривожланишга тўсиқ бўлишини таъкидлашдан иборат кенг маъноли, социал жиҳатдан чуқур ғоявий фикрни илгари суради. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, “Социология” фанида “ҳасад”ни девиант сифатида тахлил этилмаган ва биринчи бор бу ҳақда фикр юритилмоқда, келажакда уни янада кенгроқ, чуқуррорқ ўрганишни ҳозирги давр тақҳоза этмоқда.

5. “Бюрократия” – бюрократия терминини аслида девиант туркумига киритиш унчалик социал жиҳатдан тўғри эмас. Чунки “бюрократия” – сўз маъноси Ғарбда “хокимиятга эга бўлган ходим” – деган маънони англатади, яъни “амалдор” – дегани.

Аммо ижтимоий тараққиёт жараёнида жамиятни бошқариш борасида амалдорлар, ҳукумат бошлиқлари Ғарбда ҳам Шарқ ва Жанубда ҳам, асосан Ғарбда – маҳаллийчилик, қоғозбозлик, буйруқбозлик, тўра-

[1] “Халқ сўзи” газетаси, 2007 йил 13 феврал
[2] Уша жойда

тўрачилик, амални-феш-қош қилиш, мансабни суистеъмол қилиш, халқ оммасини, меҳнаткашни, оддий инсонларни менсимаслик, ҳатто зўрлик даражасигача бориб етишлик (бу ҳолат ҳозир анча кучайган) каби салбий ҳолатлар амалдорлар, давлатни бошқариш ходимлари томонидан юз бераётганлиги сабабли, асл маъносини тобора йўқота бориб “бюрократия” (яъни “амалдор”, “давлат ходими”) номи билан салбий тахлил қилиниб, баҳоланиб (ижтимоий ҳаётда мавжуд ҳолат) “Социология” фанида девиант йўналишига киритилиб ижтимоий меъёрларидан қонундан, ахлоқ нормаларидан четга чиқиш – деб қораланган, салбий маъноларда ишлатила бошланган.

Девиант туркумига киритилиши лозим бўлган ҳолатлар, харакатлар ижтимоий жамиятда етарлича “Социология” фанига кирмай қолган соҳалар кўп бўлиб, уларни келажакда ўрганиш давр талабидир.

Девиант хулқ-атвор муаммосини ижтимоий хаётда Шарқда қадимдан эътибор берилиб келинсада, Ғарбда фанга олиб кириш ҳаракати олдин бошланган. Жумладан, Ғарб социолог олими Э.Дюргейм жиддий эътибор бериб, чуқур ўрганиб, фанга олиб кирган. У девиант жамиятнинг қадимий социал муаммоларидан эканлигини таъкидлайди. Ҳақиқатда қадимий халқларнинг диний-мифологик тасаввуфларида Қадимги Миср, Ҳиндистон, Хитой халқлари, яқин Шарқ аҳли ижтимоий ҳаётида, уларнинг диний, дунёвий қонун-қоидаларида, ахлоқий меъёрларида бу сохада дастлабки социал қарашларда мавжуд бўлган. Қодимги Юнон ва Рим файласуфлари ҳам ўзларининг асарларида мазкур муаммоларни таҳлил қилиб берганлар.

Марказий Осиё халқларининг қадимий муқаддас китоби “Овеста” (Ахраман ва Ахурамазда ўртасидаги

кураш)да ҳам бу социал девиант муаммоларига алоҳида эътибор берилган, “яхшилик” билан “ёмонлик” ўртасидаги курашнинг социал моҳиятини ўзида ифодалаб берганлар.

XVII-XVIII асрларга келиб Ғарбий Европада жаҳон цивилизациясининг дастлабки куртаклари кўринабошлаб жамият ривожининг тобора юксалиб бориши ахлоқ меъёрларининг христианликдаги диний тасаввурлари, ижтимоий меъёрлар доирасидаги талабларидан четга чиқабошлайди, ахлоқ нормалари доирасига сиғмай қолаборади.

Ғарбий Европада XVIII асрга келиб жиддий ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар юз бериши оқибатида социал фикр намоёндалари бўлган мутафаккирлари ижтимоий меъёр ва ахлоқ нормаларидан чекиниш тобора кучайиб бораётганлиги муаммоларини янада чуқуррорқ ўрганишга киришадилар ва таҳлил қилабошлайдилар. Жумладан, Ғарб мутафаккирларидан Ш.Л. Мантескъе, Жон Жак Руссо, И. Беккариа, К. Гельвеций, Д.Дидро, П.Гольбах, Морелли, О. Конт, Сен.Симон, Шарль Фурьелар ва бошқалар ўзларининг илмий-социал изланишларида ижтимоий меъёрлар, қадриятлар, ахлоқ нормалари учун умумий (миллий) бўлган қонуниятларни аниқлашга интиладилар ва катта ютуқларни қўлга киритдилар.

XX аср Америка социологиясида эса муҳим ўрин эгалловчи социал таълимотлардан бири Э. Сатерленднинг дифференциал алоқалар таълимотидир. Бу таълимотга кўра ҳарқандай хулқ-атвор, шу жумладан, девиант хулқ-атвор ҳам ўрганилиб, унда мавжуд жамият аъзолари томонидан мазкур хулқ-атвор бошқаларга алоқалар қилиш орқали ўргатилади, ўтади – деган ғояни илгари суради.

Ижтимоий жамият тараққиёти жараёнида ҳолатларнинг пайдо бўлиши, унинг биологик ва социологик хусусиятларнинг ўзига хослиги, кўпроқ ижтимоий жамиятда шахсда инсонийликнинг социологик холатларида ўзгаришлар юз бериши, девиантликнинг тобора юзага чиқабориши, шаклланиб янада ривожланишида “Социология” фани аниқлаши бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлган учта омилни инобатга олиш мумкин. Булар шахс хусусиятларида муаммоли вазият ва муаммолар жараёни ва ижтимоий назорат институтлари ҳисобланиб, айнан ана шу омиллар шахснинг қандай фаолият кўрсатиши ва иш юритишини белгилаб беради.

Шу билан бир қаторда шахс хусусиятларининг шаклланишида эса унда ҳам асосан учта омил муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Улар: 1) ирсий омиллар; 2) психофизиологик омиллар; 3) шахснинг билим даражаси бўлиб омиллар шахс хусусиятларини аниқлашга ёрдам беради. Шахс фаолиятида юз берадиган иккинчи омил бу шахснинг асосий муаммолари хисобланиб, унинг ижтимоий меъёрлардан оғишларининг юз бериши муаммоларидир, яъни шахснинг қатъиятли ёки қатъийятсизлиги, принципиаллиги ёки принципсизлиги, қоидаларга бўйсиниши ёки бўйсинмаслик одатлари, бирон-бир қарорга келаолиш имконияти, ташқи таъсирга қанчалик берилиши, иродаси ва бошқа шу каби психофизиологик ҳолатлари, мижози каби ҳолатлар катта таъсир кўрсатади.

Жамиятнинг ижтимоий меъёрлардан оғиш ҳолатлари девиант хулқ-атворни ўрганишда муаммоли вазият муҳим аҳамиятга эга бўлган ва бўлади. Муммоли вазият шундай вазиятки, у субъектдан

муаммонинг ечимини талаб қилади, унинг ечими ижтимоий меъёрларда кўрсатилган бўлсада, у ёки бу сабабларга кўра, ушбу меъёрларни қўллаш қийинроқ бўлади.

Умуман олганда жамиятда шахс шаклланиши ниҳоятда мураккаб жараён бўлиб, унга, яъни шахс шаклланишига таъсир этадиган ҳолатлар ва бу ҳолатларга мувофиқ муаммолар, бу муаммоларни ҳал қилиш имкониятлари ҳам чексиз ва мураккаб бўлиб, буни бу мавжуд муаммоларни ҳал этиш имкониятлари мураккаблиги даражасининг маълум йўналишли ҳолатлари “Социология” фанида ҳозирги кунда унинг ўрганаётган туртта муаммоли ҳолати аниқдир. Улар қуйидагилардан иборат:

1) Ижтимоий жамиятда шахс шаклланишига таъсир этувчи хеч қанақа муаммо йўқ ҳолат, бунда намоён бўладигани шундан иборатки бу ҳолатда ҳеч қанақа қарор йўқ ва қарор қабул қилиш учун ҳам талаб йўқ, талаб қилинмайдиган ҳолат;

2) Шахс шаклланишида муаммо бор, бироқ қийинроқ ёки осонроқ бўлса-да, унинг ечими ҳам ижтимоий меъёрларда кўрсатилган ҳолат бўлиб, муаммони ҳал қилиш услуби аниқ бўлган ҳолат;

3) Шахс шаклланишида мавжуд муаммони субъект ижтимоий меъёр доирасида ҳал қилаолмайдилар ва ҳал қилаолмайдиган ҳолат;

4) Шахс шаклланиши жараёнида мавжуд муаммони ҳеч қанақасига ҳал қилиб бўлмайдиган ҳолат (жумладан, табиий камчилик билан бино бўлган инсонни нормал тўлақонли инсонга айлантириш, ўғилни қиз, ёки қизни ўғилга айлантириш мумкин бўлмаган муаммолар). Бу ҳолатлар бевосита социология фанида, девиант хулқ атвор социологиясида жиддий эътибор бериладиган

ижтимоий меъёрлар доирасида ўрганиладиган ҳолатлардир.

Девиант хулқ-атвор турларига кирувчи ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, ўз-ўзини ўлдиришлар, ўз жонига, ўзгалар жонига қасд қилувчилар ва бошқа турлари билан боғлиқ ижтимоий иллатларнинг ҳар бири юзага келиши ва уларнинг социал оқибатларига кўра бир-биридан моҳиятан жиддий фарқларга эга бўлган жиноятлар ҳисобланади. Аммо бу жиноятларга таъсир этиш ҳолатларини ҳам, фарқини ҳам социал моҳияти жиҳатидан ўрганиш талаб этилади.

Жумладан, девиант хулқ-атвор турларини бир-биридан ажратиб турувчи фарқлардан бири у ҳам бўлса ижтимоий зарарли одатларнинг узоқ давом этиши ва бу девиант инсон хулқига, турмуш тарзининг узвий бўлагига айланиб кетишидан иборатдир. Улардан бири оилавий келишмовчиликнинг доимий тус олиши, оила ва атроф муҳитдан норозилик, иш жойидаги тушунмовчиликлар, раҳбариятнинг ишчиларга, ходимларга адолатсиз муносабатларининг узлуксиз давом этиши, қонунларга риоя қилмайдиган, кўпроқ раҳбариятга, амалдорларга хос нохақлик ҳолатларининг доимийликка айланабориши ва ҳоказолар, буларнинг барчаси субъект руҳиятининг бузилишига, жамиятдаги мавжуд вазиятдан қатъий норозичилигига сабаб бўлади ва бу жараён субъект учун гўё “абадий”-дек кўринади ва у, яъни субъект бу вазиятни, кучи, имконияти борми, йўқми уни ўзгартиришга ҳаракат қилади.

Агарда ана шу субъект гурухга айланса ижтимоий тус олади ва унга қаршилик кўрсатувчи сиёсий бошқарув бор имкониятини, ҳимоя кучларини ишга солади, хатто субъектни ҳимоя қилувчи ижтимоий институтлар ҳам, ҳукумат кучларига муросавий

позицияга ўтади, камчиликларга йўл қўяди, зиддиятлар тобора кенгайиб, ҳуқуқий, назоратлар ҳам салбий роль уйнаб, ижтимоий норозилик адолатли ҳал бўлмасдан “куч” билан бостирилади ва бу ҳолат субъектда ижтимоий норози гурухда абадийдек хис қилинади, ижтимоий норозиликни вужудга келтирилади. Бу ижтимоий фарқ ҳисобланади.

Девиант хулқ-атвор шаклланишининг иккинчи фарқи эса ёки фарқли жиҳати шундан иборатки, юқоридаги ҳолатларни ҳал қилишнинг маълум қийинчиликлари мавжуд бўлиб, бу қийинчиликларни енгиш учун ҳаракат қилиниб, қандай ҳолат бўлишидан қатъий назар, кўп қурбон бериб бўлсада, тўғри ва тез ечимга эришиш мумкин бўлади.

Аммо ҳамма маъно шундаки, субъект ёки гурух қанча қурбон берган бераоладими ёки йўқми ундан қатъий назар: эр-хотиндан ажраладими, эски тизим янги тизимга айланадими, ёмон, ёқмаган касбдан янгисига ўтаоладими ёки йўқми девиант вазияти юз беради. Агарда бу вазият субъектнинг ўзига таалуқли бўлса, бу вазиятдан чиқиш учун қатъиятлик етишмаслиги, маълум бир қатъий қарорга келаолмай турган субъект “ўринбосар” воситаларга мурожаат қилабошлайди (бу жараёнда субъект характерига боғлиқ) ва улардан фойдаланишнинг турли йўлларини ахтарабошлайди. Жумладан, субъект учун ана шундай “ўринбосар” имкониятлар ва воситалар бу ичимлик, гиёҳвандлик, қотиллик, ўғрилик, иғво-фисқу-фасад, бузғунчилик, фохишалик ва ҳ.к.дан иборат воситалардан фойдаланишга киришади. Бу йўл ижтимоий тус олиб, зиддиётнинг тобора чуқурлашувига, турмуш тарзининг бузилабориб зарарлантирувчи кучга эга бўлган омилга айланаборади.

Шундай қилиб, девиант – хулқ-атворнинг ҳарқандай кўриниши қандай ҳолатда бўлишидан қатъий назар ижтимоий меъёрларга зид зарарли бўлиб, бу зиддиятли зарарлар шаклланиши ва тобора кенгайиб боришида, боғлиқли сабаблар мавжуд бўлиб, зарарли ҳолатларга олиб келган сабабларни аниқлаб, уни ҳал этиш йўлларини аниқлаб, ечимини кўрсатиб бериш “социология” фанининг вазифаси бўлиб, девиантликка йўл қўймаслик учун белгиланган ҳар-бир ечимни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг маъноси жамиятдаги муаммоли вазиятдан чиқиш, муаммоли ҳолатни ҳал қилиш субъектнинг индивидуал мақсадлари билан жамият манфаатлари бир-бирига мос келишидир.

Назорат учун саволлар:

1. Жамиятнинг ижтимоий тузилмаларини қандай тушунасиз?
2. Социал стратификация назарияси моҳиятини қандай тушунасиз?
3. Страталар нима? ва у Марказий Осиё халқлари ҳаётидачи?
4. Ёшлар социологиясини ўрганишдан мақсад нима?
5. Девиант нима? У қандай тушунча?, Ижтимоий меъёрларчи?
6. Хулқ-атвор моҳиятини таърифлаб беринг.

Таянч иборалар:

СТРАТИФИКАЦИЯ – жамиятда, ижтимоий хаётда турли хил табақа, тоифалар,синфлар, қатламлар ва ижтимоий гуруҳларга бўлинишига айтилади, уни илмий ўрганиш эса стратификация назарияси дейилади

Г У Р У Х – бир мақсад сари уюшган кишилар жамоаси

ТАБАҚА – жамиятда эгаллаган ижтимоий мавқеига мувофиқ шаклланган этник характерга эга бўлган кишилар қатламидир

ТОИФА – жамиятда эгаллаган насли-насаби, мулкига қараб ташкил топган кишилар қатлами.

СИНФ,СИНФЛАР – иш касби, ишлаб чиқариш муносабати, ишлаб чиқариш воситасига, ҳарактерига, махсулот ишлаб чиқиш имконияти ва маълум мулкга эга бўлганлар.

БАТРАК – камбағал, қашшоқ, мулкдор ихтиёрида ишлаб кун кўрувчи, меҳнаткаш

МАРДИКОР – сезонли меҳнат қилиб, оиласини боқиб кун кўрувчи, меҳнаткаш

ТЎПОР – қарол, оиласиз, ҳуқуқсиз меҳнат қилувчи, бой хизматкори

ИНТЕГРАТИВ – кишиларни бирлаштиришни англатади

КОМПЕРСАТОРЛИК – кишиларни овитувчи ҳолатни англатади

РЕГУЛЯТИВ – назорат қилиш, тарбиялаш

КОММУНИКАТИВ – алоқа боғловчи

ИЖТИМОИЙ НАЗОРАТ – жамиятда инсонни маънавий, моддий, юксак комил инсонлик даражасига етказиш тарбиясини назорат килиш

ИЖТИМОИЙ МЕЪЁР – жамиятда инсонлар ҳатти-ҳаракатлари ва хулқ-атворларини, моҳияти, ҳуқуқ,

ахлоқ ва бошқаруви ва шахснинг муайян социал муҳитга мослашувини тартибга солувчи қоидалар мажмуасига айтилади

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ – ёшларнинг маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий, моддий-иқтисодий жиҳатларини руҳан тушуниш, ўзлигини билиш тафаккурий онг сифатида амалда қўллай олиш қобилиятидир

ДЕВИАНТ – хулқ-атвор, инсон феъли, характери меъёрларидан четга чиқиш ҳолатлари, яъни ижтимоий меъёрлардан четга чиқишдир.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. 1992
2. И.А.Каримов “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”. Т.,”Ўзбекистон”, 1992
3. И.А.Каримов “Иқтисодий ислоҳотлар маъсулиятли босқич”, Т. 1994
4. И.А.Каримов “Истиқлол ва маънавият”, Т., 1994
5. И.А.Каримов “Истиқлол йўли, муаммолар ва режалар”, Т. 1992
6. И.А.Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, Т., 1998
7. И.А.Каримов “Ўзбекистон буюк келажак сари”, Т., 1998
8. И.А.Каримов “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз”, Т.2000
9. И.А.Каримов “Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароитини яратиш – асосий вазифамиздир”. “Халқ сўзи”, 2007 йил 13 феврал.

10. М. Бекмурадов “Социология асослари”, Т., “Фан”, 1994
11. К.Юнусов “Социология” (ўқув қўлланма), Андижон, 1997
12. Муаллифлар гурухи. “Социология” (дарслик), Москва, 1990
13. Муаллифлар гурухи. “Умумий социология”, Т., 1991
14. В.В.Радаев, О.И.Шкаратан “Социальная стратификация” (учебник) Москва, 1996
15. Т.И. Заславская “Структура современного Российского общества” (статья) Москва, 1996 (Экономические и соцальные перемены: мониторинг общественного мнения. стр. 7-15).
16. Ш.А.Ахадов “Социология” (ўқув-услубий қўлланма), Самарқанд, 2005 йил

ЖАМИЯТ ВА УНИНГ ТИЗИМЛАРИ

Режа:

1. Ижтимоий тизим тушунчаси.
2. Жамиятдаги ўзаро ижтимоий алоқадорлик ва ижтимоий ташкилотлар.
3. Ижтимоий муносабатлар, ижтимоий мавқе (статус), ижтимоий санкция ва ижтимоий роль тушунчалари.
4. Маънавият ижтимоий тизим сифатида.

Жамият – кишилар ҳаётий фаолиятининг тарихий ривожланиш шакли бўлиб, ўз тузилиши жиҳатдан мураккаб тизимни ташкил қилади. Бизнинг ҳозирда яшаб турган жамиятимизни социал тизимнинг муайян

конкрет шакли сифатида, унинг функционал ва ривожланиш қонуниятини, ҳар бир бўлакчаларининг, социэтал турларининг ўзига хос томонларини, ўзаро муносабатларини илмий жиҳатдан ўрганиб, тўғри бошқариш муҳим аҳамиятга эга эканлигини тушунтиришдан иборат.

Чунки, ўз вақтида кейинги оқибати олдиндан социологик асосда таҳлил қилинмаган ва олди олинмаган нуқсонлар жамият тараққиётида салбий из қолдиради.

Бизнинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз республиканинг ўзига хос турмуш тарзини, шарт-шароитлари ва хусусиятларини, халқ анъаналари ва урф-одатларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланганлиги социологик тадқиқотларда ўз аксини топмоғи зарур.

1. Ижтимоий тизимлар.

Бу ҳақда қисман олдинги мавзуда тушунча берган эдик, бу мавзуда эса назарий таълимотларга таҳлил берилади. Социология тарихида жамият – ўз ижтимоий эҳтиёжларини қондирувчи кишилар бирлиги сифатида тушунилган. Шу билан бирга, жамият айрим кишиларнинг бирлигигина эмас, балки ижтимоий муносбатлар мажмуаси ҳамдир.

Социология жамият тўғрисидаги таълимот бўлиб, ижтимоий тизимлар ривожланиш ва функционал қонуниятлари, ҳаракатланувчи кучларини ўрганувчи фандир. У турли ижтимоий ҳодисалар, жамият ва табиат ўртасидаги алоқадорликни, шунингдек, шахс, кишиларининг ижтимоий ҳулқи, унинг элементлари ва ривожланиш қонуниятларини ўрганади.

Ҳозиргача жамият ҳаётини социологик жиҳатдан тадқиқ қилиш, асосан, икки йўналишда ривожланиб келди.

Биринчи йўналиш: О.Контдан француз социологи Э.Дюркгейм орқали ривожлантирилган америкалик социолог Т.Парсонсларнинг социологик таълимотидир. Бу йўналишда ижтимоий тизим ўзгариши ташқи кучлар таъсири орқали тушунтирилиб, кўпроқ психологик омилларга эътибор берилган.

Иккинчи йўналиш: марксистик социологик маълимот бўлиб, бунда ижтимоий тизим ички зиддиятлар асосида, ички куч таъсири орқали тушунтирилиб, материалистик моҳиятга эга бўлган моддий муносабатларнинг белгиловчи ролига асосий эътибор қаратилган.

Ушбу мавзуни ёритишга биз ҳар иккала таълимотнинг ўзига хос томонларини, хусусиятларини тушинтириб уларнинг афзал ва камтик жиҳатларини китобхон эътиборига ҳавола этамиз.

2. Жамиятдаги ўзаро ижтимоий алоқадорлик ва ижтимоий ташкилотлар.

Жамиятнинг ижтимоий таркиби – ижтимоий тизимлар ва уларнинг элементлари ўртасидаги ижтимоий алоқалар турини ташкил қилиб, ижтимоий муносабатлар мафкурасини ифодалайди ҳамда турли ижтимоий гуруҳлар, меҳнат тақсимоти, ижтимоий институтлар ҳарактерини акс эттиради.

Жамият, унинг тизимлари ўзига хос таркибий тузилишга эга бўлиб уларнинг асосий компоненти инсон ҳисобланади. Кишилар ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида – иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий, оила-турмушда фаолият кўрсатадилар. Уларнинг асосида ижтимоий таркиблар тузилади. Ижтимоий тизимларнинг мураккаблиги, таркибидаги элементларнинг сони кўплиги билан эмас, асосан, бу элементлар ўртасидаги ўзаро алоқа ва муносабатлар ҳарактери билан белгиланади. Шунинг учун ҳам

ҳозирда «Республика барча фуқаролари ва юридик шахсларга ташаббус кўрсатиш ва ишбилармонликни ривожлантириш учун ҳўжалик фаолиятининг қонун томонидан ман этилмаган барча турларини амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратиш лозим»[1] - деб таъкидлаган эди И.А.Каримов.

Ижтимоий тизимлар занжирида турли, ўзига хос халқага эга бўладилар. Ички ташкилий тузилиши, ҳарактери, функционал ва ривожланиш даражаси, турмуш тарзи фаолият шакли ва усуллари билан қадриятлар тизим, норма ғоялари, қарашлари ва бошқа жиҳатлари билан ўзаро фарқ қиладилар.

Жамиятнинг ижтимоий таркибини конкрет тарихий давр системасида олиб қараш талаб қилинади. Чунки кўпчилик тарихий ижтимоий тизим таркиби ўзаро сифат ва хусусиятлари билан фарқ қилади.

Жамиятнинг ижтимоий таркибини социологик жиҳатдан ўрганишда уни уч маънода: энг умумий, махсус кенг ва хусусий тор маънода олиб қараш зарур.

Умумий маънодаги ижтимоий таркиб-жамиятнинг бир бутун таркибини ташкил қилади. Бу ижтимоий таркибнинг элемент сифатида жамиятнинг ижтимоий муносабатларига мос тушувчи иқтисодиёти, сиёсати, идеологияси каби соҳалар киради. Иккинчи, махсус, кенг маънодаги ижтимоий таркибга ижтимоий тарихий бирлик мажмуаси ва улар ўртасидаги алоқа, муносабатлар киради. Бу таркиб миллий-этник, ижтимоий-демографик, мутахассислик ихтисослик ва бошқа шу каби соҳалар киради.

Тор маънодаги ижтимоий таркиб тушунчасига меҳнат жамоалари, ҳудудий бирлик, нисбатан тез ўзгарувчан гуруҳлар киради. Бозор муносабатларининг

[1] И.А.Каримов. “Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура”. 65-бет.

таркиб топиши жараёнида Ўзбекистон ижтимоий таркибида кескин ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу ўзгаришларни юқорида кўрсатилган уч методологик босқич бўйича социологик тадқиқ қилиш – асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

«Социологиянинг умумназарий муаммолари» асарида Америкалик социолог Парсонс, жамият таркибий тузилишининг функционал моделини ишлаб чиқди. Унга мувофиқ, ҳар қандай ижтимоий тизим қўйидаги тўртта таркибий иерархик даражадан иборат:

1. «Бирламчи» ёки «техник» даража ижтимоий тизим элементларининг бевосита алоқадорлигини ифодалайди.

2. Бошқарув ёки «менеджериал» даража, бирламчи даражадаги ижтимоий тизимлар элементларининг ўзаро алоқадорлигини тартибга солиб туради. Бу даража ташқи таркибий алоқалар бўғинлари билан муносабатлар ўртасида воситачилик ролини бажаради. Ижтимоий тартибни назорат қилади, кузатади, кишиларнинг моддий жиҳатдан таъминотини бошқаради.

3. «Институтли» даража янада умумийроқ масалалар билан шуғулланади. Бунга бошқарув, институтлар ва раҳбарият, маъмурий идора органлари, уларнинг вакиллари киради.

4. Олий даражадаги, умумдавлат даражасидаги жамият ташкилотлари. Бунга давлат ҳокимияти, ҳуқуқий ва бошқа ташкилотлар киради. Улар қуйи даражалар устидан назорат қилади ва уларни тартибга келтиради. Парсонс социологик мактаб қарашича, жамият функционал тизимлардан иборат. Бу мактаб вакиллари диннинг жамият ҳаётидаги функционал аҳамиятига ҳам юқори баҳо берганлар. Дин-жамиятнинг «бир бутун» ҳолда бўлишига хизмат

қилади – деб, атеизмга жамиятнинг бир бутунлигини бузувчи номутаносибликни келтириб чиқарувчи омил сифатида қарашган.

Юқорида келтирилган фикрлардан хулоса қилиб айтиш керакки,жамият ҳаёти ўзининг мураккаб тузилишига эга бўлганлигини ҳисобга олиб, уни фақат бир томонлама асослаш кифоя қилмайди. Ижтимоий таркибни эмпирик жиҳатдан социологик тадқиқ қилишда психологик маънавий, субъектив, тарбиявий, аҳлоқий миллий ва бошқа ёндашувлар муштараклигида олиб қараш мақсадга мувофиқдир. Ижтимоий ҳодисалар таркибини социологик тадқиқ қилишда ҳаётдан ажралиб қолган, мавҳум, аниқ мазмундан узоқда бўлган умуназарий қарашлар концепцияларни эмас, балки унинг барча мураккаб жиҳатларини, таркибий тузилишини, ижтимоий шарт-шароитларини, тарихий вақт ва миллий хусусиятларини, функционал ва ривожланиш жараёнини ҳисобга олиш зарур.

Социологияда ижтимоий бирлик тушунчаси ҳам муҳим ўрин тутади. Ижтимоий бирлик –деб тарихан шаклланган, нисбатан барқарор ижтимоий алоқалар ва муносабатларга, ўзига хос умумий хусусиятларга эга бўлган кишилар бирлигига айтилади. Бошқа ижтимоий ташкилот ва институтлардан фарқ қилиб, ижтимоий бирлик табиий ва тарихий жараёнда вужудга келиб, онгли кишиларнинг иродаларига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлади. Ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида объектив зарурат сифатида вужудга келган кишиларнинг ижтимоий бирлиги характери жамият ишлаб чиқариш усули ҳарактерига боғлиқ бўлади ва у билан белгиланади.

Буюк мутафаккир юртдошимиз Абу Наср Форобийнинг кишилар ижтимоий бирлиги тўғрисида

бундан ўн бир аср муқаддам ёзиб қолдирган қўйидаги фикри диққатига сазовордир: «Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади. Шу сабабли яшаш учун зарур бўлган кишиларни бир-бирларига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интилган етукликка эришиш учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди»[1].

Марказий Осиёнинг яна бир буюк мутафаккири Абу Райҳон Беруний ҳам кишиларнинг ижтимоий бирлиги тўғрисида фикр юритиб, шундай деган: «Ҳамма гап шундаки, инсон, эҳтиёжларининг кўпчилиги ва ҳимоя воситаларидан маҳрум бўлганда чидамсизлиги ҳамда душманларнинг сероблиги орқасида ўзаро қўллаб-қувватлаш ва ҳар бири ўзини ҳам, бошқаларни ҳам таъминлайдиган ишни қилиш мақсадларида ўз ҳамтавоқлари билан жамият бўлиб бирлашишга мажбур бўлган эди»[2].

Жамиятнинг тарихий ривожланиши жараёнидан вужудга келган эл-элат, қабила, уруғ, оила, жамоа каби кишиларнинг ижтимоий бирлиги ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиши ва янги ишлаб чиқариш муносабатларининг таркиб топиши билан халқ миллат каби ижтимоий бирликларга ўз ўрнини бўшатиб берган. Бу жараёнда меҳнат тақсимоти, ақлий

[1] Абу Наср Фаробий. “Фозил одамлар шаҳри”. Т. А.Қодирий номидаги ҳалқ маорифи нашриёти, 1993, 186-бет.
[2] Беруний. Танланган асарлар, 3-том. Т. 1969, 83-бет.

меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқиши ҳам муҳим аҳамият касб этган.

Яқингача илмий адабиётларда «совет халқи»-деган кишиларнинг янги ижтимоий бирлиги таркиб топганлиги хусусида кўп ёзилар эди. Совет Иттифоқининг парчаланиб кетиши ва мустақил миллий республикаларнинг вужудга келганлиги оқибатида бу ибора ҳаётда асосли бўлмаганлиги сабабли ўз моҳиятини йўқотди. Чунки табиий-тарихий жараён натижасида эмас, балки мажбурий сиёсий тазйиқ асосида тузилган бу ижтимоий бирлик тарихий давр синовига дош бера олмади. «Совет халқи» ибораси остида буюк миллатчилик ҳам кўп сонли миллат ва элатларни руслаштириш сиёсати ҳам ётар эди. Бу ибора остида рус бўлмаган миллат ва халқларнинг тили, урф-одатлари, анъаналари камситилди. Миллий қадриятларни, маданиятни менсимаслик авж олди.

Социологияда ижтимоий бирлик тушунчаси остида жамият ижтимоий таркибидаги барча тизим ва элементларни тушуниш мумкин. Улар ўзаро ҳарактери ижтимоий кўлами ва жамият ҳаётида тутган ўрни билан фарқ қилади.

Социологияда жамият ҳаётини ўрганишда «ижтимоий ташкилотлар», «институтлар» каби илмий тушунчалардан ҳам фойдаланилади. Ижтимоий ташкилотлар-кишилар ўртасидаги ижтимоий муносбатлар ривожининг маҳсулоти бўлиб, муайян дастур ёки мақсадни бажаришга қаратилган, белгиланган кишилар бирликларидир. Ижтимоий ташкилотлар моддий ишлаб чиқариш жараёнида юзага келади. Бу тушунча кенг маънода алоҳида кишилар ва ижтимоий гуруҳларнинг фаолиятини бошқариш ва тартибга солиш усулини ҳарактерлайди. Ижтимоий ташкилот тушунчаси, кишилар ўртасидаги

алоқадорликнинг барча соҳа ва даражаларини ўз ичига олади. Ижтимоий тизим томонидан айрим индивидлар фаолиятини бошқаришни таъминлайди.

Тор маънодаги ижтимоий ташкилотлар нисбатан барқарор ва алоҳида кишилар гуруҳини ўз ичига олади. Унинг аниқ белгиланган мақсади бўлиб, шу мақсадни амалга ошириш учун фаолият қилади.

Ғарб социологиясида ижтимоий ташкилотларни тадқиқ қилишда, уларнинг психологик қонуниятларига кўпроқ эътибор берилади. Масалан, М.П.Блау, Г.Зиммел социологик назарияларида ижтимоий ташкилотлардаги субъектнинг хулқи ва мотивини психологик асосида тутунтиришга асосланади.

Америкалик машҳур социолог Ж.Хомансннинг ижтимоий ташкилотларни тадқиқ қилишда социология, психология ва позитив мантиққа асосланиш зарурлиги тўғрисидаги фикри ҳозирги назарий камтиклик даврида биз учун муҳим аҳамиятга эга.

Т.Парсонснинг таркибий-функционал таҳлил социологик мактабида ҳам ижтимоий ташкилотларни ўрганишда жамият ҳаётидаги тартиб, «ижтимоий мувозанат»ни сақлашда психологик иқлимни ўрганишга асосий эътибор қаратилади. Яна бир америкалик социолог Д.Белл университет, институтлар ижтимоий ташкилотларнинг марказий ўринларини эгаллайди, деб кўрсатади. Унинг маориф ва фан ижтимоий прогрессни таъминловчи, асосан, институтлар ҳисобланади, деган фикри ҳозирда бир қатор илғор давлатлар тажрибасида исботланди.

Ижтимоий институтлар орқали кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, уларнинг фаолияти ва хулқи тартибга солинади. Жамият ҳаётининг барқарорлиги таъминланади.

Социологияда ижтимоий институт сифатида жамият таркибий тузилишига мос тушувчи ижтимоий ташкилот, муассаса бирлиги, ижтимоий хулқ ва фаолиятининг барқарор шаклларини белгиловчи ижтимоий норма ва маданият ташкилотлари тушунилади.

Ижтимоий муносабатлар соҳаларига қараб ижтимоий институтлар қуйидаги турларга бўлинади:

1. иқтисодий институтлар;
2. сиёсий институтлар;
3. никоҳ, оила ва қон-қариндошлик;
4. тарбия институтлари;
5. маданият соҳаси институтлари. Уларнинг ҳарактери жамият ишлаб чиқариш усули ва ижтимоий муносабатлар ҳарактери билан белгиланади.

Ғарб социологиясида «ўрта даражада»ги ижтимоий институтлар, масалан, индустриал ташкилотлар социологияси, оммавий коммуникация социологияси, дин социологияси каби социологик тадқиқот йўналишлари кенг ривожланган. Нисбатан тор доирадаги ижтимоий институтларнинг тадқиқ қилиш ҳам муҳим ўрин тутади.

Жамият кишиларининг ўзаро алоқадорлик бирлигидан иборатдир. Ҳар қандай ижтимоий тизим ва унинг элементлари бошқа тизимлар, уларнинг элементлари билан функционал алоқадорликда бўлади.

3. Ижтимоий муносабатлар, ижтимоий мавқе (статус), ижтимоий санкция ва ижтимоий роль тушунчалари.

Ижтимоий муносабатлар кишилар, ижтимоий гуруҳлар, миллатлар, ташқи табақалар ва бошқа ижтимоий тузилмалар ўртасидаги муносабатлар ва уларнинг ички иқтисодий, ижтимоий, сиёсий мафкуравий ва маданий соҳалардаги фаолиятини

ташкил қилади. Алоҳида олинган инсон-жамиятнинг, ижтимоий муносабатларнинг бошланғич унсури ҳисобланади. Ўз моҳият эътибори билан ижтимоий муносабатлар моддий ва маънавий мазмунда бўлади. Моддий ижтимоий муносабатларга иқтисодий ишлаб чиқариш муносабатлари киради. Устқурмавий муносабатлар сиёсий, ҳуқуқий муносабатларни ўз ичига олади. Маънавий муносабатларга аҳлоқий, мафкуравий, диний ва бошқа муносабатлар жамланади. Жамият ривожланиш ижтимоий муносабатлар ривожи билан белгиланади. Бошқача айтганда, бир бутун тизим сифатидаги жамият моҳиятини унинг соҳалари, тизимлари ўртасидаги ўзаро функционал алоқадорлик қонунлари ифодалайди.

Социологияда ижтимоий муносабатлардаги объектив жиҳатлар бир қаторда, субъектив омилларни ўрганишда алоҳида аҳамият беради. Собиқ Совет тузуми даврида ижтимоий муносабатларда субъектив омилларнинг аҳамияти объектив қонуниятлар даражасидан анча пасайтирилиб, уни тадқиқ қилишга кам эътибор берилган эди. Ўз навбатида собиқ Совет жамиятининг 70 йилдан ортиқ ривожланиши давомида объектив қонуниятларидан кўра кўпроқ субъектив омилларнинг таъсири асосий ўрин тутган. Сталинизмнинг оммавий репрессия, Н.С.Хрушевнинг субъектив волюнтаристик сиёсати, Л.И.Брежнев бош секретарлиги давридаги Афғон уруши, М.С.Горбачевнинг абстракт «қайта қуриш» сиёсати ва унинг барбод бўлганлиги фикримизга ёркин мисол бўла олади.

Ғарб социологиясида, хусусан, бихевиористик назарияда ижтимоий муносабатлар: инсон-«психологик машина» тамойилидан келиб чиққан ҳолда тушунтирилади. Унга кўра, индивид ижтимоий

алоқадорликнинг фаол яратувчиси сифатида ўз шахсий хулқини ва ҳаётидаги мавқеини яратади.

Феноменологик социология вакиллари А.Шуте, Х.Лукман, А.Сипувер ва бошқалар ижтимоий муносабатларнинг субъектив табиатига кўпроқ эътиборни қаратдилар. Субъектив кечинмалар жараёнини ижтимоий ҳаётининг асосий соҳаси сифатида тадқиқ қиладилар.

Ижтимоий муносабатлар моҳиятини тушунтириб, «табиий қурилма» тушунчасини қўллайдилар. Бу тушунча инсонни кундалик экзистензияси мавжудлигини ифодалайди, «содда реализм», «интерсубъективлик» каби тушунчалар ҳам мавжуд ижтимоий алоқадорлик ва муносабатларнинг ўзига хос социологик қонуниятларини ифодалайди ва ўзида мужассамлаштирилади.

Америка социологи Т. Парсонс фикрича, ижтимоий муносабатлар, ижтимоий тузулмалар элементлари тартибли муносабатлардан иборатдир. Бундай тартиблилик икки жараёнда таъминланади.

1. Ижтимоий тизимларнинг ўз муносабатларини сақлашига интилиши.
2. Ижтимоий тизимларнинг ташқи муҳитга нисбатан ўз чегарасини сақлашга интилиши орқали.

Ижтимоий муносабатларда моддий ишлаб чиқариш муносабатларида, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий, маданий, аҳлоқий ва бошқа муносабатларда нисбатан белгиловчи характерга эга бўлиб, жамият ҳаётининг умумсоциологик қонуниятини ифодалайди. Унда рўй берадиган ўзгаришлар аста-секин, бошқа барча муносабатлардаги фарқларга олиб келади, шунингдек маънавиятдаги туб ўзгаришларга сабаб бўлади.

Ҳозирда жамиятимиз ҳаётида бозор муносабатларнинг аста-секин таркиб топиб бориши ўз

навбатида бошқа барча ижтимоий муносабатларда муайян ўзгаришларни келтириб чиқариши табиий. Айниқса, бундай ўзгаришлар шахс ва унинг жамият ҳаётидаги муносабатларида яққол кўрина бошлайди. Ҳозирда шахснинг фаоллиги ижтимоий мавқеи ортмоқда.

Ижтимоий мавқе (статус) тушунчаси-алоҳида олинган бўлиб, бу инсон ёки ривожланиш гуруҳнинг жамиятда мавжуд ижтимоий тузумда тутган ўрни, эгаллаб турган мавқеини ифодалайди. Бу тушунча орқали кишиларнинг ижтимоий келиб чиқиши ирқий ёки ўзининг ҳаракати (маълумоти, кўрсатган хизмати) орқали эришган даражаси ўрганилади.

Жамият ҳаётини илмий таҳлил қилиш жараёнида, социологияда ижтимоий санкциялар тушунчаси муҳим аҳамиятга эга. «Санкция» сўзи лотинча сўздан олинган бўлиб, қатъий қарор маъносини англатади.

Ижтимоий санкция деб, ижтимоий гуруҳ ёки тизимнинг индивид хулқига ижтимоий нормадан ижобий ёки салбий томонга ўзгаришига нисбатан реакцияси тушунилади. Ижтимоий санкциялар деб жамият ҳаётини бошқаришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, шахснинг ижобий ҳатти-ҳаракати учун рағбатлантириш ёки ёмон, салбий ҳатти-ҳаракати учун жазо бериши билан ижтимоий назорат воситаси бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий санкциялар кишиларнинг муайян ижтимоий гуруҳлар таркибида жамоа билан биргаликда давомли фаолият кўрсатишни таъминлайди.

Алоҳида индивид таъсир этишнинг восита ва усулига қараб жисмоний санкциями «калтаклаш, озодликдан маҳрум этиш, ўлим жазоси ва бошқалар», иқтисодий «мукофотлаш, моддий

рағбатлантириш,жарима солиш, мол-мулкидан маҳрум этиш ва бошқалар) ва рамзий (ҳурмат билдириш, иззат қилиш, хайфсан эълон қилиш каби) санкция турлари мавжуд.

Агар ижтимоий санкция аввалдан шаклланган (давлат қонунларида, низомларида, қонунда ва фармонларида белгиланган) тартибда бўлса, формал ёки расмийлашган секциялар дейилади.

Салбий (хибсга олиш, жарима, хайфсан бериш) ва ижобий (хизмат лавозимини кўтариш, орден ва фахрий ёрлиқлар илан мукофотлаш) санкциялар ижтимоий гуруҳлар ва кишилар фаолиятини муайян тартибда бошқаришни таъминлайди. Расмий ижтимоий санкциялар давлат томонидан сайланган ёки тайинланган мутасадди шахслар томонидан амалга оширилади. Норасмий ижтимоий санкциялар бехосдан, стихияли юзага келиб, ижтимоий тартибдан четлашилганда ижтимоий муҳит (хизматдошлар, дўстлар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар ва шу кабилар) томонидан амалга оширилади.

Ҳар бир киши, шахс маълум бир ижтимоий гуруҳга, тизимга мансуб бўлади. Шунинг учун, ижтимоий санкциялар доимо шахс фаолияти йўналиши, тартиби ва объект ўртасида билвосита таъсирда бўлади.

Ҳозирги мураккаб ижтимоий ривожланиш жараёнида, бозор муносабатларига ўтишдаги иқтисодий қийинчиликлар даврида социологияда ижтимоий санкцияларнинг яширин (патент) оқибатларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Жиноят содир қилган шахс бериладиган жазодан қўрқиб ўз жиноятини яшириш мақсадида, онгли равишда янада каттароқ, мутҳишроқ жиноятларни содир қилиши мумкин.

Фикримизга мисол қилиб, қуйидаги воқеани олишмиз мумкин. Кўнгил куйига кириб, ёшлик хатоси билан С. исмли қиз турмушга чиқмай ҳомиладор бўлиб қолади. Кўпчиликдан уни яширмоқчи бўлади. Сирни ошкор қилишга юраги дов бермайди. “Касални яширса иситмаси ошкора”, - деганларидек, вақт-соати келиб, чақалоқ дунёга келади. Қиз атрофдагиларнинг тавқи-лаънатидан қўрқиб, ўз фарзанди-бегуноҳ бола жонига қасд қилади. Афсуски, бундай ҳодисалар ягона эмас.

Шунинг учун ҳам, ижтимоий санкцияни социология фани доирасида ўрганиш жамият ва шахс ривожланиши ижтимоий оқибатларини очиш, аниқлаш ва зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқишни талаб этади. Бу эса, ўз навбатида, жамиятни, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг жамоада ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлашга ва шахс тарбиясини яхшилашга хизмат қилади. Жамият ҳаётида ижтимоий тизимлар тузилмаларнинг айрим олинган шахсдан тортиб, то юқори даражадаги тизимгача ўзининг муайян аҳамияти, вазифаси, мақсадга йўналганлиги бўлади. Ижтимоий рол жамият ижтимоий таркибида боғловчи аҳамиятга эга бўлиб, ижтимоий муносабатларнинг асосини ташкил қилади. Ижтимоий рол жамият ижтимоий таркибида психологик жиҳатни ҳам ўзида намоён қилади. Шунинг учун Ғарб социологиясида ижтимоий ролга жуда катта эътибор берилади.

Америкалик социолог, таркибий функционал таҳлил социологик мактаби асосчиси Т.Парсонс: жамиятдаги ижтимоий фаолият тизими ва ижтимоий таркибнинг ҳарактерли хусусияти фаолиятидаги шахслар муносабати «бир бутун моҳият» сифатида эмас, балки қандай ижтимоий рол бажариш, қандай аҳамият касб этиши билан белгиланади,- деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, ижтимоий таркиб

фаолият кўрсатувчи кишилар ўртасидаги ўзаро бир-бирига нисбатан муайян ижтимоий ролни бажарувчи стандартлашган муносабатлар тизимини ифодалайди. Кўриниб турибдики, жамият ижтимоий тизимида ижтимоий ролнинг психологик жиҳатига асосий эътибор қаратилади.

Т.Парсонс ижтимоий ролни «фаолиятидаги индивид ориентирининг бир бутун тизими» сифатида қарайди. Ижтимоий рол ҳар бир кишига жамият томонидан юкланади ва баҳоланади.

Ғарб социологларининг фикрича, индивид ижтимоий ҳаёт саҳнасининг ўзига хос актёрига ўхшайди. «Бошқарувчи (менеджер), илмий маслаҳатчи, ҳисобчи, корхонадаги ҳамма ходимлар устадан тортиб, то ишлаб чиқариш кенгаши аъзосида ҳам, деб ёзади Н.Дерендорф,-бажарилиши мажбурий ҳисобланган муайян фаолият масъулияти бўлади. Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш ижтимоий таркибининг қисмларини ифодалайди. Биз буларни ижтимоий рол деб айтамиз»[1].

«Социология учун, деб давом эттиради фикрини, - ижтимоий роли бўлмаган индивид ёки гуруҳ бўлмайди»[2].

Ижтимоий рол тушунчаси орқали ғарб социологлари инсоннинг ижтимоий табиатини тушунтиришга ҳаракат қиладилар.

4. Маънавият ижтимоий тизим сифатида. Жамият ҳаётининг муҳим томонларидан бири маънавият бўлиб, ўзига хос ижтимоий тизим сифатида таркибий тузилишга эгадир. Ижтимоий ҳаётнинг маънавият соҳаси мазмуни, энг аввало, мафкура, аҳлоқ, санъат, дин ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа номоддий

[1] «Критика современных буржуазных социалистических теорий». Москва, «Прогресс», 1976, стр 84-85.
[2] «Критика современных буржуазных социалистических теорий». Москва, «Прогресс», 1976, стр 84-85.

жиҳатларида намоён бўлади. Бу соҳа ўзининг хусусиятлари билан жамиятнинг ижтимоий – сиёсий тизимидан ҳам фарқ қилади. Ўзбек халқи ўзининг миллий мустақиллигига эришганлиги муносабати билан жамиятимиз маънавият тизимида туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Ишлаб чиқариш муносабатларининг янги иқтисодий ва ижтимоий моҳияти маънавий мазмун билан тўлдирилмоқда. Бу соҳада дунёқараш муҳим рол ўйнайди.

Дунёқараш – шахс маънавитяининг асосий мазмунини ташкил қилади. Жамиятнинг маънавият тизими ўз таркибига сиёсий, ҳуқуқий онг, аҳлоқ, фан, фалсафа, санъат, диний онг, мафкуравий қарашлар ва бошқа қарашларни қамраб олади. Уларнинг ҳар бири ижтимоий тарихий фаолиятнинг муайян томонини ташкил қилиб, маънавий озиқ воситаси сифатида амал қилади.

Маънавият тизими .юқорида кўрсатилганлар билан чекланмайди. У яна бой мазмунга эга. Кундалик онг, ижтимоий психология, ғоя, мафкура ва бошқа маънавий муносбатлар ҳам бу таркибга киради. Ижтимоий онг шакллари маънавиятда асосий ўрин тутади, мафкура эса йўналтирувчи кучга эга бўлади.

Муайян ижтимоий – иқтисодий, сиёсий муносабатлар асосида маънавий муносабатлар таркиб топади. Шунинг учун ҳам инсон маънавий дунёсининг мазмуни жуда мураккаб бўлади. Шахс маънавияти жамияти маънавий, аҳлоқий, ҳаёти, тизимнинг ўзаги, юраги ҳисобланади.

Маънавиятни социологик жиҳатдан ўрганишда, ижтимоий ҳаётда айниқса, миллий мустақилликнинг ҳозирги илк ривожланиш босқичидан шахснинг ҳиссий эҳтирос даражасига эътибор бериш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, унда шахснинг миллий Ватан туйғуси, халқ

иши учун фидоийлик, ижодкорлик, шижоат, келажакка ишонч билан қараш каби юзага келтириш зарур бўлган яширин кучлар ётади.

Мустақил Ўзбекистон миллий мафкурасининг шаклланиш маънавият соҳасида жиддий ўзгаришлар ясаши аниқ. Миллий истиқлол мафкураси жамият маънавиятининг таркибий қисми бўлган маданий меросимизга бўлган муносабатда ҳам катта ўрин тутади. Маданий, маънавий мерос ҳар қандай миллат, халқнинг улкан хазинасидир. «Бу хазина инсонга ҳаётда барқарорлик бағишлайди, унинг қарашлари шунчаки бойлик ортириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди, фожиалар вақтида омон сақлаб қолади ва моддий қийинчилик кунларида иродани мустаҳкамлайди[1].

Қадрият тушунчаси ҳам фалсафа ва социологияда кенг қўлланилиб, ижтимоий воқеъликнинг инсоний, ижтимоий ва маданий аҳамияти тушунилади. Ўз мазмунига кўра ижтимоий қадриятлар инсон фаолиятининг барча хилма-хил предметли фаолиятини акс эттиради. Улар ижтимоий регуляциянинг юқори даражасини англатади.

Ижтимоий қадриятлар тизими жамиятнинг тарихий ривожланиши давомида шаклланиб, янада ривожланиб, бойиб боради.

Ўзбекистон миллий мустақилликка эришиши туфайли миллий қадриятлар қайта тиклана бошлади. Бу жараён жамиятнинг маънавий юксалишида миллий истиқлол мафкураси шаклланишида муҳим ўрин тутади.

Ғарб ва Америка социологиясида ижтимоий тизимнинг муҳитида «мувозанати»ни сақлашга асосий эътибор берилади. О.Конт ва Дюргейм социологик

[1] И.А.Каримов. “Ўзбекистоннинг шз истиқлол ва тараққиёт йўли”. Т. “Ўзбекистон”, 1992 йил 72-бет.

қарашларига асосланиб, жамиятнинг бир бутунлиги унинг «ижтимоий муҳитдаги доимий мувозанати», ички ва ташқи таъсирини мувофиқлаштириш-социологиянинг асосий вазифаси қилиб олган. Умуман, ижтимоий тизим таркибидаги ўзгариш ва интеграция сифатидаги Парсонснинг функционал социологик таълимоти мувозанат тўғрисидаги назариядир. Марксизм социологиясида эса ижтимоий тизимларнинг ўзаро зиддиятлилик ҳарактери «муайян мувозанатда оғиш» эмас, балки уларнинг таркибий тузилиши моҳияти қонуниятли ички ривожланишнинг зарурий натижасидир. Ижтимоий тизимлар моҳиятини бундай тушиниш-жамиятда ички ижтимоий зиддиятлар, синфий курашлар рўй беришини ва улар жамият ривожининг асосини, моҳиятини белгилашини англатади.

Маркс ва Энгельснинг «Ҳозиргача ўтган жамият тарихи синфлар кураши тарихидан иборатдир» деган ибораси юқоридаги фикримизга далил бўлади.

Ҳозирги замон социологияси қайси таълимотга асосланади?

Ҳар икки таълимот ҳам жамият ҳаётидаги муҳим белгиларни ўзида мужассамлаштирган.

Социологик амалиёт функционал ўзгаришларсиз, эволюциясиз революция тушунчаси билан, функционал муносабатлар таҳлилисиз ижтимоий тизимлар ривожланишини фақат зиддият ва конфликтлар орқали асослашга уринувчи таълимот жамият ҳаётини бир томонлама ўрганишга олиб келишини кўрсатмоқда.

Буржуа социологияси номи билан аталган ғарб социологик таълимотида ҳам ўзига хос ижобий жиҳатлар билан бир қаторда, ижтимоий тизимлар ривожланишининг ички зиддиятли хусусиятларини

ҳисобга олмаслик ҳамжамиятни бир томонлама тушунишни билдиради.

«Жамият ҳаётининг индустрлашуви объектив равишда, қайси ижтимоий тизимлар бўлишидан қатъий назар, ижтимоий иерархия бир хил типига олиб боради, - деган Америка социологларининг фикри ҳозирги тарихий ривожланиш амалиётида тасдиқланмоқда. Ижтимоий ҳаёт нисбатан мустақил, барқарор функционал ва ривожланиш қонуниятларига эга бўлган ижтимоий тизимлар бирлигидан иборатдир.

Ижтимоий тизим мураккаб ички тузилишга эга бўлиб, тартибли, бир бутун ўзига хос ижтимоий алоқадорлик ва турли ижтимоий муносабатлар бирлигини ташкил қилади.

Ижтимоий тизимларнинг ривожланиши табиий-тарихий жараён тарзида боради. Ҳар бир ижтимоий тизим бошқасининг, юкори даражадаги тизими таркибига киради. Ўзи эса қуйи, кичик тартибдаги тизимларни ўз таркибига олади. Жамият ҳаётидаги бирон бир ижтимоий тизим алоҳида равишда, бошқаларидан, ижтимоий муҳитдан ажраган ҳолда яшай олмайди.

Ҳар бир ижтимоий тизим ўзгармас ва абадий эмас. Улар тарихий тараққиёт давомида доимо ўзгариб, ривожланиб боради. Ички, ташқи функционал ва зиддиятли муносабатда бўлади. Ҳар қандай ижтимоий тизим ўзининг таркиб топиб ривожланиш гуллаб-яшнаш ва таназзулига эга бўлади.

Ижтимоий тизимларга тарихийлик хос бўлиб, таркибидаги элемент ва майда тизимларнинг ўзаро алоқадорлиги, зиддиятлилиги – уларнинг ривожланиш моҳиятини белгилайди. Ташқи ўзаро алоқадорлик ҳам ижтимоий тизимлараро муносабатлар асосини ташкил қилади.

Алоҳида олинган инсон ва жамият ҳаётидаги барча ижтимоий жараёнлар тизими ўртасидаги муносабатлар ўзаро иерархик тузилишга эгадир. Ўзаро иерархик тузилиш уларни бошқариш имконини беради.

- Ижтимоий тизимлар мақсадга йўлланганлигини, мослашувчи, очиқ ўзини қайта тиклаш, функционал ва ривожланиш каби ўзига хос хусусиятларга эга. Ҳар бир ижтимоий тизим ташқи ижтимоий муҳит билан доимий алоқадорликда бўлади. Кишилар ижтимоий воқелик, жараёнлар ва ғоялар ижтимоий муҳит элементлари сифатида намоён бўлади.

Ҳозирги янги ижтимоий муносабатларнинг таркиб топиши жараёнида ижтимоий муҳитни социологик жиҳатдан таҳлил қилиш масаласи муҳим илмий аҳамиятга эгадир.

- Ижтимоий тизимлар ўзларининг ижтимоий вазифалари, функциялари билан ўзаро фарқланади. Улар муайян иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, аҳлоқий ва бошқа қонуниятлар асосида фаолият кўрсатадилар.

Ҳар қандай ижтимоий тизимларда икки типдаги: функционал ва ривожланиш қонуниятлари амал қилади. Уларнинг функционал ва ривожланиш хусусиятлари икки омил-ички ва ташқи омиллар билан белгиланади. Ички омилларга биринчи навбатда тизим ва унинг компонентлари, компонентларининг ўзаро муносабати киради. Ташқи омилларга ижтимоий тизимларнинг ташқи муҳит билан алоқадорлиги киради.

Ижтимоий тизимларнинг ташқи муҳит билан ўзаро алоқадорлиги уларнинг асосий мавжудлик ва яшаш шарти ҳисобланади. Ташқи ижтимоий муҳит мувозанатини сақлаш ва ўзгаришини ҳисобга олиш-ижтимоий тизимларнинг функционал ўзгариш ва

ривожланишини социологик тадқиқ қилишда биринчи даражали аҳамиятга эга.

Демак, социологияда ижтимоий тизимларда ички ва ташқи жиҳатдан таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Жамиятнинг моддий ишлаб чиқариш жараёни социологияда ижтимоий тизим сифатида олиб қараб ўрганилади. Моддий ишлаб чиқариш тизими-ижтимоий ҳаёт соҳаси бўлиб кишиларнинг моддий неъматлар ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ. Моддий ишлаб чиқариш, ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларидан ташкил топади.

Сиёсий-тизим-жамиятни бошқариш билан боғлиқ бўлган тизим ҳисобланади. Бу тизим таркибига барча сиёсий ташкилотлар: давлат, ҳуқуқий органлар, сиёсий партиялар, жамоа ташкилотлари ва улар билан боғлиқ бўлган сиёсий муносабатлар киради.

Мустақил Ўзбекистон давлати сиёсий тизимини социологик жиҳатдан ўрганиш сиёсий соҳада қилиниши керак бўлган юқорида айтилган асосий вазифалардан келиб чиқади. Бу ҳақда олдинги мавзуда тўхталиб ўтилган.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, 1992, I-II бўлимлар, 16-17, 21-22 бетлар.
2. Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли». Тошкент, 1992, 6-10 бетлар.
3. Каримов И.А. «Истиқлол йўли. Муаммолар ва режалар». Тошкент, 1992
4. Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». Тошкент, 1998

5. «Тараққиёт ва ҳамкорлик йўлларида». (Ўзбекистон ташқи сиёсати ва дипломатияси) Тошкент, Ўзбекистон, 1993
6. Шайхова Х, Назаров К. “Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот”. Тошкент, 1992
7. Бекмурадов М, «Социология асослари». Тошкент «Фан» 1994
8. Юнусов К. «Социология» (ўқув қўлланма). А-1997
9. Маъруза матни.
10. Ахадов Ш. “Социология” Сам. 2007 йил

Таянч иборалар:

- **Жамият**-кишилар ҳаёти фаолиятининг тарихий ривожланиш шакли бўлиб, ўз тузилиши жиҳатдан мураккаб жараёндир.
- **Психологик омил**-жамиятда ва ҳар бир жамият аъзосида юз берадиган руҳий ҳолат ва руҳий жараён.
- **Социал мувозанат**-ижтимоий ҳаётда, кишиларда, жамиятда юз берадиган ижтимоий ҳолатлар мувозанатидир.
- **Инсон**-бу ижтимоий мавжудот бўлиб, жамият тараққиётининг фаол иштирокчиси, унинг ўзгартирувчиси, Яратувчи ва бунёдкоридир.
- **Социал психология** – бу кишиларнинг, группа ва алоҳида жамоанинг социал ҳарактерида ички кечинмалари механизми руҳий сабаблари қонуниятларини ўрганадиган фандир.
- **Ижтимоий муносабатлар**-бу кишилар, ижтимоий гуруҳлар, халқлар, элатлар ўртасидаги

тизилма ва тузумлар ўртасидаги алоқа муносабатларидир.

- **Ижтимоий санкция**-қонун асосида турли формаларда индивидуал таъсир этиш, куч ишлатиш.
- **Ижтимоий тушунчалар**-кишилар руҳий ва тафаккурида ҳосил бўладиган онг фикрдир.
- **Дунёқараш**-шахс маънавий савияси, билими атроф муҳитга, ижтимоий жамиятга муносабати, уни тушуниши, билиши жараёнларининг асосий мазмуни ҳосиласидир.

V. Мавзу: ИЖТИМОИЙ – ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ ҲАЁТ СОЦИОЛОГИЯСИ

ЖАМИЯТНИНГ СОЦИАЛ ИНСТИТУТЛАРИ: ИЖТИМОИЙ ЖАМИЯТДА ШАХС, ОИЛА, НИКОҲ, БУРЧ ВА ТУРМУШ ТАРЗИ СОЦИОЛОГИЯСИ

РЕЖА:

1. Жамиятнинг социал институтлари ва унинг социал моҳияти
2. Турмуш тарзи социологияси
3. Жамиятда шахс, оила, никоҳ, бурч ва уларнинг социал моҳияти, ҳозирги даврдаги асосий муаммолари.

1 савол. Жамиятнинг социал институтлари ва унинг социал моҳияти. Ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари билан бир қаторда, шахс, оила, никоҳ, бурч ва турмуш муносабатлари ҳам инсон маънавий камолоти учун асосий омиллардан бири бўлиб ҳизмат қилади.

Ҳозирги даврда жамиятда бўлгани каби шахс, оила, турмушда ҳам ўзига хос жараёнлар кечмоқда. Ижтимоий ҳаётнинг муҳим соҳаси бўлган оила, ҳамда турмуш муносабатлари, ҳар бир тарихий давр, ҳар бир ижтимоий-иқтисодий тузумда ўзига хос хусусиятларига эга бўлади. Уларда муайян тузумнинг ҳарактери, жиҳатлари, зиддиятлари, ижтимоий ҳаётда рўй бераётган жараёнлар ўз аксини топади. Худди шу йўналишларни, оила ва турмуш муаммоларини, ушбу маърузада иложи борича анализ беришга ҳаракат қиламиз.

Ижтимоий жамиятда социал бирликларнинг ўзаро осойишталиги, стабиллиги, социал жамият мустаҳкамлиги ва унинг алоқаларини, муносабатларини савод ва билими даражасини, маданиятини халқ маорифи-тараққиётини сиёсий бошқарув системасини мувофиқлаштириб турадиган воситаларни социал, яъни ижтимоий институтлар дейилади. Булар ҳам ташқи, ҳам ички тузилиш структураси вазифаси, моҳияти билан бир-биридан ажралиб туради ва ўз ҳарактерлари билан фарқ қилади. Ташқи тузилиши нуқтаи назаридан социал институтлар маълум йўналишда моддий таъминланган, аниқ, конкрет социал функциялар бажарадиган инсонлар – шахслар моҳиятига мувофиқлашган муассасалар қиёфасини эслатиш жараёнидир. Ёки аниқ, конкрет вазиятда маълум шахслар-социал группалар систематик-узлуксиз фаолият кўрсатадиган стандартлашган объектни эслатади ва маълум мазмунни кашф этади. Масалан, юстиция (бу социал институт бўлиб) ташқи кўринишда шахс моҳиятига мувофиқлашган қонунчиликни амалга оширадиган моддий восита ёки муассаса ҳисобланади. Мазмуни жиҳатидан ички тузилиши эса маълум стандартлашган

ҳуқуқий билимга эга бўлган, ҳуқуқий қонунчиликка мувофиқлашган ва шу соҳада социал функцияларни бажарадига шахслар уюшмасидир.

Бу соҳада маълум стандартлар сифатида социал ролни бажарадиган, юстиция ҳарактерига мувофиқлашган шахслар системасидир (судья, прокурор, адвокат ва б.).

Социал институтлар (ундан ташқари) социал фаолият ва социал муносбатларни жамиятда маълум системага асосланган стандартлашган характерли хусусиятларни ўзида ифодалаган, аниқ (конкрет) вазифаларни жамиятда бажарадиган социал уюшма ёки жамоа, муассаса каби социал бирликдир.

Социал институтлар ўз социал фаолиятларини амалга ошириш жараёнида ўз стандартига кирадиган шахслар фаолиятини доимо рағбатлантириб, бошқариб, мазмун бериб, уюштириб, такомиллаштириб турувчи маънавий воситадир. Шунинг учун ҳам бир социал институтлар фаолиятининг мақсадлари, конкрет функциялари мақсадга эришиш йўллари имкониятлари, социал норма, позициялари ва роллари, уларга қарши ҳаракатлар, зарба берадиган куч ва қувватлари воситалари мавжудлиги билан характерланади.

Мустақиллик йилларида социал институтларнинг янги тури, у ҳам бўлса, ўз-ўзини бошқариш жамоа ва жамоатчилик институтлари пайдо бўлиб, уларни нодавлат ташкилий муассасалар сифатида ҳисоблаб, улар жамиятда энг муҳим муаммо, масалаларни ҳал этади.

Социал институтларнинг энг муҳими жамиятда, у ҳам бўлса сиёсий ҳокимиятни таъминлайдиган сиёсий институтлар ва уларга мувофиқлашган иқтисодий институтлар бўлиб, бу институтлар жамиятда ишлаб

чиқариш ва тақсимот жараёнини ва маиший хизмат ва сиёсий бошқарув соҳасини ташкил этади.

Тошкент Давлат Миллий Университети социологлари «Умумий социология» қўлланмасида социал институтларнинг қуйидаги амал қилиш доираси ва вазифаларини ва социал институтларининг кўринишларини кўрсатиб беради.

1. Реляцион институтлар. Бу институтлар жинс ва ёшдан тортиб то машғулот тури ва қобилияти мезонларига асосан жамиятнинг таркибини (рольга оид) аниқлаб боради;

2. Регулятив (идора этиш) социал институтлар. Бу институтлар шахсий мақсадларнинг жамиятда амал қилиб турган нормаларига дахлсиз ҳолда амалга ошиш чегараларини ва ундан чиқиб кетгандан кейин қўлланиладиган санкцияларини (социал назоратнинг ҳамма механизмлари) белгилаб беради;

3. Интегратив (уйғунлаштирувчи) социал институтлар. Бу институтлар бир бутун тузумга жамият манфаатларини қондиришга масъул бўлган социал ролларни ифодалайди.

4. Анъанавий социал институтлар. Бу социал институтлар одат, маросимлар ва қариндош-уруғчилик томонидан қатъий белгиланган нормалар билан боғликдир.

5. Маданий социал институт. Дин, санъат, адабиёт билан боғлиқ соҳалардир.

Шу билан бирга ўқув қўлланма муаллифлари социологияда институционал социологияда социал институтларнинг бажарадиган вазифаларини қуйидагича кўрсатиб беради.

а) жамият аъзоларини такрор ишлаб чиқариш ва қайтадан тиклаш (бунда оила кўзда тутилган бўлса керак – А.Ш.);

б) социализация (индивидга ижтимоий аҳамиятли бўлган қадрият ва нормаларни етказишнинг турли хил шакллари, бу албатта маънавий меросни кўзда тутган бўлиши мумкин – А.Ш.);

в) ишлаб чиқариш ва тақсимот (бу иқтисодий жараённи кўзда тутган – А.Ш.);

г) тартибга риоя қилиш ва ахлоқни сақлаб туриш. («Умумий социология», Тошкент 1999 йил, 75-бет) каби соҳаларни кўрсатиб берган. Албатта бу кўрсатишлар бир томонлама аҳамиятга эгадир.

Социал институтларнинг энг муҳими, бу жамиятда оила бўлиб, унинг фаолияти асосан ота-оналар ўртасида, ота-оналар фарзандлар ўртасидаги муносабатлар ва тарбия (методлар) услублари муаммолари бўлиб, уларнинг натижаси жамият учун қимматли бўлиб, социал жамиятнинг ҳуқуқий норма ва қадриятларини, ахлоқ-маънавиятини аниқлаб беради.

Улардан ташқари социал институтлар ичида жамиятда социал функциялар бажарадиган социал-маданий институтлар бўлиб, уларга халқ маорифи, Олий таълим, соғлиқни сақлаш, маданий-тарбиявий муассасалар, фан-техника, диний муассасалар ва бошқа системалар киради.

Социал институтлар социал муҳит билан узвий алоқада бўлиб, социал жамиятни вужудга келтиради ва ривожлантиради. Бу муносабатлар нормал ҳолатда юз берса, жамият ривожланиши ҳам нормал ҳолатда тараққий этади ёки бу нормал ҳолатда бўлмай, бузилса аксинча инқилобий социал вазият юз беради.

Социал институтларнинг жамиятдаги социал муҳитдаги ўзаро алоқалари энг муҳим функцияни – конкрет социал эҳтиёжларини қондиришдир.

Жамиятда бу жараён, яъни конкрет социал эҳтиёжлар доимо, нафақат персонлашган шахснинг

ҳатто ёки социал группада, қатламлар, синфлар ўртасида ҳам ўзгариб туради. Бу жамиятга ҳам таъсир этиб туради. Социал институтларда икки ҳолат муҳим роль ўйнайди.

1. Дисфункция
2. Деперсонизация

Улардан а) социал институтларнинг жамият манфаатларига мувофиқлашмаган фаолиятлари жамиятда дисфункция ҳолатини вужудга келтиради ва у соҳани дисфункция дейилади.

(Дисфункция – фаолиятсизланиш деган маънони беради, бу жамият учун зарарли соҳадир).

Бу ҳолат жамиятда ҳам ташқи, ҳам ички (ташкилий) ҳолатда мазмунда юз бериш мумкин.

I. Социал институтларнинг дисфункция жараёнининг ташқи ҳолатда юз бериши, бу кўпинча кадрлар орқали, моддий воситалар ва:

1) ташкилий тартибсизлик;
2) ишқоллик – келишмовчилик; жанжаллик – ниқоф;
3) низолик ва ихтилофлик каби учта ҳолатда юз беради. Бу эса жамиятни ташқаридан бузилишига олиб келади. (Шу сабабли жонкуяр кадрлар, кучли интизом, стабил моддий ҳолат керак).

II. Ички ҳолатда- мазмунли ҳолат социал ҳолатларнинг дисфункциялашувининг юз бериши энг хавфли ва муҳим бўлиб, у мақсадсиз фаолиятларнинг (ҳозиргидек гўё ҳеч мақсад йўқ), ноаниқ функциялар-вазифалар, социал қиёфасининг, обру-эътиборининг жамият аъзолари олдида тушиб кетишидир.

Социал институтлар фаолиятининг ноаниқлиги социал эҳтиёжлар характерини йўқотади, ҳизмат фаолияти аҳамияти йўқолади, фақат символик,

намойишкорона хизмат ҳолати фигурага ўхшаб муаллак бўлиб қолади.

Дисфункциялашишнинг бу социал институтларда деперсонизациялашуви оқибатида ҳам юз беради. (Шахслаштириш жараёнининг бузилишидир). Бу деган сўз бутун социал институтларнинг бутун социал функцияларининг (раҳбарлик асосан юқоридан қўйигача) бажарилишини шахс сифатига қарамасдан, уларнинг жамиятга содиқлигини ҳисобга олмасдан ким тўғри келса қабул қилиш ва уларга социал институтлар-жамият тақдирини масъулиятсиз шахсларга топшириб қўйиш оқибатида юз беради ва жамиятни тўлиқ инқирозга олиб келади, ҳамма жойда порахўрлик, ифлослик, олиб сотарлик, ўғрилик, яширин мафия юз беради, жиноятчилик-коррупция кучаяди. Оқибатда социал институтлар фаолият кўрсатишдан тўхтайди. (Оила бўлса тугайди). Бу ҳолатнинг белгилари тезда сезила боради, дастлаб жиноятчилар бошқарув аппаратларидан жой олиб боради ва бу процесс тезлашади, ана шу вақтда олдини олиш мумкин. Бу ҳолатлар олди олинмаса, социал институтларда шахслаштириш бошланмаса, социал бузилишга-социал инқироз, кейин инқилобга ёки сиёсий давлат тўнтарилишига олиб келади.

2 савол. «Ватанимиз истиқлолини янада мустаҳкамлаш, уни ҳимоя қилиш, юртимиз шон-шаҳратини юксалтириш, адолат, инсоф ва диёнат ҳукмрон бўлган эркин жамият, меҳнаткаш халқимизга муносиб фаровон ҳаёт қуриш бизнинг инсоний ва фуқаролик бурчимиздир» - деб таъкидлаган эди Президентимиз.

Ўз Ватанининг муносиб фарзандиман деб билган ҳар бир инсон, айниқса ёшлар фаровон келажак ҳаётини намунали турмушини яратиш учун бурчлидир.

Ёшлар шуни яхши билмоғи лозимки, уларга ҳеч ким тайёр ҳолда бундай ҳаётни мукаммал турмушни қуриб бермайди. Уларнинг ўзи бу йўлда тинмай фаолият, меҳнат қилмоғи ва жонбозлик кўрсатмоғи лозим.

Кишилар турмуш тарзи жамият ҳаётининг шундай жиҳатики, у ҳеч қачон кун тартибидан тушиб қолмайдиган масаладир. Турмуш тарзи деганда, кишиларнинг меҳнат соҳасидаги ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларидаги оила ва кундалик ҳаёт фаолиятларининг мажмуаси тушунилади.

Жамият ҳаётнинг бу соҳаси социология фанида муҳим ўрин эгаллайди. Турмуш тарзи социологияси махсус назария сифатида жамият ҳаётининг муайян босқичида қўйидаги жиҳатларни ўрганади:

I) Кишиларнинг меҳнат шароити, унинг ижодий характери, қўл меҳнатига нисбатан техникалашган, автоматлашган меҳнат жараёнининг салмоғи.

2) Турмушда моддий неъматларни истеъмол қилиш даражаси, унинг бўш вақти, бунда аҳоли даромадининг ортиб бориши даражаси, истеъмол даражасининг ортиб бориши, яшаш шароити, уй-жой билан таъминланганлиги; аҳолига маиший хизмат кўрсатиш турлари ва уларнинг даражаси, сифати; уй меҳнатини, хусусан, аёлларнинг уйдаги меҳнатини енгиллаштирувчи замонавий техник жиҳозлар билан таъминланганлиги даражаси.

3) Аҳолининг саводхонлик даражаси, таълим даражаси ва сифати, турмуш маданияти даражаси ва унинг замонавийлиги.

4) Аҳоли саломатлиги даражаси, унда аҳолига кўрсатиладиган тиббий медицина хизматининг сифати; оналар ва болалар саломатлигини сақлаш даражаси; ўртача умр кўриш кўрсатгичи; жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш даражаси.

5) Кишиларнинг маънавий камолоти даражаси ва жамият ижтимоий ҳаётидаги фаолияти даражаси ва шу кабилар.

Социологияда турмуш тарзи қўйидаги типларга ажратилиб ўрганилади:

1. Фаол яратувчиликка асосланган ижодий, соғлом турмуш тарзи;
2. Истеъмолчиликка асосланган фаол турмуш тарзи;
3. Ўртамиёна турмуш тарзи;
4. Ноқонунийликка асосланган текинхўрларча турмуш тарзи.

Фаол яратувчиликка асосланган турмуш тарзи-жамият ҳаётнинг барча соҳаларида ижтимоий фаоллик, олий даражадаги фуқаролик иффати, аҳлоқий, маънавий ва жисмоний соғлом, меҳнатда ўзаро муносабатда, мулоқотда юксак маданиятлилик, салбий ҳодисаларга муросасизлик билан қарши курашиш, табиатга нисбатан оқилона муносабатда бўлиш, атрофдагиларга нисбатан меҳр-муҳаббатда бўлиш каби сифатларни ўзида мужассамлаштирган бўлади.

Истеъмолчиликка асосланган фаол турмуш тарзининг асосий кўрсаткичларига ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқаришдаги салбий оқибатлар киради. Ишлаб чиқариш ва истеъмолдаги йўл қўйилган исрофгарчиликлар, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, емирилиши, экологик вазиятнинг кескинлашувига олиб келади.

Моддий ва маънавий бойликларнинг исроф қилиниши жамиятнинг қашшоқланишига олиб келади. Иқтисоднинг оддий нормаларини сақламаслик, тежаб-тергамаслик, моддий, маънавий, жисмоний, молиявий заҳираларни кўр-кўрона, ўйламасдан сарф қилиш, исроф қилиш, сифатсиз, аҳоли эҳтиёжига мос келмаган

маҳсулотларни ёппасига ишлаб чиқариш каби фаолият турлари истеъмолчиликка асосланган турмуш тарзининг асосий салбий хусусиятларини ташкил қилади.

Ўртамиёна турмуш тарзи эса фаол яратувчиликка асосланган соғлом турмуш тарзи билан истеъмолчиликка асосланган ижтимоий фаолият ўртасидаги барча усуллари ва кўринишлардаги кўрсаткичларни ифодалайди. Унинг ҳарактерли хусусиятларига истеъмолнинг оқилона тарздаги меъёри ўртача фаоллик, турмуш маданиятининг ўртача сифат даражаси киради.

Турмуш тарзининг бу кўриниши жамият аъзоларининг кўпчилигига хосдир.

Ноқонуний тарздаги текинхўрликка асосланган турмуш тарзи эса ижобий ижтимоий ҳаёт тарзига зид ҳисобланади.

Бундай турмуш тарзи ўзгалар ҳисобига кун кўрувчи, носоғлом ҳаёт кечирувчи ва меҳнатсиз даромад олувчиларга хосдир. Афсуски, турмуш тарзининг бу кўриниши жамиятимиз ҳаётида ҳанузгача сақланиб қолмоқда. Айниқса, бозор муносабатларига ўтиш муносабати билан унинг салмоғи янада ошмоқда.

Турмуш тарзи кишиларнинг маънавий дунёси билан ҳам узвий боғликдир. Унда кишиларнинг онг ва фикрлаш тарзи ҳам муҳим ўрин тутади. Турли ижтимоий гуруҳ аъзоларининг онги ва фикрлаш тарзи, уларнинг турмуш тарзининг инъикосидир. Чунки кишиларнинг турмуш тарзига мавжуд ижтимоий шарт-шароитлар сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Кундалик ҳаёт фаолиятида уларнинг аҳлоқий эстетик қарашлари, ҳулқи муомаласи, ҳаётий турмуш тасаввурлари уларнинг ички дунёсига, эътиқодига сингиб кетади ва турмуш тарзига, фикрлаш тарзига

айланади. Турмуш тарзининг энг муҳим ижтимоий томони жамият аъзоларининг ижтимоий меҳнат, ўзаро муносабатлар, оила, кундалик турмушдаги фаоллиги кишиларнинг жисмоний ва маънавий имкониятларни атрофдаги табиий ва ижтимоий муҳит билан қай тарзда намоён бўлишидадир.

Ижтимоий синфлар, табақалар, гуруҳлар, миллат ва халқларнинг, ёшлар ва кексаларнинг, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ўзига хос турмуш тарзи кабилари ўзаро фарқланади. Оила ва айрим кишиларнинг турмуш тарзида миллий қадриятларнинг ўрни катта. Унда доимо миллий руҳ, ғоя акс этиб туради. Ҳар бир миллат турмуш тарзида миллий анъаналар, урф-одатлар муҳим ўрин эгаллаб, миллий мафкурада унинг ўзига хослигини ифодалайди.

«Турмуш тарзи» тушунчаси «турмуш сифати», «турмуш даражаси», «ҳаёт тарзи» каби тушунчалар билан узвий боғлиқ. Бозор муносабатларига ўтиш даври аҳоли турмуш даражасини сифатини ўрганиш, таҳлил қилиш орқали, у билан боғлиқ бўлган кўплаб ҳаётий муаммолар ойдинлашади. Чунки кишиларнинг турмуш жамияти тараққиётининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий-маданий жиҳатларини ўзида акс эттиради, миллий мафкурада ўз ифодасини топади.

Турмуш сифати тушунчаси турмуш тарзининг сифатий жиҳатларини ўзида ифодалайди. Бу тушунча XX асрнинг 60-70 йилларидан бошлаб ғарб социологиясида катта аҳамият касб эта бошлади. Махсус «турмуш сифатини яхшилаш» дастури ишлаб чиқилди. Миллий даромаднинг аҳоли жон бошига таҳсимлаш орқали турмуш сифатининг миқдорий кўрсаткичлари аниқланган.

Турмуш сифати-турмуш тарзининг муҳим таркиби жиҳати бўлиб, инсоннинг ижтимоий ривожланиши,

эркинлиги, моддий фаровонлик даражасининг ифодасидир. Турмуш сифати, бу энг аввало моддий ва маънавий жиҳатдан бақувват, соғлом муҳитли оила турмуш тарзи, ҳаёт фаровонлиги, мароқли ижтимоий меҳнат, шахс эркинлиги ва ўзлигини намоён қилиш даражасига боғлиқ бўлиб, кишилар, оила ва миллат ижтимоий гуруҳларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан яратилади ва мукаммаллаштириб борилади.

Америкалик руҳшунос олим А.Маслоу турмуш сифатининг асосий компонентини қўйидагича кўрсатади: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, экологик ва маданий ҳарбий соҳадир. Унингча, ҳаётнинг шу соҳалари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик турмуш сифати қай даражада эканлигини белгилаб беради. Айниқса, ҳозирги давр юксак даражадаги турмуш сифатини яратиш учун демографик ва экологик муаммоларни ҳал этиб бориш муҳим аҳамитга эга. Шунингдек, турмуш сифатини юксалишида ахлоқий ва ижтимоий масалалар ҳам марказий ўрин эгаллайди.

Турмуш тарзининг миқдорий ва сифат жиҳатлари ўзаро диалектик боғлиқликдадир. Уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиб бўлмайди. Миқдор ўзгаришлар сифати ўзгаришларига олиб борганидек, ишлаб чиқаришни юксак даражада ривожланишига эришмасдан туриб турмуш сифатини юксалтириб бўлмайди.

«Турмуш даражаси» тушунчаси ҳам турмуш тарзининг муҳим жиҳатини ифодалаб, кишилар турмушининг иқтисодий, маданий, таълимий каби жиҳатларда тутган мавқеини англатади. Кишилар турмуш даражаси аҳолининг моддий ва маънавий жиҳатдан эҳтиёжининг қанчалик қондириб борилиши билан боғлиқ.

Турмуш тарзининг хусусан аҳоли турмуш даражасининг асосий кўрсаткичлари қўйидагиларни ўз ичига олади: аҳолининг ижтимоий таркиби, ижтимоий меҳнат билан таъминланганлик даражаси билан, моддий неъматларни аҳоли ўртасидаги тақсимоти ва истеъмолдаги аҳолининг улуши: соғлиқни сақлаш даражаси: тиббий хизмат кўрсатиш сифати: маиший хизмат кўрсатиш турлари ва сифати: таълим даражаси, мактабгача тарбия муассасаларининг фаолияти даражаси ва сифати: дам олишни ташкил қилиш ва спорт билан шуғулланишнинг қай даражада оммавий тус олганлиги: ахлоқий-эстетик кўрсаткичлар экологик вазият: оила бюджети ва реал даромад кабилар киради.

Иш хақининг харид қуввати даражаси ҳам турмуш даражасини баҳолайдиган муҳим кўрсатгичлардан бири ҳисобланади. Реал даромадлар аҳоли турмуш даражасининг халқ моддий ва маънавий эҳтиёжлари қондирилишининг умумлаштирувчи кўрсатгичи бўлсада, аммо унинг турмуш даражаси тўла кўрсатишга бу ҳали етарли эмас. У яна сотиб олинадиган ва пуллик, имтиёзли, ҳамда текин хизматлардан фойдаланиш жараёни ҳам ўз ичига олган моддий неъматлар йиғиндисини ифодаловчи ҳақиқий даромадлар ҳисобга олингандагина маълум бўлади. У маълум вақт ичида аҳоли тўлаган солиқларни, турли пул йиғимларини, мажбурий тўловларни, жамоат ташкилотларига аъзолик бадалларини чиқариб ташлагандан кейин қоладиган пировард даромад ҳисобланади.

Бозор муносабатларига ўтиш давридаги мавжуд иқтисодий қийиниликлар аҳоли турмуш даражасига сезиларли таъсир кўрсатмай қолмайди. Шу жҳатдан, аҳолининг турмуш сифати, бозор муносабатларининг қанчалик даражада ҳарактерда ривожланишига боғлиқ

бўлиб қолмоқда. Ҳозирда, оила ҳаражатларининг асосий қисмини озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш ташкил қилмоқда. Мавжуд демографик вазият ҳам бу муаммони янада кескинлаштирмоқда. Республика миқёсида Фарғона водийси, хусусан, Андижон вилояти аҳолиси зичлиги жиҳатидан бошқа вилоятлардан кескин фарқ қилади. Бу эса, аҳолини иш билан таъминлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш, уй-жой билан таъминлаш, нарх-навони эса борган сари ошиб бораётганлигини ва шу каби кўплаб ижтимоий муаммоларни кўндаланг қилиб қўйганки, уларнинг барчаси аҳоли турмуш даражасини ва сифатини оширишда қийинчиликлар туғдириш табиий.

Турмуш тарзининг энг муҳим соҳаси кишиларнинг жамиятда моддий ва маънавий даражасини билдирувчи барометр дейин мумкин. Шунинг учун турмуш бу кишиларнинг ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган, моддий ноз-неъматларни истеъмол қилиш моддий-маънавий куч-қувватини яна тиклаш жараёни бўлиб, фаолиятлар соҳаси, моддий-маънавий эҳтиёжларини қондириш усуллари ва формалари йиғиндиси, турли туман таомиллар, маросимлар, урф-одатлар, анъаналарни нишонлаш ва бошқа кишиларнинг ижтимоий ҳаёт нормаларидир.

Шундай қилиб турмуш тарзи социологияси жамият ҳаётининг муҳим соҳасини тадқиқ қилиш орқали мамлакат ижтимоий тараққиётини бошқаришда катта илмий аҳамиятга эгадир.

3 савол. Инсон ижтимоий мавжудот, шу сабабли шахс сифатида у фақат жамиятда ривожланади.

Одам конкрет ижтимои муҳитда яшайди. У оила аъзоси, социал қатламнинг вакилидир. Унинг бутун ҳаёти коллективда, бошқа кишилар билан муносабатда, алоқада ўтади. Ҳозирга қадар «Ҳар кимнинг

қобилиятига яраша, ҳар кимнинг меҳнатига яраша», деган принцип аҳамиятини йўқотмаган, бу принцип бевосита шахснинг қобилиятига, унинг истеъдодига қаратилган. Шу сабабли шахснинг қуйидаги уч хил группа – типологияси – механизми мавжуд, улар қуйидагилардир:

Шахс белгиларининг 1-группаси –шахснинг, умуман жамиятнинг, иқтисодий ва сиёсий соҳалари билан боғлиқ ҳолда, ҳаётда амалга ошган вазифалари, мақсадлари; барча ижтимоий муносабатларни, давлат сиёсати билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш, у билан онгли муносабатда бўлишидан иборатдир.

Шу билан биргаликда шахс ижтимоий манфаатларни биринчи ўринга қўювчи ғоявий шахс сифатида чиқади. Ҳозирги давримизда шахс ўз шахсий манфаатлари билан биргаликда ижтимоий манфаатларни қўшган ҳолда ҳаракат қилади.

Шахс белгиларининг 2-группаси – шахснинг ўз фаолиятига мурожаати билан, ўзининг жамиятдаги ўрнини тушуниши билан боғлиқ. Меҳнат шахс учун воситагина бўлиб қолмай, балки жамиятда ижтимоий фаровонликни таъминловчиси, иштирокчиси сифатида халққа, унинг ишига хизмат қилиш сифатида ҳам намоён бўлади.

Шахс белгиларининг 3-группасига-одамнинг бошқа кишиларга муносабатини характерлайди. Кишиларнинг мақсадлари ва хулқ-атвор нормаларининг бир-бирига таъсирини анализ қилаётганда шахснинг ана шу томони ҳаммадан кўра кўпроқ намоён бўлади.

Жамият ривожланишида жамият томонидан расмий эълон қилинган мақсад ва нормалар билан жамият аъзоларининг реал хулқ-атвори, улар ҳақиқатда амал қилаётган нормалар ўртасида ҳал

қилиш мураккаб бўлган, ҳал қилиб бўлмайдиган низолар мавжуд. Бу низолар асосан социал табақалар: миллатлар, элатлар ўртасидаги доимий бўлиб турадиган ҳолдир, бу эса объектив қонуниятдир.

«Ахлоқ-одобга ҳадис намуналари» китобида бу борада қўйидаги ҳикматларни ўқиймиз: «Қўшнингизга яхшилик қилинг – тинч бўласиз… Ўзингиз севган нарсани одамларга ҳам раво кўринг – саломат юрасиз… Инсон ҳатони кўпроқ ўз тили билан содир қилади… Ташқи кўринишингиз ёки молу-дунёнгизга эмас, балки дилларингизга ва ишларингизга баҳо берилади». Ана шунга ўхшаш ҳикматларда, кишиларнинг юриш-туриши, атрофдагилар билан муносабатингиз ахлоқий асослари, инсон гўзаллигининг умумий мезонлари тўғрисидаги олам-олам маънони ўқиб ва ўзлаштириб олиш мумкин.

Ким қайси лавозим ва вазифада ишлашидан қатъий назар, ўзининг серзавқ, сермазмун меҳнати, яхши кайфияти, бошқаларга ёрдами ва саҳийлиги, камтарлиги, маданийлиги, қадр-қиммати ва хулқ одоби билан, шахснинг қадр-қиммати, маънавий бойлигининг мезони унинг бошқаларга фойдаси учун қилган ва қилаётган меҳнати, жамиятимиз қоидаларига риоя этиш, ижтимоий ҳаётда актив қатнашиши билан белгиланади.

Шахснинг эркин ривожланиши мумкин бўлмаган жамиятда, унинг мукаммал етук шахсга айланиши учун зарур шарт-шароит бўлмайди (Айниқса, маънавий етук бўлиши учун).

Масалан, эртадан кечгача меҳнати эвазига арзимаган иш ҳақи оладиган, истаган нарсасини сотиб олишга қурби етмайдиган, дам олиш ва хордиқ чиқаришга вақти ва маблағи етмайдиган, ҳамма нарсаси кўп, ҳаёти тўкис, истаганини муҳайё қилиш

имкониятига эга бўлган кишиларнинг маънавиятида ҳам фарқ бўлмасдан иложи йўқ[1].

Бундан ташқари шахсни камол топиши-инсонга хос ахлоқий фазилатлари ҳар бир киши яшаётган муҳитдаги кишилар билан,турмушда, оилада, қўни-қўшничилик ва ёру-биродарликда, жамоат жойларидаги муносабатларда, бошқалар билан бўладигн алоқаси юриш-туриши, муомаласи, кийиниш, дид-фаросати ва бошқа фазилатларида намоён бўлади.

Шахсни ҳар томонлама камол топиш етук бўлиши учун, «ахлоқ», «одоб» нормалари ҳам муҳим ўрин тутади. Ҳамжиҳат иш юритиш ва одамларга фойда келтириш билан гўзалдир.

Шахснинг гўзаллиги ва ақлоқий фазилатлари ҳар бир кишининг талантли ҳамда ижодида намоён бўлади. Чунки, одамлар билан бўладиган муносабатларда ҳам санъат ва ижод зарур.

Ҳар бир шахс ўз атрофидаги кишиларнинг доимий маънавий мададини сезиб турсагина, уюшма, шахс ўртасидаги бундай алоқалар инсон қобилияти ва хусусиятларининг ривожланишига имкон беради. Бундай алоқаларни бузиш эса, аксинча шахснинг ривожланишини секинлаштириш, ҳарактери ва руҳий оламида ҳар хил ноинсоний хусусиятларини жонлантириш мумкин. Нисбатан бир хил ишни бажарадиган ташкилот ва жамоаларда хизмат қилувчи кишилар орасидаги мулоқот ва муносабат, айниқса ёшларнинг шахсий хусусиятларини тарбиялашнинг асосий омилларидан биридир. Бундай мулоқот бирор кишини камситиш ёки фақат катта ёшли бўлгани учунгина унга бўйсиниш муносабатлари асосига қурилса, кўзланган натижани бермайд. Италиялик улуғ мутафаккир Данто: «Одам-одамни тарбиялайди

[1] Қаранг. Х.Шайхова, К.Назаров. “Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот”, , 1992. 42-43 бетлар.

дейдилар, гоҳида одам-одамни нақадар тез бузишини кўриб ҳайрон қоласан»[1],- дея бежиз айтмаган.

Одамлар билан бўладиган муносабатларда ҳам талант ва ижодийлик зарур. Масалан, айтайлик бир кишини камчилик ва ҳатолари учун жамоат, қишлоқ ёки маҳалладошлари ўртасида танқид қилиш лозим бўлиб қолди. Албатта, бундай танқид кишининг шахсиятига, иззат-нафсига қаттиқ тегмаслиги, унинг қадр-қимматини ерга урмаслиги, адолатли, ўринли ва самимий бўлиши керак. Аммо баъзи бир кишилар борки, улар «мен ҳақиқатни гапираяпман», - дея дўқ-пўписа қилиб қўполлик билан камчиликни тузатмоқчи бўладилар. Ваҳоланки, бундай қилиш кишининг шахсиятига тегади. Қадр-қимматини ерга уради. Интизомни, оддий, соф дил, камтар ва ростгўй кишилар қиёфасини камтарлик безайди ва куч-ғайрат бағишлайди. Бирор шахс ҳақида гап кетганда, аввало, унинг лавозими, унвони, яъни кимлигига қараб эмас, балки қандай инсонлигига, хулқ-атвори ва инсоний фазилатларига эътибор берилади.

Кимда-ким, оддий ишчи ёки раҳбар бўлишидан қатъий назар камтар бўлса, фақат ўз меҳнатини эмас, бошқаларнинг ҳам меҳнатини қадрласа, ўзгаларни камситмасдан ҳурмат қилса, кишилар кўнглида хушнудлик ва шодлик туйғусини уйғотиш табиий.

Аммо камтарликнинг акси бўлган кибр-ҳавога, манманликка берилган шахслар эса, ўз ютуқларини бўлар-бўлмасга кўкларга кўтариб, бошқаларнинг андак нуқсонидан ҳам куладилар, уларни камситадилар. Бундай шахслар ўзларининг феъл-атворлари билан оқибат натижасида бошқаларнинг назаридан четда қоладилар, ўзларига нисбатан ғазаб ва нафрат уйғатадилар.

[1] Қаранг. Х.Шайхова, К.Назаров. “Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот”, , 1992. 48-49 бетлар.

Абулқосим Фирдавсий бундай кишиларга қарата:

Ҳунарингга бўлма кўп мағрур,
Оёғингда мустаҳкамроқ тур

деб ёзган бўлса, Саъди Шерозий:

Ҳаддан ортиқ ловиллаган шам,
Куйдирмоғи мумкин хонумонинг ҳам

деб огоҳлантирган эди[1].

Ҳар томонлама камол топган шахс маъносида: хушмуомалалик, ҳалоллик, ростгўйлик, ҳақиқатпарварлик, инсонпарварлик каби хусусиятлар мужассам ифодасини топган бўлиши муҳимдир, ваҳоланки, ўзаро муносабатдаги қўполлик ишга ҳам, кишилар кайфиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Ҳалоллик ва ростгўйлик – шахс ўзининг ижтимоий бурчини чуқур англашда, жамият ва халқ бахти учун унинг йўлида меҳнат қилишда, шахсий манфаат билан ижтимоий манфаатни бирга қўшишида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг 8 декабр 1992 йилда қабул қилинган Конституциямизнинг XII бўлими, яъни «жамият ва шахс» бўлимида шахснинг манфаатдорлик масаласи қуйидаги пунктлар билан давлат томонидан қонунлаштириб қўйилган:

1. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқий устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

[1] Ўша жойда.

2. Мулкдор мулкига ўз ҳоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

3. Ер, ер соти бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

Никоҳ – хотин билан эр ўртасидаги муносабатларнинг тарихан тақозо қилинган формаси бўлиб, уларнинг ўзаро ҳуқуқ, бурч, масъулият ва мажбуриятларини белгилайди. Аниқроғи, никоҳ икки томоннинг оила қон-қариндош, жамоа, жамият олдидаги бурч ва маъсулиятини қонун олдида белгилаб беришдир.

Никоҳ ва оила қонунларидаги оналик ва болаликни ҳимоя қилиш нормалари халқаро ҳуқуқда ҳам ўз ифодасини топиб, бу принциплар, масалан, БМТнинг 1976 йил 23 мартда қабул қилинган гражданлик ва сиёсий ҳуқуқларнинг халқаро трактатига сингдирилган.

Оилавий муносабатлар фақат никоҳ ва оила ҳуқуқи билангина эмас, шунингдек ҳуқуқнинг бошқа соҳалари-уй-жой, мерос, гражданлик, меҳнат, пенсия ва жиноят ҳуқуқлари билан ҳам тартибга солинади ва ҳимоя қилинади. Оила ва никоҳ муносабатларини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг никоҳ ва оила ҳақидаги ҳуқуқий нормалари шу ҳуқуқ соҳалари бош ва ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Никоҳ ва оилавий муносабатларни давлат томонидан ҳимоя қилиниши, яъни никоҳнинг икки томон розилиги билан ихтиёрий равишда амалга

ошириш мумкинлигини Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрида қабул қилинган Конституциясининг «оила» бўлимининг 63 пунктида қонунлаштирилган[1].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳозирги яъни бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида республикамиз шахснинг маънавий, сиёсий камолотга эришиш учун, иқтисодий томондан мустаҳкам, мукаммал бўлиши учун кенг имкониятлар беришга ҳар томонлама ҳаракат қилаяпти, буни биз Ўзбекистон Республикамизнинг «Конституцияси»да ҳам кўрдик, юқорида кўрсатилган фикрлардан етарлича хулоса чиқарилса, шахснинг индивидуал хусусиятлари ҳарактери, хулқ-одоби, қобилияти мукаммаллашса яхши фазилатларга йўналтирилган бўлса, бундай шахсни ҳар томонлама камол топган шахс деб ҳисоблаш мумкин.

Жамиятда оилавий муносабатлар ҳам ҳозирги давр шароитида, оиланинг моҳияти, мазмуни, ижтимоий ўрни, унинг фаолияти, функциялари, бурчи; жамият олдидаги, фарзандлари олдидаги бурчлари-масалалари асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

Жамиятда оила ўзининг социал ўрни вазифаси, моҳияти жиҳатидан бошқа ижтимоий муносабатлар билан боғлиқ ҳолда ривожланади, камол топади, мустаҳкамланади.

Биз оила муносабатларини ёритишдан аввал, оиланинг келиб чиқиш тарихи ва унинг формаларини изохлаб ўтиш лозим деб, топдик.

Оила тарихи-оила ижтимоий зарурат бўлиб, маълумки, табиатдаги бутун мавжудот, тирик организм борки, барчасининг жуфтликда яшаши ҳаётий қонуниятдир. Ибтидоий замонлар жинсий жиҳатдан

[1] Қаранг. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. 1992 й.

тартибсиз яшаш даври эди. Қадим замонларда бир никоҳликдан ташқари, Шарқда кўп хотинликлар, Ҳиндистон ва Тибетда эса кўп эрлилик одат тусига кириб қолганлиги эркак билан аёл ўртасидаги бефарқлик шакли сифатида намоён бўларди.

Ғарбда оила тарихини ўрганиш 1861 йилдан, яъни Бахофеннинг «Оналик ҳуқуқи»[1] деган асари чиққан вақтдан бошланади.

Муаллиф бу асарида: кишилик жамиятнинг дастлабки даврларида ҳали оила муносабатлари тартибга тушмаганди. Бу эса отанинг ким эканлигини аниқ билишга сира имкон бермасди, шунинг учун насл-насабини фақат хотин томонидан қараб, оналик ҳуқуқига биноан белгилаш мумкин эди.

Шу билан бирга муаллифнинг ёзишича хотинлар зурриёднинг давомчиси сифатида жуда катта эътибор қозонганлар ва иззат-ҳурмат қилинганлар. Бахофеннинг фикрича, хотинлар бундай катта эътибор қозонишлари орасида ҳатто тўла ҳукмронлик даражасига етишганлар.

Оила унинг келиб чиқиши, оиланинг тузилишидаги шарт-шароитлар, никоҳ шакллари ҳақидаги таълимотнинг пайдо бўлишига, айниқса, бу соҳада Мак-Лененнинг «Қадимги тарих очерклари», 1886 йил, «Ибтидоий никоҳ» асарларини, Морганнинг «Инсон оиласининг қариндошлик ва қудачилик системалари», 1871 йил, «Қадимги жамият» 1877 йилда ёзилган асарларини таҳлил қилиб беради[2].

Ф.Энгельс оила ва никоҳ тўғрисида фикр юритар экан, Мак-Ленон томонидан ўртага ташлаган «Уч хил никоҳ формаси: кўп хотинлик, кўп эрлилик, бир никоҳлилик» масаласини шархлайди. Шундай никоҳ

[1] Қаранг. Х.Узоқов, Э.Ғозиев, А.Тожиев. “Оила этикаси ва психологияси”. Т. 1992, 13-14 бетлар.
[2] Ўша жойда.

ҳукм сурган давр ҳам бўлганки, қабила она томонидан қон-қариндош бўлган бир қанча гуруҳларга, уруғларга бўлиниб, улар ичида никоҳ бутун ман этилган: шунга, бу уруғларга мансуб бўлган эркаклар гарчи қабила ичидан хотин олишлари мумкин бўлсада, бироқ хотинни ўз уруғидан эмас бошқа уруғдан олишлари лозим бўлган эди.

«Оила, -дейди Морган, -фаол асосдир. У ҳеч вақт ўзгармасдан қолмайди, балки жамият қуйи босқичдан юқори босқич томон ривожлана борган сари қуйи шаклдан юқори шаклга ўта боради. Аксинча қариндошлик системалари пассивдир; улар узоқ-узоқ вақтлардан кейинги шу давр ичида оилада юз берган жараённи қайд қилади ва оилада кескин равишда ўзгаргандан сўнг улар ҳам кескин равишда ўзгаради,- деб таъкидлайди.

Оиланинг формаларидан яна бири қон-қариндош оила формаси бўлиб, у оиланинг 1-босқичи бўлиб ҳисобланади.

Оиланинг бу шакли фақат аждодлар, ота-оналар билан болалар ўртасида эр-хотинлик ҳуқуқи ва мажбуриятлари бўлмаслигини Морган изоҳлаб берган. Ҳоллавачча, тоғавачча, аммавачча, амакиваччаларнинг ўзаро никоҳига йўл қўйилган бу нотўғридир.

Жуфт оила формаси, бу формада эркаклар билан зарур узоқ вақтлар жуфт-жуфт бўлиб яшаганлар. Эркакнинг кўп хотинлари орасидаги «севиклиси» бош хотин ҳисобланган; бу эркак бошқа эрлар орасида, мазкур хотиннинг бош эри бўлган; жуфт оила уюшган никоҳларни сиқиб чиқарган, бу босқичда эркак бир хотин билан яшаган, бироқ кўп хотинлилик эркакнинг ўз ҳуқуқи бўлиб қолган, бу нарса кўпроқ иқтисодий сабабларга кўра аёл кишининг қарамлигидан келиб чиққан. Бу тўғрида Морган: «Уруғларнинг қон-қардош

бўлмаган аъзолари ўртасида никоҳлар жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан мустаҳкамроқ наслни вужудга келтиради: тараққий қилувчи икки қабила қўшилади, янги авлодларнинг бош суяги билан мияси табиий суратда катталашиб, ҳар иккала қабиланинг жами қобилиятига мос келадиган даражага келади».

Навбатдаги оила шакли-моногам оила шакли бўлиб, бу оила формаси ҳозирги замон барқарор оила тузилишининг дастлабки кўриниши бўлиб, у инсоний ахлоқ билан боғланган, туғилган болани отаси аниқлиги билан ажралиб туради. Бу оила варварликнинг ўрта босқичи орасидаги даврда жуфт оиладан келиб чиққан, шу боис боланинг отаси ким эканлиги аниқ бўлга. Болалар ўз оталарининг мол-мулкига эга бўлувчи ворислари сифатида ўрин топадилар, бошқача қилиб айтганда улар бу мулкларга меросхўр, деган ҳуқуқга эга бўладилар. Бу қадимдан қолган меросхўрлик, ҳозирги замоннинг барча халқларида яшаб келмоқда, давлат томонидан қонун билан белгилаб қўйилган.

Жамият тараққиётининг сўнги босқичларида оилавий ҳаётнинг ривожланиши-ахлоқий тушунчаларнинг нормаллашуви хотин-қизларнинг тўла эркинлиги ёҳуд эркаклар билан тенг ҳуқуқлигининг ҳал этилишида оиланинг замонавий шакли вужудга келиши билан боғланади.

Демак, оиланинг келиб чиқиши ижтимоий зарурат бўлиб, у ўз тараққиётига юқорида кўрсатиб ўтилган шаклларни босиб ўтиб, ҳозирги замон оиласи-қонун, ахлоқ-одоб асосларига кўрилган оила майдонга келади. Оиланинг бу юксак ҳозирги замон шакли жамиятнинг ривожланишига ҳамоҳанг ҳолда ривожланиб бораверади, жамиятнинг ўзгаришларига қараб, у ҳам табиий равишда ўзгараверади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳозирги даврда оиланинг фаолиятини, асосий вазифалари, бурчларини қонунлаштирилган йўналишлари белгилаб берилган[1].

Улар асосан:

1. Оила жамиятнинг асосий буғинидир, ва маконидир, ҳам жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланади ва уларнинг жамият олдидаги бурчи ва маъсулиятини расмийлаштируччи восита ҳамдир, оила никоҳдан бошланади.

2. Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунга қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш, ўқитишни таъминлайди.

3. Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

4. Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

Шундай қилиб, никоҳ ва оилавий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг никоҳ ва оила кодекси нормалари билан тартибга солинади. Бу қонунларда оила ва никоҳ муносабатларининг асосий принциплари белгилаб берилган.

Бу принциплар қўйидагилардан иборат: якка никоҳлик принципи. Бу принципга кўра, ҳар бир граждан фақат битта никоҳда бўлиши мумкин.

Никоҳнинг ихтиёрийлик ва ўзаро принципи. Бу принципга мувофиқ, ҳар бир эркак ва аёл ўзига ёққан шахс билан ўз ихтиёри билан никоҳга кириши мумкин.

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. 1992 йил. 20-21 бетлар.

Ҳеч кимнинг никоҳга кириши учун бирор шахс мажбурлаши ва зўрлаши билан никоҳдан ўтишига йўл қўйилмайди.

Ажралишнинг эркинлиги. Оила у ёки бу сабаб билан бузиладиган бўлса бу ҳолда эр билан хотин бир-бирлари билан ажралиш ҳуқуқига эгадирлар. Аммо ажралиш иши давлат томонидан назорат қилинади.

Оилада ва оилавий муносабатларда эр ва хотиннинг тенг ҳуқуқлиги. Бу принципнинг мазмуни шуки, шахсий ва мулкий ҳуқуқда эр ва хотин тенгдир.

Оилавий муносабатларни ҳал қилишда эр ва хотин баравар ҳуқуқга эгадир. Оиланинг давлат томонидан ҳимояга олиниши, оналикнинг рағбатлантирилиши ҳам оила ва никоҳ ҳуқуқининг асосий принципларидан биридир[1].

Оилада эр-хотин ўртасидаги меҳр-муҳаббат, садоқат, муҳаббат, вафодорлик, бир-бирини ҳурмат қилиш, фарзандлар тарбияси, ота-онанинг фарзандлари олдидаги бурчлари ва аксинча фарзандларнинг ота-оналарнинг олдида бурчлари ҳақида бизга қадар ўтган буюк алломаларимизнинг ўқтиришлари, насиҳатлари, қолаверса чуқур ҳаётий маънога эга бўлган, ҳозирга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган фикрларини билиш, ўрганиш биз учун муҳимдир.

Улардан айримларининг фикрларини бунга мисол қилиб келтириш мумкин: Олимот улБаноит «Мушариат одоби» китобида (Тошкент «Меҳнат», 1991 йилда чиққан) муаллиф оилада эр билан унинг рафиқаси орасида бўладиган одоб ҳақида қўйидагиларни ёзади[2]:

[1] Қаранг. А.Тўхтасинов, Н.Рахимов. “Никоҳ, оила, жамият”, Т. 1985. 6-7 бетлар.
[2] Олимот ул-Баноит. “Муошарият одоби”, Т. 1992. 8-бет.

«Эрлар билан кўркам турмуш қурмоқ учун хотинлар ушбу икки турли нарсани эътиборга олмоқлари лозим:

Биринчидан, эрларнинг табият мижозини ва хулқини яхши билмоқ ва бунинг учун уларни кўп маротаба синамоқ керакдир. Сўнгра ана шунга қараб иш қилмоқ лозим бўлади. Яъни эр бўлган киши қандай нарсалардан хурсанд бўлади-ю, қандай ишлардан кўнгли қолади. Шунинг учун ҳар вақт хотинлар эрларининг табиятларини очиқ билиб, уларнинг ёқтирган нарсаларини қилишлари ва ёқтирмаган нарсаларини қилмасликлари лозимдир.

Иккинчидан, улар эрларига итоатли хотинлар ҳақида бўлган яхши хабарларни ҳамда итоатсиз хотинлар ҳақида бўлган ёмон ҳабарларни ҳам билмоқлари лозим бўлади. Шариатимиз эса итоатли хотинларга «эзгу хотинлар» исмини бериб, амаллари баробарига ҳам кўп саволлар ваъда этганлар. Итоатсиз хотинларни «усал, уятсиз хотинлар» деб атаб, дунё кўрган машаққатларидан ортиқ, охиратда ҳам бир қадар азоблар беражагидан хабар берганлар»[1].

Аёлларнинг ҳаётда қандай бўлишлари кераклиги ҳақида буюк алломамиз Ибн-Синонинг қимматли фикрлари, у киши томонидан ёзилган «Тадбири манзил» асарида уларнинг яхши хулқи бўлиши ҳақида қўйидаги фикрларни айтган:

1. Хотин киши билимли бўлсин
2. У динга ишониши керак
3. Уятли, шарм-ҳаёли
4. Табиатан жасур
5. Ўз эрини қаттиқ севиши
6. Туғиш ва бола тарбяси ҳақида ўйлаши
7. Эзма бўлмаслиги

[1] Ўша жойда. 8-9 бетлар.

8. Ўз эрига бўйсиниши
9. Тўғри, камтар ва фаросатли бўлиши
10. У ҳеч вақт ўз шаънига доғ туширмаслиги
11. Эри билан эҳтиёткор бўлиб, унинг ҳурматини жойига қўйиб муомила қилиши шарт
12. У ўз вазифасини ва бурчини яхши билиши
13. Хотин оила ҳўжалигидаги нарсалардан тўғри, тежаб фойдалана билиши
14. У ўз табиати ва яхши томонлари билан эридаги камчиликларни йўқотиши керак[1].

Ибн Сино аёлларимизга ана шундай мураккаб ва ҳаётий вазифаларни юклайди. Уни бу вазифалар қанчалик оғир бўлмасин у оилани мустаҳкамлашда асосий восита хизматини ўтайди.

Оиланинг асосий муҳим вазифалардан бири фарзанд тарбияси, уни соғлом, бақувват, ҳар томонлама камолга етган, маънавий бой, аҳлоқий пок ва жисмоний соғлом кишиларни тарбиялаш илк бор оилада амалга оширилади. Шу боис ҳозирги кунда оила ва ундаги ўзаро аҳлоқий муносабатлар, хусусан, бола тарбияси масалалари айнан шу куннинг долзарб ва ижобий ҳал этиши лозим бўлган муаммолар қаторидан ўрин олган. Зеро оилада турмушнинг яхши ташкил этилган муайян ички тартиби, яъни меҳнат, дам олиш, овқатланиш, ўқув машғулотлари, ўйинлар, сайр қилиш, маданий кўнгил очиш кабилар кўнгилдагидек ички интизомни вужудга келтиради. Шунинг учун ҳам доимо, ҳар қандай шароитда ҳам оилада ўзаро нормал муносабатларни сақлашга, унда соғлом вазият ўрнатишга ҳаракат қилиш лозим. Чунки, оилада шундай соғлом вазият бўлмас экан, бола тарбиясида ҳам, эр-хотин ўртасидаги муносабатда ҳам, қўйинки, оиланинг бошқа аъзолари ўртасида ҳам

[1] С.Рахимов. “Абу Али Ибн Сино – таълим ва тарбиялаш ҳақида”. Т. 1967, 93-бет.

тотувлик бўлмайди, бунинг оқибатида ҳар хил кўнгилсиз воқеаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бобокалонларимиздан Юсуф хос Ҳожиб – «Оиладаги энг улуғ фазилат эзгулик ва гўзал хулқдир. Иккинчиси – ростлик, учинчиси – ҳаёт ҳисобланади. Мана шу уч фазилат бирлашса, киши бахтиёр бўлади, қут-иқбол унинг ҳузурига бош уриб келади»,[1] – деб айтган эдилар. Халқ муаммоларидан: «Фарзанд азиз-одоби ундан азиз» ўз ўрнида айтилган.

Ҳозирги давр барча соҳадаги каби оила ота-она ва болалар ўртасидаги ўзаро муносабатлар масаласини, фарзандлар тарбияси масаласини тўғри ва ижобий ҳал этишни кўндаланг қилиб қўймоқда. Бу муаммони кишини маънавий жиҳатдан юксалтириш асосидагина ҳал қилиш мумкин. Зеро оила жамиятнинг ажралмас зарур қисмидир.

Шундай қилиб, оила иккита катта ўлкан ижтимоий вазифани: фарзандларни дунёга келтириш ҳамда уларга тўғри тарбия беришни йўлга қўяди. Сўнгги вақтда оила ва болалар тарбиясида анчагина муаммолар йиғилиб қолганлиги кузатилади. Бунинг олдини олиш мақсадида, чора-тадбирлар, яъни 1989 йил 28 феврал ва 1 март кунлари Тошкент шаҳрида «Ёшлар ва ўсмирлар ўртасида, уларнинг тарбиясида мактаб, оила, меҳнат жамоалари ва жамоатчилик ҳамкорлик ишини такомиллаштириш» мавзусида ўтказилган жумҳурият миқёсидаги илмий-амалий конференцияни айтиш мумкин. Бир қатор методик қўлланмалар: «Оилада бола тарбияси», «Оилада руҳий ёрдам», «Оилавий муносабатнинг тиббий жиҳатлари», «Оилани ривожлантиришнинг регионал хусусиятлари» каби қўлланмалар тавсия этилди.

[1] Юсуф Хос Хожиб. “Қутадғу билиг”, Т. 1990, 38-бет.

Айниқса, жаҳонда оила ва болалар тинчлиги, осойишталигини янада мустаҳкамлаш мақсадида 1989 йил 17 майда Тошкентда Осиё-Тинч океан региони мамлакатлари хотин-қизлар жамоатчилигининг «Хотин-қизлар тинчлик учун» мавзусидаги анжумани бўлиб ўтиши катта аҳамиятга эга.

Кейинги пайтда телевидение ва радио эшиттиришларида ҳам оила тарбияси мавзусига катта аҳамият берилмоқда, чунончи: «оталар сўзи-ақлнинг кўзи», «қари билганни пари билмас», «ҳаёт ва замон», «Одобнома», «Қадриятлар» каби кўрсатувлар шулар жумласидандир.

Бола тарбиясида энг аввало оила ҳаётини тўғри йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ростгўйлик, самимийлик, садоқатли ширин сухан бўлиши бола камолотида беқиёс ҳаётий муҳим воситадир, бу борада «Ҳадис» намуналарида бундай дейилган: «Гапларнинг ёмони бу ёлғончиликдир, ёлғонни ҳазил билан ҳам, жиддий ҳам гапириб бўлмайди. Ота ўз болаларига бирон нарсани ваъда қилиб кейин бажариб қўйсин. Ростгўй одамга яхши баҳо, ёмон одамга ёмон берадилар. Чақимчилик ҳам ёмон иллатдир, чунки у туфайли одамлар ўртаси бузилади[1]. Айрим ота-оналар, айниқса оталар фарзандлари олдидаги бурчини оилани фақат моддий жиҳатдан таъминлашгина деб тушинадилар. Оталик бурчи фақат нон топиб келишдан иборат эмас-ку.

Халқ болаларнинг ҳатти-ҳаракатига, қилиқларига баҳо берар экан, доимо уларнинг ота-оналарига ўхшашлик томонларини қидиришган. Халқимиз орасида «онасини кўру-қизини ол» ёки «отасининг ўғлида» деган гапларнинг мавжудлиги фикримизнинг асосидир.

[1] Қаранг. “Аҳлоқ – одобга оид ҳадис намуналари”. Т. “Фан”, 1990, 46-бет.

Ўзбек халқига хос бой урф-одатларни ҳам ҳозирги кунга келиб, болаларимиз у ёқда турсин ҳатто айрим ота-оналарнинг ўзлари ҳам билишмайди, билишса ҳам амал қилишмайди. Шундай экан ушбу оилаларда тарбияланган болалардан бу ҳақда нимани ҳам талаб қила оласиз.

Ҳайриятки, эндиликда ана шу йўқотилган ажойиб шарқона анъаналаримиз тикланмоқда. Зеро бу ёшларимизни ўз халқига, ўз Ватанига, ўз миллий анъаналарига чексиз ҳурмат руҳида тарбиялашда беқиёс хазина бўлиб хизмат қилиш мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси бўйича никоҳлар умумий сони ўсиши билан ажралишлар умумий сонининг ҳам ўсаётганлиги ташвишлидир. Республика бўйича умумий кўрсатгичга нисбатан Андижон вилояти бўйича умумий кўрсатгичга нисбатан оила қуриш ва ажралишлар миқдори ўтган уч йил мобайнида сезиларли даражада камайган.

Ўзбекистонда никоҳ ва ажралишлар сони

Йиллар	Никоҳлар сони, минг	Ажралишлар сони, минг	Ҳар 1000 аҳоли ҳисобига	
			никоҳлар	ажралишлар
1980 йил	173,6	22,5	10,9	1,4
1985 йил	200,8	26,1	11,0	1,4
1990 йил	217,1	29,9	10,6	1,5
1992 йил	270,3	33,4	12,9	1,6
1993 йил	235,9	32,8	11,0	1,5

Андижон вилояти бўйича никоҳ ва ажралиш сони

Йиллар	Никоҳлар сони, минг	Ажралишлар сони, минг	Ҳар 1000 аҳоли ҳисобига	
			никоҳлар	ажралишлар
1993 йил вилоятда	22468	1785 7,9%	11,2	0,8

шаҳарлар	5967	1172	19,2%	11,9	2,3
1994 йил вилоятда шаҳарлар	14487 4627	1344 886	9,2% 19,2%	7,3 9,2	0,7 1,8
1995 йил вилоятда шаҳарлар	16485 4057	1163 567	7,5% 14,6%	8,0 7,2	0,5 1,2

Оилавий ажралишнинг асосий сабаблари нималар?

Ажралишларнинг тарафдорлари кўпроқ ким: эркакларми ёки аёлларми. Қайси бирлари кўпроқ айбдор, ҳозирда қандай омиллар оилавий қўйди-чиқдиларга сабаб бўлмоқда.

Олиб борилган социологик тадқиқотлар натижаларига кўра оилавий ажралишлар 70 фоизидан аёлларнинг, фақат 30 фоизида эса эркакларнинг даъвогарлиги асосида содир бўлмоқда.

41,4 фоиз ажралишларнинг асосий айбдори эркаклар, 26,8 фоизида аёллар, 24,5 фоиз ҳар икки томоннинг ўзаро келиша олмаганлиги сабали, 7,3 фоизини эса келин билан қайнона ўртасида келишмовчилик бўлганлиги оқибатида оила бузилмоқда.

Ҳозирда қўйидаги омиллар оилавий ажралишларга кўпроқ сабабчи бўлмоқда:

1. Эр ўз оиласини моддий ва маънавий жиҳатдан қўлламаслиги, эрлик бурчини, оила бошлиғи сифатидаги масъулиятли вазифасини бажармаётганлиги туфайли
2. Эрнинг спиртли ичимликка, наркотик моддаларни истеъмол қилишга берилганлиги ва натижада соғлом оилавий муҳитнинг бузилиши оқибатида
3. Аёлларнинг ўз эрига нисбатан қўпол муносабатда бўлиши, эрни эр ўрнига кўрмаслиги, менсимаслиги ва оилада аёллик бурчини ҳис қилмаслиги натижасида

4. Эр-хотин ўртасида ўзаро ҳурматнинг йўқлиги, ҳарактернинг тўғри келмаслиги, оддий муаммо маданиятини билмасликлари.

Олиб борилган социологик тадқиқотларимиз шундай бирор қонуниятли ҳодисани тасдиқламоқдаки, унга кўра, оилавий ҳаётда ўзларини бахтли деб ҳисоблаган аёллар-булар иш жойида муваффақиятга эришган, ҳар томонлама қизиқишга ва қобилиятга эга бўлган, мустақил, ташқи кўринишидан келишган гўзал бўлган аёллар эмас, балки жиддий юмшоқ кўнгилли, ўз оиласига жонкуяр, чекинувчан бир гапдан қоладиган аёллар экан. Эътибор берилса ҳақиқий оилавий бахтга эришиш омиллари асосан ахлоқий муносабатларга бориб тақалар экан.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида оила билан боғлиқ бўлган ижтимоий муаммоларни ҳал этиб боришдан социологик илмий-амалий тадбирлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Бизнингча, қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур:

1. Вилоят ва шаҳар ҳокимлиги қошида «оила хизмати» бўйича бўлим ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Унда асосий мақсад социологик тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳолда оила мустаҳкамлигини ошириш.

2. Никоҳнинг ролини кўтариш, никоҳ олдида эр-хотин масъулияти, бурчига бўлган талабни ошириш

3. Маҳалланинг, маҳалла ва гузарларда оқсоқол-кекса кишиларнинг ролини, уларнинг таъсирини ошириш

4. Қон-қариндош-уруғ, оға-иниларнинг ролини жамоатчилик билан бирга масъулиятини ошириш, оилага улар таъсирини ошириш йўлларини амалга ошириш

5.Оила, никоҳ, ахлоқ, ҳуқуқ ва қонуннинг мутаносиблигини такомиллаштириш ҳозирги муҳим-долзарб вазифалари бўлиб қолиши зарур.

Мавзу бўйича назорат саволлар:

1. Социал институтлар нима?
2. Шахс нима, моҳияти нимадан иборат?
3. Шахс группаларини шархлаб беринг.
4. Ҳар томонлама камол топган шахс деганда нимани тушунасиз?
5. Оила нима? Никоҳнинг асосий функциялари, моҳиятичи?
6. Никоҳ нима? Никоҳнинг асосий принциплари.
7. Бурч нима?
8. Турмуш нима?
9. Ҳозирги даврда турмушнинг асосий муаммолари деганда нимани тушунасиз?
10. Маъсулият нима?

Адабиётлар рўйҳати

1. «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси» Тошкент, 1992 йил.
2. И.А.Каримов «Истиқлол йўли, муаммолар ва режалар» Тошкент, 1992 й.
3. И.А.Каримов «Иқтисодий ислоҳот, маъсулиятли босқич» Тошкент ,1994.
4. Х.Узоқов, Э.Ғозиев, А.Тожиев «Оила этикаси ва психологияси» Тошкент, 1992 йил.
5. Ш.Шайхова, К.Назаров «Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот» Тошкент, 1992 йил.

6. А.Тўхтасинов, Н.Раҳимов «Никоҳ, оила, жамият» Тошкент, 1995 йил.
7. М.О.Иномова «Фарзанд-ниҳол, ота-она-боғбон» Тошкент, 1993 йил.
8. Олимот ул-Баноит «Муошариат одоби» Тошкент, 1991 йил.

Таянч иборалар:

- **Жамиятнинг социал институтлари**-у жамиятда инсонлар яшайдиган фаол меҳнат қиладиган, ўз-ўзини, роли, кўпайиши ва мавқеини аниқлайдиган муассасалар, ташкилотлардир.
- **Шахс**-жамиятда фаоллашган, моддий ноз-неъматлар яратадиган инсондир.
- **Инсон**-бу ижтимоий мавжудотдир.
- **Оила**-бу ижтимоий жамиятнинг бошланғич ячейкасидир маконидир.
- **Никоҳ**-икки томоннинг жамият, маҳалла, оила аъзолари олдидаги ота-она, қариндош уруғлари ўртасидаги мавқеини, маъсулияти, унга содиқ бўлишлигини қонун олдида уларнинг ўзаро бурч ва маъсулиятини расмийлаштиришдир.
- **Турмуш**-бу моддий ноз-неъматлар ишлаб чиқаришдан ташқари инсон-шахснинг ҳамма кўринишларидир, ҳарактлари, маиший жараёнларидир.

ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ ВА СИНФИЙ МУНОСАБАТЛАР

Режа:

1. Собиқ совет социологиясида синфий муносабатлар.
2. Янги иқтисодий мунсоабатларнинг таркиб топиши.
3. Меҳнатнинг ижтимоий муаммолари**.**

1.Таянч атама ва тушунчалар: Собиқ совет социологияси, синфий муносабатлар, янги иқтисодий мунсоабатлар, меҳнат, ижтимоий муаммо.

2 Дарснинг жиҳози: Маърузалар матни, статистика фанига ҳисса қўшган олим ва мутафаккирларнинг фотосуратлари, тест карточкалари, доска, бўр.

3. Дарснинг мақсади: талабаларга Собиқ совет социологиясида синфий муносабатлар, синфий кураш масалаларига кенг ўрин берилиб, бу муносабатлар ижтимоий таркибдаги бошқа барча элементлар муносабат ичида энг муҳим ва белгиловчи ҳисобланади.

4. Ташкилий қисм: Талабалар билан саломлашиб, навбатчи ёрдамида давоматни аниқлаш, жаҳон янгиликларидан сўраш, дарсни эълон қилиш.

5. Янги мавзу баёни:

Иқтисодий муносабатларни ўрганишда асосий эътибор меҳнатнинг ижтимоий муаммолари, меҳнат фаолияти ва тақсимоти муносабатларга қаратилади. Шунинг учун ҳам иқтисод сиёсатдан устун туради. Ижтимоий ва синфий муносабатлар ҳам социологияда муҳим аҳамиятга эга. Собиқ совет социологиясида

синфий муносабатлар, синфий кураш масалаларига кенг ўрин берилиб, бу муносабатлар ижтимоий таркибдаги бошқа барча элементлар муносабат ичида энг муҳим ва белгиловчи ҳисобланади. Масалан: ишчилар синфи кўп қиррали ижтимоий бирлик ҳисобланади. Янги иқтисодий муносабатларнинг таркиб топиши билан қишлоқ ишчилар синфининг шаклланишига замин тайёрламоқда. Бошқача айтганда қишлоқ жойларга саноат кириб келмоқда.

АДАБИЁТЛАР:

1. И.А.Каримов «Баркамол авлод орзуси» Тошкент – 1999 й
2. И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилмокда» Тошкент – 1999 й
3. И.А.Каримов «Ўзбекистон: Миллий истиқлол, сиёсат, мафкура» Тошкент – 1996 й.
4. Сорокин П.И «Система социологии» Москва 1993 й
5. Е.Гидденс «Социология» Тошкент 2002 й
6. Жураев Н Тарих фалсафаси Тошкент 1999 й
7. Фаробий «Фозил одамлар шахри» Тошкент 1990 й
8. Ахадов Ш. “Социология”. Самарқанд – 2007й

Иқтисодий, ижтимоий ва синфий муносабатлар.
Маъруза ва Семинар технологик харитаси. 2соат

Ишлаш босқичлари. Вақти	**Фаолият**	
	Таълим берувчи	**Таълим олувчи**
1 босқич Кириш 5-10 дақиқа	**Мавзу:13 иқтисодий, ижтимоий ва синфий муносабатлар.** **<u>Машғулот режаси:</u>** 1.Собиқ совет социологиясида синфий муносабатлар. 2.Янги иқтисодий мунсоабатларнинг таркиб топиши. 3.Меҳнатнинг ижтимоий муаммолари. **<u>Мақсади:</u>** Талабаларга собиқ совет социологиясида синфий муносабатлар, синфий кураш масалаларига кенг ўрин берилиб, бу муносабатлар ижтимоий таркибдаги бошқа барча элементлар муносабат ичида энг муҳим ва белгиловчи ҳисобланади. **Асосий қисм:**Собиқ совет социологияси, синфий муносабатлар, янги иқтисодий мунсоабатлар, меҳнат, ижтимоий муаммо. **Адабиётлар рўйхати:**	Тинглайдилар ва аниқлаштиради-лар. Саволлар берадилар, Жавоб берадилар.

	1. И.А.Каримов «Ўзбекистон: Миллий истиқлол, сиёсат, мафкура» Тошкент – 1996 й. 2.Сорокин П.И «Система социологии» Москва 1993 й 3.Е.Гидденс «Социология» Тошкент 2002 й 4.Ахадов Ш. “Социология” Самарқанд – 2007	
2 босқич Асосий 55-65 дақиқа	2.1. Семинар режаси ва тўзилишига биноан «Балиқ скелети» «Кадаскоп» «Вербал» услублардан фойдаланса бўлади.. 2.2. Савол – жавоб ва тезкор сўров орқали мавзу бўйича талабаларнинг умумий билими аниқланади.	Бу жадвал ёрдамида талабалар фаолиятини ошириш имкониятини яратади, қўшимча материллар ва маълумот устида ишлашни ўргатади, тушуниш жараёнини бошқариш имконини вужудга келтиради.
3 босқич Якуний 10-15 дақиқа	3.1. Мавзу бўйича якун қилади. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ беради	Савол берадилар, аниқлайдилар.

Иқтисодий, ижтимоий ва синфий муносабатлар.
Маъруза ва семинар учун модел

Ўқув вақти 2 соат	**Талабалар сони**
Ўқув машғулотининг шакли ва тури. Семинар режаси.	Огзаки ахборотли. 1.Собиқ совет социологиясида синфий муносабатлар. 2.Янги иқтисодий мунсоабатларнинг таркиб топиши. 3.Меҳнатнинг ижтимоий муаммолари.
Ўқув машғулоти мақсади:	Талабаларга собиқ совет социологиясида синфий муносабатлар, синфий кураш масалаларига кенг ўрин берилиб, бу муносабатлар ижтимоий таркибдаги бошқа барча элементлар муносабат ичида энг муҳим ва белгиловчи ҳисобланади.
Педагогик вазифалар: Мавзунинг туб моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, Семинар муайян қисмларга бўлиш, ҳар бир қисмни ўзаро мантиқий боғлиқликни таъминлаш, очиб бериш, тушунтириш, шакллантириш.	Ўқув фаолиятининг натижалари: Собиқ совет социологияси, синфий муносабатлар, янги иқтисодий мунсоабатлар, меҳнат, ижтимоий муаммо.
Таълим усуллари	Семинар, мулоқот, ақлий ҳужум.
Ўқув фаолиятининг ташкил қилиш шакллари.	Жамоа, гуруҳларда ишлаш.
Таълим воситалари.	Маъруза матни дарсликлар, ўқув мажмуа, тестлар ёзилган карточкалар, доска, бўр.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки сўров: Тезкор сўров.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИГИ ВА СУВЕРЕНИТЕТИНИНГ СОЦИАЛ МУАММОЛАРИ

Р Е Ж А :

1. Ўзбекистон Республикасининг ташкил топиши ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришлари.
2. Суверен Ўзбекистон Республикасининг социал муаммолари.
3. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик жамиятни шакллантириш соҳасида эришилган натижалар.

1 савол. Собиқ СССР даврида КПСС Марказий Комитети 1985 йил Апрель пленуми қабул қилган қарор асосида мамлакатда эълон қилинган «қайта қуриш» каби машъум дастур ва шу асосда аҳоли ўртасида кенг тарғибот қилинган мафкуравий ғоя миллионлаб кишиларни социализмни яхшилаб, қайта қуриш, 70 йилдан ортиқ жараёнда тўпланиб қолган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодиёт соҳасидаги иллатлардан қутултиради, деб халқни лақиллатиб, аслида миллатларни менсимаслик, буюк давлат шовинистик сиёсатини янада кучайтириш каби машъум ниятли М.С.Горбачёв мақсади 1991 йил 19-21 августда Москвада бошланиб 1991 йил 12 декабрда Олма-Отада якунланди.

Собиқ СССРда Иттифоқдош Республикаларнинг қукумат бошлиқлари Олма-ота (1991 йил 12 декабр) учрашуви натижасида СССР тугатилганлиги, унинг ўрнига юзаки Мустақил ва Суверен Республикалар Иттифоқи, яъни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) тузилганлиги эълон қилиниб, аслида эса алоҳида-алоҳида мустақил давлатларга ажралган ҳолда тузилганлигини эълон қилиш эди. Бу давлатлар Россия

Федерацияси, Украина, Ўзбекистон Республикаси, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон Республикаларидан иборат мустақил давлатлар ҳамкорлиги эди. Улар эски социалистик ижтимоий тузум ўрнига эркин демократик тузумни жорий этишга, эркин бозор муносабатларини тиклашни мақсад қилиб қўйдилар. Умуман олганда, бу учрашув нафақат социализмнинг, СССРнинг ҳам тугатилиши эди.

Умуман олганда, бу Олма-ота учрашувигача бир қатор собиқ иттифоқдош республикларнинг узоқни кўрадиган раҳбарлари М.С.Горбачёв ғоясининг разиллигини сезиб, мустақилликни эълон қилиб, СССРдан чиқиб кетганлигини расмийлаштирган эдилар. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси унинг президенти И.А.Каримов ташаббуси билан 1991 йил 1 сентябрида Ўзбекистонни Мустақил Республика деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини эълон қилгандан кейин бирин-кетин Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон республикасғлари ҳам СССРдан чиқиб мустақил давлат бўлганлигини расмийлаштирдилар, давлатчилик ва ижрочилик ҳокимияти қонуний атрибутларини, сиёсий, иқтисодий структураси ва тизимни ташкил қилдилар. Ўзларининг ташқи ва ички сиёсатларини мустақил амалга оширишга муваффақ бўлиб, ҳозиргача фаолиятларини мустақил амалга оширмоқдалар. Бу давлатлар ўзларининг давлат тилини (Ўзбекистонда ўзбек тили, Қозоғистонда қозоқ ва рус тиллари, Қирғизистонда қирғиз тили, Туркманистонда туркман тили, Тожикистонда тожик ва рус тили давлат тили ҳисобланади) давлат байроғини, давлат гербини қабул қилдилар. Халқ муҳокамасидан кейин асосий қонуни-

Конституциясига эга бўлдилар. Миллий мафкураларини аниқлаб олишга, келажак истиқболини аниқлаб, пировард мақсадини белгилаб олдилар.

Асосий қонуни бўлган Конституцияларига мувофиқ олий ҳокимиятнинг сиёсий системаси давлат бошқарув аппаратларини ташкил қилдилар. Олий Кенгашларига депутатлар сайлашнинг умумхалқ сайловини ўтказиб, халқ депутатларини демократик асосда сайланишига эришдилар. Эски давлатнинг советлар формаси бекор қилиниб, Президентлик Республика-парламент бошқарувига ўтдилар. Ўзбекистонда эса Вазирлар Маҳкамаси, қўйидан то вилоятларгача ҳокимлик системаси жорий этилди.

Ташқи давлатлар билан суверен, мустақил давлат сифатида тенг ҳуқуқли дипломатик муносабатларини ўрнатиб, элчилар алмашишни ташкил қилдилар. Бу давлатларни жаҳон жамотачилиги таниб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб кирдилар. Жаҳондаги йирик халқаро ташкилотлар, корпорациялар, ассоциация, компаниялар, банклар билан икки томонлама иқтисодий алоқаларни ўрнатдилар.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирган давлатлар 1993 йил декабр охиригача Россия рубли асосида савдо-сотиқ муносабатларини ривожлантириб, 1994 йил январидан бошлаб Ўзбекистон ўзининг сўм-купонига, 1994 йил 1 августдан эса пул реформаси ўтказилиб, 1000 сўм 1 сўмга алмаштирилди. Бошқа Марказий Осиё ва Россия, Белоруссия, Украина, Озарбайжон Болтиқбўйи республикалари ҳам ўзларининг миллий валюталарини савдога эълон қилиб, эркин бозор муносабатларини бошлаб юбордилар.

Халқаро савдо, фан-техника ва маданий алоқаларини ҳам икки томонлама халқаро давлатлар билан ўрнатиб, фаол ҳаракатларини бошлаб юбордилар.

Халқаро алоқаларда асосий ўринни Ўрта Осиё-Марказий Осиё давлатлар учун Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги давлатлар- Россия, Украина, Белоруссия ва бошқалар ҳисобланадилар.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўзаро алоқаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида 1992, 1993, 1994 йилги Тошкент, Олма-ота, Бишкек, Ашхобод, Москва, Минск учрашувлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1994 йилги Қозоғистон билан Чимкент учрашуви, 1994 йил октябрида Россия билан, 1994 йилда (ноябр) Украина раҳбарлари билан учрашувлари ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнади.

Марказий Осиё давлатлари ичида Ўзбекистон Республикаси асосий ўринни эгаллайди. Ўзбекистон собиқ СССРдаги республикалар ичида биринчи бўлиб мустақилликни эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессияси 1991 йилнинг 31 август куни Ўзбекистонни Мустақил Республика деб, 1 сентябрь-умумхалқ мустақиллик байрами деб эълон қилади.

Ушбу сессияда Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги қонун, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш Баёноти», ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисидаги» ҳужжатларини қабул қилади. Шу сабабли, бу сессия халқаро аҳамиятга эга бўлган ўта

муҳим тарихий ҳужжатларни қабул қилганлиги билан тарихий сессия сифатида тарихда номи қолади.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида бир қатор энг муҳим тарихий-сиёсий масалаларни ҳал қилади. 1991 йил декабрида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг қонунийлиги тўғрисида умумхалқ референдуми ва Ўзбекистон Республикаси президентлигига умумхалқ сайлови ўтказилади. Бу муҳим тарихий сиёсий воқеаларга ўз муносабатларини билдириш учун республика фуқароларининг қарийб 91,1 фоизи қатнашиб Ўзбекистоннинг мустақиллигига ва янги биринчи президентига овоз бердилар. Бу воқеа энг муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлган воқеадир. Ўзбек халқи асрлар оша ўз мустақиллигини тиклаш учун курашиб келган мақсадига эришди. Эндиги вазифа мустақил Ўзбекистон учун ўзининг миллий ўзбек миллати ичидан чиққан ватанпарвар, ватан учун жонини фидо қилувчи, халқлар дўстлигига хизмат қилувчи халқпарвар, билимдон зиёлилар иззат-ҳурматда, фан-техникани, маданиятни, таълим-тарбияни яхшилашга бутун имкониятларини сафарбар қиладиган жонкуяр раҳбарларни давлат ҳокимиятига, ижроия ҳокимият аппаратларига раҳбарлик лавозимларига кўтаришни, мустақил сиёсий бошқариш системасини қуйидан юқорига ўзгартиришни, демократик бошқариш тизимини ташкил этишни, иқтисодий соҳада мулкчиликнинг турли хиллигини, бозор иқтисодий муносабатларига ўтишни, эркин савдони эълон қилишни, янги ижтимоий турмуш тарзини ташкил этишдан, янгича миллий ғоя ва мафкура, янгича эътиқодларга ўтиш каби энг муҳим муаммоларни ҳал қилишдан иборатдир.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси давлат ўзбек тилини давлат тили деб эълон қилади. Чуқур

қадимий меросимиз, қадриятларимиз ва маънавиятимизни эъзозлашга қаратилган кенг мазмунли давлат байроғини, давлат гербини, давлат мадҳиясини, асосий қонун-Конституцияни (1992 йил 8 декабр) қабул қилади. Қисқа вақт ичида ушбу асосий қонун-Конституцияга мувофиқ қуйидан то юқори-Олий Кенгашгача сиёсий бошқариш давлат системаси қайта қўрилиб, Президент бошқаруви ташкил этилиб, эски советлар бошқариш услуби бекор қилинади. Социализмнинг ҳамма қонуний атрибутлари ҳаракатдан тўхтайди.

Ўзбекистонда асосий ижтимоий тузум янги Конституция асосида амалга оширилмоқда. Улар қисқача қўйидагилардан иборатдир.

Мустаҳил Ўзбекистоннинг ўз ривожида қўлга киритган катта ютуқларидан энг муҳимлари Давлат тили, Давлат гимни-мадҳияси, Давлат герби ва бошқа сиёсий, ҳуқуқий ва қонуний атрибутлари ичида ўз қонуни-Конституциянинг қабул қилиниши алоҳида хусусиятга, жаҳоншумул аҳамиятга эгадир. Мана йигирма йилдирки жумҳуриятимиз фуқаролари ана шу муқаддас қомусимиз руҳи билан яшамоқда, ижод қилмоқда ва жаҳон халқлари кўз олдида ўз фахри ғурури билан келажакка мағрурона, маруккаб қийинчиликларга бардош бериб, осойишталикни мустаҳкамлаб, ҳамма миллатлар билан дўстона ҳамкорликда олға бормоқда. Чунки, ақлу заковатли халқимиз ўзининг келажагига ишонади, Конституция белгилаб берган ижтимоий турмушнинг ҳамма жабҳаларидаги ҳаётий жараёнлар статусининг ҳуқуқий кафолатига таянади.

Президентимиз таъкидлаганидек, «Ҳур Ўзбекистонимизнинг тарихида биринчи Конституциямизнинг қабул қилиниши

Жумҳуриятимизнинг янгидан туғилишидир, ҳақиқий мустақиллигимизга мустаҳкам пойдевор қуришдир».

Халқимизнинг биринчи Мустақил Қомуси ҳақиқатда Ўзбекистоннинг Мустақил Давлат сифатида нафақат унинг пойдевори, балки келажакда кучли ҳуқуқий давлатнинг мустаҳкам қалъаси кафолати ҳамдир. Чунки, Конституциямиз мураккаб, серқирра тайёргарликдан ўтказилди. Ўн йилга яқин даврда яратилиб, сайқалланди. Қарийб 3 ойдан ортиқ даврда умумхалқ муҳокамасига халқимизнинг ижтимоий, илмий-маънавий онги, маданияти олдингидан ҳам юксалгани буюк порлоқ келажак сари дадил истагини яққол баён этди. Халқимизнинг истагини ва мақсадларини, умумхалқ муҳокамаси жараёнида билдирилган мулоҳазалари инобатга олинди. Қомусда гўё бутун жумҳуриятимиз жамоатчилиги, ҳуқуқий, тарғибот қонунчилик атрибутлари ҳам назарий, ҳам амалий соҳа мутахассислари, ваколатли орган ходимлари фикр мулоҳазалари, ижтимоий жамиятимизнинг ҳозирги ва келажак равнақи ҳисобга олинган, тўла ва атрофлича кўрсатилган ҳолда тайёрланиб қабул қилинган Қомусдир.

Конституциямиз жаҳондаги энг тараққий этган мамлакатлар, жумладан, АҚШ, Франция, Германия, Италия, Польша,Болтиқбўйи мамлакатлари каби Ғарб давлатлари, руҳияти, урф-одатлари ва этник жиҳатларидан Ўзбекистон халқига яқин бўлган Миср, Туркия, Ҳиндистон, қўшни Марказий Осиё давлатлари ва бошқа Шарқ давлатларининг бой тажрибасидан, Қомусий-қонунчилик сиёсий бошқариш тизимидан энг демократик жиҳатларини, инсонпарварлик ғояларини ифода этувчи халҳаро ҳужжатларнинг талабларини ҳам ўзида намоён этган қомусдир. Конституциямизнинг давлатчилигимиз равнақи ҳуқуқий кафолот даражасига

кўтарувчи энг муҳим белгиси, ҳарактерли хусусияти яна шундан иборатки, унда аҳолининг илғор ижтимоий-сиёсий маънавий тажрибасини миллий-маънавий қадриятларимизга ўзбек халқининг бой маънавияти давлатчилик тарихига уйғунлаштириб қўлланилганлигидир.

Масалан, буюк аллома қадимда қонунчилик тизими асосчиларидан бири Абу Наср Форобийнинг бир қатор қонунчиликни мустаҳкамлаш, қонунчиликда инсоний руҳиятларни биринчи ўринга қўйиш каби ғояларини, давлатни бошқарувчи кишиларнинг халқ ўртасида обру-эътиборга эга бўлишлиги, умумий халқ сайловларини ўтказишда жамоатчилик ролига эътибор бериш каби назарий таълимотлари ҳисобга олинганлиги шулар жумласидандир.

Ундан ташқари Конституцияда ўзбек халқи давлатчилиги қадриятларидан жумладан улуғ бобомиз Амир Темурнинг давлатни бошқариш тажрибасидан, яъни ўз тузукларида кўрсатган давлатни бошқаришда олий табақага оид кишилардан тортиб, ҳунар аҳлигача бўлган жами 12 табақа кишиларга суяниб иш кўришлиги каби тажрибаларидан ўринли ва кенг фойдаланганлигидадир. Конституциямизнинг асосини тайёрлашда ана шу ўгитларга мувофиқ, унинг 9-моддасига асос қилиб олинган. Бу моддага кўра жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилиши, умумий овозга (референдумга) қўйилиши таъкидланган бирон синфнинг, бирон партиянинг устунлиги белгиланмаган. Конституциянинг ана шу моддасига мувофиқ 1993 йил мобайнида уни амалий жиҳатдан турмушга тадбиқ этишда бир қатор қонуний қарорлар қабул қилиниб, умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Улардан энг муҳимлари «Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси матбуотда эълон қилиниб, халқ муҳокамасида қарийб 2 ойдан зиёдроқ вақт бўлди. Бу қонун халқ иродасини, олий мажлисдан қутиладиган истак-мақсадларини қонун талабларига асосан мувофиқлаштирилди.

1994 йил 25 декабрда бўлиб ўтган Олий Мажлисга умумхалқ сайлови ана шу рухда ўтилди, депутатликка номзодлар (ҳаммаси бўлиб 250 депутат сайланди) алтернатив услубда ўтказилди, халқ ишончини оқлаган номзодлар депутат қилиб сайланди. Ана шундай услубда Олий Мажлис ва президентлик сайлови 1999 йил ноябрида ва 2002 йилнинг 27 январида ҳам бўлиб ўтди.

Ёки бу қонундан кейинроқ матбуотда эълон қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисидаги қонунлари», «Фуқаролик кодекслари» шулар жумласидандир.

Маълумки, Конституция жамиятнинг ҳуқуқий кафолати бўлишлиги билан ижтимоий ҳаётнинг тўла соҳалардаги назарий, амалий, кундалик ва турмушда юз берадиган масалаларни ҳал қилиб берувчи бошқа қонунларнинг тараққиёт қонуний атрибутларининг ҳуқуқий ҳужжатлари манбаи ҳам ҳисобланади.

Ана шу мақсадда мустақил Ўзбекистон Конституцияси асосида ижтимоий ҳаётимизга таалуқли амалдаги қонунларни синчиклаб ўрганиб, илмий нуқтаи-назардан ёндошган ҳолда янги қонунлар ва кодексларни ишлаб чиқишдан иборат бўлди. Ана шу мақсадда қабул қилинган «Фуқаролик кодекслари» Конституциянинг асосий талабларини, мақсад ва вазифаларини турмушга тадбиқ этишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Чунки, Конституцияга мувофиқ

фуқароларга берилган шахсий, мулкий, сиёсий, ҳуқуқ ва эркинликлар кодекслардаги махсус моддалар, қоидалар орқали ва улар воситасида амалга оширилиши ва муҳофаза қилиниши халқимиз қадриятларига асосланган, бу атрибутлар конституцияда ўз аксини топган бўлиб, унинг иккинчи, учинчи бўлимларида XI бобни ўз ичига олган, ҳақиқий инсоний қадриятларнинг демократик йўналишлари ҳуқуқий жиҳатдан асослаб берилган.

Жумладан, Конституциянинг II-боб моддаларига мувофиқ илк бор ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий талаби бўлмиш давлат органлари, мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдидаги маъсулдорлиги эътироф этилган, 7-моддасида эса «Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқ бўлиб, давлат халқининг иродасини ифодалайди ва унинг манфаатларига хизмат қилади» - дейилган.

Ушбу жиҳатлар фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини кафолатлайди. Конституциядаги бу атрибутлар халқ иродасига мувофиқ тараққий этган ҳорижий давлатларнинг кўп йиллик тажрибасидан, ўтган сиёсий бошқариш тузилмалар ва қонуний жараёнларни такомиллаштириш асосида фойдаланганлигидан далолат беради.

Давлатимизнинг демократия сари дадил қадам ташланганлигининг ёркин тасдиғини Конституциямизнинг «Жамоат бирлашмалари» деб номланган XIII бобида кўришимиз мумкин. Унда фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини биргаликда рўёбга чиқариш учун Касаба уюшмаларига, жамият ва сиёсий партиялар, диний ташкилотларга бирлашиш ҳуқуқлари мустаҳкамланган. 56 ва 62

моддалари алоҳида диққатга сазовордир. 58 моддасига мувофиқ давлатга жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб бериш вазифаси қонуний йўл билан белгилаб берилган. Бу моддаларни мулохаза этар экансиз, буюк ватандошимиз Абу Наср Форобий ҳуқуқий таълимотлари гўё ҳаётда ўз қадрини топгандек ҳис қиласан киши. Ўзбекистонда адолат, инсонпарварлик ва тараққиёт йўналишларидаги турли сиёсий, ижтимоий, иқтисодий институтларнинг ривожланиши учун қонуний асосда барча имкониятлар яратилганлиги мустақил республикамиз халқларининг қўлга киритган, мисли кўрилмаган кафолатидир, ютуғидир.

2 савол. Ҳозирги кунда иқтисодий жараённинг юз бераётган мураккаб бир шароитда баҳо ва нарх-навонинг турғунсизлик ҳолати жамиятимизнинг иқтисодий негизларини қонун асосида Конституциявий шакллантириш, аҳолини социал ҳимоя қилиш муҳим долзарб социал-сиёсий муаммоларидан биридир. Ўтказилаётган ислоҳотларнинг моҳиятини иқтисоднинг буйруқбозлик, режага, марказлаштиришга қарам бўлиш услубларидан хилма-хил шаклдаги мулкка, тадбиркорликка, эркин меҳнат қилиш ҳуқуқига асосланган, рақобатли иқтисодиётни вужудга келтирадиган бозор муносабатларига ўтиш ҳозирги даврнинг иқтисодий стратегияси ҳисобланади. Бу жараёнлар ҳам Конституциямизда «Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар» ва «Жамиятнинг иқтисодий негизлари» сифатида бутун бир IX ва XII боблар ҳажмида қонунийликка мувофиқ асосланиб берилган.

Жамиятимизнинг иқтисодий негизларининг қонуний турмушга тадбиқ этишда XII Чақириқ Олий Кенгашининг XIII сессиясида қарорлар ва унда президентимиз томонидан иқтисодий сиёсатнинг саққизта асосий стратегия, яъни йўналишини белгилаб бериши Конституциямизга мувофиқ иқтисодий омилларнинг қонуний асосда турмушга тадбиқ этила бориши муҳим сиёсий, ҳуқуқий аҳамиятга эгадир. Бу йўналишлар, социал-иқтисодий муаммолар нималардан иборат? Бу муаммолар қўйидагилардан иборатдир.

Биринчидан, бозор муносабатларига шошмасдан, аста-секин, хушёрлик билан, узлуксиз равишда ўтиш.

Иккинчидан, бозор иқтисодиётига таалуқли бўлган ижтимоий-сиёсий ҳаётимиз тинчлигини таъминлашда муҳим шартлардан бири бўлган молиявий вазиятни барқарорлаштиришдан, кредит-банк тизимини мустаҳкамлашдан.

Учинчидан, иқтисодиётимизнинг, қолаверса, сиёсий стратегиямизнинг ҳам асосларини ташкил этадиган муҳим вазифа-иқтисодиётимизнинг таркибий қисмларини қайта қуришдан.

Тўртинчидан, иқтисодиётимизнинг, умуман, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг асосларидан бири бўлган халқ ҳўжалигимизнинг ғоят муҳим соҳаларидан бири қишлоқ ҳўжалигида оқилона ислоҳот ўтказишдан.

Бешинчидан, ижтимоий жамиятни барқарорлаштиришдаги зарурий социал муаммо, у ҳам бўлса, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш муаммосини тезкорлик билан ҳал эта боришдан.

Олтинчидан, шу билан халқ ҳўжалигимизнинг асоси ҳисобланган базавий тармоқларни устиворлик

билан ривожлантира бориб иқтисдий мустақилликка эришишдан.

Еттинчидан, иқтисодий мустақилликка эришишнинг муҳим омилларидан бири бўлган соҳа-экспорт муаммоларини тезроқ ҳал этиб, унинг ҳамма қувватлари ва имкониятларидан фойдаланишдан.

Саккизинчидан, истиқлол режамизнинг энг муҳим омилларидан бири, у ҳам бўлса, инвестиция базасини янада ривожлантириб, кенгайтириб, ислоҳотларимизга кенг йўл ва шарт-шароит яратиб беришдан иборат эканлигини кўрсатиб берди.

Бу стратегик устивор социал-иқтисодий вазифаларни бажариш учун ҳозирга қадар президентимиз ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан бир қатор ҳаммамизга маълум қарорлар қабул қилиндики, бу Конституцияда кўрсатилган қонунларнинг бажарилишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, яъни таълим-тарбия, илму-фан соҳасининг ҳодимларига, вакилларига алоҳида эътибор берилишидир. Жумҳуриятимиз Конституциясида IX бобнинг 41 ва 42 моддаларининг айрим қисмлари шу соҳага таалуқли бўлиб, таълим-тарбияни, илм-фан ва техникани ривожлантиришнинг қонунда белгиланган ҳуқуқий йўналишларини қисман асослаб берган. Чунки, илму-фанни ривожлантирмасдан аҳлоқли, одобли, билимли, авлодни тарбияламасдан туриб социал-иқтисодий ривожланган, ҳуқуқий жиҳатдан фуқаролари кафолатланган, тараққий этган истиқлол мафкурасига эга бўлган мамлакатни барпо қилиш мумкин эмас.

ЎзРФА 50 йиллик юбилейида президентимиз И.А.Каримов «Ўзининг келажагини ўйлайдиган жамият, давлат авваламбор ўз олимларини, илму зиёлиларини ҳурмат қилиши керак, уларни юксак

даражага кўтариши лозим» - деб бежиз айтмаган. Жумҳуриятимизда илму-фанни ривожлантириш учун аста-секин амалга оширилаётган ишлар, жумладан ЎзРФА Самарқанд бўлимининг очилиши аста-секин лотин алифбосига ўтиш, олимлар учун маълум имтиёзлар беришга қилинаётган ҳаракатлар, талантли ёш кадрларни танлаб тарбиялаш каби тадбирлар шулар жумласидандир.

Асосий қонунимиз – Конституциямиз Ўзбекистон халқининг ҳаққоний иродасини, давлатимиз тамойилларининг тараққиётининг тамойилларини акс эттириб, жамиятнинг буюк келажак сари дадил қадамлар билан боришини ҳуқуқий жиҳатдан таъминламоқда. Конституциямиз қабул қилинганлигига мана йигирма йил вақт ўтди. Ана шу вақт ичида халқимиз Қомусимиз руҳи билан ижод қилмоқда, кўзга ташланарли ижобий ўзгаришларнинг иштирокчиси ва гувоҳи бўлмоқда. Республикамизда ишлаб чиқариш чезиларли даражада юксалаяпти. Жумладан, 1992 йилнинг 9 ойига нисбатан 2000 йилда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш Вазирлар Маҳкамасининг ахборотига қараганда, 11 фоиз, миллий даромад ҳам ўсди, саноат маҳсулотининг умумий миқдори 30%, қишлоқ ҳўжалигида эса дон 2 баробар бундан 6 баробар ўсишга эришилган. Нефт, газ қазиб олиш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, машинасозликда асбоб-ускуналар тайёрлаш суръатлари анча юқори бўлишига эришилган. Катта миқдорда саноат корхонаси, хизмат соҳаси, қишлоқ ҳўжалиги корхоналари хусусийлаштирилди. Давлатга қарашли уй-жойларнинг ҳаммаси тўла хусусийлаштирилди. Қишлоқ ҳўжалигини бошқаришнинг янги турлари бўлган фермер ҳўжалиги аста-секин ривожланиб, ҳозиргача уларнинг сони 14

мингга етди. Пахта етиштиришда табиий қийинчиликларга қарамасдан анча силжишлар юз бермоқда. Бутун Марказий Осиёда 2 млн.тоннага яқин пахта толаси етиштирилаётган бўлса, унинг 1,5 млн.тоннаси Ўзбекистонда етиштирилмоқда. Пахта етиштириш бўйича Ўзбекистон дунёда 4-ўринда туради. Пахтамиз Европа, МДҲ, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида харид қилинмоқда. 1994 йилда эса қарийб 4 млн.тонна пахта тайёрланди. 1995 йилда ҳам ана шундай ютуққа эришилди. Мустақиллик 10-йиллик натижаси эса халқ ҳўжалигимизнинг ҳамма тармоқларида яхши натижаларга эриш билан якунланмоқда.

Ҳозирга қадар иқтисодиётнинг турли тармоқларига доир хусусийлаштириш мақсадида 20дан ортик давлат аҳамиятга эга бўлган дастурлар ишлаб чиқилган бўлиб, 1993 йил охирига қадар эса 41,5 минг корхона хусусийлаштирилди. Улардан 2 мингдан зиёди акционерлик ва жамоавийлик мулкчилиги шаклига, 1825 мингдан кўпроғи эса хусусий ва оммавий мулкчилик шаклига ўтказилган. Савдо, маҳаллий саноат, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам 2 мингга яқин шахобчалар, яъни кичик корхоналар ҳам хусусийлаштирилди.

Йирик ишлаб чиқариш транспорти, қурилиш корхоналаридан эса 423 таси хусусийлаштирилди. Шу вақт ичида 1 млн.дан ортиқ квартираларнинг 90 фоизи хусусийлаштирилди.

Қишлоқ ҳўжалигида эса 1993 ва 1994 йиллар давомида аграр реформанинг ўзига хос шакли амалга оширилиб 715 давлат ҳўжалигидан (совхоз) 325 таси жамоа ҳўжалигига, 269 таси кооператив, 90 таси ижара ҳўжалигига айлантирилиб, қайта тузилди. 735 та чорвачилик фермаси акционерлик жамиятига

айлантирилди. Қишлоқда 65 минг гектар ерга эгалик қиладиган 6,5 минг фермер ҳўжалиги ташкил этилди. Чорвачиликда ҳам хусусийлаштириш даражасининг ошиб бораётганлиги яққол сезилмоқда. Чорва маҳсулотларидан сут етиштиришнинг тўртдан уч қисми, гўшт етиштиришнинг 70 фоизи, картошка етиштиришнинг 40 фоизи хусусий тармоқларга тўғри келади[1].

Ўзбекистон Республикасида ялпи маҳсулот етиштириш суръатларида ўзгаришлар бўлсада, юқори даражада деб бўлмайди. Жумладан, ушбу икки йил ичида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 106 фоизга, нефт маҳсулотлари ишлаб чиқариш 121 фоизга, табиий газ ишлаб чиқариш эса 104 фоизга, истеъмол моллар ишлаб чиқариш 107 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш эса 103 фоизга тўғри келади. Аммо халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ҳанузгача халқ талабига жавоб берарли ҳолатда эмас. Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳам халқ талабига мувофиқ деб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида ялпи ижтимоий тузумга ўтар экан, унинг иқтисодий асосида бозор иқтисодий муносабатлари, эркин савдо ва мулкчиликнинг хилма-хил шаклига ўтиш муаммолари ҳал қилиниши муҳим аҳамиятга эгадир. Шу сабабли республикада бу муаммолар тезликда ҳал қилинмаса, аҳолининг социал ҳолати қисман бўлсада қийинчиликларини турмушда кечириши табиий ҳолдир.

Шу сабабли аҳолининг социал жиҳатдан барқарорлиги кўпроқ нарх-навога, ойлик маоши ва нафақасининг ва озиқ-овқатнинг ўз вақтида савдо тармоқлари томонидан таъминлаб туришга, аҳолининг

[1] “Ҳалқ сўзи” газетаси, 1993 йил 8 декабр сони.

кам даромадли моддий ёрдамга муҳтож қатламини социал ҳимоя қилиш ишига боғликдир. Бу соҳада намунали тадбирлар қилинмоқда.

Истиқболли жумҳуриятимизнинг иқтисодий, ижтимоий тараққиёти қонуний асослари ана шундан далолат берадики, республикамиз хом-ашё ва яна ер ости бойликлари жиҳатидан ҳам нуфузли имкониятларга эгадир. Ўзбекистон олтин ишлаб чиқариш жиҳатидан дунёда саккизинчи ўринни, аҳоли жон бошига олтин ишлаб чиқариш бўйича тўртинчи, бешинчи ўринда турибди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда топилган 30 та олтин коннинг 10 тасидан фойдаланилмоқда. Ўзбек олтини дунёдаги энг олий андозаларга мос келади.

Ўзбекистонда жуда катта заҳирага эга бўлган уран кони мавжуд. Ҳар йили жумҳуриятимиз минг тонна мис қазиб олмоқда, ундан ташқари Ўзбекистон территориясида беҳисоб мис заҳираларидан ташқари, қўрғошин, рух, вольфрам ва бошқа муҳим стратегик нодир металларнинг йирик конлари бордир[1]. Бизда жуда катта энергетика базалари ҳам мавжуд. Аниқланган газ заҳиралари салкам 2 триллион куб метрни ташкил этади, кўмир заҳиралари 2 млрд. тоннадан ошади, 140 тадан кўпроқ салмоқли нефт конлари бор[2]. Кейинги икки йил ичида очилган нефт ва газ заҳиралари энергия воситалари билан ўзимизни таъминлаш ҳақидагина эмас, уларни чет элларга сотиш ҳақида ҳам имкониятлари туғилмоқда.

Шунинг учун ҳам мустақил республикамиз келажак тараққиётига ҳуқуқий кафолатгина эмас, балки унинг қудратли бойликларининг, чексиз заҳиралари имкониятларининг мавжудлиги ҳам жорий

[1] “Ҳалқ сўзи” газетаси, 1993 йил 8 декабр сони.
[2] Ўша жойда.

мамлакатларнинг, йирик давлат арбобларининг, катта-катта халқаро компаниялар, корпорациялар, уюшмалар, трестларнинг, банкларнинг диққат-эътиборини ўзига қаратмоқда. Ўзбекистонимиз билан яқиндан алоқаларини ўрнатишга интилмоқда. Шу сабабли бўлса ҳам ажаб эмас, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг ва яқин алоқа-муносабатлар ўрнатмоқда, обру-эътибори тобора ошиб бориши, жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлиши, Европа, Осиёда ва Америка қитъасида давлатлараро икки томонлама алоқаларнинг кучайиши, ўзаро ишончнинг тобора мустаҳкамланиб боришига олиб келмоқда. Ҳозирга қадар Ўзбекистонни жаҳондаги 165 та мамлакат таниди, 120 дан зиёд давлат билан дипломатия муносабатлари ўрнатилди. 50 дан зиёд давлатлар билан элчихоналар очилган. Германия, Франция, Швейцария Конфедерацияси, Австрия, Нидерландия қироллиги, Филляндия, Туркия, Англия ҳамда Европанинг бошқа давлатлари билан узоқ муддатли ва истиқболли муносабатлар йўлга қўйилди. Бу соҳада айниқса, Президентимизнинг Германия, АҚШ ва Франция, Россия, Украина ва Хитой, Япония, Малайзия, Араб мамлакатлари, Туркия, Ҳиндистон ва Англияга қилган давлат визитлари жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистоннинг БМТга аъзо бўлишлиги унинг халқаро майдондаги позициясини янада мустаҳкамлади.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ташқи сиёсатда Конституциямиз 17-моддасига мувофиқ давлатларнинг суверенлиги, тенглиги, куч ишлатмаслик ёки чегараларнинг даҳлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик

қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумжаҳон эътироф этган бошқа нормаларига асосланади.

3 савол. Мустақиллик йилларида жамиятимиз сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида амалга оширалётган кенг қамровли ишларни ўрганиш, уларнинг натижаларини сарҳисоб қилиш, тўпланган тажрибаларини умумлаштириш асосида вазият таҳлилини бериш шу куннинг долзарб вазифаларидан бўлиб қолмоқда. Шу боис Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш борасида олиб борилган айрим ишлар ва айрим тажрибалар ҳақида фикр юритамиз.

90-йиллар бошига келиб, ёш мустақил давлатлардаги сиёсий вазият шундай эдики, улар олдида ижтимоий ривожланишнинг икки йўли турар эди. Биринчиси, халқ ҳўжалигини аввалгидек, социалистик йўналишда ривожлантириш, коммунистик ғояларни амалга ошириш учун курашиш. Иккинчиси, тараққиётини социалистик ҳам эмас, капиталистик ҳам эмас, жаҳон амалиёти синовларидан ўтган бозор иқтисодиётига асосланган адолатли, демократик жамият қуриш йўлидан бориш эди. Маълум бўлдики, социалистик тараққиёт йўли совет жамияти мисолида ўзини оқламади. У маъмурий буйруқбозлик усулига асосланган, халқнинг ижодий эркин меҳнатига шароит яратмас эди, иккинчи йўл эса ривожланган мамлакатлар синовига бардош берган, халқнинг турмушини яхшилашга қаратилган йўл эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон иккинчи йўлни дадиллик билан танлади, шу йўлнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратишга доир ислоҳотларни амалга оширишга киришди. Бинобарин, бу вақтда Ўзбекистон мустақил, ҳуқуқий, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш, бозор иқтисодиётига ўтиш, халқаро ҳуқуқнинг

мустақил субъекти сифатида жаҳон ҳамжамиятига кириш йўлини танлаб олган эди. «Биз,-деган эди И.А.Каримов, - тадрижий эволюцион ислоҳотлар йўли тарафдоримиз ва бунга қатъий амал қиламиз. Мамлакатимизнинг тарихий ва миллий хусусиятларини, халқимиз табиатини-менталитетини инобатга олсак, ривожланишнинг мазкур йўли биз учун ниҳоятда мақбулдир.

Шу нуқтаи назардан, ҳаётнинг ўзи, иқтисодиётни ислоҳ этиш ва жамиятни янгилашни «Ўзбекча модели» танланган йўлимиз ва тамойилларимизнинг тўғри эканини кўрсатмоқда»[1].

Мустақилликка эришган Ўзбекистон Республикаси ўз олдига ҳуқуқий давлат қуриш мақсадини қўйганлигини эълон қилди. Лекин бу бир зумда ва ўз-ўзидан бўлиб қолмайди, албатта. Маъмурий бюрократик тизимнинг емирилиши мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон майдонига чиқиш, бозор иқтисодиёти муносабатлари таркиб топа бориши ҳам бу масаласини долзарб қилиб қўйди. «Бизнинг, -деган эди И.А.Каримов, - бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантиришдан иборат»[2].

Шундай экан биз демократик ҳуқуқий давлат қуриш борасида нималарга эришдик?

Мустақиллик-бу миллий давлатчилик қуриш ҳуқуқидир.

Авваламбор, истиқлол туфайли ўзбек халқининг ажралмас ҳуқуқи ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиқарилди. Ўзбекистон тинч парламент йўли

[1] И.А.Каримов. “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда”. Т. 1999. 14-15 бетлар.
[2] И.А.Каримов. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз” “Фидокор” газетаси, 2000йил 23 январ сони.

билан ўзининг ҳақиқий миллий давлатчилигини барпо этиш ҳуқуқига эришди. Бу юртбошимиз таъкидлаганларидек, халқимизнинг кўп минг асрлик тарихида буюк воқеадир.

Истиқлол туфайли тарихан жуда қисқа вақт ичида асрлар мобайнида давлат қурилиши соҳасида амалга оширилмаган кўп нарсаларга эришилди. Бу нималарда намоён бўлмоқда.

Мустақил Ўзбекистоннинг ўзига хос ва мос давлат ҳуқуқий йўли танлаб олинди. Давлат қурилиши соҳасида танқидий нуқтаи назарсиз қабул қилинадган тайёр қолип ва андозалар йўқ. Дунёда бир-бирига айнан ўхшаган иккита давлат йўқ, «Ҳар бир давлат – бетакрор ижтимоий ҳодисадир. У ҳар қайси ҳалқ тарихий ва маънавий тараққиётининг ҳосилидир. Унинг ўзига хос ўзига мос маданияти ривожининг натижасидир», деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов.

Ўзбекистонда мустақил давлат сифатида демократия қадриятларини, шахс ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётини барпо этишни, халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланишини ўзи учун энг устувор қадриятлар сифатда танланди.

Янги ўзбек миллий давлатчилигининг қарор топиш жараёнида эски маъмурий буйруқбозлик тизими ва унга хос бўлган ҳокимият ва бошқарув органлари тугатилди. Сиёсий ва иқтисодий бошқариш ва тартибга солишнинг кўпгина тузилмалари барҳам топтирилди.

Демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этишнинг ҳуқуқий ва конституциявий асослари яратилди. Истиқлол йиллари ўзбек парламенти қонун яратувчилик фаолияти билан

шуғулланиб, ёш мустақил давлатнинг шаклланиши ҳуқуқий жиҳатдан ҳар томонлама таъминлашга қаратилган 300 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар янги давлат ҳокимияти органлари тизими ва ижтимоий йўналтирилган маданий-маърифий бозор муносабатларини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратди.

Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини тақсимлаш конституциявий принципи изчиллик билан жорий этилди. Уларнинг ҳар бири ўз фаолиятида ҳуқуқий асосда тоталитаризм иллатларини истисно қиладиган умуминсоний меъёрларни қарор топтирмоқда.

Ижро этувчи ҳокимият органлари режалаш-тақсимлаш вазифаларидан ҳоли бўлиб, иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш ва тартибга солиш ролини бажармоқда. Марказий иқтисодий идораларнинг вазифалари ва фаолият йўналишлари тубдан ўзгартирилди. Кўплаб вазирликлар ўрнига бозор шароитларига мос бўлган ҳўжалик бирлашмалари, уюшмалар, концернлар, корпорациялар, холдинг компаниялари ташкил қилинди.

Давлат ҳокимияти маҳаллий органларнинг янги тизими вужудга келтирилди. Унинг асосий ҳокимлар институти ташкил этди. Унда жойларда ижро этувчи ҳокимият билан вакиллик ҳокимияти раҳбарларининг вазифалари бирлаштирилган. Халқимизнинг тарихий анъаналари ва руҳиятини ҳисобга олган ҳолда, фуқароларнинг йиғинлари маҳаллалар ташкил қилинди.

Мутлақо янги суд тизими мустақил ва бошқа органларга боғлиқ бўлмаган ҳокимият сифатида қарор топтирилди. Суд ҳокимиятининг конституциявий суд ва Олий ҳўжалик суди каби янги тузилмалари вужудга

келди. Вилоят, шаҳар ва туман судлари судъялари давлат бошлиғи томонидан тайинланиши каби ижобий тарихий-ҳуқуқий анъана тикланди. Судъяларнинг ваколат ва ҳуқуқий доираси кенгайтирилди.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини амалда намоён қиладиган ва рўёбга чиқарадиган ташкилот тузилмалари тизими шакллантирилди. Бу тизимга Мудофаа ва ташқи иқтисодий алоқалар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, давлат божхона ва солиқ қўмиталари тузилди. Миллий армия-Ўзбекистон Қуролли кучларининг ҳамда Ўзбекистон миллий чегара қўшинларининг ташкил этилиши миллий давлатчиликни қарор топтириш йўлидаги ғоят муҳим қадам бўлди. Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш, қимматбаҳо металлар, фан ва техника қўмиталари, Олий Аттестация комиссияси биринчи маротаба ташкил этилди. Банк тизими тубдан қайта шакллантирилди. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки очилди. Мустақил Миллий авиакомпания, ахборот агентлиги, кинокомпания ва бошқа умумдавлат хизматлари фаолият кўрсатмоқда.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, фуқаролик жамияти қурилиши-бу фақат сиёсий тизимни демократлаштириш эмас, балки иқтисодий ҳуқуқий принципларни тиклаш, ҳўжалик фаолиятини демократик асосларда тубдан қайта қуриш ҳамдир. «Иқтисодиёт соҳасини янада эркинлаштириш мақсади-деган эди И.А.Каримов, - биринчи навбатда давлатнинг бошқарув ролини чегаралаш, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликларини, ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулкдорларни мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаш демакдир».

«Фуқаролик жамиятини қуриш, - деган эди И.А.Каримов, - бир қанча ваколатли вазифаларни давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топширишни кўзда тутади. Бундан шундай хулоса чиқадики давлат тассарруфида асосан конституцион тузумни, мамлакатнинг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ тартибот ва мудофаа қобилиятини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, мулк эгаларининг ҳуқуқларини, иқтисодий фаолият эркинлигини ҳимоя қилиш, самарали ташқи сиёсат ўтказиш каби вазифалар ҳамда стратегик аҳамиятга молик масалалар қолиши керак ҳамда давлат миқёсида ҳал этилиши лозим.

Қолган барча вазифалар ва айниқса, биринчи навбатда, бозор ислоҳотларини амалга ошириш, тадбиркорликни рағбатлантириш, хусусий мулкини ривожлантириш, одамларнинг моддий фаровонлигини ошириш ва аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари маҳаллий ҳокимият идоралари ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан ҳал этилиши керак. «Айни шу йўл билан, - деган эди И.Каримов, - биз фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асосларини барпо этишимиз мумкин».

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинди (Ҳозир Ўзбекистонни 165 давлат тан олган) Тарихда илк бор, 1992 йилнинг 2 мартида Ўзбекистон халқаро ҳуқуқининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди. Ҳозирги кунга келиб Ўзбекистон дунёдаги деярли ҳамма ташкилотларга аъзо бўлиб кирди. Дунёдаги 120 дан ортиқ мамлакат билан расмий дипломатия

муносабатлари ўрнатилган. Тошкентда 35 мамлакат ўз элчихонасини очган. Мамлакатимизда 83 та чет эл давлат ваколатхоналари рўйхатдан ўтган. 24 та ҳукуматлараро ташкилот ва 13 та ноҳукумат ташкилотлар ишлаб турибди. Ўзбекистоннинг 30 дан ортиқ чет элда дипломатик ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон суверен давлат сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган муассасалари, Оврупа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа энг обрули ва нуфузли, халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлди.

1994 йилнинг июл ойида Ўзбекистон НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига қўшилди.

Мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари конституциявий даражада эътироф этилди. Конституциямиз инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига садоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак маъсулиятни англаш, ўзбек миллий давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва қонунийликни ҳурматлаш, халқаро ҳуқуқнинг жаҳонда эътироф этилган қоидаларини тан олиш, Ўзбекистон фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий жамият барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатликни кафолатлаш каби олийжаноб мақсадларни кўзлайди.

Қомусимизнинг асосий ғояси-бу жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи-инсон деган фикрдир. Конституция «фуқаро-жамият-давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини беради. Эндиликда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда

эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан кафолатланадилар.

“Жамиятда, - деган эди И.А.Каримов, - фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш таъминланганда у чинакам ҳуқуқий, фуқаролар жамият бўлади. Ҳар бир киши ўз ҳуқуқларини аниқ ва равшан билиши, улардан фойдалана олиши, ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қила олиши лозим”[1].

Конституция қоидаларини ривожлантира бориб фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилган 100 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Улуғ бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур айтганларидек: «Қаерда қонун хукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади».

Демак, ҳуқуқий давлат қонун асосида ўз фаолиятини давом эттиради, у қонунга демократияга асосланади, фуқаролар манфаатига хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 13-моддасига кўрсатилганидек, «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларига асосланади, уларга кўра инсон, унингҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократия ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади»[2].

Шу билан бир қаторда жамиятнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти ҳуқуқий давлатнинг муҳим омили ва шартидир. Айтиш мумкинки, давлат ҳуқуқий давлатга, жамият фуқаролар жамиятига айланиши учун мустақил Ўзбекистонда ҳам анча ўзгаришлар рўй

[1] И.А.Каримов. “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” Т. 1999. 31-бет.
[2] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. 1992, 11-бет.

бериб келмоқда. «Биз учун, - деган эди И.Каримов, - фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Шу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади».

Мамлакатимизда адолатпарвар, демократик жамият асосий мақсадимиздир. Бу ўринда ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий саводхон бўлишига эришиш, жамиятимизда қонунларнинг устуворлигини таъминлашга алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Оила эса шахс ҳуқуқий маданиятини шакллантиришнинг асосий буғини ҳисобланади. Оилада ҳар бир шахснинг бурчи ва вазифаларига онгли муносабати, ҳуқуқий лаёқати, муомала маданияти, ўз насл-насаби, шажарасига ҳурмат ва садоқат, ўз Ватанига меҳр-муҳаббатнинг шаклланиши муваффақиятли кечади. Бу жараённинг самарали кечишини таъминлаш мақсадида оиланинг ҳуқуқий саводхонлигини тубдан яхшилаш ва ҳимоялаш бўйича илмий-амалий фаолият кўрсатиш, оилада боланинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилиниши, соғлом ўсиши, мактабга тайёрланишида ота-оналарнинг мураббийлик фаолиятларини такомиллаштириш ҳамда маъсулиятларини ошириш юзасидан ўқув-услубий тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш ҳуқуқий жамият барпо этиш негизидир.

Маънавий етук оила-маънавий юксак жамият таянчидир.

Шу нарсага алоҳида аҳамият бериш зарурки, демократик ҳуқуқий давлатни қуриш, адолатли фуқаролик жамиятини бунёд этиш кўп жиҳатдан янги мафкурани талаб қилар эди.

Аҳолини янги йўлдан бошлаб бориш, унинг қарашлари ва орзу-мақсадларини бир йўналишга буриб, кучларини уйғунлаштириш учун ягона ғоявий қурол зарур эди.

Маълумки, Ўзбекистон бошқа иттифоқдош республикалар ичида биринчилардан бўлиб, ўзини мустақил республика деб эълон қилган эди. Бу албатта, Ўзбекистон учун ўлкан тарихий воқеа, миллий мафкура шаклланишида янги даврнинг бошланиши эди ва табиий суръатда кишиларнинг сиёсий онгининг ошишига олиб келди. Дастлаб, одамлар жамиятда юз бераётган ўзгаришлар шиддати олдида бирмунча гангиб қолишди. Турли сафсаталар, ҳатти-ҳаракатлар, «ғоявий» курашлар авж олиб, «хонаки» ва ажнабий сиёсатдонлар кўпайиб кетди. Бир маромдаги турмуш ва бир қолипдаги фикрлаш тарзи бузилиб, саросималик ва парокандалик кайфиятлари кучая бошлади. Ана шундай пайтда умумхалқ ва умумдавлат манфаатига мос келадиган энг мақбул йўлни танлаш, бунинг учун эса мафкуравий яккаҳокимликка барҳам берган ҳолда аҳолининг барча табақалари, қатламларини талаб-эҳтиёжларини, маънавий-руҳий чанқоқлигини қондира оладиган етук ва баркамол ғояни яратиш зарур эди.

Масаланинг яна бошқа томони ҳам бор. Бу бевосита узоқ йиллар мобайнида ҳукмрон бўлган ғоя ва ақидалардан халос бўлиш, унинг бир ёқлама, ҳавойи, баландпарвоз даъватларини суриб ташлаш, воз кечиш каби оғир, вақт талаб этадиган жараён билан боғлиқ. Энди тафаккур тарзи ва қарашларини ишга солиш лозим эди.

Ана шундай шароитда Ўзбекистон Мустақиллигининг ташаббускори ва ташкилотчиси Президент И.А.Каримов биринчилардан бўлиб жамиятда маънавий покланишни амалга ошириш, эски

ақидалардан ҳоли бўлиш зарурлигини кейинчалик эса миллий истиқлол мафкурасини яратиш лозимлигини пайқади ва уни долзарб вазифа қилиб кўтарди.

Президент И.А.Каримов Ўзбекистоннинг маънавий ривожи негизларини белгилаб берар экан, ватанпарварлик ғоясига алоҳида эътибор берди. Бинобарин, Ватанни севиш халқимизга хос азалий қадрият ҳисобланади.

Мафкурасизлик-эътиқодсизликка олиб келади. Эътиқодсизлик эса ҳар кимнинг ўзича яшашига, кўнгил тусаганича кун кўришга, ҳаёлига келган иш билан шуғулланишга олиб келади. Бу якка-якка шахсларнинг ҳатти-ҳаракатидан бутун жамият маънавий-руҳий қиёфаси шаклланади ва салбий оқибатларга олиб келади.

Мафкурасизлик охир-оқибатда одамлар онгида манқуртлик, қалбида феъл-атворида андишасизлик ва ниҳоят ўзлигини англамаслик каби нуқсонларни чуқурлаштиради. Жамиятда эса парокандаликни келтириб чиқаради. Шундай қилиб одамлар ҳаётида файзу тароват қолмайди.

Мустақиллик- мустақил яшаш, мустақил фикрлаш, мустақил интилиш имкониятидир. Бу бевосита онг ва тафаккур билан боғлиқ бўлган доимий ривожланиб, шаклланиб борадиган ҳаракатдаги ҳодиса. Миллий истиқлол мафкураси айни шу мустақил фикрлаш маҳсули, онг ва тафаккур ҳосиласи ҳисобланади.

Демак, миллий онг таъсирида миллий ғоялар яратилади. Ана шу ғоялар асосида миллий мафкура, миллий дунёқараш шаклланади.

Миллий истиқлол мафкураси, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ҳақидаги сиёсий, илмий, назарий, фалсафий, бадиий ва диний қарашлар мажмуи халқни келажакка ишонч, эътиқод руҳида тарбияловчи

ғоявий қурол, барча тоифа кишиларини шу мақсад йўлида бирлаштирувчи ғоят қудратли маънавий омил ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришишини тарахий муқаррар жараёнлигини кўрсатиш орқали энг аввало, Конституцияда адолатли, тарихий, демократик давлат ва фуқаролик жамияти ғояларини қонунлаштириш қўйилди.

Миллий истиқлол мафкурасининг назарий жиҳатлари президент И.А.Каримовнинг, айниқса, кейинги йиллардаги нутқ ва рисолаларида атрофлича ёритиб берилди.

Мазкур асарларида йўналтирилган бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатига эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишга, инсон учун муносиб турмуш ва фаолият шароитини вужудга келтириш, жамиятни маънавий ахлоқий жиҳатдан янгилаш ва тараққий эттиришнинг назарий ҳамда амалий негизларини белгилаб бериш тамойиллари ишлаб чиқилди.

Хуллас, Президент И.А.Каримов ўзининг бир қатор асарларида илгари сурилган қоида ва қарашлари билан дастлабки йиллар маънавий ҳаётда юз берган мафкуравий бўшлиқни тўлдирди, миллий истиқлол мафкурасининг назарий заминини яратди.

Маълумки, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларни ҳимоя қилиш таъминлангандагина у чинакам ҳуқуқий фуқаролик жамияти бўлади. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини таъминлаш мақсадида инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизимини барпо этилди. Бу тизимга кирувчи Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича

Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази ташкил этилди. Ўзбекистон Судъялар Ассоциацияси ва адвокатлар уюшмаси ўз фаолиятини бошлади.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқларига оид 40дан ортиқ халқаро шартномаларга қўшилган. Бу халқаро хужжатларда ҳукуматнинг ўз фуқаролари олдидаги мажбуриятлари ва уларга нисбатан қилиши шарт бўлмаган ишлар белгилаб берилган. Қабул қилинаётган қонунларимиз инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро меъёрлар ва стандартларга мувофиқлаштирилмоқда.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривожланмоқда.

Шундай қилиб, Президентимиз таъбирлари билан айтганда, «Мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинлигининг устунлигидан келиб чиқадиган, халқаро миқёсда қабул қилинган янги юридик тамойиллар ва талабларга асосланган кенг ҳуқуқий муҳит вужудга келтирилди».

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мутсақил Ўзбекистон миллий давлатчилик қуриш бўйича амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотлар кимларгадир демократик ва инсон ҳуқуқлари тарафдори эканимизни кўрсатиш учун қилинаётгани йўқ. Бу борада қандайдир обру орттиришга ҳам интилаётганимиз йўқ. Бу Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг объектив заруратидир, объектив қонуниятидир. Бу эса бизнинг чинакам миллий манфаатларимизга мос келади.

Ҳозирги даврда ва келажакда бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантириш борасида сиёсий соҳада, иқтисодий соҳада, маънавий-маданий ва ижтимоий амалга оширилган вазифалар асосан шулардан иборат.

Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Миллий мустақилликни қандай тушунасиз, таърифини беринг?
2. Ўзбекистон мустақил-суверен республика бўлиши арафасидаги социал-сиёсий муҳитни қанлай тушунасиз?
3. Мустақил Ўзбекистон Республикаси ташкил топишининг ижтимоий-сиёсий моҳиятини тушунтиринг.
4. Мустақил Ўзбекистонда қандай ва қайси социал ва сиёсий ўзгаришлар юз берди.
5. Жамиятнинг социал таркибини таърифланг.
6. Республикада мавжуд социал муаммоларни ҳарактерланг.
7. Социал муаммоларнинг сиёсий томонини қандай тушунасиз?
8. Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган социал сиёсатининг моҳиятини тушунтиринг.

Адабиётлар

1. «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси» Тошкент, 1992 йил.
2. И.А.Каримов «Иқтисодий ислоҳотлар масъулиятли босқич» Тошкент, 1994 йил, 24-256 бетлар.
3. И.А.Каримов «Истиқлол ва маънавият» Тошкент, 1994 йил.
4. И.А.Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» Тошкент, 1998 йил.
5. И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида…» Тошкент, «Ўзбекистон», 1997 йил.
6. И.Абдуллаев «Дин ниқобидаги жиноятчилар», «Ўзбекистон овози» рўзномаси, 5 март 1998 йил.
7. А.Азимов «Ислом ва ҳозирги замон» Тошкент, 1992 йил.

8. Н.Комилов «Ислом-маърифатдир», «Халқ сўзи», 1998 йил 3 апрел.
9. «Дунёвий давлат ва дин. Кўнгилдаги бузилиш» Тошкент, 1998 йил.
10. М.Бекмуродов «Социология асослари» Тошкент, «Фан», 1994 йил.
11. К.Юнусов «Социология» (ўқув қўлланма) Андижон, 1997 йил.
12. Маърузалар матни.
13. Ш. Ахадов “Социология”, ўқув-услубий қўлланма. Самарқанд, 2007 йил.

Таянч иборалар:

- **Мустақил Давлатлар Ҳамкорлиги** – Собиқ СССР ҳудудларида ўз мустақиллигини қўлга киритиб, мустақил ривожланиш йўлини танлаган давлатларнинг ўзаро ҳурмат, тинчлик ва суверенлиги асосида тузилган ҳамкорликдир.
- **Эркин бозор муносабатлари**-мустақилликка эришган давлатларнинг иқтисодий тараққиётида тутган йўли.
- **Мустақиллик Қомуси** – Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейинги қабул қилинган Конституциясидир.
- **Референдум** – энг муҳим давлат аҳамиятига, халқ манфаат, мақсадларига доир масалаларини халқ, умумҳалқ муҳокамасидан ўтказишдир.
- **Фуқаролик кодекслари** – Конституция талаблари асосида фуқароларни ҳуқуқ ва бурчларини, эркинликларини қонунда ифодалашдир.
- **Суверен Ўзбекистон** – Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий жамиятининг ҳамма соҳа-жараёнларида ўз тараққиёти, ривожини ички ва ташқи сиёсатда мустақил юритиш, дахлсизлик ҳуқуқидир.

VI. СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УМУМЛАШТИРИШ

СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УМУМЛАШТИРИШ

Р Е Ж А :

1. Социологик тадқиқотлар тушунчаси, уни ташкил этиш, ўтказиш дастури ҳақида
2. Аниқ социологик тадқиқотларни ўтказиш усуллари, турлари ва социологик мониторинг ҳақида
3. Социологик тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш, умумлаштириш ва унинг аҳамияти

1 савол. Социология фанида ижтимоий жамият тараққиёти жараёнида юз берадиган ҳодиса ва воқеаларни, унинг мураккаб муаммоларини аниқ ва объектив асосда тўғри ўрганиб таҳлил этишда эмпирик социологик тадқиқот алоҳида аҳамиятга эгадир. У сиз фанни ўрганиш, атрофлича фикр ва хулосалар бериш, ижтимоий гуруҳлар, шахслар улар фаолиятлари, индивидлараро алоқа ва восита муносабатларига аниқ ва тўғри баҳо бериб бўлмайди. Шу сабабли эмпирик социологик тадқиқотлар социология фанида марказий ўринни эгаллайди.

“Эмпирик” – сўзи қадимги юнон сўзидан олинган бўлиб “тажриба”, “тажриба ўтказиш”, “тажриба натижалари” маъноларини англатиб социологик тадқоқотларнинг амалий натижаларини тахлил қилиш умумлаштириш, зарурий хулоса ва таклифлар ва аниқ тавсиялар беришдан иборатдир. Айниқса социология тадқиқотларда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хужжатларни, маълумотларни излаб топиш, таҳлил

қилиб аниқлаб, тўплаб илмий, назарий ва амалий фикрлар беришдан иборат бўлиб, бу эса социология фанидан муҳим аҳамиятга эгадир.

Ижтимоий хужжатлар, маълумотлар (фактлар) деганда назарий ва илмий асосланган, амалий жиҳатдан тасдиқланган, муайян вақт давомида реал ижтимоий ҳодиса ва воқеликнинг алоҳида жиҳатларини тасниф қилиш орқали олинган реал натижаларга эга бўлган маълумотларга – ахборотларга айтилади.

Социология фанидан эмпирик тадқиқотлардан фойдаланиш XX асрнинг 50-60 йилларида АҚШда кенг тарқалиб, Ғарбий Европа ва бошқа бир қатор мамлакат социологиялари томонидан кенг кўламда қўлланилган ва қўлланилмоқда.

Ҳозирги шароитда мустақил ва суверен Ўзбекистонимиз тараққиётида кучли ҳуқуқий давлатдан кучли фуқаролик ҳуқуқий демократик жамият қуриш сари, аста-секин бозор муносабатларига ўтиш жараёнида социология фанида эмпирик социологик тадқиқотларга алоҳида эътибор беришни тақозо этмоқда. “Ишончим комилки, вақти-соати келиб, бугунги ўтиш даври учун зарур бўлган кучли давлат функциялари ва аломатлари аста-секинлик билан тадрижий равишда кучли жамият зиммасига ўтади”[1]- деб таъкидлаган эди Республикамиз Президенти. Чунки жамиятимиз ҳаётида жиддий ўзгаришлар рўй бераётганлиги, жамият аъзолари ўртасидаги, миллатлараро алоқа ва муносабатлардаги ижобий ўзгаришларни амалий социологик тадқиқотлар асосида илмий ўрганишни, назарий ва амалий хулосалар чиқаришни, жамиятни илмий бошқариш зарурлигини ҳозирги кун тараққиёти талаб этмоқда. Бу

[1] И.А.Каримов. “Кучли давлатдан кучли жамият сари”, Тошкент, 1998, 100-бет

эса бевосита социология фанининг предмети, мақсади ва вазифасидир.

Жамиятимиз тараққиёти жараёнида мавжуд ва юз берадиган ижтимоий муаммоларни ўрганиб, таҳлил қилиб, хал этиб боришда, жамиятни ижтимоий ривожланиб, унинг келажаги учун мақсад ва таклифлар (прогноз) бериш, жамиятни илмий бошқариш зарурлиги ҳақида амалий хулосалар беришда эмпирик социологик тадқиқотлар ўтказиб ижобий, объектив, аниқ натижаларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Чунки, - деб таъкидлайди йирик социолог олим Энтони Гидденс, - “тадқиқот методологияси натижалар талқини ва олинган маълумотлар тахлилининг мантиқий кетма-кетлигини белгилайди. Тадқиқот усуллари – бу ижтимоий дунёни ўрганишда қўлланиладиган ҳақиқий усуллардир”[1].

Эмпирик социологик тадқиқотларнинг сифат натижалари ва самарадорлиги юқори бўлишлиги, амалий тажрибаларнинг олинган ҳамма маълумотларнинг тўғри ва ишонарли бўлиши муҳим илмий аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли унинг методологик – услуб ва услубиятига, илмий асосланганлигига алоҳида эътибор бермоқ лозимдир. Бу ҳолат эса илму-фанда муҳим аҳамиятга эга бўлган, тўпланган ҳамма маълумотларни маълум йўналишга солишда, илмий программа – дастур асосида ва алоҳида аниқ методологик – эмпирик тадқиқотларнинг назарий-амалий методологиясига асосланган илмий дастур энг муҳим ва зарурий хужжат ҳисобланиб, шу дастур асосида эмпирик социологик тадқиқотлар олиб борилади.

Илмий асосланган дастур ўзида муаммоларни акс эттириши ва амалда нималарни қўллаши мумкин.

[1] Энтони Гидденс “Социология”. Тошкент, 2002. “Шарқ” нашриёти, 757-бет

Илмий-тадқиқот дастури асосан икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимда назарий ва методологик жиҳатдан асосланган бўлиб, бу бўлимни назарий методологик бўлим ва иккинчи бўлимни эса, амалий услубий бўлим сифатида талқин қилинади. Бу бўлимни бир қатор ўқув адабиётларида иш тартиби (процедура) бўлими ҳам деб таърифланади. Дастурнинг биринчи бўлимида бажариладиган ишлар асосан проблемали мавзу танлаш, тадқиқот объектини аниқлаш характерлаш, мақсад ва вазифаларни белгилаш, предмет ва фараз қилиш соҳаларини аниқлаб режалаштиришдан иборатдир. Дастурнинг иккинчи бўлимида эса асосан маълумотларни тўплаш усули ва услубларини баён этиш, тўпланган материалларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш, хулоса чиқариш, таклиф ва тавсиялар беришдан иборатдир.

Илмий дастурнинг бажарилиши зарур бўлган пунктларини таниқли иқтисодчи олим Н.С. Аликориев қуйидагича кўрсатади. Яъни, назарий-методологик бўлимда муаммо қўйиш; тадқиқот мақсади ва вазифаларини аниқлаш; тадқиқот объекти ва предметини аниқлаш; муаммонинг назарий тахлили; асосий тушунчаларини белгилаш; объектнинг системал таҳлили; тушунчаларни назарий ва эмпирик интерпритация ва гипотезани аниқлаш каби йўналишлардан иборат бўлишини кўрсатади. Иш тартиби (процедура) бўлимига эса – тадқиқотнинг принципиал режасини тузиш; тадқиқот тўплаш методи ва техникасини танлаш; танланган методларни тузиш ва асослаш; олинган билимларни гипотенуза бўйича анализ усулларини белгилаш; объект тадқиқотини ўтказиш; хулосаларни белгилаш, янги тушунчалар, фактлар, назариялар, тенденцияларни ифодалаш[1] каби

[1] “Умумий социология”. Тошкент.1999. 147-бет

пунктлардан иборат бўлишлигини кўрсатади ва ҳаммасини асосли равишда таҳлил қилиб берган. Ушбу муаммони, яъни эмпирик социологик тадқиқотни инглиз социолог олими Энтони Гидденс эса биринчидан “изланиш ишлари ёки стратегия сифатида умуман тадқиқотларни режалаштириш ва ўтказишни, яъни тадқиқот стратегиясидан ва иккинчидан, тадқиқот методологиясидан иборат эканлигини кўрсатиб[1] унга таалуқли йўналишларни алоҳида-алоҳида таърифлаб беради[2]. Иккала авторнинг ҳам ўзларига хос миллийлик хусусиятларига мувофиқ фикрлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, талабалар, социал тадқиқотлар олиб борувчилар ва социология билан қизиқувчилар учун фойдалидир.

Демак, илмий дастурни амалий бажариш учун қандай йўналишлар асосида бажарилишидан қатъий назар, социолог олимлар ўз олдиларига муайян бир масалани, яхлит мақсадли вазифани бажаришни шарт қилиб қўядилар. Бу ҳолат бевосита мавжуд муаммонинг қўйилишидан бошланади.

Жамиятда мавжуд бирон-бир муассаса, корхона ёки ташкилот ўз тараққиёти жараёнида биронта муаммони ҳал қилиши зарур бўлиб қолади ва у ижтимоий буюртмачи сифатида намоён бўлади, бу буюртма илмий асосланган билимни тақоза этади. Бундай билим буюртмачида бўлмаганлиги сабабли профессионал билимга эга бўлган социолог олим ёки мутахассисларга эҳтиёж туғилади. Демак, мавжуд илмий дастурга асос бўлаоладиган муаммо амалий жиҳатдан (муассаса, корхона ёки ташкилот) ҳал бўлиши мумкин бўлмаслиги, амалий воситалар имкони бўлмаганлиги сабабли илмий-тадқиқот ўтказишга,

[1] Қаранг. Энтони Гидденс “Социология”. Тошкент. 2002. 757-бет
[2] Қаранг. Ўша жойда. 757-787 бетлар

илмга эҳтиёж туғилади ва илмий асосда ҳал этишга мурожаат қилади. Бу ҳолат, яъни илмий-тадқиқатга мурожаат ижтимоий буюртма деб аталади, уни бажариш эса социолог-тадқиқатчи ташаббуси, бевосита иштироки билан икки йўналишда ҳал этилади.

Биринчиси – ижтимоий буюртма ва иккинчиси эса социолог ташаббуси – иштироки асосида амалга оширилади. Бу ҳолат эса муаммонинг қўйилиши сифатида намоён бўлади. Бу борада социолог Энтони Гидденс – аввалги тадқиқотларда мазкур савол равшанланган ва бошқа адабиётларни ўқиб чиққан бўлса етарли, - дейди. Агар мазкур муаммо борасида аниқлик бўлмаса, тадқиқотчи бошқа тадқиқат натижаларини ўрганиб, ўз муаммосига қандай ёрдам беришини аниқлаш кифоя бўлади, - дейди. Бу ҳолат эса муаммо қўйилишига сабаб бўлади.

Муаммо қўйилгандан сўнг эса тадқиқот мақсад ва вазифаларини аниқлашга киришилади. Илмий муаммога қўйиладиган ва кутиладиган мақсад бу аввл инсон тафаккурий онгидан олдин пайдо бўлиб, уни қандай амалга ошириш даражалари аниқланиб, унинг ўрганилиш жараёни даражаси, ижтимоий манфаатли томонлари, объект ривожланиш ва ривожлантириш турлари, тузилма ва ўзгарувчанлик соҳалари тенденциялари, назарий ва методологик услуб самарадорлиги, ҳуқуқий-сиёсий, маданий ва илмий хулосаларини олиш каби маслаҳатли жараёнларини ўз ичига қамраб олади ва бу эса муаммонинг умумий тадқиқот мақсади ҳисобланади. Иқтисодчи олим Н.С.Аликориев тадқиқот мақсадини “объектив ривожланишининг турлари, тузилмаси, ўзгарувчанлиги

ва тенденциялари эмпирик тадқиқотнинг умумий мақсади ҳисобланади”[1]- деб таъриф беради.

Эмпирик тадқиқот мақсади асосланган ҳолда аниқ бўлгандан сўнг бу мақсадни амалга ошириш учун вазифа белгиланиб, тадқиқотлар қандай ўтказилади, мақсадга қандай эришилади, эмпирик ёки илмий тадқиқотни нимадан белгилаш керак, назарий-илмий, методологик ва методик характерга эга бўлган масалалар[2] қандай ҳал қилинади каби саволларга жавоб берилиб, сўнг мақсадга мувофиқ вазифа аниқ белгиланади. Албатта мақсадга мувофиқ вазифа аниқ бўлганда тадқиқотчи асосий ва асосий бўлмаган масалалардан келиб чиқадиган вазифаларга ҳам жиддий эътибор бериш талаб этилади.

Бу ҳолат аниқ бўлгандан кейин эмпирик тадқиқотнинг навбатдаги йўналиши, яъни объекти ва предмети аниқ бўлиб уни атрофлича ўрганилиб, унинг ижтимоийлиги характерига тўғри танлашига сабаб бўлади. Тадқиқотчи эмпирик тадқиқот объекти ва предметини аниқлашда муаммога мувофиқ, унинг ижтимоий характерга эга эканлигига асосий эътиборини қаратмоқ керак. Тадқиқотчи муаммонинг предмети, унинг объектидан келиб чиқишини объект предметдан кенгроқ бўлишини ва унинг муаммога боғлиқлигини унутмаслик керак.

Шу билан бир қаторда эмпирик тадқиқотга асос бўладиган муаммода назарий билимлар ҳам талаб қилинишини ҳисобга олганда объект ва предмет тўғри келиб, бу предметлар бевосита назарий билимлар билан тўлдирилади. Аммо предмет муаммо ва объектнинг тадқиқ қилинадиган, эмпирик тадқиқотга асос бўладиган соҳасидир.

---

[1] Умумий социология. Тошкент. 1999. 148-бет

[2] Қаранг. Умумий социология. Тошкент. 1999. 149 бет

Предметни эмпирик тадқиқот қилишда назарий билим муҳим аҳамиятга эга бўлиб, назарий таҳлил нафақат предмет, балки муаммо ҳақидаги барча билимлар мужассамлашади, муаммонинг ҳар томонлама ўрганилган ва ўрганилмаган соҳалари аниқ бўлади, изланаётган жараён моҳияти ҳақида аниқ концепция яратилади ва асосий тушунчалар танланади ва аниқланади[1]. Тушунчалар асосида муаммога таалуқли бўлган, уни ҳал қилишга алоқадор ҳамма эмпирик тадқиқотларнинг тафаккурий махсули ётади. Унинг маълум бир қисми (кўпроқ жамиятга нисбатан табиатга боғлиқ томонлари) гипотезали ҳолатда намоён бўлиши мумкин. “Гипотеза – бу тадқиқотчини қизиқтираётган ҳодисалар ўртасида қандай алоқа мавжудлиги борасидаги тахминлардир”[2] – дейди инглиз олими Энтони Гидденс. Давом этиб, “тадқиқот самарали бўлиши учун, гипотеза шундай тузилиши керакки, олинган фактик материал уни текшириш имконини берсин”[3] – деб таъкидлайди олим. Аммо социал тадқиқотда гипотеза реал социал ҳаётга яқин ва асосли бўлиши ҳам керак. Ўшандагина эмпирик тадқиқот ҳаётий, тўғри натижа беради, предметни илмий таҳлил этишда қўл келади. Ўрганилаётган муаммо бўйича илмий фараз – гепотиза ушбу муаммонинг назарий жиҳатдан тайёр бўлишининг якунловчи қисми ҳисобланади. Умуман олганда гипотеза – фараз муаммонинг ижтимоийлиги, ҳодиса таркиби ёки унинг таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик соҳаларини илмий асослашга ҳаракат қилиш ҳисобланиб, тадқиқ этилаётган объектни илмий асослашга ёрдам бериб, аниқ маълумотлар тўплашга ёрдам беради, эмпирик

[1] Қаранг. Умумий социология. Тошкент, 1999, 150 бет
[2] Энтони Гидденс. Социология. Тошкент. 2002. 758 бет
[3] “Умумий социология”. Тошкент. 1999. 152 бет

тадқиқот учун зарурий маълумотлар тўплаш ва таҳлил қилиш учун мантиқий, тафаккурона асос бўлиб кераксиз маълумотлар тўплашдан сақловчи воситадир.

Таниқли иқтисодчи олим Н.С. Алиқориев “Гипотеза – бу объектни ўрганилаётган хусусиятлари ҳақидаги илмий таҳлил гипотеза тушунтирувчи, таърифловчи ва олдиндан айтиб берувчи, яъни гипотеза прогнозларга бўлинади. Таърифловчи гипотезалар бу объектни тузилмаси ва элементлари ҳақидаги тахлилни компонентларни миқдорий боғлиқлиги элементлараро алоқалар тури ва характери ҳақида маълумот беради”[1]- деб таъриф беради.

Демак тадқиқотчи илмий фаразга мувофиқ илмий изланишлар олиб борса мавжуд фараз-гипотезанинг тўғри ёки нотўғрилигини исботлаши, муаммони ҳал қилишга хизмат қилиши мумкин. Шу сабабли гипотеза ажойиб ва муҳим илмий имконият бўлиб илмий жиҳатдан ҳам якуний исбот қилинмаган имкониятдир.

Албатта предметнинг илмий жиҳатдан тўғри танлаб олишда абстрактлаштириш усулининг ролини ҳам эътиборга олиш талаб этилади. Бу эса тадқиқотчининг бевосита қобилиятига боғлиқдир.

Абстрактлаштириш – бу предметнинг (ўрганилаётган муаммонинг) у ёки бу хусусиятларидан муҳим эмаслигидан иборат бўлган энг зарурий қисмини иккинчи даражасидан ажратиб олишга айтилади. Абстрактлаштиришнинг яна бир хусусияти шундан иборатки, ўрганилаётган муаммо предметнинг умумий хусусиятларини, жумладан ижтимоий холатдаги маънавий ўтмиш қадриятлар, урф-одатлар, манфаатларнинг абстракт назарий тушунчаларини ифодалаш имкониятини вужудга келтиради. Жумладан, жамиятда турли хил ижтимоий ҳодиса ва

[1] Уша жой. 150 бет

воқеалар узлуксиз юз бериб туради. Улардан инсонларга боғлиқ бўлган соҳалардан бири аҳоли миграцион жараёнини тадбиқ этиладиган бўлса, бу ҳолат умумий муаммо бўлиб, объект эса муайян худуддаги аҳолининг бутун қатлама (миллий таркибидан қатъий назар) нинг кучиш жараёни ҳисобланса, предмети эса аҳолининг миграцион жараёнларда иштирок этишининг ижтимоий-руҳий, иқтисодий, маънавий ва табиий омиллари ҳисобланиб, ана шу аҳолининг маънавий-руҳий ҳолатларига боғлиқ қадриятлари, урф-одатларининг ўтмиш билан боғлиқлиги, туб аҳолининг унга садоқатлиги, уларнинг кўчиш миграцион жараёнга боғлиқ муносабатлари (кўплаб туб аҳоли ҳамма миллатларда ҳам учрайди) ўтроқ бўлиб, унга мослашиб кўчириш сиёсатига норозилик кайфиятига сабаб бўлган омиллар, қанчалик бўлмасин абстрактлашишга асос бўлади. Мақсад ва вазифа аниқ бўлиб ана шу миграцион жараёнларни яхшилаш, миллий ва маҳаллий ихтилофларни, туб аҳолининг қолганлиги кайфиятларининг олдини олиб низолар чиқишига йўл қўймаслик асосида миграцион жараёнини муваффақиятли ўтказишдан иборатдир.

Эмпирик тадқиқот дастурини тузишда бир қатор социолог олимлар фикрича объектнинг системали таҳлил қилиниши алоҳида аҳамиятга эга деб ҳисоблайди. Аслида эса бу ҳолат юқорида таҳлил этилган йўналишлар билан боғлиқ бўлиб, биргаликда таҳлил этилса ҳам бўлаверади. Чунки бу йўналиш бевосита юқоридаги йўналишларда таҳлил этилганидек объектнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳалари ҳисобланиб, ҳаммасини биргаликда бир-бирига боғлиқ яхлит ҳолда ўрганиш ҳисобланади. Бу метод социологияда Т. Парсонс, Р.Мертон томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, профессор Н.С.Алиқориев

кўрсатишича Т. Парсонс – шахс-гуруҳ маданият, жамият ва функциялар, адаптация, социологизация, мақсадга эришиш, патентлик каби подсистемалар (бу кўпинча социэтал система деб аталади) сифатида ажратилиб кўрсатилади, деб таҳлил қилади[1]. Албатта бу схема ҳар бир муаммони ўрганиб таҳлил қилишда, эмпирик тадқиқот предметига умумий тушунча беради ва бир қатор фараз қилишга асос бўлиши ҳам мумкин. Бу ҳақда юқорида таҳлил қилинди.

Юқорида таъкидлаганидек, ўрганилаётган муаммонинг объекти ва предмети ҳақидаги билимлар илмий тадқиқотнинг турли йўллари ва режаларини юзага келтириши мумкин. Улардан намуналиси у ҳам бўлса изланиш асосида, баён этиш йўлида ва экспериментал тадқиқот усулида юзага келадиган режалар ҳисобланади. Изланиш асосидаги режалар кўпинча ўрганилаётган муаммо ҳақидаги тасаввур ва аниқ тушунчалар конкретлашмаган ҳолларда қўлланилади ва илмий муаммони аниқ номлаш ва асосий ўрганилиш чегараларини белгилаб олиш учун қўлланиладиган режадир.

Изланишга қаратилган тадқиқот асосан уч босқичда амалга ошириш асосида бажарилади.

Биринчи босқичда илмий муаммога таалуқли барча илмий, публицистик, архив ва шунга ўхшаган барча хужжатлар таҳлил қилиниб, ўрганилиб чиқилиш мўлжалланган бўлса, иккинчи босқичида ушбу муаммо ва соҳа бўйича мутахассислар, олимлар, тажрибали кишилар ва ушбу муаммо атрофида фаолият кўрсатган ёки кўрсатаётган кишилар билан суҳбатлашиш ва маълум эксперт гуруҳлари фикрларини ўрганишдан иборат бўлади. Сўнгги учунчи босқичида эса тадқиқотчи тадқиқот қилинадиган муаммо ҳақида

[1] “Умумий социология”. Тошкент. 1999. 151-бет

маълум ва муайян илмлар ва билимга эга бўлган ҳолда объект ва предмет ҳақида аниқ кузатиш ишларини олиб боришни кўзда тутади.

Баён этиш режасига таалуқли соҳалар бўйича эса тадқиқотчи эмпирик социологик тадқиқот режаларини амалда қўллаш, мавжуд ва олинган маълумотларни таҳлил қилиш орқали қабул қилинган гипотезани – фаразнинг тўғри ва ҳаётий ёки нотўғрилиги – ҳаётий эмаслигини текшириб кўриш, ўрганилаётган муаммо объекти ва предмети борасида аниқ тушунчага – миқдорий ва сифат кўрсатгич билим даражасига эга бўлиши эътиборга олинади. Бундай тадқиқотлар бевосита муаммо объектига боғлиқ бўлган барча эмпирик маълумотлар режалардаги соҳалар бўйича классификация қилиниб бўлинади.

Социал тадқиқотларнинг экспериментал режаси муаммо объекти ҳақидаги мавжуд тўпланган маълумотлар асосида, тадқиқотчи гипотеза-фараздаги фикрни ёки ғояни илгари суриш уни янада ҳақиқатга айланишига ишончни мустаҳкамлашга яна бир имкон беришдан иборатдир. Шу билан бир қаторда муаммо объекти замирида юз берадиган ижтимомий сабаб ва оқибат алоқаларини аниқлаш, объектнинг айни ҳолати ривожлантириш мумкинлигига боғлиқ шарт-шароитларнинг объектив ҳақиқатлигини билиб олишга имконият яратади.

Умуман олганда эмпирик социологик тадқиқот ўтказишнинг юқорида тилга олинган уччала режаси ҳам бир-бири билан узвий боғлиқликда мутаносиб системали кетма-кетлик асосида қўлланилади ва у муҳим аҳамият касб этади.

Умуман олганда социологик тадқиқотлар тушунчаси уни ташкил этиш ва ўтказиш дастурининг моҳияти, характерли томонлари шулардан иборатдир.

2 савол. Социологик тадқиқотларни амалга ошириш усуллари энг муҳим соҳалардан асоси бўлиб, улар қуйидагилардан иборат процедура бўлими иккинчи босқичи – информация материаллари тўплашнинг усуллари ҳисобланади ва тадқиқот улар ичида муҳим ва зарурий услубни – методни танлашдан бошланади.

Дастурий режани амалга ошириш услубий қисмининг муҳим жиҳати шундан иборатки, унда услубиёт техникасининг умумий жараёнларига боғлиқ йўналишларини асослаш усулларидан иборатдир.

Услуб-метод тушунчаси кенг маънода ишлатилиб билимлар тизимини илмий ва назарий асосда вужудга келтириш ва асослаш учун қўлланиладиган қулай воситадир. Социологик тадқиқот услубиёт эса умумий-хусусий социологик усуллар мажмуи бўлиб, ундан эмпирик тадқиқот материалларини тўплаш ва тизимлаштириш (бир системага солиш) мақсадида фойдаланишга айтилади. Усул услубиётнинг бир қисмидир. Социологияда усул умумсоциологик принципларга хос ижтимоий ҳодиса ва воқеаларни алоҳида-алоҳида тармоқлараро аниқ билишда қўлланиладиган усуллар бўлиб, улар алоҳида, яъни математик, статистик усуллари, социологик ахборотни йиғиш усуллари, кузатиш, текшириб солиштириш, сўров усуллари, интернетдан фойдаланиш усуллари, анкеталаштириш ва бошқа бир қатор бир-бирини такрорламайдиган, аммо социологик тадқиқотлар учун зарурий имкониятлар яратиб берадиган, тадқиқотни енгиллаштирадиган имкониятларким, уларнинг ҳаммасини алоҳида-алоҳида социологик тадқиқот усуллари ва умумий мақсадда уларнинг ҳаммаси социологик тадқиқот услубияти деб номланади ва кенг маънода фойдаланилади.

Социологик техникаси эса – махсус усулларнинг бир мақсад, муаммо объекти, предметини ўрганиш усулларининг бир-бири билан боғлиқлигини ва бу усулларнинг у ёки бу зарурий усуллардан фойдаланишга айтилади. Умуман олганда амалий социлогик тадқиқот олиниб борилишида аниқ социологик тадқиқот усуллари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, эмпирик социологик тадқиқот маълумотларини йиғиб аниқ хулоса, таклиф, мулоҳазалар қилишда, илмий-назарий хулосалар қилиб, муносабатлар билдиришда муҳим ижтимоий яҳамиятга эгадир.

Социологик тадқиқотлар усуллари ҳақида қуйида тўхталиб ўтамиз.

Умуман олганда социологик тадқиқот усуллари юқорида кўрсатилганидек кўп қиррали бўлиб, бу усулларни социал тадқиқотчи олимлар ўзларининг услубларига мувофиқ аниқ ва яхлит стандарт усулда эмас, балки усулларнинг қўлланишлик салоҳиятига мувофиқ таъриф берганлар.

Қуйида социал тадқиқотнинг кузатиш усулини таърифлашдан бошлаймиз.

Кузатиш усули: бу усул социологик тадқиқотларда дастлабки эмпирик маълумотларни йиғиш усули бўлиб, муайян аниқ мақсадга қаратилган олдиндан пухта ўйлаб мунтазам равишда олиб борилган тафаккурий онгга, руҳий-ҳиссий билимга асосланган, ижтимоий характерга эга бўлган, турли мақсадларга, турли шакл-формада, турли ҳажм-қамровда, турли воситалар ёрдамида олиб бериладиган усулдир. Жамиятда, ҳамма ва барча одамлар ўз турмуш, ҳаётларида у ёки бу даражада кузатиш усулидан илмий ёки амалий, ноанъанавий йўналишда фойдаланадилар. Ноанъанавий илмий бўлмаган кузатишлар ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида,

умумий йўналишларда, умумий ҳаётий турмуш тажрибалари асосида фанга боғлиқ бўлмаган ҳолда кузатиш олиб борадилар. Масалан, деҳқон ва чорвадорлар ўз соҳалари бўйича фаолият кўрсатаётганда об-ҳаво, иқлим, фасл ва йилнинг келишига қараб ҳаётий тажрибаларини, кузатиш натижаларига асосланиб хулоса қиладилар.

Илмий кузатишлар эса муайян назария ёки юқорида айтиб ўтилган гипотеза-фаразларни, илму-фанга мувофиқ тасдиқлаши, тўлдириши, яхлит хулосага келиши ёки рад этишини мақсад қилган ҳолда олиб борилади. Яъни тадқиқотчининг ижтимоий борлиқ, воқеликка, ҳар бир ижтимоий жараёнга нисбатан қандай муносабатда бўлиши ва қай йўсинда тасвирлаши асосида олиб борилади. Шунинг учун ҳам кузатиш усулидан олинадиган илмий кузатиш маълумотлари объектив холис ва ҳаётий бўлишлиги билан илмий қимматга эгадир. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, вақтин-вақтин субъектив характерга ҳам эга бўлиб, бу ҳолат кўпроқ ижтимоий назоратни таққоза этади.

Илмий кузатишлар кўпроқ назарий ва илмий асосларга эга бўлиб социал тадқиқотчи ўз тадқиқоти жараёнида албатта ҳам ҳаётий тажрибага, ҳам илмий назарияларга таяниб кузатишни олиб борадилар.

Илмий кузатиш ҳаётий кузатиш тажрибасига нисбатан афзаллиги шундаки, у олдин мунтазам яхлитликка эга бўлиб режалаштирилишидан иборатдир. Шу мақсадда тадқиқотчи олдиндан қай мақсадда, қандай гипотеза-фараз ва назарияларга асосан қайси воситалардан фойдаланиш зарурлигини аниқлаб олиб, илмий кузатиш олиб боради.

Социологик кузатиш ҳаётий тажриба ва илмий кузатишлар асосида ўтказиладиган тадқиқоти шартли

равишда икки турга: четдан кузатиш ва ичкаридан кузатиш бўлинади.

Четдан кузатиш амалга оширилаётганда объект жараёнида юз бераётган ҳодиса ва воқеалар иштирокчилари бевосита кузатиш объекти эканликлари бўлиб қолганлигидан бехабар ҳолда бўлиб, четдан туриб кузатаётган тадқиқотчи ўрганилаётган объектга ҳеч қандай таъсир кўрсатмасдан ундан ташқаридан бўлади – уни табиий ҳолда ўрганади. Ичкаридан кузатилганда объектда юз бераётган ҳамма ижтимоий жараёнларда бевосита иштирок этади ва объектга бўйсуниб, тадқиқотчи-ўрганувчи сифатида икки хил усул-методдан фойдаланиши мумкин бўлади: 1 очиқ кузатиш; 2 яширин ёки ёпиқ-хуфя кузатишдан фойдаланиши мумкин[1]. Очиқ кузатилиш усулидан фойдаланаётганда тадқиқотчи ўзи ўрганаётган гуруҳ ёки жамоа аъзоларига кузатиш мақсадини очиқ айтади ва тадқиқотларини давом эттиради. Албатта бу кузатишлар имконияти чекланган бўлиб субъектив салбий таъсир имкониятлари мавжуддир. Унда тадқиқотчи хохлаганча кузатув ишларини амалга оширилаолмайди. Яширин ёки ёпиқ-хуфя ҳолатидаги кузатишда тадқиқотчи жамоа аъзоси сифатида ёки шогирд ёки практикант, вахтинча ишловчи сифатида кузатиш ишларини кенг кўламда хуфя ҳолатда ижтимоий жараёндаги ҳамма алоқа ва муносабатларни табиий ҳолда кузатиш имкониятларига эга бўлади.Бу усул социологияда хуфя кузатиш усули деб аталади ва баъзан жамоадан сир тутиладиган аммо ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ҳодисаларни кузатиб қимматли маълумотлар олиниб ўрганилиши мумкин.

[1] Қаранг. “Социология” (маърузалар матни) Т.2000. 188 бет

Бу социологик кузатиш илмий эмпирик билиш усули сифатида мураккаб жараён бўлганлиги ва моҳияти жиҳатидан зарурий аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли режалаштирилган асосда олиниб борилади.

Бу усулга мувофиқ режа тузилганда, албатта қуйидаги бир қатор хусусиятларни эътиборга олиш талаб этилади. Жумладан, 1) кузатиш объекти аниқ бўлгандан кейин уни ҳал этишнинг яқин ва осон йўлини топиш дастлабки вазифа эканлигини эътиборга олиш; 2) кузатиш турининг қай биридан фойдаланишни объект хусусиятлари, тадқиқот мақсадлари, кўлами, ажратиладиган вақт ва бошқа зарурий томонлар ҳисобга олиниши; 3) кузатиш тури аниқ бўлгандан кейин навбатдаги вазифани, яъни кузатиш воситалари, анжом, қуроллари, жиҳозлар ва бошқа керакли нарсаларни тайёрлаш; 4) керакли нарсалар тайёрлагандан кейин керакли маълумотлар тўплаш учун кузатиш иши амалга оширилади; 5) кузатиш натижаларини назоратдан ўтказиш учун объект жараёнида шу соҳа қатнашчилари билан суҳбат ўтказиш бошқа социологларнинг тажрибасидан мавжуд илмий-амалий маълумотлардан фойдаланиш; 6) кузатишнинг якунида ҳамма натижалар бўйича ҳисобот тайёрлашдан иборатдир. Ҳисобот ҳамма талабларга тўла жавоб берадиган ҳолатда сифатли тузилиши керак. Ҳисоботда объект, кузатилган шахс ёки ҳамма жамоа аъзолари, кузатиш вақт, жой, кузатишнинг очиқ ёки хуфялиги ҳақида кузатишнинг бориши, атроф-муҳитга кузатувчи таъсири, тадқиқотчининг фикр-мулоҳазалари таклиф, муносабатлари тўла ҳисоботда ўз аксини топиши зарур.

Хужжатларни ўрганиш усули. Социологик тадқиқотларда хужжатларни ўрганиш усули кенг

тарқалган усул бўлиб, объект ва предмет ҳақида тўғри маълумотга эга бўлишда муҳим аҳамиятга эгадир. Энтони Гидденс фикрича, “хужжатли тадқиқот – социологик маълумот йиғишининг энг кенг тарқалган усуллардан биридир”[1]- деб таърифлаган. Хужжатларни ўрганишнинг афзаллиги шундаки, яъни унда хужжат моддий ва маънавий таъсир манбаи ҳисобланиб, воқеа ва ҳодисалар, фактик материалларни ўзида ифодалайди. Энг муҳими бу хужжатларда ўрганилаётган объектнинг ижтимоий соҳаси инсонлар, жамоа фикрлари. “Ҳодиса ва воқеаларга жамоатчилик муносабатлари ва шу соҳага таалуқли жараёнлар ёзма шаклида баён этилган бўлади. Бу ёзмада тадқиқот учун қимматли бошқа белгилар чизма шаклида ҳам бўлиши мумкин. Хуфяли аҳамиятга эга бўлган ёзма хужжатларнинг сирли ҳолатдагиларини махсус бўлимга эга бўлган муайян кишилар ўрганишлиги зарурдир” – деб хисоблайди Энтони Гидденс.

Хужжатлар сақланиш муддатлари, қимматлилиги, моҳияти, мазмуни, аҳамияти сирли ёки сирли эмаслиги маълум бўлгандан кейин тадқиқот натижалари истаган манбада ва исталган усулда баён этилиши мумкин. Хужжатлар мансабдор шахслар, ташкилот, муассаса, хатто архив материаллари ҳам расмий реквизитларга эга бўлиши қонуний тартибот талабларига жавоб бериши шартдир. Социологик тадқиқотда энг кўп қўлланиладиган хужжат турларига оммавий ва шахсий ёзувлар (архив манбалар), давлат хужжатлари, черков китобидаги ёзувлар, хатлар ва суд баённомалари кириши мумкин[2]. Умуман социология фани учун тадқиқот ва кузатилишга, ўрганилишига сабаб бўлган ҳамма хужжатлар мазмуни биринчи даражали

[1] Энтони Гидденс. Социология. Т. 2002. 773-бет
[2] Ўша жойда

аҳамиятга эга бўлиб, бу ҳолат хужжатнинг реаллиги ва ҳаққонийлигига ҳам кўп нарса боғликдир.

Хужжатлар моҳияти, мазмуни, талаби, мақсади, шакли, ҳажми ва вазифасига мувофиқ турли хилда бўлиши мумкин. Жумладан: а) қайд этиш усулига кўра бир-биридан фарқ қиладиган хужжатлар (қўлёзма, босма ёзув, кино ва магнит лентаси тасмасидаги ёзувлар, фотосуратлар ва ҳ.к.);

б) аниқ ва муайян мақсад асосида олинадиган хужжатлар (тадқиқот дастурига кўра тадқиқотчи томонидан тузиладиган махсус хужжатлар);

в) шахсга доир хужжатлар (шахсий хужжатлар, хатлар, кундалик, хатто қисман эсталиклар ҳам), ва шахсга алоқаси бевосита кам аммо ижтимоий характерга эга бўлган хужжатлар (статистик материаллар, матбуот маълумотлари, мажлис протоколлари, зарур бўлса тергов материаллари);

г) расмийлик нуқтаи-назаридан бир-биридан фарқ қиладиган хужжатлар, (давлат статистик расмий ахборотларига илова қилинадиган маълумотлар, қарорлар, фармонлар, уларга бериладиган таҳлиллар, кўрсатмалар, шунингдек норасмий хужжатлар – яъни алоҳида шахслар томонидан ёзиладиган аризалар, шикоятлар, такризлар, гувоҳлик кўрсатмалар ва бошқа хужжатлар);

д) информация манбаи характерига хос бир-биридан фарқ қиладиган хужжатлар, (яъни информация орқали кузатиш ёки сўраш орқали олинадиган бирламчи хужжатлар ва иккаламчи информацион материаллардир. Иккиламчи информацион хужжат бирламчи маълумотни умумлаштириш ёки қайта ишлаш, қайта текшириш натижасида олинадиган маълумотлардир).

Юқорида таҳлил қилинган услубий йўналишлар эмпирик социологик тадқиқотларда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу усуллар маълумотларни тахлил қилишда бевосита математик методлар билан ҳам узвий боғлиқдадир.

Математик усул. Социология фанида тадқиқот усулларидан бири ва зарурийси ҳисобланиб, янгитдан социологияда кириб келаётган методларидан бири математик усул ҳисобланади. Ҳозирги илмий-техник тараққиёти кенг кўламда ривожланиб халқаро интернет тармоқлари жаҳонни ўзаро узвий боғлаб турган даврда математик усуллар нафақат социологияда, балки бошқа тармоқ йўналиши фанларида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Чунки социология фанидан ҳам бир қатор ижтимоий муҳим аҳамиятга эга бўлган мураккаб жараёнлар ўрганилар экан математик ҳисоб-китобларсиз, ЭҲМ ва компьтерларсиз ҳал қилиб бўлмайди. Эмпирик социологик тадқиқотларда математик метотдан ўринли фойдаланилмоқда. Бу ҳақда таниқли иқтисодчи олим Н.С. Алиқориев “Умумий социология” дарслигида алоҳида тўхталиб ўтган[1]. Ушбу дарсликда социологик математик воситаларнинг қуйидаги турларига, яъни ўйинлар назарияси, информация назарияси, турғунлик назарияси аппарати, чизиқли программалаштириш, моделлаштириш, омилли таҳлил, графалар, материк алгебра каби турларини кўрсатиш билан социологияда математик методлар ечадиган танлаш (выборка), таҳлил, моделлаштириш ва ўлчаш каби вазифаларни ҳам кўрсатиб таъкидлаб ўтган[2].

[1] Қаранг. “Умумий социология” Тошкент. 1999. 157-бет
[2] Қаранг. Уша жойда.

Албатта, шуни таъкидлаш лозимки, математик усули қўлланилганда объектни ўрганишнинг шундай қисми танланиши керакки, тадқиқот жараёни енгил-осон, қулай ва натижали ва объектнинг ҳамма томони қамраб олинган бўлиши керак. Шу сабабли математик методнинг танлаш вазифаси ижтимоий характерга эга бўлиб, алоҳида аҳамият касб этади. Математик методи объектни ўрганишда қўлланилганда мазмун моҳиятли вазифаларни ечиш инструменти сифатида типологик анализ ва эмпирик индикаторлар алоқасини боғлаш анализи типини аниқлаш доирасидаги вазифаларни бажариш билан характерланади ва объект типологиясини, унинг асоси ва муайян тадқиқотдан тўпланадиган статистик ўртача маълумотларни, информацион тахлилни ва унинг тарқалиши даражаси ҳақидаги билимларни беради.

Иккинчи вазифа тури ҳисобланган ўзаро алоқа тахлили бўлиб, ўзаро боғлиқ шартли ҳодисалардан иборат ижтимоий характерга эга бўлган объектни ўрганиш асосида математик усул билан ҳодисалар сабабли, асосий ва бевосита алоқаларни, атроф-мухит жараёнларга таъсир этиш омилларини аниқлайди. Социологик тадқиқот усулларидан кутиладиган мақсадларидан бири – башорат (прогноз) қилишга асос хизмат қилади.

Ҳозирги даврда социологик тадқиқотларнинг математик усулида ижтимоий ҳодисаларни ўрганиб тадқиқ қилишни моделлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Профессор Н.С.Аликориев ўз китобида моделлаштиришнинг қуйидаги классификациясини таърифлаб беради.

а) алоҳида белгиларни дифференцияси ҳақидаги умумлашган характеристикаси учун тақсимлаш моделини;

б) ижтимоий жараёнларни характерлайдиган кўрсаткичларнинг ўзаро алоқасини аниқлашда ёрдам берувчи корреляцион, дисперсион, омиллик (факторлик) моделларини;

в) муайян ижтимоий ҳодисаларни шакллантирувчи статистик моделларни (масалан, ишчи ва хизматчилар оилаларининг даромадларини шакллантиручи модел);

г) социологик тадқиқотларда кенг тарқалаётган образларни билиш статистик моделини;

д) ижтимоий жараёнлар шаклланишининг статистик моделида алоҳида статистик моделларидан иборат[1]-дир.

Бу социологик тадқиқот усуллари қимматли ва зарурий маълумотларни тўплаш, танлаш ва тахлил қилишда муҳим ахамиятга эга бўлиб, бу билан тадқиқот дастури тузишнинг якунига етказиш учун хизмат қилади.

Сўров усули. Сўров усули нафақат социологик информация тўплашнинг эмпирик методларидан бири сифатида, а балки социология фанида эмпирик социологик тадқиқотлар ўтказишнинг энг муҳим ва аҳамиятли усулидир. Аслида социология фанида бу методдан фойдаланиш XVIII асрга бориб тақалади ва ҳозирги даврда энг кўп қўлланилади. Сўров усулининг аҳамиятли томони шундан иборатки, социологик тадқиқотлар жараёнида бошқа хужжатли манбаларда эса учрамайдиган, учраши ҳам мумкин бўлмаган, бошқа социологик тадқиқот усуллари ёрдамида маълумотлар олиш мумкин бўлмаган маълумотларни, ахборотларни олиш имконини яратади. Айниқса жамият аъзолари бўлган ижтимоий гуруҳлар, жамоалар, шахслар ва бошқа ижтимоий қатлам кишиларнинг ижтимоий турмуш, ҳаёт жараёнлари,

[1] Қаранг. “Умумий социология”. Тошкент. 1999. 156-159-бетлар

воқеа ва ҳодисаларга бўлган муносабатлари, алоқалари, фикр-мулоҳазаларини социологик тадқиқот асосида ўрганишда сўров усулининг аҳамияти беқиёс каттадир. Айниқса ҳозирги шароитда мамлакатимиз мустақилликка эришиб ҳуқуқий давлатдан, кучли фуқаролик демократик жамиятга бозор муносабталарига аста-секин ўтиш жараёнида жамиятда ижтимоий коммуникацияларнинг роли ошиб борар экан эмпирик социал тадқиқотлар олиб бориш усулининг жумладан, сўров усулининг роли янада ортиб бориши, аҳамияти кенгайиши билан характерлидир. Сўров усули дастлабки социологик ахборотларни олиш учун фойдаланиб, у оғзаки ёки ёзма шаклида олиб борилиши мумкин. “Сўровлар одатда унчалик батафсил маълумот бермайди, - дейди инглиз олими Энтони Гидденс, - лекин унинг тўғрилигига шубха қилмаса бўлади”[1]. Сўров усулида тадқиқотчи билан респондент (респондент инглизча сўз бўлиб “жавоб бермоқ”, “жавоб берувчи” маъноларини англатади) ўртасида алоқа ва муносабатлар, сўровномалар пухта ишланган аниқ бўлиши, респондентлар эркин, ўз сўзлари билан, холисона ифода этиши, саволлар сермазмун ва содда, тушунарли жавоб беришга қулай бўлиши, ноаниқликларга йўл қўймаслиги, ҳатто респондентлар руҳи, ҳолати, характери, мавқеи ва жамиятга муносабатлари эътиборга олиниши, адреслари, ёши, касби, билим даражаси, улар ҳақида бошқа маълумотлар ҳам аниқ бўлиши шарт. Аммо шахс исми ва фамилияси кўрсатилмайди.

Сўров усулларидан фойдаланиш жараёнида унинг турли хиллигидан шарт-шароитга, ижтимоий ҳолатга ва мавзуларнинг долзарблигига қараб қўлланиш

[1] Энтони Гидденс. Социология. Тошкент. 2002. 769 бет

мақсадга мувофиқдир. Сўров усулининг қуйидаги турлари мавжудлиги ва улардан ўринли фойдаланиш мумкинлигини профессор Н.С.Алиқориев таъкидлаб қуйидаги сўров турларини келтиради[1].

1. Анкеталаштириш ёзма шаклдаги сўроқ бўлиб, техникасига кўра, тарқатиладиган (анкета тадқиқотчи томонидан тарқатилади ва йиғиб олинади), матбуот орқали (анкетани газета ва журналларда чоп этиш), телефон ёки телескоп орқали, яъни техник воситалар билан (телевизор ёки телефонга оид қўшимча сифатида) амалга ошириладиган сўров туридир.

2. Суҳбатлашиш (интервью) – суҳбат ўтказувчиларни (интервьюер) бир қанчасини талаб қилувчи, оғзаки сўров туридир. Бу сўров клиник (респодентнинг субъектив дунёсининг самимийлиги) бир нуқтага қаратилган (ўрганиш учун бир асосий саволни ажратиб олиш) сўровларга бўлинади.

3. Социологик сўров гуруҳдаги шахслараро муносабатларнинг яхши кўриш, ёқтирмаслик, дўстлик, адоват, қисмат ва бошқа жиҳатларини ўрганишга қаратилган.

Профессор Н.С.Алиқориев бу метод америкалик социолог-психолог Ж.Морено томонидан ишлаб чиқарилганлигини ҳам таъкидлайди.

4. Тест ўтказиш сўров – махсус қайта ишланган воситалар схема, расмлар, таклифлар, саволлар ёрдамида шахсий сифат ва қобилиятларининг намоён бўлишини аниқлайди. Тестлар тематик, бирикмалар (ассоциатив) интеллектуал қобилиятларни аниқлайдиган, таклифларни якунлайдиган турларга бўлинади.

5. Эксперт сўров – бу метод экспертларга, яъни мутахассисларга ён беради. Булар асосан муаммо

[1] “Умумий социология”. Тошкент. 1999. 159-160 бетлар

билан шуғулланувчи мутахассислар ёки жавобгар шахслардир. Бунда суралаётганларнинг қизиқишлари эътиборга олиши керак.

6. Панел сўровлар – кишиларнинг доимий доирасига мўлжалланган сўров бўлиб, ташкилотлардаги бошқариш услубидаги маълум ўзгаришларга уларгача ва улардан кейин киритиладиган сўров туридир. Бу метод гуруҳларнинг фақат бир белгисига кўра бир-бирини таққослаш ва фарқлаш, яъни процесснинг сабаб ва оқибат анализларини ўрганиш мақсадида қўлланилади. Кўпинча сўровнинг бу тури экспериментал тадқиқотларга қўшимча равишда киритилади.

7. Яхлит сўровлар – демографик процессларни жамоатчилик фикрини аҳолини руйхатга олишни ўрганишда қўлланилади.

Яхлит сўровлар барча аҳолини ёки муаммо билан боғлиқ бўлган бош мажмуаларнинг сўровини ўзида акс эттиради[1]. Ҳозирги кунда компьютер ва интернет тармоқларидан ҳам сўров усулидан фойдаланилмоқда.

Юқорида кўрсатилган сўров турлари социологияда ҳозирги кунда кенг равишда қўлланилишнинг катта имкониятига, уларнинг ҳар бири эса ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб эмпирик социал тадқиқотларнинг тўғри ва аниқ ҳал қилинишига ёрдам берувчи сўров турларидир. Бу услуб жамиятни бошқариш сиёсий ҳокимият фаолияти учун ижтимоий жараёнларни объектив, илмий бошқаришда қўл келадиган услубдир.

Умуман олганда сўров услубида ҳамма вахт ҳам фойдалана бериш шарт эмас. Сўров усулидан қуйидаги ҳолларда фойдаланиш самарали бўлади.

[1] “Умумий социология”, Тошкент, 1999, 159-160 бетлар

1) ўрганилаётган муаммо бўйича етарли даражада хужжатли, манбавий маълумотлар етарли бўлмаганда ёки умуман бўлмаганда;

2) тадқиқот предмети, ёки унинг айрим жиҳатларини кузатиш имконияти бўлмаганда;

3) тадқиқот объекти масаласида ҳақиқий муносабат, ижтимоий ва индивидуал онг, тафаккур жараёнларини ўрганишда, ёки унинг ижтимоий характерини аниқлашда иккиланиш бўлса;

4) социологик тадқиқот усуллари ёрдамида олинган эмпирик тадқиқот маълумотларни қайта текшириш мақсадида;

5) сўров усулининг имконият даражаси ёки унинг ролини ошириш ёки кўпроқ амалий хулосаларнинг қанчалик тўғрилигини билиш учун фойдаланиш мумкин.

Ушбу сўров усулини амалга оширишда ёзма равишда ёки оғзаки интервью олиш орқали фойдаланиш мумкин. Сўров усулидан фойдаланишда анкета катта рол ўйнайди. Профессор Н.С.Алиқориев бу ҳақда: “Уларни ўзаро бирлаштирадиган восита бу – анкета”, “Сўровнинг барча турлари асосида анкета ёки савол варақаси ётади”[1]- деб ёзади.

Анкета ўтказиш кенг тарқалган сўров тури ҳисобланиб, анкета сўровларига қўйилган саволлар орқали респодентлардан олинган жавоблар умумлаштирилиб, тадқиқот қилинаётган ижтимоий муаммо тўғрисида жамоатчилик фикрини ойдинлаштиришдан иборатдир. Бу фикр – хулосаларнинг тўғри, объектив бўлиши бевосита тадқиқотчилар томонидан тузилган саволларнинг тўғри ва ижтимоийлигига кўп жиҳатдан боғлиқ..

[1] Уша жойда 160 бет

Бунинг учун эса, тадқиқотчи социология фанини ва унинг эмпирик социологик тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш усулидан тўла ва кенг билимга эга бўлиш талаб этилади. Бунинг учун тадқиқотчи ва бошқа расмий ва норасмий тадқиқотда иштирок этувчи вакиллар респодентлар билан анкета саволларини тўлдириб жавоблар олаётган вақтда интервью олаётган жараёнда ниҳоятда хушёр ва иззат-ҳурматда, маданий муомалада, тўғри, инсонпарварлик муносабатда бўлиб, респодентга тўла мустақиллик берилиб, ўзгалар таъсирисиз, объектив ва эҳтиёткорлик билан респодентлар тўғрисидаги маълумотларни ҳам олиш талаб этилади. Акс ҳолда тадқиқот натижаси кутилган мақсадга мувофиқ бўлмаслиги, респодент эса ўз фикрини очиқ ва тўғри бермаслиги, сиёсий таъсир ва субъективлик юз бериши мумкин, хатто анкета саволларига, тадқиқот ишига қарши ҳолатлар ҳам бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Шу сабабли анкета ўтказилиши жараёнида тадқиқотчилар ниҳоятда юмшоқ, хушёр, хушмуомалада бўлиши шарт. Анкета саволларини пухта ишлаб чиқилиши ва унинг таркиби тузилишига жиддий эътибор берилиши керак. Энг аввало, анкета саволлари тизимини ишлаб чиқилиши, унинг ижтимоий характерига эътибор бериши, анкета сўровлари қандай мақсадда, ким томонидан ўтказилиши, анкета паспорти, ўтказилиш тартиби, саволлар моҳияти респодентларга тўлиқ тушунтирилиши, анкета саволлари кўп ва зерикарли бўлмаслиги, тушунарли ва ихчам бўлишлиги, анкета ўтказиш вахти ва унинг қанча давом эттиши ҳам кўрсатилиши шарт.

Анкета охирида якунловчи саволлар ҳам лўнда, аниқ, кенг мазмун-моҳияти ва асосий саволларнинг мантиқий давоми сифатида респодентнинг индивидуал

қўшимча фикр ва мулоҳазалари олиниб, якуний хулосаларда инобатга олинади ва респодентларга анкета саволларига холисона жавоби учун миннатдорчилик билдирилади. Ушбу кўрсатилган тартиботларга қатъий риоя қилинса, қисқа муддат ичида эмпирик социологик тадқиқот ўтказилиб, натижада қимматли маълумотлар олиниши мумкин, кутилган мақсадга эришилади.

Интервью олиш – анкета саволлари ўтказилиш усулидан кейин интервью олиш усули ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирги даврда энг кўп тарқалган сўров усулдир. Бу усул анкета ўтказиш билан кўп жиҳатдан умумийликка эга бўлиб, бу усул барча мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам кенг тарқалган. Бу усулдан фойдаланиш жараёнида радио, телевидение, кундалик матбуот роли катта бўлмоқда. Шунинг учун интервьюдан фойдаланиш усули социология, психология, статистика, этнография, педагогика, журналистика ва бошқарув (қисман сиёсатшуносликка доир) фанларда яхши самара бермоқда ва кенг қўлланилмоқда. Ҳозирги мамлакатимиз аста-секин бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жараёнида аҳолининг ижтимоий ҳолатини билиш, жиддий ўзгаришларга омманинг ижтимоий муносабатини аниқлашда, ёшлар тарбиясини яхшилашда самарали натижалар бермоқда.

Сўров усулининг бу турдан фойдаланишда интервью икки муҳит функциясини бажаради:

1) Муайян воқеа – ҳодиса, жараён тўғрисида маълумот йиғади.

2) Шу билан бирга объектга – респодентга интервью орқали таъсир кўрсатилиб ижтимоий муносабат аниқланади.

Бу усулдан фойдаланишда тадқиқотчи респодент билан ўзаро ҳурмат, самимий, юксак маънавий ахлоқий эътиқодда хушмуомала-муносабатларда бўлиб, олдиндан пухта, аниқ моҳияти жиҳатдан кенг қамровли саволлар билан эмпирик социологик тадқиқот ўтказилиб, қимматли амалий натижага эга бўлган маълумотлар олиниб, тахлил қилиниб, хулосалар чиқарилади. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, интервью - сўров усули анкета усулидан респодентлар жавобини тўлиқ эмас, балки камдан-кам жавоб олиш нимкониятига (асосан матбуот орқали) эга бўлинади.

Эмпирик социологик тадқиқотнинг социал эксперимент усули.

Социал тадқиқотлардан эксперимент усули бу кенг қўлланиладиган, энг самарали, натижали ва дастлабки қадимий, ижтимоий характерга эга бўлган услублардан ҳисобланади. Ижтимоий-гуманитар фанларда анализ, синтез қилиш таққослашда назарий ва гипотезали ғоявий фикрларни аниқлашда кенг қўлланиладиган назария ва амалиётни илмий изоҳлаб, тавсифлашда энг қулай, тўғри, самарали услубдир. Ҳатто социал-утопистлар деб номланувчи олимлар Р.Оуэн, Ш. Фурье, Сен-Симонлар ўз таълимотларини ижтимоий ҳодиса, воқеаларини чуқур ўрганиб, экспериментлар ўтказиб яратган эдилар. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, АҚШда XX асрнинг 20-чи йиллари давомида инженер Ф.Тейлор “Сиқиб чиқариш”, жадаллаштириш системасини саноат ишчиларини жисмоний ва руҳий имкониятлари асосида моддий қизиқишини кенг қўллаш асосида экспериментал услубини жорий этган эди.

XX асрга ва ҳозирда ҳам эмпирик социологиядаги бу услуб кенг қўлланилмоқда. Ҳатто ватандошимиз,

жаҳонга машҳур буюк олимларимиз Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино ва Абу Райхон Беруний ҳам ижтимоий ҳаётий воқеаларни солиштириш, таққослаш ва моддий жисмларни анализ, синтез қилиш, солиштириш, амалий тажрибалар ўтказиш асосида илмий хулосалар қилиб, ўз таълимотларини яратиб, ҳозирга қадар ўз қимматлигини йўқотмаган асарлар қолдирганлар. Жумладан, Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шаҳри”, Абу Райхон Беруни “Минерология”, Абу Али ибн Сино “Тиб қонунлари” ва ҳоказолар.

Эмпирик социологик тадқиқотнинг экспериментал усулининг ҳозирги кунда қўлланилишининг зарурияти, моҳияти асосий имкониятлари, мақсади ва аҳамияти ҳақида таниқли иқтисодчи олим Н.С.Аликориев “Умумий социология” номли дарсликда батафсил баъриф берилган[1].

Умуман олганда эксперимент нима? – эксперимент, бу назария ва гипотеза асосида маълум ғоя ва фикрнинг ҳаётий жараёнида ижтимоий жараёнда ҳақиқий тўғрилиги ёки мавжудлиги номаълум бўлган ҳодиса ва воқеаларни аниқлашнинг аниқ услуби, тадқиқотчини қизиқтириб, ҳодисаларни аниқловчи восита ва алоқани вужудга келтирувчи усулдир. Ундан кутиладиган мақсад назария ва гипотезани борлигини аниқлаб исботлаш ёки инкор қилишдир[2]. Социал эксперимент усулининг қуйидаги структурасини ўзида мужассам этилганлигини “Умумий социология” дарслигида қуйидагича кўрсатиб ўтади, объект, субъект (методика, эксперимент ҳолати, қайд қилиш воситалари), моддий ва социал шароит (экспериментни

[1] Қаранг. “Умумий социология”, Тошкент,1992, 166-170 бетлар
[2] Қаранг. Уша жойда, 167 бет

амалга ошириш учун), ўтказилган экспериментнинг натижаларидир[1]- деб таъкидлайди.

Умуман олганда, эмпирик социологик эксперимент тадқиқот ўтказилиши жараёнида икки асосий соҳа намоён бўлади.

1) эксперимент учун синаб, текшириб кўриш учун янги система эксперимент жорий этиладиган соҳа, яъни экспериментал соҳа;

2) эксперимент ўтказилмайдиган, аввал қандай ҳолатда бўлса, шундайлигича давом этадиган эски системали ҳолат, аммо унинг қандай ўзгаришларга ёки ўзгаришларсиз ҳолатини узлуксиз кузатиб назорат қилиниб бориши ҳолати, яъни назорат қилиниши соҳаларидан иборатдир. Агарда кузатилиш эксперимент тадқиқотлар жараёнида экспериментал соҳада назария ёки гипотезали ғоявий мулоҳаза, фикрлар синаб қурилиши жараёнида ўзгаришлар сифатли натижалар қўлга киритилса, назария ёки гипотеза исботланган бўлиб, амалиётга жорий этилади, акс ҳолда эса инкор қилинган ҳисобланади.

Ушбу метод ижтимоий турмуш ҳамма соҳаларига таалуқли бўлиб, социологик эксперимент ўтказилиши имкониятига эгадир.

Шунинг учун ҳам иқтисодчи олим Н.С.Аликориев социологик тадқиқотлар амалиётида кенг қўлланиладиган қуйидаги учта: 1. ягона ажратиш методини; 2. назорат гурухи методини ва 3. экс-пост-факто (жуда кам қўлланилади) методини кўрсатган. Шу билан бир қаторда ушбу уччала услубдан фойдаланган вақтда ҳам олинган маълумотлар олдинги ва кейингилари билан таққослаб, хулоса қилинади ва маълум-аниқ фикрга келинади. Бу жараён

[1] Қаранг. “Умумий социология”, Тошкент, 1999, 167 бет

сермашаққат, сабр-тоқатлилик, батафсил, узлуксиз меҳнат қилишни талаб этилади.

Аниқ эмпирик социологик тадқиқотларнинг турлари.

Алоҳида шуни таъкидламоқ лозимки, аниқ социологик тадқиқотлар умумсоциологик ва махсус социология назариядан келиб чиқадиган тамойиллар, тушунчалар, кўрсаткичлар асосида аниқ ижтимоий жараёнларни аниқлаб ўлчаш, ўрганиш, хулосалар қилиш имкониятларини яратиб беради. Шу сабабли бу тадқиқотлар турли хил кўринишларга эга бўлиб, турли хил мақсадларни ўз олдиларига қўйиб, шу мақсадларга мувофиқ вазифалар белгиланиб, ижтимоий характерли моҳиятга эга бўлган соҳаларни қамраб олади. Жумладан, халқаро миқёсида, умуммиллий, регионал ҳамда маҳаллий кўринишларга ва ўтказилиши вақти нуқтаи-назаридан узоқ муддатли, қисқа муддатли ва тезкор тахлил қилиш эмпирик социологик тадқиқотларга бўлинади. Ана шу мақсадда эмпирик социологик тадқиқот ўзининг қамровлиги, муддатлилиги ва тезкор таҳлил қилишлиги нуқтаи-назаридан уч хил турга ажратилган ҳолда ўрганилади.

1) дастлабки синов тури - уни пилотаж тадқиқотлар ҳам дейилади. Бу тур эмпирик социологик тадқиқотлар ўтказиш методик ишнинг давоми бўлиб, буни ўтказишдан мақсад дастлабки маълумотларни-информацияларни олиш, бу маълумотларни тўплаб тўғрилаш, объект ва предметга, умуман эмпирик тадқиқот ўтказилиши талаб этиладиган муаммога таалуқлисини воқеа ва ҳодисаларга мувофиқ ажратиб мослаштириш ва бежиз баҳо бериш усулидир. Социологияда пилотаж тадқиқотларидаги кўпинча кичик жамоа аъзолари (кичиқ одамлар жамоаси) билан илмий тадқиқот олиниб борилади. Шу сабабли бу

метод текширувчи пилотаж деб аталади. Ҳатто пилотаж тадқиқотда нафақат муаммовий тушунчага доир ва услубий тизимни, балки аниқ соҳаларга доир мавжуд маълумотлар асосида савол-жавобларни ҳам ташкил этиш имконини беради. Қайси услублардан фойдаланишни ҳам аниқлайди. Унинг натижалари ҳисоботда ўз аксини топиши керак бўлади.

2) эмпирик социологик тадқиқотларни ва уларнинг натижаларини мавжуд маълумотлар асосида таснифловчи тадқиқот туридир.

Бу эмпирик социологик тадқиқот тури, яъни таснифловчи тадқиқот таҳлили изланишнинг анча мураккаб, узлуксиз меҳнат қилишни талаб этувчи туридир. Бунинг ёрдамида ўрганилаётган назарий, илмий муаммолар, ижтимоий ҳодисалар, воқеалар, синов тадиқотларига нисбатан тўлароқ тасаввурни вужудга келтирадиган эмпирик-амалий маълумотлар олиш мумкин. Ушбу тадқиқот турига мувофиқ илмий муаммо асосида эмпирик социологик тадқиқот объекти хилма-хил таснифлар билан ажралиб турадиган, катта миқдорга эга бўлган кенг тадқиқот ҳажм асосида ўтказилади ва ўрганилаётган объект таркибида бир-бирига яқин гуруҳлар (кишилар) ажратилиб олинади ва тадқиқотчи-социологни қизиқтирадиган бошқа таснифлар билан анализ қилиниб, солиштирилади ва бу таснифлар орасида боғлиқлик, узвийлик борйўқлигини аниқланади. Шу сабабли бу тадқиқот турида бир қанча аниқ эмпирик социологик тадқиқот усуллари ва услубларини қўллаб натижали маълумотлар олиш мумкин. Шунинг учун ҳам эмпирик социологик тадқиқот турлари ичида энг мураккаби ва энг самаралиси ҳам ушбу тури ҳисобланади. Бу услубий турни қўллаганда тадқиқотчи-социолог

социологиядан кенг билимга эга бўлиши талаб этилади.

3) Эмпирик социологик тадқиқот турларининг учунчиси, бу аналитик тадқиқот туридир. Бу тадқиқот тури ёрдамида у нафақат ўрганилаётган ҳодиса ва воқеалар жараёнининг таснифини, балки унинг заминида қандай сабаблар борлигини ҳам очиб бериш имконига эгадир. Бу аналитик тадқиқот тури орқали ижтимоий воқеа ва ҳодисаларни вужудга келтирувчи омиллар мажмуи ҳам ўрганилади. Бу эса муҳим томони. Бу тадқиқот туридан фойдаланиш жараёнида тадқиқотчи-социолог бевосита пухта ишланган тадқиқот дастури ва махсус социологик тадқиқотлар услубларисиз натижали ва самарали тадқиқот ўтказиш мумкин эмас. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бу тадқиқот тури дастлабки синов ҳам юзага келиши ва комплекс таснифга эга бўлган. Эмпирик социологик тадқиқот мақсадини аниқлаб, вазифани бажаришда бошқа пилотаж, тасниф турларига нисбатан самарали тур ҳисобланади.

Социологик тадқиқотларда социологик мониторинг тизими

Социологик тадқиқотларнинг бу тури социология фанида кейинги вахтларда кенг кўламда қўлланилсада, муҳим аҳамиятга ва ижтимоий характерга эга бўлган ахборот ва маълумотларни, илмий-амалий хужжатларни олишда алоҳида ўрни ва роли бордир.

Ҳозирги даврда иқтисодий жиҳатдан кенг тараққий этган индустрияси ривожланган мамлакатларда бозор иқтисоди муносабатларига, эркин савдога кенг йўл берилганлиги инвестиция капиталига кенг йўл берилиб, энг кўп фойда олишга ва самарага эришиб, аҳолининг кенг қатлами турмуш даражасини олиб бораётганлиги инсон омилларига катта эътибор

қаратилаётганлигини аниқлашда социология фанида социологик тадқиқотлар жараёнида социологик мониторинг тури қўл келмоқда, қимматли зарурий хужжатлар, аниқ маълумотлар олинмоқда, илмий хулосалар чиқарилмоқда. Айниқса бу соҳада АҚШ, Канада, Япония, Буюк Британия, Франция, ГФР ва бошқа бир қатор мамлакатларда қисман Россияда социологик тадқиқотларда социологик мониторинг тизимидан кенг кўламда фойдаланмоқда. Бу мамлакатларда инсон омилига катта эътибор берилмоқда. Чунки инсон омили, инсон қадри-қиммати, унинг маънавий-моддий фазилати ижтимоий ҳаётда ҳамма нарсадан устун туради. У бутун борлиқнинг яратувчиси, маънавий, моддий дунё эгаси ва истеъмолчиси ҳисобланади, жамият интеллектуал потенциалини бунёд этувчи такомиллаштирувчи инсон бўлиб, унинг билими, қобилияти, тажрибаси, амалий фаолияти ҳозирги тараққиётнинг асосини ташкил этмоқда. Ҳозирги даврда тараққий этиб ривожланган ҳамма мамлакатлар инсон интеллектуал самарали фаолияти натижасидир.

Ҳозирги даврда бозор иқтисодиётига мувофиқ тараққиёт йўлига кирган ҳамма мамлакатларда инсон билими, қобилияти, рақобатбардошлиги, иқтисодий ўсиши, меҳнат унумдорлигининг ошиши, жамиятни самарали бошқарилиши каби омилларга[1], алоҳида эътибор берилаётганлиги натижаси бўлиб, бу мамлакатлар қисқа вақт ичида иқтисодий юксалишга эришдилар. (Жумладан, Жанубий-Шарқий Осиёдаги – Сингапур, Тайван, Малайзия, Япония, Жанубий Корея ва ҳатто Хитой ҳам). Шунинг учун ҳозирги кунда бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш жараёнида мустақил Ўзбекистон учун ҳам бевосита боғлиқ

[1] Қаранг. “Умумий социология”, Тошкент, 1999, 171-бет

эканлиги, инсон омилига алоҳида эътибор берилишлиги ва келажакда буюк давлатлар даражасига чиқиши давр талаби бўлиб, ҳозирги ёшларни ана шу инсон омили юксак интеллектуал потенциал имкониятига эга бўлишлик даражасида тарбиялаб, вояга етказишни таққоза этади. Социологияда ана шу мақсадларга социологик тадқиқотлар олиниб борилади ва бу жараёнда ижтимоий омилларга жиддий эътибор берилади.

Ижтимоий омилларнинг махсус ва муҳими, ўрганилиши долзарб бўлган қисми “Таълим социология”си бўлиб, ана шу соҳада келажак авлодни, юксак ителлектуал потенциални вужудга келтирадиган инсонни-шахсни тарбиялайдиган, мутахассис тайёрлаш, таълим беришнинг самарасини ошириш иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, сиёсий ва технологик билимлар мажмуасини беришни талаб қиладиган тармоқ ҳисобланиб, улар натижасини тадқиқотлар асосида ўрганиш “Таълим социология”сига таалуқлидир. Бу соҳада Ўзбекистонда дастлабки қадамларни ташламоқда, социологик тадқиқотлар ўтказилиб, таълим-тарбияда ижтимоий масалаларни муаммовий асосда ўрганиш, тадқиқот усул ва услубий асосларини шакллантирилмоқда, ижтимоий бошқаришда ҳам таълим тизими доирасида ҳам мутаносиблик асосида мукаммаллашуви жараёнида социологик тадқиқотлар ўтказиш ва улар натижасида таълим тизими ва уни бошқариш соҳасига зарурий маълумотлар тўплаш, ахборотлар олиш, хужжатлар йиғиш, уларни таҳлил қилиш, умумлаштириш ва унинг оқибатида таълим тизимини яхшилаш, бошқаришни такомиллаштириш мақсадида хулосалар қилиш, тавсиялар беришнинг янги, замонавий самарали тизимини яратишни таққоза этади. Ана шундай янги

социологик тадқиқотлар ўтказиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш ва маълумотлар йиғиш тизими – бу “Социологик мониторинг”дир.

Социологик мониторинг тизими, олий таълим таркибини, талаба ёшлар ва умуман таълим тизимини, ҳисоблаш математикаси ва замонавий ҳисоблаш техникасини ва ижтимоий масалаларни ўрганиб, тахлил қилаолиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда яратилади, - деб ҳисоблайди таниқли иқтисодчи олим Н.С.Аликориев[1].

Мониторинг – бу социологик тадқиқотларни ўтказиш социлогик жараёнлар ҳақидаги ахборотларни доимий фойдаланишни таъминловчи тизимдир[2].

Бу тизим ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида қўлланилиб муаммовий масалаларда тадқиқотлар ўтказилиб зарурий маълумотларни олиб илмий тахлил этиш учун энг қулай услубий тизимдир. Шу сабабли социологик амалиёт учун долзарб муаммони ўрганишда қўлланилмоқда. Бу тизим кўпроқ экологик тадқиқотларда атроф муҳитни ўрганишда,уни узлуксиз назорат қилишда қўлланилиб келинмоқда. Социологик мониторинг бошқарув жараёнларида қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги даврда социологик мониторинг янги тизим сифатида статистика, банк иши, меҳнат биржалари, космонавтика, мудофаа ишларида, ишлаб чиқаришда кенг қўлланилиб, сифат ва миқдорий кўрсаткичлар устида иш олиб борилмоқда. Бу соҳа айниқса фундаментал социал тадқиққотларда, жамоатчилик фикрларини билишда ва ўрганишда, олий ва ўрта таълим тизимини таҳлил қилишда олий ва ўрта-махсус таълим мониторинги тизимини вужудга

[1] Қаранг. “Умумий социология”, Тошкент, 1999, 171-бет
[2] “Умумий социология”, Тошкент, 1999, 171-бет

келтириб, ушбу соҳага доир умумий масалаларни тизим структура ва функциялари билан мос ҳолда аниқлашиб таҳлил қилиниб хулосалар чиқарилади. Бу ҳақда “Умумий социология” дарслигида таниқли иқтисодчи олим Н.С. Аликориев батафсил таъриф берган[1].

Умуман социологик мониторинг тизими социология фанида муҳим аҳамиятга эга бўлган тизимдир.

Социология фани учун эмпирик социологик тадқиқотлар жараёнининг энг муҳим босқичи, ҳисобланган босқич у ҳам бўлса, социологик тадқиқот натижаларини илмий, амалий жиҳатдан юксак савияда тахлил қилиб, илмий хулосалар, тавсиялар, таклифлар бериш ва тўғри, аниқ салоҳиятли ҳисобот тузиб якунлашдан иборатдир. Чунки социология фани орқали социологик тадқиқотларнинг натижалари асосида олинган маълумотлар ижтимоий характерга эга бўлиб, уларни назария ва гипотезалар асосида амалиёт тажриба натижаларини илмий тахлил этиб, улардан нафақат жамият тармоқларини алоҳида-алоҳида, балки бутун жамиятни бошқаришда (сиёсий-ижтимоий бошқаришда) амалий фаолиятда унумли фойдаланиш учун имконият яратилади ва тавсия, таклифлар берилади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, умумжамият миқёсига нисбатан, жамият ҳаётининг махсус соҳаларида микросоциологик объектлар устида социологик тадқиқатлар олиб бориш мақсадга мувофиқ келади.

Шунинг учун ҳам бу соҳа жиддий, маъсулиятли ва мураккаб бўлиб, тадқиқотчи-социологдан эмпирик социологик тадқиқотларнинг натижалари бўлган

[1] Уша жойда

ахборот ва маълумотларни тўғри тахлил қилиб изоҳлаш, хулоса ва тавсияларни маълумотлар матнига мос қилиб шакллантиришда катта маҳорат, қобилият, илмий-назарий ва амалий билимлар талаб қилинади.

Бунинг учун нималарга жиддий эътибор бермоқ зарур. Юқорида таъкидлаганидек социологик тадқиқот натижалари асосидаги маълумотларни қайта ишлашни, тахлил қилиши, изоҳлаши, умумлаштириб, охирида хулоса ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш талаб этилади.

Эмпирик социологик тадқиқот маълумотларини қайта ишлаш, тахлил қилиш, социологик тадқиқот натижаларининг амалий аҳамиятини ва ролини оширишда муҳим роль ўйнайди ва қуйидагиларни ўз ичига олиб, тадқиқотчи-социолог томонидан эътибор бериш талаб этилади.

1. Социологик тадқиқотлардан олинган ва бошқа муаммога доир маълумотларни тахлил қилиш ва кодлаштиришдан иборат бўлиб асосий вазифа мавжуд маълумотлар ва хужжатларни бир хил шаклга келтирилиб, расмий тарзда ишлаб чиқилиб, белгиланган шартлар асосида тартибга келтирилиши;

2. Олинган социологик тадқиқот маълумотларни тадқиқот вазифаси ва мақсадига мос ҳолда келтирилиб, қанчалик олдинга қўйилган вазифа бажарилганлиги, мақсадга эришилганлиги даражаси аниқланиши;

3. Статистик тахлилга жиддий эътибор беришдир. Социологик маълумотларни тахлил қилишда, статистик тахлил муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. У орқали ижтимоий қонуниятларга боғлиқ аҳамиятга молик маълумотларни, статистик тамойиллар асосида, функционал муносабатлар аниқланиб, тадқиқот этилаётган муаммо бўйича билимлар

умумлаштирилади ва бу эса ўз навбатида объектив илмий хулосалар чиқаришга асос бўлиб хизмат қилади.

Эмпирик социологик тадқиқотлар усуллари ва турлари ёрдамида олинган маълумотларни қайта ишлаш, тахлил қилиш, умумлаштириш жараёнида тадқиқот объектининг ижобий томонларигина эмас, балки кўпроқ ечимини кутаётган бошқа муаммоларга ҳам эътибор қаратиши таққоза этади. Бу босқичга албатта тадқиқот назария ёки фараз (гипотеза) қилинган ижтимоий характерга эга бўлган, олинган миқдорий кўрсаткичлар асосида текширилиб аниқланади. Бу албатта ишчи фараз сифатида ижтимоий объект тўғрисида тахминий фараз ҳисобланиб, эмпирик социологик тадқиқот натижалари билан унинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлайди ва тасдиқлайди. Ишчи фараз бу бевосита ижтимоий амалиёт билан боғлиқ бўлиб, кишиларнинг амалий ҳаётий фаолиятига боғликдир.

Шундай қилиб, социологик тадқиқотларнинг эмпирик натижалари ҳақидаги маълумотларни олиб назарий-илмий жиҳатдан умумлаштириб муайян аниқ хулосалар ишлаб чиқиб, амалий тавсияларни бериш (ишлаб чиқариш) билан якунланади.

Эмпирик социологик натижаларнинг тўла илмий тахлили ва амалий натижалари умумлаштирилган тарзда илмий ҳисоботда ўз аксини топади. Илмий ҳисобот социологик тадқиқотнинг (ўрганилаётган объект бўйича) тамом бўлганлигини ва унда эмпирик маълумотлар гуруҳлаштирилиб тартибга солиниши, системали ҳолда тузилиб, келгуси социологик тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилиш ҳолатига келтирилиб топширилади.

Илмий хисобот – ўзининг асосий таркиби икки қисмдан – назарий ва амалий бўлимларидан иборат бўлган ҳолда тузилади.

Ҳисоботнинг назарий бўлимида муаммонинг қўйилиши, унинг долзарблиги, тадқиқот қилинувчи муаммовий масалаларнинг таърифи, асосий тушунчаларнинг назарий тахлили, муаммонинг қай даражада ўрганилганлиги, уни ҳал этишнинг мавжуд йўллари эътиборга олиниб кўрсатилади. Тадқиқотнинг иккинчи амалий бўлими – тадқиқотнинг амалий натижалари аниқ кўрсатилиб, хулосалари, тавсиялари берилиб, амалий социологик тадқиқотлардан кутилган асосий мақсадга эришганлигига алоҳида эътибор берилади, келгуси тадқиқотларга услубий ва техникавий тавсиялар беради.

Илмий ҳисоботни тузишда унга қуйидаги талаблар қўйилиб, асосий диққат-эътиборни қаратишни таққоза этади.

Биринчидан – илмий ҳисоботда социологик тадқиқот объект предметга мувофиқ муаммонинг гуруҳлари ўзаро барча боғлиқ жиҳатлари кенг акс этиши зарур. Бу эса тадқиқот натижаларини тахлил қилиш, умумлаштириш, муҳим қисмдан номуҳим қисмини ажратиш осонлашади;

Иккинчидан – ҳисоботнинг ҳар бир бўлимида муаммо ва тадқиқот натижалари аниқ ва қатъий икки қисмдан – биринчи қисм муаммо ва тадқиқот натижаларини ўз ичига олмоғи, иккинчи қисмда эса илмий хулосалар, амалий таклиф ва амалий тавсияларни ўз ичига олмоғи зарур;

Учунчидан – илмий ҳисоботда анкета саволлари респондентлар руҳига мос, жавоблар умумлаштирилган ҳолда ихчам, аниқ ифодаланиши,

илмий ҳисобот аниқ ҳаётий хужжатлар ва статистик маълумотлар асосида тасдиқланган бўлиши;

Тўртинчидан – илмий ҳисобот ихчам, тўғри ва техник жиҳатдан юксак савияли тарзда ёзилиши зарур. Ҳисобот ҳажми 50-60 бетлар асосида ёзилиши, схемалар, жадваллар, диаграммалар ҳам тайёрланиб, улар илова шаклида бўлиши, илмий ҳисоботга доир 10-бетгача тушунтириш хати ёзилган бўлиши керак.

Шу билан бир қаторда социологик тадқиқотлар бўйича илмий ҳисобот ёзилиши ва тавсия этилиши жараёнида буюртмачи муассасаларга тадқиқотнинг энг муҳим зарурий натижаларини тезкор ахборотлар тарзида бериш мақсадга мувофиқдир. Шундай қилиб, социология фанида эмпирик социологик тадқиқотлар муҳим ва зарурий мавзу ҳисобланиб, муҳим аҳамият касб этади.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Социологик тадқиқотларнинг моҳиятини тушунтириб беринг
2. Эмпирик социологик тадқиқотлар нима ва уни ташкил этиш ва ўтказиш дастури ҳақида қандай тушунчага эгасиз?
3. Аниқ эмпирик социологик тадқиқотларни ўтказиш усулларини таърифлаб беринг!
4. Эмпирик социологик тадқиқот турларини кўрсатиб беринг?
5. Социологик тадқиқотларни тахлил қилиш ва умумлаштириш зарурияти нимада?
6. Социологик мониторинг нима?
7. Илмий ҳисобот қачон ва қандай тузилади. Унинг аҳамияти-чи?

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Тадқиқот дастури – яъни илмий дастур ҳарқандай назарий, фаразий, амалий социологик тадқиқотнинг энг муҳим зарурий хужжати бўлиб, унда мавзу танлаш, унинг долзарблиги, объект ва предметни характерлаш, мақсад ва вазифаларини, ўтказиш усулларини ва йиғилган материалларни тўплаш, тахлил, тавсия, хулосаларни қисқача баён қилишдир.

Объект ва предмет – ўрганиладиган меҳнат жамоалари, муассасалар, жамиятнинг маълум тармоғи, тадқиқотнинг объекти ва бу объектнинг ўрганиладиган соҳага боғлиқ бўлган тадқиқот ўтказилишнинг муайян, аниқ масаласидир.

Пилотаж тадқиқот – маълум озчилик мажмуига боғлиқ бўлган муаммони текширув усулига айтилади.

Гипотеза – фараз қилиш, тахмин этиш, қисман башорат қилишдир.

Мақсад – бу ўрганилаётган муаммони тадқиқ этишдан олдин онгда пайдо бўлган тадқиқот натижасидир.

Сўров – эмпирик социологик тадқиқот ўтказиш жараёнида муаммога доир тузилган саволлар асосида респондентлар билан олиниб бориладиган савол-жавоб тадқиқот усуллари.

Эксперимент ва унинг мақсади – назария ёки гипотезани исботлаш ёки инкор этишлик услубидир.

Респондент – эмпирик социологик тадқиқот ўтказиш жараёнида сўров усули қўлланилганда савол-жавобга қатнашувчи, ўз фикрини бергувчиларга айтилади.

Мониторинг – эмпирик ва умуман социологик тадқиқотларни ўтказиш ва социологик жараёнлар ҳақида олинадиган ахборот ва маълумотлардан доимий фойдаланишни таъминловчи социологик тизимдир.

Эмпирик (эмпирик социологик тадқиқот) – у социологик тадқиқотлардан бирига мансуб бўлиб,

социологияда энг мураккаб жараёнларда тадқиқотлар ўтказилиши натижасида амалий ахборот ва маълумотларни тажриба ўтказиш орқали олиш усулидир. (Эмпирик – сўзи юнонча бўлиб, “тажриба” – деган маънони беради).

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. И.А. Каримов – “Ўзбекистон XXI-асрга интилмоқда”, Тошкент, 1999 й.
2. И.А. Каримов – “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт – пировард мақсадимиз”, Т.2000
3. И.А. Каримов – “Донишманд халқимизнинг мастаҳкам иродасига ишонаман”, Т.2000
4. И.А.Каримов – “Миллий истиқлол мафкураси”, Т.2000
5. М.Бекмурадов – “Социология асослари”, Тошкент 1994
6. С.Н.Алиқориев ва бошқалар “Умумий социология”, Тошкент, 1999
7. Энтони Гидденс – “Социология”, Тошкент
8. Ш.А.Ахадов - “Эмпирик социологик тадқиқотлар” (услубий қўлланма), Самарқанд, 2003
9. “Социология” маърузалар матни, Самарқанд, 2002

Х У Л О С А

Ушбу “Социология” фани бўйича ўқув қўлланма қайтадан ёзилиб тугатилар экан, якуний хулосада қуйидагиларни таъкидлашга тўғри келади.

Биринчидан – бу ўқув қўлланма, дастлаб эски намунавий дастур асосида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги режасига киритилган бўлиб, ана шу режага мувофиқ тайёрланиб муаммолар институтига топширилган эди, бу институт муҳокамасига асосан проф. С.Н. Алиқориев томонидан тақриз қилиниб бу тақризга мувофиқ қайта ишланди ва 2002 йил июн ойида муаммолар институтига қайта чоп этишга топширилди.

Иккинчидан – ушбу ўқув қўлланма 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги томонидан тасдиқланган янги намунавий дастурга асосланиб, кафедрада тузилган ишчи дастурга мувофиқ иккинчи маротаба қайта тайёрланиб, кўпгина мавзулар бўйича жиддий ўзгаришлар киритилди.

Учунчидан эса – янги намунавий ва ишчи дастур асосида “Эмпирик социал тадқиқиотлар” мавзуи қайта ишланиб замонавий талабларга асосан социал муаммоларни социал тадқиқотлар асосида илмий ва амалий тахлил этиш ва хулосалар қилишнинг замонавий услубларига мувофиқлаштириб ёзишга ҳаракат қилинди.

Тўртинчидан – “Социология” фани бўйича янги дастурда (2004 йил июл) кўрсатилмаган, аммо ўқув қўлланманинг биринчи вариантида мавжуд “Ўзбекистонда, жаҳонда глобал-социал муаммолар” мавзуи кўплаб “Социология” фани ихлосмандларининг истакларига эътиборан ушбу ўқув қўлланмада қолдирилди.

Бешинчидан – “Социология” фанидан эски намунавий дастур бўйича ёзилган “Миллий масала ва миллий муносабатлар социологияси” мавзуи ҳам ушбу

ўқув қўлланмада, қолдирилди. Шу билан бирга “Ўзбекистон Республикаси миллий мустақиллиги ва суверенитетининг социал муаммолари” мавзуи ҳам ушбу ўқув қўлланмада кенг тахлил қилинган ҳолда қолдирилди.

Олтинчидан – намунавий дастур асосида ишчи дастурда кўзда тутилган “Жамият ва унинг тизимлари” мавзусига алоҳида режалар асосида атрофлича тахлил берилди. Унда “Фуқаролик жамияти” ва “Маънавият ижтимоий тизим сифатида” мавзуларга алоҳида саволлар қўйилиб кенг тахлил қилинди, ва “Маънавий хаёт ва махсус соҳалар социологияси” мавзуи алохида тахлил қилинди, унда кооперация ва бегоналашуви тушунчаларига таъриф берилди.

Еттинчидан – янги намунавий ва ишчи дастур бўйича “Жамиятнинг ижтимоий тузилмалари” мавзуи асосида “Социл стратификация назарияси”, “Ёшлар социологияси” ва “Девиант-хулқ-атвор социологияси” масалаларига алоҳида тахлил қилиниб, уч ярим босма табақ ҳажмида алоҳида ўқув-услубий қўлланма сифатида рисола шаклида тайёрланиб чоп этилди. Унда “Социология” фанида социал страталарнинг Ғарб усулида тахлил қилинишига нисбатан унинг Шарқона, Марказий Осиё халқларининг ижтимоий ҳаётидаги объектив борлиги, турмуш тарзи, урфу-одати, анъаналари ижтимоий табақаланиши, тоифалари, аҳоли қатлами ва шунга мувофиқ социал ҳолатларига алоҳида Шарқона мазмунда тахлил берилди.

Умуман олганда ушбу қайта тайёрланиб, чоп этилаётган “Социология” фани (предмети) бўйича ўқув қўлланма намунавий дастур асосида тамоман қайта жавоб бераолиши даражасида ёзилганлиги ҳақидаги фикр хулоса ва баҳосини бериш китобхонлар эътиборига ҳавола. Қисман хато ва камчиликлари учраса китобхонлардан узр сўраймиз.

МУНДАРИЖА

Т\Р	Мавзулар номи	Бетлар
1.	Кириш	3-4
I. Мавзу: СОЦИОЛОГИЯ ФАНИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ		
2.	Социология фан сифатида, унинг назарий асослари	5-19
II. Мавзу: СОЦИОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА ТАРАҚИЙ ЭТИШИ		
3.	Социология фанининг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари	20-54
III. Мавзу: МАЪНАВИЙ ҲАЁТ ВА МАХСУС СОҲАЛАР СОЦИОЛОГИЯСИ		
4.	Социал институтларда таълим тизимининг шаклланиши ва ривожланиши	55-68
5.	Социал мунсоабатлар социологияси.	69-74
6.	Социология фанида бегоналашув муаммоси	74-76
7.	Маҳалла социал институт сифатида	77-96
8.	Оила ва никоҳ социологияси	96-111
9.	Таълим ва тарбия социологияси	111-127
10.	Жамоатчилик фикри социологияси	128-144
11.	Маданият ва жамият социологияси	144-155
12.	Дин социологияси	156-168
13.	Жамиятда махсус соҳалар социологияси	169-201
IV. Мавзу : “ИЖТИМОИЙ ТУЗИЛМАЛАР СОЦИОЛОГИЯСИ” (“СОЦИАЛ СТРАТИФИКАЦИЯ НАЗАРИЯСИ”)		
14.	Ижтимоий тузилмалар социологияси	202-258
15.	Жамият ва унинг тизимлари	258-281

V. Мавзу ИЖТИМОИЙ ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ ҲАЁТ СОЦИОЛОГИЯСИ		
16.	Жамиятнинг социал институтлари: ижтимоий жамиятда шахс, оила, никоҳ, бурч ва турмуш тарзи социологияси	281-315
17.	Иқтисодий, ижтимоий ва синфий муносабатлар	316-320
18.	Ўзбекистон республикаси миллий мустақиллиги ва суверенитетининг социал муаммолари	321-353
VI. СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УМУМЛАШТИРИШ		
19.	Социологик тадқиқотларни ташкил этиш ва умумлаштириш	354-397
20.	Хулоса	398-399

ШАКАР АҲАДОВИЧ АҲАДОВ

С О Ц И О Л О Г И Я
(ўқув-услубий мажмуали қўлланма)

МУХАРРИР: Доцент А.И.Сафаров
ТЕХНИК МУХАРРИР: Г.А.Алиева
МУСАХХИХ:
МУСАВВИР:

Теришга берилди:	2012 йил 12 апрел
Босишга рухсат этилди:	2012 йил май
Босма табоқ:	29 б\т.
Нашриёт манзили:	Самарқанд шаҳри, Лолазор кўчаси 70 уй. СамДАҚИ босмахонаси.
Нусхаси:	50 та
Бахоси:	Келишилган нархда

Ушбу ўқув-услубий мажмуали қўлланма “Социология ва иқтисодиёт назарияси” кафедра йиғилишида 2011 йил 29 декабр (қарор сон № 8) СамДАҚИ илмий кенгашида 2012 йил 1 март (қарор сон №6)даги йиғилишида мухокама қилиниб чоп этишга тавсия этилган.

С А М А Р Қ А Н Д - 2012 йил